

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ  
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

Муассислар:  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг  
"Камолот" жамғармаси

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Бош муҳаррир мувонини:  
Абдуқаюм ЙУЛДОШЕВ

Масъул котиб:  
Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати:  
Хотам АБДУРАИМОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Абдул Фани ЖУМА  
Абдусаид КЎЧИМОВ  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Faффор ХОТАМОВ  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгashi раиси:  
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгashi:  
Ҳамроқул АСҚАР  
Ўрол АБИЛОВ  
Жамол КАМОЛ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Миркамол ОДИЛОВ  
Нурмат ОТАБЕКОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Аҳмад УСМОНОВ  
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририятининг  
компьютер марказида сахифаланди.

Сахифаловчи:  
Саодат ТЎЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 6 (159) 1997 й.  
Муковамиизда:

1-бет. "Ўзбегим" дастасининг бадиий раҳбари,  
хушвуз хонанда Абдурашид ИСОҚОВ.

4-бет. Ўлкамизда қиши.

**МУНДАРИЖА**

**НАЗМ**

Хосият БОБОМУРОДОВА. Дилинг гул очган  
кун келаверасан... 3  
Ўқтам ОДИЛОВ. Куз негадир кечикмас сира 24

**НАСР**

Кўчкор НОРҚОБИЛ. Коронгу уй  
Омонкелди НОРБЕК. Кенжатой туғилган  
кунга боради 25  
Носир ФОЗИЛОВ. Абдулла Қаҳхор  
ОТАУЛИ. Афанди ўлмайдиган бўлди. Достон 28  
34

**ОЛИС-ЯКИН ОВОЗЛАР**

Илҳом ҲАФИЗОВ. Кўзларинг нурида ракс  
тушар ўлим... 33  
Даврон СУЛТОН. Сўнгагимни найдай  
чалди шамоллар... 50  
Махфуза УБАЙДУЛЛАЕВА. Орзуларим  
бир оху 56

**ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ХАЗИНАСИДАН**

Шарль БОДЛЕР. Мусибат кўзлари 51

**ТАДКИКОТ**

Шухратиддин СИРОЖИДДИНОВ. Икки минг  
туман кепакий можароси 55

**БИРИНЧИ УЧРАШУВ**

ШОҲ САНАМ. Шабнамга чайилган далалар  
Бурхон ШЕРМУҲАММАД. Кўнглим гулга  
кирди... 57

**ТАРИХ. ДАВР. МУНОСАБАТ.**

ЎРДАБЕКЛИ. Кулдан чиққан шоҳ кисмати 58

**МУТОЛАА**

Замира ЖАЛМАТОВА. Мангу яратувчига  
эҳтиром 63

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-й  
Телефон: 133-40-83.

Босишга 10.11.1997 йилда руҳсат берилди. Қоғоз формати  
60x84 1/8. Шартли босма тобоги 12,2. Нашриёт хисоб  
тобоги 12,0 Буюртма № 1692

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб  
изоҳланishi шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа  
концернининг босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон  
кўчаси, 41-й.



Хосият БОБОМУРОДОВА



# ДИЛИНГ ГҮЛ ОЧБАН КҮН КЕЛАВЕРасан...

## ҲАҚҚИМ БОРМИ СЕНИ ВАТАН ДЕЙИШГА

Бағрида ботирлар ўсган масканим,  
Улуғбек бошини берган осмоним,  
Бешигим, тобутим, мангук посбоним,  
Ҳаққим борми, дилда меҳринг түйишга,  
Ҳаққим борми сени ватан дейишишга?

Машрабнинг бўйини қучоқлаган дор,  
Нодира лабидан сизган лолазор,  
Қодирий кўксини макон қилган ор,  
Ҳаққим борми, номинг бошга кўйишишга  
Ҳаққим борми сени ватан дейишишга?

Дардларинг кўксимга санчилган ханжар,  
Дардингдан дарддон юрагим санчар,  
Сен ўтсан, мен сенда ёниқ самандар,  
Ҳаққим борми сен деб ёниб-кўйишишга,  
Ҳаққим борми, сени ватан дейишишга?

Бобур сени деди, кетди дарбадар,  
Усмоннинг қабридан дунё бехабар,  
Уларнинг ўчини олмасам агар,  
Ҳаққим борми сени дилдан суйишишга,  
Ҳаққим борми, сени ватан дейишишга?!

\* \* \*

Бир юрак бор, дардлари не билолмам,  
Билмам недан қонлар ичра тепади.  
Билганим шу мен ёнидан ўтган дам  
Сочларимнинг шамолини ўпади.

Ранжитмокдан кўрқадирман дилини,  
Ўйлаб-ўйлаб босарман ҳар қадамни.  
Ҳали-ҳали тушунмайман тилини,  
Бир сўз демай шоширади одамни.

Бир юрак бор, кетолмайман узилиб,  
Тепишига туташидир ҳар нафасим.  
Киркта жоним қонлар бўлди эзилиб,  
Билганим шул: ушал менинг қафасим!

## ГУЛЖАМОЛГА

Баҳорда инига қайтган күш каби,  
Дилинг гул очган кун келаверасан.  
Сенга ҳали ишқнинг тегмаган лаби,  
Билмай ҳам ҳамдардим бўлаверасан.

Шундайлар менини бўлгинг келади,  
Тўсик бўлмасаю кирсанг бағримга.  
Мени ўзингники қилгинг келади,  
Сипо турмоғимдан дилинг оғриб-а.

Огринма, юравер, кулиб, эркалаб,  
Кўнглингни игналар билан қазима.  
Берма дил, ўзгадан қилма ҳам талаб,  
Кўнгли шабнамдан ҳам тоза қизим-а.

Шеър нима?  
Юракнинг ҳад билмас ишқи,  
Темир кавушларинг тўзгиди унда.  
Абад билан ўлим шунчалар эшқи,  
Бахтга ёр бошингни кутади кунда.

Чиқиб бўлмас, бу йўлдан мард бўлсанг ҳам,  
Машрабдай девона кетмоғимиз бор.  
Сўзи гулим, дили тўла дард бўлсанг ҳам,  
Сўнг сўзни айтмолмай кетмоғимиз бор.

Боргил, дўстларингнинг базм, тўйларига,  
Йўл кўриб суюнгин, гул кўриб суюн.  
Бахтга ёр умрнинг баҳт уйларида  
Бир кириб суюнгин, бир кириб суюн!

Мени қўй. Бағримни қанчалар тилсанг,  
Шунча шеър топасан ва шунча алам.  
Қай кун дилинг етиб тубини кўрсанг  
Биласан нимадан қорайган қалам.  
(Сўнгсиз азобларда қоласан, болам).

Ханжар надир, бир сўз билан вайронман,  
Бир сўз билан нурлар оқар кўзимдан.  
Воҳ, Гулжамол, девонаман, ҳайронман,  
Тушун, авайлайман сени ўзимдан.

... Сен эса баҳорда қайтган қуш мисол,  
Дилинг гул очган кун келаверасан...

\* \* \*

Сизга тилак тилаш кулгули бир ҳол,  
Ўзингиз тилаклар бошида сарбон.  
Кўзларингиз олов, тилларингиз бол,  
Худойим омадни бус-бутун берган.

Кўксингиз бир бошни суяшга қодир,  
Умрингиз етади ишқнинг умрига.  
Рухингизга жаннат гуллари жодир,  
Бўйлари маст этар мингта қумрини.

Сиздан тилакларнинг ўзи тиланар,  
Дилим осмонида яшар жойингиз.  
Ҳар бир лутфингизга баҳтлар тўланар,  
Ҳар кун ўн тўрт кунлик Сизнинг ойингиз.

Кутлай дейман, тилим келмайди сўзга,  
Лойиқ либосингиз меҳру муҳаббат.  
Бу телба, шеърпааст кўнгилни сизга  
Ва сизни ўзимга тилайман фақат!

\* \* \*

Етар азоблари, етар ғамлари,  
Юракнинг бетига қарамай қўйдим.  
Ўчса ўчаверсин умид шамлари,  
Мен энди тўнимни тескари кийдим.

Кўнгил деб хорларнинг хори бўлдим мен,  
Осмон фуруримни ерга алмашдим.  
Куйганлар дилининг тори бўлдим мен,  
Сокин тунларимни шеърга алмашдим.

Эй кўнгил, бир марта гапимга кўнгил,  
Баланд осмонлардан қачон тушасан?  
Қачон яшамогим бўлади енгил,  
Мени ғамсизларга қачон қўшасан?!

\* \* \*

Не чоғлар талпиниб етсам сен нурга  
Дединги: «Бағримни бераман ерга».

Ерларни лолазор айласин қоним,  
Бағрингни ерларга бермагин жоним.

Бағрингни остида тупроқ бўлайин,  
Номингни айтсалар титроқ бўлайин,  
Ҳажрингда сарғайган япроқ бўлайин,  
Бағрингни ерларга бермагин, жоним.

Ерларда куяди меҳрим тафтида,  
Мен сени асрайман жоним кафтида,  
Фақат сен, фақат сен... кўнгил аҳдида,  
Бағрингни ерларга бермагин, жоним.

Кўзингта қоронғу бўлдими, олам,  
Кўрсатмай дедингми кўздаги жоланг,  
Кўксингдан ерларга кўчдими ноланг,  
Бағрингни ерларга бермагин, жоним.

Тупроқ тафтинг билан кетмасин ёниб,  
Ўтга чўлғанмасин бу олти жониб,  
Гумону шубҳада ёниб, тўлғониб,  
Бағрингни ерларга бермагин, жоним!

## КЕТМАНГ

Кетманг, кипригим-ла соchlарингизни  
Тараб қўяй, губор, чангани олай.  
Ҳориган ва ташна юрагингизни  
Шеърлар айтиб бериб зангини олай.

Кетманг, сиз кетган кун кетар умидлар,  
Ҳаваслари ўлган кўнглим кияр кўк.  
Багрида бир сирдай сақлар сизни тун,  
Кўксимга санчилар навбатдаги ўқ.

Кетманг, баҳор кетиб не бўлди ҳоли,  
Ҳажримда ёнди-да айланди кузга.  
Биласиз армонлиғ кузнинг аҳволин,  
Корлар мендан кетиб айланди музга.

Кетманг, жоним ер-кўк аролигида,  
Сизнинг пойингизга йиқилади жим.  
Тун билан қундузнинг айрилиғида  
Ойга айланади девона дилим.

Кетманг, кетишингиз туннинг расмидек  
Ёна бошлар ҳажр ўчокларида.  
Мен фақат ҳижрону ғамнинг хасмидек  
Бағримни тутаман пичокларига.

Кетманг, кетиб бўлмас манзиллар борку,  
Бу дил дил тутади айтинг кимгача?  
Майли, кетаверинг, мен энди билдим,  
Борар манзилингиз юрагимгача!

Кўчкор НОРҚОБИЛ

## КОРОНГУ УЙ

Қисса\*

VI

Кўшин ярим кечаси Қобул шаҳри ҳудудига яқин жойдаги атрофи тоғлар билан ўралган текисликда тўхтади. Жанг олдидан тайёргарлик кўриладиган пайтларда техникаларга «дам бериларди». Машиналар доира шаклида жойлаштирилди. Бизга гулхан ёки овқат иситишга рухсат беришди... Икки соатдан кейин яна йўлга тушишимиз маълум бўлди. Биз ҳеч қачон жангдан кайтаётib Қобул майдонида дам олиб, нонушта килмовдик...

Зим-зие тун кўйнида гулханлар ёнди. Ўлик сукунат измидаги тоғ ёнбағригача чўзилган тептекис майдонда аскарий ҳаёт жонланди. Жангчиларнинг бакир-чакирлари, дами баланд зобитларнинг буйруқлари, қурол-аслаҳаларнинг тарақ-туруғи, машиналарнинг гурилашидан бу ердаги синоатли жимлик чекиниб бўлганди. Мана шу текисликка бундан кейин, бутун умримиз давомида тағин бирор кеч қайтиб келишимиз ёки умуман қадам босмаслигимиз ҳақида ўйлаб кўрмасдик... Бунга ҳожат йўқ эди. Мен шу кечаси, шу ерда нонушта қилиш, бироз мизғиб олиш ёзигимга битилганини ҳис қилдим... Тақдир менинг кунларимни дақиқаларга бўлиб, етти ухлаб тушимга кирмаган жойларга сочиб юборганига ҳайрон эдим... Аслида урушнинг ўзига яраша қонулларини ҳисобга олсан, ҳозирги дам олишлар, коронгу кеча, ўн чакирим наридаги Қобул, қисмга қайтмай яна жангта кетиш, юзлаб таниш ва нотаниш аскарлар, дунёning бир бурчида туғилиб улғайган, сен шу пайтгача унинг кимлигиниям билмаган, ўзинг каби бу ерларда ўлимга дуч келиб юрган, бир қозондан овқат еб, бир хил мусибатга юзмаяз келаётган аскар орасидаги боғлиқлик, тақдир азалнинг битиги ҳақида ўй суриш кулгулидай тюлади... Майли, урушга ташланганлар фақат тўқнашув ёки жасорат учун ҳаракатда бўлмоғи керак, бошқа майда-чўйда, бичиб-тўқилган ўй-хәёллар, файласуфона гапларнинг бари бир кунлик жангдан сўнг пар каби ҳавода йўқолиб кетади деб ўйлайлик... Чиндан ҳам уруш тўқнашув, жанг қилиш, ғалаба ёки маглубият орасида қолган жангчиларнинг тирик қолиш учун кураши. Уруш қандай куч кўмагида бошқарилади? Урушни қандай қонуният изга солиб туради? Бу қонуниятни ким яратган, қачон, қайси асрда... Агар урушнинг рўй

беришида табиат қонуллари билан боғлиқлик сезилмас экан, урушнинг тепасида турган одам нимани истайди... нега бутун фикрини бошқаларга ўтказади, қотилликка ундейди, нега дунёдаги барча қурол тутган одамлар қуролларини иргитиб, кўлларини кўтармайдилар, узлари ажалга равона қилган қондошларининг ўлик нигоҳлари қаршисида фарёд чекмайдилар, нега... нега? Мен кейинги пайтлар нима сабабдан милиёнлаб одамлар тепасида аллақандай ёвуз маҳлук ҳукмронлик қилаётгани, нима учун шунча кўп одамлар пода сингари у ҳайдаган томон - ўлимга кетаётгани ҳақида ўйлардим... Умуман, урушда бир мамлакатни бошқаси босиб олади... кейин ўша мамлакат ҳалки қул килинади... таланади... Шу билан ер кенгайиб қоладими?.. Одамларни қириш билан ерни кенгайтириб бўлмайди-ку, ҳаёт барibir давом этади-ку... одам боласи икки газ ертун дунёни тика олмайди-ку...

ХХ асрда агар аскар қуролини ташлаб, мен тўйиб кетдим, энди уришмайман деса, хоинликда айблайдилар, ҳеч ким уни тушунмайди, ҳатто отиб ташлашлари мумкин... Урушда инсоний туйгуларнинг исён қилиши, ёруғ ҳаёллар, қадрқиммат ҳақида фикр юритилишига асло йўл кўйилмайди. Ҳар қандай жангчининг миясига шу тушунчани қўйиб бўлишгач, ундан бемалол отасига қурол ўқталишдан ҳам тоймайдиган қотилларни ясайдилар. Биз аффон ҳалқини хонавайрон қилаётганимизни ҳис этмаган ҳолда, жоҳилланиб қолганимизни ботинан сезаётгандик. Мен, Ринат, ҳаммамиз девор эдик... тош эдик... Биз ўзимизнинг ҳар қандай қирғин-барот ичиди пишиб бораётганимиз, иродамиз тобора темирлаштаётганидан хурсанд эдик...

Мен ўзим ҳақида қанчалик ўйламайин, барibir аллақандай ўкинч аралаш таскин ахтара бошлаётганимни тан оладиган бўлиб қолдим. Овуниш учун, ўзимни алдайман - ўлиб кетмаганингга шукр қил, ҳозирча тўрт мучанг соғ. Сен жуда кўп одамларга насиб қилмаган тирик дунёни кўриб турибсан. Ўлишдан осони, яшаб қолишдан қийин йўқ... Мен минг афсуски ўзимга терс қараган ҳолда бу тахлит юпанчнинг ичига бекиниб олган эдим... Мен тушуниб етган ҳақиқат шулки, урушда иштирок этаётган ҳар бир жангчи факат тирикликни пеш қилиб, ичиди етилган йигидан ҳам оғир дардни енгид ўшайди... Хунрезликнинг мусибатлари беадоқлиги каби, бу оғриқнинг азоби

\*(Охир. Боши ўтган сонда)

ҳам бедаводир... Бу шармандали кулфатдан фақатгина ўлим, душманинг қўлида ҳалок бўлишни истамаган аскарнинг автоматидаги охирги ўқ ҳалос этади. Ҳали эсини йўқотмаган жангчи ушбу йўлни танлаб улгурмаган экан, демак урушнинг мудхиш касаллигини аъзойи танасига юқтириб олмабди, юрагида урушга нисбатан кўзғалган нафрат портламаган... Демак унинг учун уруш давом этади, бир куни ҳаётининг якун топиши билан охирига этади.

Инсоннинг бутун умри давомидаги ўйлари, ҳатти-ҳаракати кўзга кўринмас самовий бир кудрат билан боғлиқлигига шубҳа қилмайман. Ҳозир менинг сигарет чекиш учун чўнтақ ковлашим ёки бошимдаги шлимофонни алмаштириш учун машина устидаги кутини очиб тимирскиланишим ҳам бехудага содир бўлмайди... Мен ҳозир қоронгуда, машина устида сигарет чекаяпман... Душман снайперда кузатиб тургандир. Ринат машинани нега айнан шу ерга олиб келди, бир қадам олға ёки орқага олиб тўхтатмади. Полк нима учун фақат шу ерда, шу маҳалда дам оляяпти... Нега мен айнан шу машинанинг оператор-отувчисиман... ёки Ринат билан бирга юришга, бир машинада жанг қилишга маҳкумман... Бизнинг машина балки сира минага тушмас, шунинг учун Ринат икковимиз бир экипажда жанг қилаётгандирмиз. Евдакимов агар бошқа БМП-2да урушга чиққанида ярадор бўлмаслиги мумкин эди-ку. Уруш ҳам, манови машиналар ҳам, аскарлар ҳам бир бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Менга бошқа БМП-да операторлик қылсам ёки сигарет чекмасам ҳалок бўлишим мумкин деган мантиқни тушунтириш нечоғлик оғир бўлмасин, барибир инсон ҳаёти ўзидан ташқарида улкан, мўъжизавий таъсир йўриғида давом этиши ёхуд тўхташи мумкин, деган тушунча хаёлимга қачон ўрнашиб қолганига ҳайрон эдим. Кўрқув ва ваҳима туйғусигина эҳтиёткорлик заруратини ҳамда ўлимни эслатиб туради. Мен тирик қоламан деган одамдан кўра, мен ўлмайман деган одамнинг юрагини ваҳм кўпроқ емиради, унда кўрқоклик жазаваси бир поғона баландроқ кўтарилади. Ҳар сония ўлим ҳақида хаёлга ботиш силлангни куритиб юборишини билсанг-да, урушда барибир ўлимни ўйлайсан... ич-ичингдан курий бошлайсан... Яшашни истаган, кўкка талпинган ниҳолдан фарқли ўлароқ, қўёш, ҳаво, сувга зориқмаган инсоннинг тирик қолиши, бевақт сўлмаслиги учун яна бир зарурат - ички осойиш керак бўлади.

Ринат машина ёнидан жой ҳозирлади. Мен оператор хонасидан гўшт ва картошкали темир кутичани олиб, оғзини очдим. Машина ортида темир нимчаларини тўшаб овқатланаётган пиёдалар ёқсан гулханга тутдим. Овқат қизигунча одатдагидай Мўмин билан Нурмахон меҳмонга келишди. Биз қоп кўрпа устида чўзилиб овқатлана бошлаган эдик ҳамки тўртингчи взвод томондан Юра келиб қолди... Қўлида икки литрлик резин сувдон... Гоҳо ҳавога отиб-отиб кўяди.

- Ха, шалпангқулоқлар... менсиз йигилибсанларми?

- Ке, ўтири, - деди Мўмин, - иззатингни оширмай келавермайсанми ўзинг.

- Энди минг қилсаям пиёдалар сержантни... обрўси бор, тўғри айтаяпти, бизга ўхшаб оддий

солдат бўлса бошқа гап. Сержант оғитсерга яқин одам... Бойруқ бериши мумкин. Мўмин, сен барибир овқатлигинга борасан-да... Тартиб-қоидани ўрганиб кўй...

- Хўп, Бойбиш, эзмаланма... Сенга бир нарсани гапирмаслик керак... Нима қиламиш энди? - деди Юра сувдонни тўқиллатиб ерга кўяркан чўккалаб.

- Нима қилардинг... овқатлангани келганингдан кейин қорнингни тўйғазиб кетасанда, - Нурмахон кайфияти кўтарила ҳазилини ўрнига кўярди.

- Мен демокчиманки, заҳарларингта манови зормандадан бир татиб кўрсак. Анча ўткир экан. Разведкачи юртдошларим тайёрлашибди. Ўзиям брашкамисан брашка<sup>20</sup> экан. Зўр ачиган.

- Эҳ, яшавор, Юра. Ажойибсан қадрдон.., - Ринат ёнбошлаган кўйи сувдонни олиб силкиб кўйди.

- Юра, бу зўр иш бўлди, дўст, - деди ўрнидан туриб чордана курган Мўмин, - қани бир хўплаб кўрай-чи.

Мўмин сувдонни даст кўтариб икки ютум ичди. Бошини чайқаб қойил деб кўйди.

- Ишқилиб топиб келган нарсанг ошқозонда қотиб қолиб, ичимида нон пишмайдими? - Нурмахон тағин паст келмади.

- Бойбиш, сен ичмайсан, - деди Юра. - Сен ниманинг фаҳмига бораардинг.

- Ичаман деб ўлаётганим йўқ, фақат менинг қарзларимни узишинг керак. Бир ўзбек билсанг, пулим куйган пиёзим деб совунни еган экан. Ўша ўзбек менинг бобом бўлади...

Ичимлик чинданам зўр эди. Бир хўплағандим, томоғимни қириб кетди. Биз брашкани сувдоннинг оғзига қўйиб галмагалига ича бошладик. Яrim хўплам қилиб ичаётган бўлсак-да, сувдоннинг оғзи даврани жуда кўп айланашаётгани боис кайфимиз кўтарила бошлади. Менга брашка таъсир қилди.. Башқалар ҳам мен каби дақиқа сайин сигарет тутатишар, ҳар гутурт чақилганда юзларидаги сўлғинлик, нигоҳларнинг ўйчанлик беркитган тун пардаси сидирилар, қайгу ва мунг котган сиймоларга бир сония қизғиши ёруғликда кўриниб, қоронгулик ичра гарқ бўлиб кетарди. Сувдон бўшади. Биз чурқ этмай тутатардик.

- Хўп, ўртоқ сержант, энди қаёққа юриш қиламиш? Тўғри полкка қайтарканмизми, - деди Нурмахон жимликни бузиб.

Ҳаммамиз бутун бошли армиянинг қисматини ҳал қиладиган генерал каби Юранинг оғзини пойлардик... Юра полкка борамиз, бошқа ёққа кетмаймиз, дейишини жуда-жуда истардик. Бироқ у ҳам биздан ҳеч қанақа фарқи йўқ, оддий бир жангчи эди.

- Мен қаердан билай... Нима, ўзинг фаҳмламаяпсанми? Кўриб турибсан-ку. Бу ерда бехуда дам олмаяпмиз. Қобул ўн чақирим келади. Агар полкка кетадиган бўлсак, вақтни бехуда ўтказиб нонушта қилармидик. Разведкачилар техникаларга ёқилғи солиб бўлишди. Улар аввалроқ йўлга тушишади...

- Ҳе онасини... яна... кирамиз дегин... Очиги шулаънати жойга тўхтаганимиздан кўнглим сезувди, - деди Мўмин.

<sup>20</sup> Брашка - қўлбола ичимлик, кайф беради.

- Бўлди килинглар. Фақат сўкинишдан, ўзларингни ейверишдан нима фойда? Эй, онасини эмсин! Бир гап бўлар... ўлсак ўлармиз. Шунчалик ваҳманинг нима кераги бор... Сизлар бемалол эзилишиб ўтираверинглар. Мен машинага кириб мизғиб олай. Ҳали худо билади, Панжшерга қараб жўнаймизми?

Ринат ўзини бепарвонликка олиб машинага чиқди. Мўмин Панжшерният, афғониниям, армиясиниям, ҳаммасини бўралаб сўқди. Нурмаҳон чирқ этмай ўрнидан турди-да, автоматини елкалиб машинаси томон кетди. Мен қўрпани йиғиштирумокчи бўлганимни сезишгач, Юра билан Мўмин ҳам ўрнидан турдилар. Пиёдалар машина устида донг қотиб ухлашар, техникалар атрофида факат қоровуллар ўёқдан-буёққа юришибди... Аҳён-аҳёнда уларнинг «Тўхта, парол» деб бақиргани эшитилади, текширувчи зобит ёки ёзилгани чиқкан солдат тўнғиллаб «Парол олти» деб кўяди... Мен оператор хонасига тушиб ўриниклар оралиғига автоматимни кўйиб, устидан темир нимчамни ташладим. Оёкни чўзиб ухлашга жой хозирладим. Бошимга шлимафонни кийиб, узатгични алоқа кутисига уладим-да, чўзилиб ётдим. Кўзимга анча пайтга довур уйқу келмади... Ташкарида юрган қоровулларнинг темир нимчасига курол кўндоғи урилиб тақиллаган овоз чиқаради. Худди узоклардан отлар келаётганга ўхшайди. Ҳар замонда механик хонасида ўриник ғийқилаб кўяди. Ринатнинг ҳам уйқуси қочганини фаҳмлаяпман. Гоҳ ўён, гоҳ бўёнга ағдарилиб бир нарсалар деб тўнғилтайди...

Ринатга менга қараганда анча қийин. У баъзан тун бўйи машина бошқаради. Олти юз чақириллаб масофани кечалари босиб ўтишга тўғри келган кезлари, у белим тахта бўлиб қолди деб нолирди. Колоннанинг чанг-тўзони ичидаги кабинадан бошини чиқазиб юрмаса бўлмайди. Ўшанда юзида чанг тўзон қотиб қолар, кўзлари кип-қизариб кетарди... Баъзида биз каби ёш болага каттакон БМП-2ни топшириб кўйишганига ҳайрон бўлардим. Ринат машинани барибир яхши тушунарди. Мен дастлаб отишдан қанчалик чўчимайин, кейинчалик бу мушкул иш шунчаки бир юмушга айланиб қолди. Мен ҳатто машина ичидаги снарядларни лентаси тиқилиб қолгудай бўлса тузата олиш ёки пулимёт ленталарини қисқа фурсат ичидаги ўқлаш даражасига етдим. Отишма бошланиши билан оларни Ринатга ички алоқада йўналиш бера олардим... отув милини душман ҳамла қилган томонга тўғрилашим учун яrim дақиқа вакт кифоя эди. Ҳуллас, биз жангнинг ҳадисини олиб ўргангандик. Ҳар қандай вазиятда ҳам Ринатнинг машинани бешикаст олиб чиқишига, эсанкираб қолмаслигига ишонардим. БМП-2 афғон урушида энг ишончли ва кулай техникалардан бири бўлиш билан биргаликда, уни бошқаришни ўрганиш қийин эмасди. БМП-2 жангнинг кўлидаги автоматдан кўра ихчам ҳамда ваҳмали курол эди. Бу курол билан энди ўн тўққизга ҳатлаган икки йигит катта-катта қишлоқларни вайрон қилиб, одамларини тир тизғитиб, қириши мумкин.

Ринат қопқани очди. Ичкари баҳорнинг енгил ҳавосига тўлди. У машинадан ташқарига чиқиб, ерга сакраган эди ҳамки, қоровул қичқириб қолди:

- Тўхта, парол!

- Олти. Ҳе итдан айниганд. Кўзинг кўрми? Гаврилов!...

Мен роса кулдим. Ринат темир кутичаларни тарақлатиб тепди-да, яна сўқинди.. Мен оператор хонасининг қопқасини очиб, машинадан бешолти қадам нарида турган қоровулдан сўрадим;

- Қачон йўлга тушарканмиз, Гаврилов?

- Замполит<sup>21</sup> баталион штабига бориб келди. Яrim соатдан кейин ротани уйготасан деди.

- Қаерга борамиз, деб сўрамадингми?

- Айй, Баграмга дейишибди. Постларимиз<sup>22</sup>ни дабдала килишшаётган экан... Ўн тўртингчи қуршовда қолибди.

- Баграм худо урган жой... бугунги эрталабки томошадан баттаррогини кўрасан... сен биринчи марта жангга чиқаяпсан-да... қалай, қизиқмикин?...

- Умуман, кўркинчли... очигини айтсан, чинакам уруш бошқача бўларкан. Агар ҳаммаси шунаقا бўлса даҳшат... қаерга отишингният билмай қоласан.

- Отиб нима киласан. Жонингни асрасанг бас. Агар ўлишинг аниқ бўлса, отсанг-отмасанг барибир. Сен ҳали кўп жангларни кўрасан... Хизматингни энди бошлайпсан-да... Ҳар ҳолда зийракроқ туришинг керак... Йўқса ажалинг оёғингнинг остидан чиқиб, асфаласофинга жўнативоради...

- Ҳа, тўғри, ҳали сизлар каби кўп нарсани кўришга мажбурмиз... Сизларга оз қолди... яқинда кетасизлар.

- Мен ҳам сендейлигимда «қария»ларга ҳавас қилардим.

- Афғоннинг ҳамма жойида бўлганмисан?

- Деярли. Буёғи Панжшердан тортиб то Салангтча, Чорикор, Пагман, Жалолобод, Қундуз - юзлаб қишлоқларни айтвэр...

- Жангда бизниклардан ҳам кўп киши ўладими?

- Бу топширикка боғлиқ... Баъзи ҳолларда роса қиришади...

- Уларда-чи, улардаям ўликлар бўладими?..

- Духларни камдан-кам ҳолларда кўрасан...

- Нега?

- Э, ҳали тушунмайсан барибир. Улар кўринмай отади. Тешикми, форми ҳаммасини беш бармоқдай билишади. Шу ерда яшагандан кейин сени истаган ўйинга солишлари мумкин-ку...

- Бизнинг тўпларимиз, ракеталаримиз, шунча кўп техникаларимиз бор. Наҳотки, духлар шундай куч олдида енгилмаса...

- Уларнинг бўйин эгиши мумкин эмас. Ахир Ватан, манави тупроқ, ер уларники-ку! Техникаларинг эса, ошнам, факат тинч ахолини хонавайрон қиласи, хатон-халаж, етим-есир, болачакни қиради... дuxsiz қолган қишлоққа отаверади.

- Ўша ерда барибир битта яримта душман қолади-ку.

Гаврилов машинага суюниб олди. Унга уруш ҳақида гаплашиш қизиқ туюлаётганди. Афғонга келганига бор-йўғи икки ой бўлган бу йигитчанинг

<sup>21</sup> Замполит - командирнинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.

<sup>22</sup> ПОСТ - армиямизнинг кузатув нуқтаси.

ҳар нарсага саросима аралаш қараши, кизиксиниши табий эди. У ҳали жангни жасорат майдони деб ўйлайди, совет армиясининг куч-кудрати, акл-заковатига ишонади. Дунёдаги энг зўр армия - бизники деб тушунади. Мен ҳам Гаврилов каби уруш нималитини англамай туриб, ҳарбий ўкув тайёргарлигидан сўнг, шу туйғу эхтиросида афғонга шошилганман... Афсус... минг... афсуски ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Энди чидаш керак. Бу ерда ягона мақсад омон қолиш, бошқалар учун эса ўлик-тиригинг бир пул. Афғонда ҳалок бўлган совет солдатини бир куни қилмишига яраша жазо олди деб изоҳлаидилар. Бундан ортиқроқ, ҳақорат бўлмайди.

Гаврилов тағин нималарнидир сўрамоқчи бўлиб энтиқди. Менинг кайфиятим бузилди. Кўнглімга гап сифмай қолди. Унга озіна бўлса-да мизғиб олай дедим. Шу пайт ўн беш қадам наридан биз тарафга бир шарпа яқинлашиб келарди. Пайқадим, Ринат бўшанглашиб келаяпти. Гаврилов шарпа томонга зудлик билан ўгирилиб автоматини тўғрилади ва қичқирди:

- Тўхта, парол!!!

Шарпа эшитмаганга олиб яқинлашаверди.

- Тўхта парол. Тўхта! Отаман.

Шарпа хуштак чалиб келаверди.

Менинг кулгим қистади, ўзимни зўрга тутиб турдим.

- Тўхта, отаман!

Гаврилов куролини шараклатиб, отишига ҳозирлади.

Шарпа бироз тўхтаб турди:

- Парол олти... Гаврил!.. Мен Ринатман. Отиб кўйма тағин, чижик...

Мен Ринатнинг юзи қаҳрли тус олиб, лабларини пирпиратганини қоронгуда кўрмаган бўлсан-да, кўз олдимга келтирдим... Кулиб юбордим. Говрилов ҳеч нарса бўлмагандай штаб томонга юрди. Ринат машина олдига келиб менга ўшқирди:

- Очиб кўйибманми? Нега бунча куласан...

- Тўғриси, сени душман деб ўйлабмиз, - ҳазилга бурдим.

У беш-олти қадам олислаган Гавриловдан аламини олмаса ҳовуридан тушмайдиганга ўхшайди. Ерга чирт этказиб тупурди. Бошини қашлаб кўиди. Менинг олдимда изза бўлгани оғир ботди. Ҳамияти қўзиганини хуштак чалганиданок сезувдим.

- Хой, Гаврил! Қани бу ёкка кел... - у ғазаб билан қичқирди.

- Ринат, нима қилмоқчисан?

- Сенинг ишинг бўлмасин.

- Индама, урма уни, ахир чижик-да, ҳамиша уставга риоя қилиш керак деб ўйлайди. Ҳали урушни кўрмаган, қоровулда турганда чўчиди, - дедим уни юмшатиш учун.

Гаврилов Ринатга яқинлашди.

- Ҳей, ит... Онангни фалон қилай, Гаврил... кўрмисан... ё атайин мени мазах қилдингми, чижик... Мен сенга кўрсатиб қўяман, ҳайвон! Мана! - у Гавриловнинг бошига қўйиб юборди. Қоровул силтаниб, темир нимча ва автомати тақиллаб кетди.

- Ринат, нима учун, Ринат, қайси гуноҳим учун?

Гаврилов орқага тисланаверди...

- Тўхта, ит... Сен ифлос, машинадан чиқиб ёзилгани кетганимни кўрувдинг-ку!.. Нега мени ўйнатдинг. мана сенга парол, манови отаман деганинг учун! - у тепди.

- Ахир... мен қоровул-ку! Ринат, комбат қаттиқ тайинлаганди. Мен сергак туриш керак деб тушунаман.

- Ҳе, сендей сергакдан ўргилдим... Бор йўқол... Онағар индамаса отиб қўйя деди, - Ринат ғазабланганидан Гавриловга ўзбекчалаб гапириб юборди.

- Бекор урдинг-да, ҳали кўп нарсага кўнижмаган. Душман келаяпти деб ўйлаган, - дедим Ринат механик хонасига тушгач.

- Сен... бас қил!

## VII

Тонғги фира-шира. Катта йўл ёқасидаги қишлоқни талофатсиз оралаб ўтган кўшин Баграм худудидаги кенг узумзорда тўхтади... Пушталарда тарвақайлаган токлар машиналарнинг занжири остида эзгиланди. Танклар кўндалангига кесиб ўтган жўяклар тупроққа тўлди. Бесаноқ техникалар ини бузилган чумолидай тарқалиб пиндик ота бошлаган новдаларни ер билан битта қилди. Кимларнингдир ризқи боғланган боғ таг-туғи билан қуриди ҳисоб. Баҳорда қуриган бу токлар қайтиб ўзини ўнглай олмайди. Қаршимиздаги кулбалари тифиз солинган қишлоқ аҳли ҳар жой-ҳар жойдан одам беличалик дувол билан сарҳадлаб ажратилган боғларини ҳеч бир сабабсиз вайрон қилиб ташлаганимиз боис, биздан нечоғлик нафратланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Биз ҳаммасини тушунган ҳолда ўта бемаъни ҳатти-ҳаракат қилаётган тутруқсиз ёш болаларга ўхшардик. Айнан узумзорда тўхташ зарумиди, деган ҳаёлга борсак, ҳеч қандай важ-карсоннинг ҳожати йўқ. Қишлоққа кириш учун шу узумзор орқали ўтилса куляй бўларди... Агар қисм катта йўл орқали юрса қишлоқнинг орқа томонидан айланиб қиришга тўғри келарди. Шу боиски биз токзор ичидан кесиб ўтишни мўлжаллагандик.

Қишлоққа разведкачилар взводи юборилгандан сўнг техникаларни жанговар ҳолатда шайлаб ҳаракат қилдик. Олдинда танкчилар баталиони, сўнгра пиёдалар бораради. Минамётчилар ва оғир артилерия токзорда қолди.

Қишлоқ тор кўча бўйлаб чўзилган кўримсиз кулбалар, ҳовлилардаги мевали дарахтлар панасидан кимдир курол ўқталиб тургандай ваҳимали эди. Ўларда ҳеч ким кўринмас, одамлар гойиб бўлишганди. Эшик-орада фақатгина уй эгаларининг мол-ҳоли, товуқлари кўзга ташланади. Ҳатто дуволлар оша қизиксиниб қаровчи болакайларнинг ҳам қораси кўринмайди. Халқ қишлоқни ташлаб тоққа чиқиб кетганди. Агарки душман болачақаси, аёлларини хилват жойга кўчирибдими, демак, қиёматли жанг бўлиши муқаррар. Нега унда бизни қаршиликсиз ўтказиб юборишаётпи ё постларга мададга келишимизни олдиндан билишгани учун индашмаяптимикин? Балки қайтаётганимизда хужум қилишар?

Механик ва операторлар машиналар ичкарисида жанговар ҳолатда ўрнашиб олишганди. БМП-2 устидаги пиёдалар жонларини ҳовучлаб

атрофга олазарак қараб боришарди... Ўқ овози эшитилиши билан улар ерга сакрайдилар, машиналар панасида хужумга ўтишади.

Қисм қишлоқнинг қоқ ўртасига кириб бўлгач, колонна ортидан ўқ отилди. Олд томонда портлаш содир бўлди, бир зумда ҳар тарафдан гранатамётлар ишлаб қолди... Бирор шарпа сезилмаган қишлоқ жон-жаҳди билан бизга зарба берди. Колонна таққа тўхтаб, БМП-2 ва танклар йўлнинг иккала томонига, қишлоққа қаратса ўт очди. Кутимагандан душманнинг еру кўқдан ўқ ёғдириши қўшинни эканкиратиб қўйди. Оқим бўйлаб бемалол сузётиб туйқус гирдобга тушиб, чирпирак бўлиб айланәтган кайиқ ва унинг ичида сайёхлар каби гандираклаб қолдик. Биз қуршовга олинганимизни пайқадик. Танкларнинг қишлоқни ёриб ўтган йўлда ҳимояга зўр беришдан бошка чораси йўқ эди. Пиёдалар машиналар тагида ётиб қишлоқни ўкка тутди... Асосий кучни қайси томонга йўналтиришни билолмасдик... Йўлда туриб қолган колоннага душман ўнгу сўлдан қақшатгич зарба берар, автоматларнинг тариллаши ва гумбирлаган портлашлар ичидаги қолиб кетдик. Атрофни бир зумда чанг-тўзон, қуюқ туман қоплади... Аскарлар жон талвасада югуришар, ўзларини дуч келган жойга уришар, бирор тош панасими ёки чукурликни дарҳол панараб олишар, айримлари ерга юзтубан ёпишиб, бўйинларини елкалари орасига қисишиган кўйи қимир этмасдилар... Улар жанг пайтида машинадан беш-олти ҳадам узоқда бўлишлари керак эди. Чунки душман биринчи галда техникаларни нишонга олади.

Алоқани бақир-чақир, саросимали қичкириклар тутди. Ўлганлар ва ярадорлар ҳақида зобитлар тинимсиз алоқада қисм командирини огоҳ этишар, БМП-2 ва танклар бехато урушаётганини хабар қилишарди. Айниқса пиёдалар ўт-олов ичидаги қолиб кетганди. Ҳаводан шангиллаб учган снарядларнинг саноғи йўқ эди. Мен отув милини тўғридаги уйлардан бирига мўлжаллаб узлуксиз отавердим.. Ким қаерга, нимани нишонга олаяпти, билиб бўлмайди. Алоқадан бирор нарсани англаш шунчалик кийинки, турли хил овозлар бир-бирига қўшилиб кетгани камлик қилгандай, ҳатто ўқ овози ва портлашлар ҳам эшитиларди. Машина ёнверига снарядлар келиб тушар, ҳар портлашдан сўнг атрофни тутун ва чанг қоплар, кузатув ойнасидан ҳеч нарсани кўрмай қолардим. Назаримда, дуволлар ва дараҳтлар, уйларга жон битиб биздан беаёв ўч олаётгандай эди.

Мен бу жойдан тирик чиқишимизга ишонмадим. Қайтиш ўюли ҳам беркилиб қолган эди. Портлаган техникаларнинг йўлдан сурниб ташлаш учун ҳали узоқ вақт керак эди. Пиёдалар қирилиб кетади... Машина сиртига чангиллаб тегаётган ўклар ваҳмасидан ичимда титрок уйғонади, бўшашиб қоламан... мен беихтиёр ўзимни йўқотиб кўйгандим, нима қилаётганимни ҳам сезмасдим. Қўлларим отув нуктасига ёпишиб қолгандай эди гўё, кетма-кет отавердим, снарядлар учганда машина силтанар, ичкарини аччик дуд-пороҳ ҳиди тутиб кетганди. Мен отув милини гоҳ чапга, гоҳ сўлга тўғрига қаратиб ўт очардим... Снарядлар теккан жой ёришиб кетарди. Отишма менга ёкиб

колаётганига ҳайрон эдим. Гўёки мен лаззатли бир ўйинни бажараётгандайман. Ким билсин, балки одам ақлдан оғса шундай ҳолни бошидан кечирар, балки куни битган одам учун курбон бўлиш асло даҳшатли туолмас . Мен ўлим ҳақида сираям ўйламай қўйдим, кўркувнинг энг олий даражаси қарахтилик боис ақлим кирди-чиқди бўлиб қолганига ажабланмасдим. Қизик, одам ўлимга шунчалик қисқа вақт ичида чоғланиши мумкинми? Мен умуман ҳеч нарсани ҳаёлимга келтирмасдим... Фақат отишдан, снарядлар мен кўзлаған нуқталарга тушаётганидан хузурланаяпман.

Даричаларига чўпдан тўсин қилинган кўримсиз кулбаларнинг дуволлари анча мустаҳкам тикланган. Ўйлардан бирини қанчалик мўлжаллаб отмай, барибир тўкилиб бўлиши осон кечмади... Снаряд теккан жой ўйилиб қолар, дувол қилт этмасди. Мен даричаларни кўзлаб ўт очардим. Бехато бориб етган снарядларнинг кўпчилиги ичкарида портларди. Аҳён-аҳёнда ўша кулбага танк снарядлари ҳам келиб тушар, ортидан ҳавода қизил чизик тортиб автоматларнинг ёнувчи ўклари зувуллаб учар, кулба деворларига тегиб, ўз йўналишини ўзгартирап, сўнгра, кўкда, икки одам бўйи баландликка санчиган ёнувчан ўқ фойиб бўлиб қоларди. Бу манзара шунчалик қисқа вақт ичида, бир киприк қоқгулик фурсатда содир бўларди.

Дараҳтлар панасида олов пуркаб гранатамётлар ишлар, ўпирилган кулбалардан АКМ<sup>23</sup>лар бизни чийиллаб ўкка тутар, қишлоқ ичкарисидан минамётлар отиларди. Гоҳо «Ер-Ер» ва «РС»лар<sup>24</sup> учарди. Душман ўзини кўрсатмай, ҳаддан зиёд эпчиллик билан ҳаракат қилаяпти. Йўл ўртасида тикилиб қолган колоннанинг ҳар тарафдан зарбага учраши, яраланган арслоннинг итларга таланишига ўшарди. Отишма тобора авжига чикқан сайин, оппоқ яктак-иштонини селбиратиб мушукдай сакраб дараҳт ёки дувол орқасига беркиниб бизга қаратса қаршилик қилаётган душманни кўриб қолаяпман. Мен дух паналаган жойга ўқ отиб улгурмасидан, машина кескин силтанди, кулоқни йиртар даражадаги гумбурлашдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Машина ичкариси аччик куйинди дудга тўлди. Нафас олиш мумкин бўлмай қолди, бунинг устига кўзим ҳеч нарсани илғамас, бошим чирпирак бўлиб айланәтганди. Ҳаёлимни машина портлади, уриб ташладилар, деган ўй чакмоқдай тифлаб ўтди. Мен жон ҳолатда қопқани итариб ташқарига отилдим... Машина устида бош кўтармай ётдим... тепамдан визиллаб ўқ ўтар, қимир этишнинг имкони йўқ эди... Ичкаридан очик қопқа орқали тутун ўрляяпти. Мен ринатга нима бўлганини аниқлаш мақсадида тағин ичкарига тушмоқчи бўлиб, башняда эмгаклаган эдим ҳамки, бармоқларим тутган кузатув ойнасидан бир қарич пастга чангиллаб ўқ тегди. Душман мени кузатиб турганини ҳис қилдим. Қўлларим беихтиёр танамдан отилиб кетгудай даражада силтанар, мен ўзимни йиғолмай қолгандим. Бор овозим билан «Ринат» деб кичқирдим. Атрофни тутган қиёматли

<sup>23</sup> АКМ - Калашников автомати

<sup>24</sup> «Ер-Ер», «РС» - душманнинг узоқча учувчи кучли портладиган снарядли ракета қурилмаси.

шовкин-сурон менинг овозимни ямлаб кетиши хаёлимга келмасди. Мен механикнинг хонасига эмаклаб бордим-да, копқани очдим... Ичкарида машина чамбарагини тутган Ринат без бўлиб ўтирибди. У тош каби қотиб қолгандай эди. Юзи докадай օқарган, кўзлари косасидан чиккудай бўлиб каттариб кетган, кимир этмайди... гўёки музлаб қолган... Ичкарига бошимни суқиб тагин Ринатлаб бакирдим. У қимирламади... Мен механик хонасига тепадан қўлимни суқиб ҳайкалга айланган Ринатнинг бошига муштладим. У бошини илкис чайқаб, тепага, менга қаради-да, бакириб юборди... Одам боласининг қўркувдан бунчалик аянчила ахволга тушиб қолишини, қичкирганда юзлари буришиб кетишини асло кўрмагандим. Ринат қалтираган қўлларининг панжаларини очиб менга кет ишорасида кескин силтаб қичкирали... Атрофда рўй берётган аянчи жангдан кўра Ринатнинг тентакнома қичкиргани ваҳималироқ эди... негадир унга қараб туриб, мен ҳам бакириб йиглаб юбордим, ўрнимдан даст туриб душманга кўксимни тутгим, ёки бизга шунчалик қўркув солган қишлоққа қараб юргум келди... мен ортиқча чидай олмасдим... теграмдаги даҳшатли манзарани бошқа қабул қилолмасдим, очиги миям зўришиб ўзим англамаган қандайдир куч таъсирида ҳаракат қилаётгандим. Мен бошимни кўтариб олдинга қарадим - колоннанинг ярми аллақачон йўлнинг сўл томонидаги сувсиз канал бўйлаб орқага қайтган, портлаган машиналарни судраган танклар ўтаётганди. Биздан учта машина олдиндаги БМП-2 ловуллаб ёнаяпти... машинамиз атрофида ерга ёпишган кўйи икки пиёда қишлоққа қаратса ўқ отаяпти... улардан нарида яна биттаси эмаклаб биз томон келаяпти. Мен биздан кейинги БМП-2нинг ҳам орқага қайтаётганини кўрдим... Чекинишга буйруқ берилганини фаҳмладим... Ринат ичкарида гужанак бўлиб қалтирали. Машина рўпарасидаги харобазордан чиқсан бир тўда душман, бизнинг оғир талофат кўрганимизни, БМП-2 ишдан чиқсанини англағанди. Улар биз томонга тоғъиб, тоғъ эмаклаб яқинлай бошлади... Баданим чўғдай қизиб кетди... Ичимдан аллақандай нафрат тошди... газабдан ўзимни кўярга жой тополмасдим... ановиларнинг ҳаммасини тирқиратиб конини тўкким келаётганди. Қандай қилиб механик хонасига тушганимни билмайман, шлимафонни алоқа узаткичга улаб, башняни ҳаракатлантирумокчи бўлдим... бироқ ток билан ишлайдиган нукталар ишдан чиккан эди. Мен башняни механик айлантиргич орқали кўл билан буриб, отув милини пасайтиридим. Кузаткичдан хароба биноларни топдим ва отув милини ўша томонга тўғирлаб бироз пасайтириб, эмаклаб келаётган душманни кўрдим... улар тўртта эди... Ўртадагисининг кўлида гранатамёт... негадир тўхтаб қолишиди. Отув мили билан биргаликда пулимётни ҳам босишига қарор қилдим... душман икки юз қадамлар чамаси яқин қолганди. Пулимёт тепкисига сўл қўлимни, отув мили тортмасига ўнг қўлимни теккизиб пайт пойладим... Ўртадагиси бироз қаддини кўтариб гранатамётни бизнинг машинага тўғрилади, бошқалари автоматларини рўпара килишган... Мен отув милининг масофа белгиси қўрсаткичини бир юз эллик метрга кўйиб, нишон қўрсаткичини унинг қорнига мўлжалладим...

Пулимётниг нишон қўрсаткичини ҳам гранатамётли кишига тўғрилагандим... У гранатамёт осилган ўнг елкасини ичкарига олиб, бироз ёнбош ҳолатга келиб отишга шайланди. Мен қўлларимга қарадим... Шовуллаб тер оқаётганди. Қўзимни чирт юмиб отув мили ҳамда пулимёт тепкисига иккала қўлим билан ёпишдим. Снаряд узлуксиз отилар, пулимёт тариллаб, бўшаган гилзалар ичкаридаги маҳсус темир кутига тушарди. Қўлларим тепкига ёпишиб қолган эди...

Кейин... кейин... орқага.. алоқа қурилмасига бошимни тираб уйқуга кетдим... Ҳавода самолётларнинг ванғиллагани, еру кўкни ваҳмага солиб гумбурлаган портлашлар эшитилди... Мен кишлоқнинг ўртасида югураյпман... нафасим кайтаяпти. Осмондан гупиллаб бошлар ёғилаяпти... Ер тили чиқиб қолган, кесилган каллаларга тўлиб кетган... Мен каллалар бошимга тушмаслиги учун қўлим билан бошимни тўсиб олдим. Бошларнинг соқоллари қип-қизил қон... кўзлари чакчайган. Ерга тушган калла тупроққа қоришиб гилдирайдида, тўхтаб қолади. Теварак осмондан тушган бошларга тўлиб кетди. Мен қаёққа қараб чекинишимни билмайман. Оёғим ўзимга бўйсунмайди... жойимдан қимирлай олмай қолдим... Ўгуришга ҳолим етмайди. Бир маҳал оёқларим остига Лилияning кесилган боши келиб тушди. Бош бироз думалаб тўхтади. Қон аралаш соchlари тупроққа қоришиган, кўзлари ичидан чивинлар учеб чиқар, тили бир қарич бўлиб осилиб ётарди... Менинг азойи баданимдан мадор куриб, ичим куйиб кетди, бакирай десам кулоқларим шангиллаб овозим чиқмасди. Хеч нарсани кўрмай қолдим... Мен Лилияning бошини ердан кўтариб олдим. У копток каби енгил, бироқ азойи баданимни куйдирали. Бошим нимагадир урилиб, бўғилиб қўзимни очдим... Машинани қандайдир куч олдинга судраяпти... Тепадан дўппиллаб калла тушаяпти... Агар қопқа ёпилмаса машина ичи кесилган бошга тўлиб кетади, деган ўй бир лаҳзада миямга ўрнашиб қолди... Нима бўлаяпти ўзи... машина ичкарисига қандай қилиб кириб қолдим... ҳозиртина мен қаерда эдим?.. Бошим лўқиллаб музлай бошлади... қовоқларим оғирлашиб борар, қўзимни юмиб очиш азоб эди.

Бир маҳал машина ташкарисидан нимадир дусирлаб, қопқа очилди... Мен бир сесканиб тепага қарадим - Мўминнинг боши кўринди. Этим жимирилаб бакириб юбордим... чинданам осмондан бош ёғилаётганди... Баданим жиқقا ҳўл бўлиб кетди... Елкамдан кимдир турттар, мен очиқ қопқа томонга юзлана олмасдим... Кимнингдир чақиргани кулогимга чалинди... Юзимга муздай сув куйилди. Мен қўзимни очиб яна елкам оша тепага қарадим... Башнядан туриб ичкарига бошини суқсан Мўмин кўлидаги темир сувдондан менга сув сепаётганди. Унинг боши елкасида эди. Машина олдинга силтаниб-силтаниб юраётганди...

- Ҳа... нима бўлди... ҳамма жойинг соғми... озигина чида... ҳозир етиб оламиз.

- Эй, ....б, роса қуршовда қолдик...

- Ринат қани...

- У анча яхши. Ана, механикда ўтириби...

- Сен нега... бу ердасан...

Мўмин башнядан ичкарига тушди-да, копқани ёкиб олди.

- Менинг машинамни рота техники Довгий хайдаяпти.

- Машинанг қани?

- Ана, олдинда. Сенинг машинангни судраяпти...

- Машинанг ишдан чиқибди. Түгри двигателдан уришиби, онағарлар.

- Мүмін, энди тугадими? - мен қаттың чарчагандым, зёрға гапирадым, хатто күзларим беихтиёр юмилиб қолганди.

- Тамом... полкнинг шармандаси чиқди... постларга етиб боролмадик... энди Қобулга қайтамиз... тугади... бунақаси бўлган эмас ҳеч қачон... биласанми... нечта машинани уриб ташлашди... пиёдалар жудаям кўй...

Мен Мўминнинг бошқа гапларини эшитмадим. Жанг тугагани, бизнинг машинани уриб ташлашгани ва судраб боришаётганини билиб турардим холос...

... Полк эрталабки узумзорга қайтиб чиқкан эди. Мен оператор хонасидан қоп тўрвани олиб машина устига тўшадим. Ҳар жой-ҳар жойда қиёфаси эзғин пиёдалар берух, бошлари ҳам ўтиришар, уларнинг афт-ангари кир бўлиб кетган, кўзларида сўнгсиз ҳасрат қотиб қолган эди... Улар дунёнинг жамики аламлари, бошларига тушган мусибат ўчини тамакидан олишаётганди... Айни дам ҳеч ким ўзининг тирик қолганидан фахрланишни, кўнглига таскин беришни хаёлига ҳам келтирмас, даҳшатли жанг манзарасини кўз ўнгидан сидириб ташлай олмасди. Мен жангдан сўнг кўз ёшларини оқизмай йиғлаш, ўзининг тирик қолганига ҳам кўнгли шукронга айтишга ор қилиш аскар учун ўлимдан ҳам ёмонроқ эканлигини ҳис килдим. Чинакам жангдан кейин одам ўлим ҳақида ўйламайди, балки урушнинг чеки чегараси йўқ бедаво азобини ҳис қиласди... чунки бу азобнинг оғриги уни бир умр тарқ этмайди... У уруш ҳақида тасаввурга эга бўлган Одамга айланади... афсуски бу ўлимдан даҳшатлироқдир. Урушнинг ҳар бир сонияси эса йиллардай чўзилиб ўтади... Уруш кўрган одамларнинг ёшларини эса йиллар билан белгилаб бўлмайди.

Кун киялаб қолганда полк ортга, Қобул сари йўл олди. Йўл четида танграйиб ўлиб ётган эшак, ит, моллару, кўй-эчкилар тепасида чивинлар ғужон ўйнар, аллақачон ўлимтик ҳидини олган қаргалар атрофда олазарак бўлиб туришарди. Баъзи ҳовлиларнинг деворлар билан ўралган ичкарисидан оқимтири куюқ тутун ўрлар, айрим уларнинг томлари ўпирилиб тушганди. Қулаган деворлар панасида ахён-ахёнда ўлиб ётган одамлар кўзга чалинади. Қишлоқ ўлик сукунат уммонида гарқ, бўлган кемага ўхшайди. Биз эрталаб ўтганимиздаги қишлоқ манзараси ҳаробага айланганди. Даричалардан қизиксиниб қараган, томларда мусичалардай тизилиб олган беозор болаларнинг корасиям кўринмайди. Ахир бу қишлоқда жанг бўлмоқди-ку, Баграм ичкарисига шу йўлдан ўтганимизда ҳамма нарса бошқача эди-ку? Қишлоқни ким вайрон қилди? Қайси аскар, қайси қўшин, қайси армия?.. Ахир бу қишлоқни ўтга солмадик-ку? Демак Баграм ичкарисига ўтаётганимизда, армия ўзини тинчликпарвар қилиб кўрсатган, чўпга ҳам зиён етказмади... қайтиб

чиқаётганимизда эса олддаги қишлоқларни артилерия душмандан тозалаб қўйган... Уйларнинг деразасига, томлар устига оқ байроқлар илинган, қишлоқ яловлар қадалган қабристонга ўхшарди. Бу қабристонга тириклар қамалганди...

Колоннанинг қок белида портлаш юз берди. Кетма-кет ўқлар учди. Кутилмаган хужумдан сўнг пиёдалар ерга сакрашди. Сўл томондан гранатамёт отилганди. Кўшин ёппасига хужумга ўтди... деворлар ўпирилди, дараҳтларнинг шоҳлари қарсиллаб сина бошлади, уйларнинг ойналари зириллаб тўкилди... Қишлоқ олакуюн-оқтайлоқ ичида қолиб кетди. Танклар гумбирлади, БМП-2лар данг-донглаб ишга тушди. Гранатамёт қайси тешикдан, қайси хонадондан отилганинг аҳамияти йўқ эди... душман ҳамла қилганди. Душманинг қанчалиги, кимлар эканига ҳам қизикмасдик, қишлоқ қаршилик кўрсатаётганди... уйларнинг устидаги оқ яловлар қулар, неки кўринган нарса борки ҳавас билан отаётган совет армияси солдатининг нишонига айланди. Ҳовлиларда хотин-ҳалаж бош яланг, ялангоёқ, тентакнамо ув солиб югурап, айримлари гўдак-гўсаласини кўксига босиб ташқарига отиларди... Еш болалар томлар устига ўрмалаб чиқишар, кўлларини отманглар ишорасида силкир, айримлари ўққа учеб кабугардай умбалоқ ошиб қуларди. Қишлоқнинг эркаклари кўринмайди, тоққа чиқиб кетишиган.

Колонна тезликни ошириб, олдинга ҳаракат килар, қишлоқни зўр бериб ўққа тутарди... Танклар тумшуғи тинимсиз олов пуркаган кўйи, ҳароба кулбаларни ортда қолдирав, сўнгра олдиндаги ҳовлиларнинг тепасидан ажал ёғдирар, орқадаги БМП-2 ва оғир техникалар эса олддагилар пайхонлаган жойга етиб келгунча, қолган кутган кулбаларни илма-тешик қилиб келарди. Дуч келган жонзот борки беаёв отилмоқда.

Колонна бурилишга етди. Йўлга яқин ҳовлилардан бирининг девори оша тўнкарилган катта сават ортига югириб ўтган ёш жувонни кўрдим. У бош-оёқ зангор кийинганди. Комати адл. Мен саватдан кўзимни узмай қараб турдим... Машина олдинга ҳаракатланар, сават орқасига беркинган қизни жон-жоним билан омон қолишини, бизниклар пайқамаслигини хоҳлардим... Назаримда ҳали охири кўринмайдиган колоннадаги қайсири танк ёки БМП-2 саватни ҳам нишонга олаётгандай, йўқ, қизга эмас, отув милини менга тўғирлаб туришгандай эди. Ичимда оғрик кўзғолди. Колоннанинг кети кўринмасди... Мен жувонни отишлари сирам мумкин эмас деган ўйни миямга сингдириб бўлдим... Билмайман, жувон менинг энг яқин одамимга айланиб қолганди... Мен кимницир соғинган эдим... Мен кимнингдир оёғига бош қўйиб осуда уйқуга кетишини истагандим. Ҳарир зангор либос афғон аёли бу кирга битган дунёни зангор нурларга тўлдиривчи мўъзижадай эди гўё... Ахлат ва чиқиндилар орасида зангори гул очилиб турганди... Уни узишга, ҳазон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди... Ундан факат кўзлар баҳра олиши керак. У бизнинг могорлаган онгушиуримиз ҳамда хаёлотимизга чарогонлик баҳшида этади...

Ҳовли ортда қолаяпти... менинг нигоҳларим саватга қадалган... Кий-чув, ура-ур, гулдур-гупда

омон турган сават ичида жоним симилтаяпти... Менга ҳеч ниманинг зигирчалик аҳамияти йўқ, бутун Афғонистон ёниб кул бўлмайдими, бутун бошли Совет армиясини ер ўз комига тортиб кетмайдими, фақатгина, сават... ортдаги жувон тирик қолса бас... Мен бу фикрга қандай келганини англай олмасдим, зоро, бунинг сабабини ахтаришнинг ҳам ҳеч қандай қизифи қолмаганди.

Мен саватдан кўзимни узмасдим... Қисм командирининг отишни бас қилишни буюриб, ўқ узмасликни қатъий талаб қилишини кутардим... алоқада эса бунинг тескариси эшитиларди... бир маҳал... бир маҳал... сават атрофида олов кўтарилиб, кўкка тўзон кўтарилиди... Ортимиздаги танкнинг даҳшатли гумбурлаши эшитилди... бу шунчалик қисқа вақт ичида содир бўлдики, сават ўрнига осмондан парча-парча корамтири тошга ўхшаш нарсалар тушганини илгадим... Танк саватни... жувонни... тўзғитиб юборди... Ўзимни машина искарисига уриб, қопқани ёпиб олдим.

### VIII

Ернинг нами кетмаган. Чарақлаб чикқан күёш тафти кишининг борлиғида бўшанглик пайдо киласди, уйкуга элтади. Офтобуар палла бошланди... Ҳовури кўтарилаётган адирларга яшиллик югурди. Илик узилди палланинг ёп-ёруғ кунларида не-ки тирик жон бор, уйкусираётганга ўхшайди, ҳаловат истайди... Аскарлар пана-пастқам жойларни топиб уйқуни уриш пайда бўлишади. Одамга ҳеч нарса ёкмай қолади... Фақат муздек хилват жой топиб оёқни узатиб томирларингни яйратсанг... Табиат қўйнидаги лоҳасликни уйқу билан енгсанг...

Қисм тамакиси тугаган кашандадай гандираклари. Жангчилар полк дўконининг эшиги олдидан бери келишмасди. Югослав мурабблари, «Атиргул суви» харид қилишар, ҳаммасиданам дўкондаги тантик дўндиқчаларнинг жеркиб беришларидан хузурланишарди. Ҳамма ёкни эрқак босган замонда аёлга гап отиш мазза-да... Аёлга тикилиб оч нигоҳни тўйғизиш мумкинлигини ҳисобга олсанг, унга тўшакда етишишнинг нақадар оромбахш эканлигини айтмасанг ҳам бўлади. Урушда, ўлим остонасида изғиётган одамнинг юрагида ҳаёт ва гўзалликка ўчлик туйғуси кун ўтган сайин юксаклашиб боради. Полкдаги аёллар бизга тирик қолишимиз зарурлигини эслатиб турарди... ҳоҳ қисм тиббий пунктида, ҳоҳ ошхонада, ҳоҳ штабда ишлашмасин, ҳоҳ кибрли тамоннолари билан очилиб турган атиргуллардан фарқ қилмасди. Фақат бу атиргулларни аскарлар ҳидлашдан мосуво эди. Шўрлик солдатлар учун кўзларини тўйдириб, ҳаёлий майшат қилишдан бошқа илож йўқ эди. Улар алами келганидан қисмдаги аёлларни хумори чиққунча сўкишар, афғонга сенлар ...ни излаб келгансанлар дейишарди... Одамзотнинг имкони етмаган ишдан каттиқ нафратланиши, унинг табиатига сингиб кетган хислатлардан биридир... Аскарлар урушда аёлларнинг жудаям кераклигини, улар вазиятни ушлаб турувчи ягона куч ва армиянинг ичидаги сезилмас қўмандонлар эканлигини англашса-да, тан олишга фурарлари йўл бермасди... Дараҳтнинг учидаги товланаётган кузги олманинг жилваси кўнгилларни куйдириб, бошқа бирорларга насиб

қиларди... хуллас, бу боғнинг олмаларини дасти узунлар ушлардилар... эгалари тишлардилар...

Бугун кун яраклаб кетди. Полк штаби томидаги карнайдан Алла кўйларди: «Прорсти; повер... я тебя открою двер... прости, повери, я тебя...» Осмон нур акси қайтаётган зангор кўзгуга монанд... Қисм худудидан нарида ястанган текисликка кўмкўк ранг инган. Кишлөқнинг бошланишидаги ўрикзор оппоқ гулга тўлган. Чароғон кун қучогида замин улкан оқ гулдаста ясаб, фалакка тутаётгандай... Тоғлар қисм тепасидан энкайиб қараётгандай туюлар, улар биз томонга яқинлашиб қолгандай эди. Табиат оғир ҳолсизланиб уйқудан уйғонаётган ўн саккиз яшар, сирқиллаб турган партан жувондайин назокатли эди... Ҳамма нарса мудраб уйғонаётган эди. Дунётирилаяпти... курт-кумурсқа ризқ излаб ёруғликка чиққан... тошнинг ҳам, гулнинг ҳам... яшагиси келаяпти... Майсани боссанг чинқиради, новдани синдиранг силтаниб беради... неки тирик жон бор нобуд бўлмоққа ҳаққи йўқ. Бу кунларда фақат яшашиб керак, кўзинг очиқ турсин... юрагингни ушлаб кўр.

Мен қисм дўконига етгунча атрофнинг яшариб яшнаб кетганини ҳис қилдим. Полк майдонида ғимирлаб юрган аскарларнинг совук сўхтлари ҳам ёхуд ҳарбий тартибга мўлжалланган казарма ва чекиши жойлари ҳам, кўзимиз кўнишиб кетган тунука девор, ошхона ва омборхона ҳам, бадга урган интизом-қоидага мос топшириқлар ва ҳарбийчасига юриш машқлари ўргатиладиган саф майдонлари ҳам табиатнинг хушманзара жилваси қўйнида асабимга тегмади... Дўконнинг эшиги олдида автомат осган, темир нимча ва бошига каска кийиб олган икки қоровул туришибди. Аскарлар ташқарида қанчалик ур-тўполон қилишмасин, дўконнинг ичкарисидаги илгак шараклаб эшик очилгач битта-иккитадан аскар киритилмоқда. Навбат кутиш жонига теккан жангчилар сотувчиларни сўкишади:

- Ҳе... нима, ичкарида... ҳалигидака қилишайптими?

- Бошқалар ҳам кўрса яхши бўларди, - дейди узун бўйли тибиёт белгисини тақсан аскар.

- Сен... санчастда тўймадингми... зўрлари ўша ёқда-ку... Жаннатда яшасанг ҳам, биз факирларнинг ризқига кўл чўзаяпсан, дўст. Мен касал бўлайин... санчастда ...ни кўрайин деб ёлвораман... эй, сени қара-ю, - деди танкчилар белгисини осган жангчи.

- Одамзотнинг шу нарсадан тўйганини эшигтганмисан? - деди минамётчи... - буни устига ичкарида ... бемалол деб туришибди.

- Эй, улардан нима кетди... дўкондаям шу ишни қилишлари мумкин.

- Фақат сен билан менга қийин, қийналиб юраверамиз, - деди ҳалиги танкчи.

Эшик очилиб, ялтироқ кутида конфет, мураббо, вафли кўтариб олган иккита аскар чиқди.

- Ҳа, ҳаққига кўлларингдагини бердими? - минамётчининг гапидан ҳамма гуррос кулиб юборди.

- Ҳа, шуни берди, - деди кути кўтарган аскар, - сенга бошқа нарса тайёрлаб қўйибди. Бемалол киравер.

Тагин кулги бўлди...

- Агар минамётчилигингни айтсанг оғиррок килиб беради. Кўтариб кетишингта ишонади, -

деди ичкаридан чиқсан иккинчи аскар.  
Минамётчи ерга чирт эткизиб туфлади.

- Чёрт побери.

Мен навбатим етгунча ошхонадан ярим кило коврилган балиқ олиб келдим. Дўкондан уч кути конфет, Югослав мураббоси, уч кути печенье, «Ростов на дон» сигарети, лабқалам ҳамда духи сотиб олдим... Ҳаммасини дўкончи жувондан эланиб олганим-бўш кутига жойладим... Дўкончи Лилияниг олдида кўримсиз эди... Бесўнақай семириб кетгани, кулогининг тигига довур қизил бўёқ суртиб олгани, хумдай бошига сариқ жингалаксоч парикни кийдириб қўйганга ўхшарди. Унинг аскарларга нисбатан ҳамиша беписандлиги аччиғимни чиқарди... Сочини қиришилаб, шир яланғоч қилиб полкни айлантириб югуртирса яхши бўларди, деган ўйдан лаззатландим.

Дўкончи жувон беш чек уриб қолди. Пачакилашиб ўтирамай казармага келдим. Ҳамишагидай ҳар ён остин-устун, ғала-ғовур. Кутини тумба устига қўйиб, ёш аскарлардан бирини чакириб юз чек бердим-да, фуқаролар модулидан бир шиша «Столичний» олиб келишга жўнатдим. Казарма бурчагида уятли карта томоша қилиб, ҳиринглашиб ўтирган Ринат билан Мўминни бироз кузатгач, ўзимни каравотга ташладим. Ринатнинг олдида ҳижолат чека бошладим. Гўёки, унга нисбатан номардлик қилаётгандай эдим... Хижиллик юрагимга чанг солаётганди. Ҳозир Ринатга айтишим керак, иккаламиз бирга борамиз, деган ўй кўнглимга таскин берар, айни дам Ринатнинг қўшилишини ҳам истамасдим.

Мен улар билан бирга шармисор карталарни кўриб бўлгандан сўнг, Ринатнинг қулоғига мақсадимни айтдим.

- Бемалол, мен бормайман... йўлини қилиб тўгрилайвер, - деди у дабдурустдан.

- Очиги... бирга борсак яхши бўларди...

- Йўқ, дедим-ку, сенга... ҳозир жиним сўймаяпти. Кўй, ўзинг боравер... Ана, модул бир қадам...

- О, жа овинг бораридан келаяпти-да. Ҳузурини сен кўриб, Ринат курук қолаяпти, - кесатди Мўмин.

- Сен сукулма, Ринатга айтияпман, ўзи хоҳламаяпти, - дедим бепарволик қилиб.

- Бизни таклиф қилинг. Мўмин акангиз қайтмайдиганлардан... бирга борамиз... ёрдамлашамиз.

- Сен билан борсам уйига киритмайди. Кейин, ҳар бир ишнинг одами бор, ошнам.

- Бизам бир қўрайлик, оғайни. Танишириб қўй.

- Эртага навбатинг. Эртагача сал-пал одамбашара бўлиб тур. Бугун ўзимни танишираман.

- Ҳозир иштаҳа бор эди.

- Унда ўзинг бор... Боравер... шунақа деб айт...

Мўмин гозчасига ўтириб, ўмганини кериб бир энтиклиди.

- Ростданам ўзим борсам нима қиларкан-а. Иккинчи ротаданман, фалончилар билан бирга жантга чиқамиз дейман.

- Медалингни ҳам тақиб олсанг зўр бўлади, - деди Ринат.

- Уёқ-буёғингта одеколон суртиш эсингдан чиқмасин, - дедим.

- Сенларга эзмалик бўлса бас. Мен тўғри маънода айтияпман. Шу кунларда ўлиб юрибман... қийин бўларкан... тушларим ҳам айниган... лоақал бир марта борсам ҳам майлигайди.

- Айтдим-ку сенга, ўзинг боравер, ўлиб юрибман, қийналдим, менга ёқасан дегин. Буни мушкул томони ўйк. Агар ўрисчада тутилсанг ўзбекчасига гапиравер, йиғла-сиқта, додингни эшигади, - дедим.

- Сенларга қийшиқ гап бўлса бақ, - Мўмин хўрсинди, - Майли, ўзларинг биласанлар, биз томондаям офтоб чиқар.

- Ухлаб ётаверсанг офтобни кўрмайсан.

- Унда айт, йўлини кўрсат.

- Қандай ўйл?

- Тузоқ қўйиш сирини... Шуни тушунтиранг бас.

- Бу осон... тушлик маҳали битта «Столичний»ни чўнтакка уриб, дўкондан майда-чўйда оласан. Ҳар эҳтимолга қарши қўлига тутқазиш учун икки юз чекни калта иштонинг липпасига кистириб қўясан. Кейин, оғитсерлар овқатга келгунга қадар ошхонага кириб бор нарсангни унинг олдига қўясан... тамом. Тузофингда кабутар питирлаб турибди.

Мўмин юзига тошган ҳаяжонни яшириш учун дераза томонга қаради. Тиззаларига шаппатилаб, оёқлари билан полни туқиллата бошлади. У хаёлида Лилия билан айш суратганди. Бепарводай қўринса-да, ўзини қўярга жой тополмай қолгани сезилиб турарди.

- Иложи бўлса унинг олдига бораётганингда кўйининг битта граната солиб ол, - деди Ринат.

Мўмин соддалик билан Ринатга қараб бироз яқинроқ сурилди.

- Нега?

- У гранатани яхши кўради...

Мен ўзимни босолмадим, кулиб юбордим... Ҳазилидан наша қилган Ринат ҳам хоҳолади. Мўмин ерга туфлаб ўрнидан туриб, Ринат ўтирган кароватни бир тепди.

- Сен ифлосларга одамни мазах қилишдан бошқа иш ўйқ. Сен нега куляйсан. Сенларниям, Лилияниям... Э, сенларни одам деб ўтирибман... Эҳ, чўрт...

У қўл силтаб ўзини кароватга ташлади. Қаттиқ хафа бўлганди. Биз ловуллаб ёнган Мўминнинг тезда ўчишини билардик. Кўнглида кир саклаб, қовоқ-тумшук қилиб юрмасди. Қўлига конфет тутқазиб, бир кул-чи, десанг, йиғини унутиб юборадиган ёш болага ўхшарди у.

- Мўмин, хафа бўлма, сенга яқин ошнамлигинг учун ҳазиллашаман... Ахир биз бир-биримизни яхши тушунмайсан... Қани, тур, битта Лилия билан танишириш ўёқда турсин, жонимни сўрамайсанми, - деди Ринат.

- Қўй, ошна, ўзинг соддасан, ҳазилни тушунмайсан. Ке, арзимас нарса учун аразлама. Ахир сендай йигит учун... бу нима деган гап, - дедим мен.

Мўмин ўрнидан қўзғалди. Тумбасини очиб сигарет олди-да, лабига кистирди. Казарма деразасини кия очиб тутунни ташқарига туфлади. Юзидаги қаҳр нишонини аввалги самимият коплади.

У босиб-босиб тортаркан, ўйга ботибрөк деди:  
- Шудесанглар, эртагаёқ Лилияни илинтираман.  
Мен ароққа жүнатган аскар қүйин дүппайиб  
казармага кириб келгач, күлим билан ўша ёққа  
тур ишорасини қилдим. У тумбамга суюниб, мени  
кутди. Ҳамсұхбатлар билан гапни узид кароватим  
олдида турған «чижик»нинг ёнига келдим.

- Ха, топдингми?  
- Мана.  
- Шохоллар сезмадими?  
- Йўқ.  
- Раҳмат, дўстим. Чекасанми! Ма, манови чек  
сенга. Сигарет оласан.  
- Раҳмат. Мен «Донские» чексан ҳам  
бўлаверади..

- Ҳеч қиси йўқ. Олавер. Хизматинг учун.  
«Чижик» бўлсанг ҳам анча пишиқ ишларкансан.  
Ол, оғайни.

- Йўқ. Мен «Донские» чекавераман. Фақат  
Сиздан бир илтимос, сержантга айтинг, бугун  
мени «дневальный»<sup>25</sup> қилиб тайинламасин.

- Қайси сержантга айтишим керак?  
- Сизлар билан тенг хизмат қилган Юра.  
Бизнинг бўлинма командири.  
- Анови, Юра Трусиюмни?

- Ха.  
- Бўпти, боравер. Сен бир ҳафтагача навбатчи  
бўлмайсан. Фақат менинг ишим тушганда ими-  
жимида бажариб турасан.

- Хўп бўлади!  
Аскар тоғдай қадланиб жўнаб қолди. Мен  
коғозга ўралган бир литрлик «Столичний»ни  
дўкондан харид қилган егуликлар солинган  
қутичага жойладим. Казарма йўлаги бўйлаб  
зобитлар хонаси олдига кузатувчи қўйиб, қутичани  
унинг ишорасига биноан кўтариб ташқарига  
чикдим. Ҳеч ким кўрмади. Аёллар модули томон  
югурдим...

## IX

Устол дид билан тузалган<sup>26</sup> эди. Висотский  
кўнгилни оқизиб куйлашти. Хонани муаттар хид  
тутган, атиргул бўйини олиб эсаётган майнин  
шабода оғушида чайқалардим. Ҳамма нарса титраб  
турар, ҳамма нарса нафис ва гўзал эди. Лилия  
чиннидай чараклаган хонанинг деразаларини очиб  
юборди. Унинг эгнидаги ҳарир зангор кўйлак  
оҳиста, сезилиб-сезилмай қалтиради. Либоси  
ортидан қордай тийнати, қуш банди қилинган  
кўкраклари, хипча бели, жодули торсиллаган  
сонлари кўриниб турарди. Лилия атайлаб яланғоч  
баданига юпқа зангор кўйлак илиб олганди. Тим  
кора кўзларини юракни ўйнатиб сузар, ёнқоклари  
нақш олмадай товланар, сочи елкаси узра шовуллаб  
оқарди. Устол устида одамнинг жонидан бошқа  
нарса муҳайё эди. Ялтироқ қадаҳлар, ҳали мен  
номини билмайдиган ширинлик ва таомлар,  
ажабтовур, қалпоғли буролгичи ёқутранг занжирча  
билан беркитилган шиша, фақат икки кишига  
мўлжалланиб қўйилган турли-туман егулик ва  
газакларни кўриб кўзим тингудай бўлди. Мен  
дўкондан харид қилган нарсаларни дастурхонга  
қўйишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Қутичани очиб

«Столичний» ва «Ростов на Дон» сигаретини  
столга қўйдим. Лилия рўпаратга ўтири. Мен  
дабдурустдан сигаретга тармашдим. У ҳалиги  
шишани очиб иккита қадаҳни тўлатди. «Сиси»  
ичимлигини бошқа қадаҳларга қўйди. «Сиси»  
аракдан сўнг зўр газак бўлади, дарров заҳрини  
кирқади... Ичимлик анча ўткир экан, бироқ таъми  
тахир эди, дабдабали кўринишини айтмаганда  
менга ёқмади. Мен бунчалик ҳашамдан ўзимни  
нокулай сезаётгандим. Лилияга қанчалик ўрганиб  
колган бўлмайин, барибир шу дастурхон, шу хона  
ва гўзал аёлга номуносиб эканлигимни тан олганим  
сайнин, ўзимни ҳаяжон домида ҳис қиласдим. Бу  
холат тушга ўхшарди. Мени Лилиянинг қаршисида  
титрок босаверар, унинг гапларига узук-юлук  
жавоб қайтарардим. Мен қаршимдаги зангор  
кабутарни учирив юборишдан чўчирдим, айни  
дам унинг ройиш-истагига мос ҳаркат қилиш  
йўлини излаб қийналаётгандим. Лилия бу сафар  
«Столичний»ни очди... Мен қадаҳларни тўлғиздим.  
Буниси ёқимлирок эди. Сигарарадан биттадан  
тутатдик... ўзимни анча эркин тута бошладим.

- Нега бунчалик тортинаяпсан... олавер...  
буларнинг барини сен учун тайёрладим. Сени  
яхши кўриб қолганга ўхшайман, тез-тез кўргим  
келаверади.

- Лил, ке, ёнимга ке.

У ўрнидан енгил кўзгалиб, ёнбошимга устулга  
ўтири. Куюқ қора сочини кўллари билан тўзғитиб,  
бошини кўксимга қўйди. Ич-ичимдан ҳаяжон  
тошиб, унинг қизиллик урган юзини ўзимга  
каратдим. Оппоқ бўйни, сехру жоду билан сузилган  
қароги мени тамоман сархуш этди. Нозик  
бармоқлари кўксимни силар, оловдай эҳтирос  
тафтидан борлигим эриб кетаётгандай эди. У кенг  
ҳарир либосининг тўғноғичини ечиб юборди.  
Кумушдай бегубор танасидан кўйлаги белигача  
сирғалиб тушди. Мен деразани беркитиб, пардани  
тушириб қўйдим.

Куннинг ярми ярим дақиқага тенг бўлди...

Лилия кўзгу қаршисида эгнига оппоқ чойшаб  
илиб, хўл соchlарини қуритаётгандан завқ билан  
томоша қилдим. Ювениб қайтгандан сўнг, у узоқ  
пардоzlанди... Икковмиз кўзгу олдида тик турган  
кўйи ярим қадаҳдан «Столичний» ичдик. Майнинг  
таъмини унчалик сезмадим... Корним роса  
очиққанди... Иштаҳа билан овқатландик.  
Кайфиятим анча тетик, ҳаётимда илк бор яхши  
кўрдим, ҳали меҳр деган улуғ тушунча мендан юз  
ўғирманганига, ёруғ ва чиройли лаҳзалар, нурга  
қоришиқ сониялар тамоман зулумат оғушига фарқ  
бўлиб кетмаганини ҳис қилдим. Одам боласи  
барибир яшши керак, инсон умри ҳамиша қаро  
кунлардан иборат эмаслиги учун ҳам яшши  
керак.

Лилия «Сиси»ли қадаҳни лабига теккизиб  
ўйга толди. Кўксимга бошини қўйиб, бироздан  
сўнг деди:

- Казармага кечқурун кетсанг ҳам бўлади-а?  
- Нима эди? Агар истасанг шу ерда қолишим  
мумкин.  
- Мен қолишингни истайман.  
- Қоламан, сен зерикмасанг бас.  
- Йўқ, ҳеч қачон зерикмайман. Казармага  
бормасанг... сени қидиришадими?  
- Албатта. Кечқурун рота бўйича йўқлама

<sup>25</sup> Дневальный - ротада навбатчилик қиласди.

қилишади. Агар бирорта аскар йўқолиб қолса, ҳеч кимга тинчлик йўқ. Ернинг тагидан бўлсаям ахтариб топишади.

- Командирингта тушунтириб кўйсанг бўладику.

- Армиянинг ўзига яраша сири бор-да, Лил.

- Сири эмас, тартиб-интизоми, дегин.

- Фарқи нима?

- Албатта фарқи бор. Сен ўрисчага бальзан қийналиб қоласан.

- Барибир фикримни уқтираолаяпман-ку. Кишлокда яшаганман. Ўрислар йўқ биз томонда. Сен билан тил топишдик-ку!

- Бу борада тил билиш шарт эмас. Мен сени ёқтириб қолдим, тамом. Соддасан, лекин ёқимтойгинасан. Бирорга озор бермайдиган боласан.

- Лил, очигини айт... Сенга ким билан бўлсанг ҳам барибир-ку?

- Йўқ, илтимос қиласман, Сен ундан хаёлга бормаслигинг керак... Тўғри, бу ердаги аёллар бузуклик қилишади, лекин мен энди... сени... кўнгилнинг измида кимнидир тусасанг, нимаси ёмон...

Лилия ўйга ботган кўйи жим қотди. У бир нуқтага тикилиб сўзларди. Сигаретни бармоклари билан айлантирганча лабининг бир бурчига қистириб, гуттурт чакди. Хоргинлик билан тутун пуркаб, менга тикилиб қолди. Юрагим увудиб кетди... унинг кўзларида мени тамоман жодулайдиган меҳр қоришиқ қайгу сизарди. Уни бағримга босиб соchlарини силадим... У титраб-тираб йиглади... менинг ҳам кўнглим бузиди. Тошга айлануб бўлган дунёнинг, зимистон дунёнинг даҳшатли ўйинларидан қалтираб ёнаётган бир ожизай-нотавоннинг менинг кўксимдан паноҳ топгани боис ҳам бўғзимга ёш тиқилди. Жангда йўқотган дўстларимнинг бошидагина шундай ахволга тушардим, бўғзимни изтироб тигларий тилкалаб ташларди. Бугун, айни дам, Лилиянинг айши-ишратга мойил хонасида, мен улуг бир куч, аёл меҳридан қониқиши ҳар қандай кайфу сафодан лаззатлироқ эканини англадим.

- Йиглама... мен сени...

- Сен яххисан...

- Айт, мен кимман?

- Менга ёқасан... ишон... сен бошқачасан...

- Яна бир нарса де... яна ..., - у бўйнимга чирмашиб олди. Юзига кўз ёшлари сизганди.

- Чиройлисан... Лил, ўзингни бос...

У жимиб қолди... Туйкус кўзларимга қарадида, лабларини тишлаб ўзини орқага олди...

- Ичамиз, тўлатиб куй... Менинг йиглаганимга эътибор берма... менда ҳеч қандай ҳис-ҳаяжон қолмаган, эҳтиросим сўнган. Мен куриб бўлган дараҳтман. Мен... менга севиш-севилишга асло нолойикман, тушунаяпсанми... факат... Сен ҳали нимани кўрдинг - гўдаксан... Йўқ, сен гўдак эмас, эрта хазон бўлдинг. Мен сени севиб қолганман... Ах, майли, бир фохишанинг севгисини тушунсанг бўлди-да.

У қадаҳни бир кўтаришда симириди... Мен бир хўплаш билан тугатдим... Яримлаган «Столичний»ни қадаҳларга тўлдириб кўйдим. Лилия тобора сулувроқ кўринар, очилиб борарди... У дунёнинг энг чиройли аёлига айланганди.

- Мен кечки йўқламадан сўнг келаман, - дедим.

- Албатта. Ўша казармангта бориб кўриниш бер. Кейин кечаси билан менинг ёнимда бўласан... Сени кўйиб юбормайман. Ол, ичамиз... аскарчам. Кўтар! Сенинг жангларда омон юришинг учун... Афтондан соғ қайтишинг учун...

Мен балиқ, салат еб, «Сиси» ичдим. Лилия югослав мураббоси тановул қилди. Кеч кириб қолганди. Қисмнинг саф майдонида кечки овқатга чорловчи карнай садоси янгради. Лилия менга қараб маъноли кулиб кўйди:

- Менинг қорни оч аскарчам! Қани тезрок, сени овқатга чакиришаётгли.

- Ошхонага бормаслигимга рухсат беринг, ўрток генерал!

- Йўқ, солдат! Армияда тартиб-интизом бор. Ҳамма нарса устав бўйича бўлиши керак... Сен бу ерда... ўйнаб юрганинг йўқ! Қани ошхонага «бегом марш»<sup>26</sup>.

- Хўб бўлади, ўрток генерал...

Лилия шараклаб қулди.

Биз кечгача хайрлашдик.

## X

Аёллар модулидан чиққач, казармани айланиб ўтиб ичкарига кирдим. Ҳамма ёқ жим-жит, сув қўйгандай... Кариорда навбатчи мудраб ўтирибди. Бошка пайтда бўлганда, уни сўқиб ўтардим... Кайфиятим аъло эди, эътибор бермадим. Каравотимга бориб ўзимни таппа ташладим. Кўзимга уйқу келмади... Авваллари паркдан чарчаб қайтгач ёки жангдан сўнг роҳатижон бўлиб туюлган казарма кўзимга гарип ва совук кўринди. Йкки қаватли каравотлар, сарғиш картон дуволлар, ювилавериб бўёғи кўчиб кетган пол, ажабтовор ҳид ўрнашиб қолган казарма тип-тиник анҳор ичидан балчиққа тушиб қолганим сингари гижинимни келтирди... Ҳозир менга кимдир БМП-2ни ёғга ботиб тузатишмни ёки жантга чикишимни айтса дод деб бақириб юборардим, дунё зимистонга айланарди... Мен ҳали то ҳарбий хизматга довур аёл билан бўлмагандим, бунчалик кўнгилшодлик қилиб яйрамагандим...

Кароват силтаниб кетди. Тепамда рота заполити Шерстюк чақчайиб туриби.

- Ухлайпизми, қария?

Ўрнимдан сапчиб туриб, кийимимни тузатдим. Ўзимни тутиб дедим:

- Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант. Тобим йўқ. Бошим айланаяпти. Овқатланишни доҳлаймаяпман...

Менга яқинроқ келиб бош чайқади.

- Яхши! Қани айт-чи... қария аскар хизматга кўл силтаб, ҳамма нарсага кўйиб кўйиши керакми, солдат?

Мен индамай туравердим.

- Гапир, сендан сўрайапман...

- Нега энди, ўртоқ катта лейтенант.

- У кўзимга термулиб тағин жазавага минди:

- Офитсер солдатдан гап сўраса шундай жавоб бериладими?

<sup>26</sup> «Бегом марш» - бўйруқ. Солдатнинг зудлик билан бажарииши шарт юмуши шу тарзда айтилади.

- Ни как нет<sup>27</sup>, ўртоқ катта лейтенант.  
- Унда айт-чи, қария аскар уставга, интизомга кўйиб кўймаса нега сен ошхонадамас, бу ердасан... Нега оғзинг сасияпти. Қаерда, қачон, ким билан ичдинг?

Бошимни эгиб, чурқ этмадим.

- Тилингни ютдингми? Айт? Нега ичдинг?.. Йўқса, гаупваҳтага жўнайсан... ўргулдим сендай жангчидан...

- Биринчи ротада эдим, ўртоқ катта лейтенант. Юртдошимнинг туғилган куни экан, озгина-озгина ичдик... Бошқа қайтарилмайди.

- Сен ўзбеклар бир-бирингни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб оласанлар. Ошхонадаям сенлар, омборхонадаям сенлар - қаерда бўлса тўдалашасанлар... Нима, сенлардан бошқа ҳалқ йўқми? Афғонистонга тўйга келганимисанлар?

- Жанг қилгани, ўртоқ катта лейтенант, ва жанг қилаляпмиз ҳам!

Замполит мендан бу жавобни кутмовди, бироз саросималанди. Ротадаги сержантларнинг деярли бари ўзбеклар эди, умуман, қисмда барча мушкул юмушларни Ўрта Осиёликлар эплашаётганди. Ошпаздан тортиб, нон кесувчиларгача, омборчиларнинг бари, жангчилар таъбири билан айтсак, қоракулоклар эдилар.

Зобит бироз паст тушса-да, сездирмай амирана деди:

- Бошқа такрорлама. Сен ёш аскарларга ўрнак бўл, ўргат, йўл кўрсат. Ҳозир дамингни ол.

«Мен ёш аскарларга отишни, ўлдиришни ўргатайинми»,  
деб юборишимга оз қолди.

- Хўп бўлади, албатта ўргатаман, ўртоқ катта лейтенант. Кечки йўқламага довур дам олишга рухсат беринг, ўртоқ катта лейтенант.

- Рухсат бераман. Бошқа аскарлар ичганингни билмасин, - деди у ва бурилиб кетаётуб тўнгиллади,  
- проста бардак, что за...

Мен эзма зобитдан осон кутулганимга шукр қилиб ўрнимга чўзилдим. У ротадаги офтитсерлар ичидаги ёмони, ҳар нарсага аралашавериб одамнинг энсасини қотирарди. Устав деса ўзини томдан ташландан ҳам қайтмас, армия қонунчилигини сувдай симирган, ўз қасбига сидкидилдан меҳр кўйганди. Икки гапнинг бирида уставдан келарди... Замполит ротанинг онаси бўлади, деганлари чин эди. У абжир, эпчил ва қайсар жангчилардан кўра кўпроқ бўйни бўш, интизомли аскарларни яхши кўради. Урушда яна телбафеъл, тўпалончи солдатлар жасорат кўрсатишни билса-да, уларни бетартиблиги боис хушламасди. Бошқа зобитлар эса ундан фарқли ўлароқ жанг кила оладиганларга ишонардилар, кези келгач, уларни замполитнинг майда-чуйда танбеҳларидан ҳимос килардилар.

...Рота кечки овқатдан қайтгач, казарма вагир-вуғурга тўлди. Йўқламагача ётқини тартибга келтирдик. Тўшаклар қайтадан текисланиб, тумбалардаги ашқол-дашқоллар тартибга солинди. Қароватлар тўғриланди. Деразалар очилди. Йўлакда ювиниб-артингач, аскарлар ташқарига чиқишиди. Эшик олдиаги чекиш жойида тўп-тўп бўлишиб папирос тутатишиди. Мен Жалолободдаги

нукталардан бизга юборишган аскарлар ёнига сұхбатлашиш учун бордим. Улар қурол тозалаш учун ўрнатилган ёғоч устолга чиқиб чекишарди. Икки қундан бери ротага қўшилмай, қимтиниб юришибди. Бошқа жойдан келганлари учун ўзларини бегона ҳисоблашишади чоғи, йўқса бунчалик одамови бўлиб ўтиришмасди. Мен нега энди ротада кўпчилик ўзбек бўла туриб, учинчи баталондан келган шу беш ўзбек йигитни ёлғизланиб юришини тушунолмасдим. Хали қўнишиб кетишади, бироз тортинишаётпти, жангта чиқишигач минг йиллик қадрдонга айланадилар.

- Ишлар қалай, йигитлар. Ўрганиб қолдингларми?

- Ёмонмас, - деди қайишини кўлига айлантириб ўраб олган гавдали йигит, - фақат бу ерда тартиб-интизом кучлироқ экан.

- Ўрганиб кетасан. Жангта чиқиб турсанг бунчалик қаттиқ режимнинг ҳам ўзига яраша лаззати борлигини биласан.

- Жалолободда уруш бўлмайди, демоқчимисан, - у тўнгиллаб шерикларига қараб қўйди.

- Ҳар ҳолда.

- Э, оғойни у ерда ҳам хужум қилишади. Баъзан постга яқин келишади. Тумшуғингнинг тагида қўриниб қолишади. Полкка бостириб келишмайди, битта взвод ўрнашган постларни эса ҳар кечаси дабдала қиладилар.

- Биз душманнинг уясига ўзимиз кириб борамиз, ўзимизга ўзимиз гўр қазиймиз. Полкда фақат устав бўйича яшайдилар, деб ўйласанг янгишасан, Армиянинг энг жанговар қисми шу ер, шу баталион. «Тозаловчилар» деб эшитгандирсан...

- Барибир бу ерда кун ўтиши кийин. Аскарни ўз ҳолига қўймайдилар. Бундан кўра жангда юрган яхши.

- Ким аскарни ўз ҳолига қўймайди?

- Офитсерлар.

- Офитсерлар сен ўйлаганчалик зўғимигир эмас. Улар тушунадилар.

Йигитлардан бири, новчаси оёқларини бир-бирига теккизид тўпиллатди. Устолдан тушиб казарма томон кетди. Қолганлар чурқ этмай ўтиришади. Мен қисмдаги аҳвол ҳакида кўйиб-пишиб гапирмайин, сираям уларга ёқмаётганини сездим. Улар аллақандай безовталик ва ҳадик билан тинглашар, умуман, Жалолободдан бу ерга жўнатилганиклари учун нориза эдилар.

- Сизларни нега бизга юбориши? - сўрадим ҳалиги аскардан.

- Э онасини... ҳаммаси ҷонви Сайдалининг касофати, - деди у казарма бурчагига ишора қилиб.

- Қайси Сайдали?

- Ана бурчакда... ротадошларинг олиб чиқиб уришяяпти. Ўлиб кетмайдими менга деса... Шу онангни эмгурни деб бизни жойимиздан кўчиришди. Ана энди унга қўшилиб тўртта қоракулок ажагимиз чиқади.

- Жанжал кўтардингларми?

- Йўқ... ҷонви одам отиб қўйди, постда, ўзимизнинг взводдаги бир украинни ўлдириди... Ўлган бола мужик эди. Хизматиям охирлаб қолувди, шўрликнинг...

- Нега отди?

- Постда ухлаб ўтирган экан... Урган шекилли...

<sup>27</sup> Ни как нет - армияда энг аниқ жавоб.

- Ким ухлаб ўтирган... Ким кимни урган?  
- Сайдали қоровуллик маҳали постда ухлаб қолган. Сергей бориб қараса, жар томондаги постда ҳеч ким кўринмайди. Акамиз постдагиларнинг ҳаётини уйкуга алиштириб хуррак отаятийкин. Кейин... Сергей уни тепади... Эсанкираб қолган Сайдали уни отиб ташлайди. Ишқилиб ўзбекларни расво қилди... Сернейнинг юртдошлари Сайдали ёки бирорта ўзбекни отиб ўлдиромиз деб онт ичган. Шунинг учун шу ерга юбориши. Сенинг хабаринг йўқмиди?

- Мен қаердан билай? Ҳозир эшитиб турибман... Демак шарманда бўлдик... дегин...

- Бундан кўра жанжалкашлигинг учун бошқа қисмга тушсак яхшийди. Эй лаънат бўлсин... барига.

- Сайдалини ҳозир бизникилар дабдала қиласди... Уларга бошқачароқ тушунтиранглар бўлмасмиди?

- Э, менга нима дейсан... Очигини айтдим, тўғриси, полкингизда ўзбекларнинг бунчалик ори кучлилигини қаердан билай.

- Билмаган бўлсанг энди биласан... Сайдалинг ўлди деявер. Уни ҳозир супайтириб ташлашгандир. Ўлаш керак эди... Шунчалик аҳмоқ, бўлмасанглар шу гапни ташқарига чиказармидинглар...

Мен казарманинг орқасига айланиб ўтдим. Бир тўда аскар Сайдалини деворга тираб, бири қўйиб бири саволга тугаяпти. Ахён-аҳёнда нимадир деб тўнгиллаб қўйган Сайдалига кутимагандан тепки ёки мушт тушади. У чўзиб инграйди... Аскарлар сўкиниб тағин гапга соладилар. У жавоб қайтармай бошқаси туширади. Ўзбек ўзбекни шунчалар қийнаётганигига, важоҳат билан уришаётганига биргина Ор тушунчаси эмас, балки урушда инсон дунёсини чалгиттан мавхум бир туйғу, хар лаҳза одамни ўз-ўзидан нафратлантирувчи ҳиссиёт бугун Сайдалига қаратилганини ҳеч ким пайқамаётганди.

- Ўзбекни шарманда қипсанда-а! Мана сенга...

Аскар унинг биқинига тушириди...

- Имм...м... во она...а вооо...

Кимдир энкайган Сайдалининг ортига тепди. У гупиллаб қулади... Бошқалар ҳам тепкилай бошлашди. У ҳолсиз инқиллаб ётган жойида айланар, ҳар зарбдан сўнг кўтарилиб-кўтарилиб тушарди.

- Юзига белги қолдирманглар, ҳеч ким сезмасин,

- деди учинчи взводдаги пулимётчи.

Сайдали копток сингари тепкилар ичидаги қолди. Мен аскарларга ҳеч нарса дейлмадим. Мен дунёда йўқдай эдим гёё. Коронгуда тўмшайиб ётган Сайдалининг жуссасига қараб тош бўлиб туравердим.

Бир оздан сўнг, Жалолободдан келган тўрт жангчи Сайдалини кўтариб кетишиди.

Кечки йўқламада Жалолободдан келганлар орасида бир киши сафда йўқ эди. Рота командирига навбатчи сержант унинг касаллигини айтди. Сайдали казарма бурчидаги охирги кароватда, тўшакка ўраб қўйилганди.

- Чёрт сним, тузалиб қолар, - деди рота командири.

Казарма чироклари ўчунга қадар «Фрунзевес»

газетини вараклаб ўтиридим. Иттифокда бўлаётган майда-чуйда ҳарбий воқеалар ғашимни келтирди. Турли-туман мусобақалар, ҳарбий тайёргарликлар, Совет аскарининг хулқ-атвори, жасоратли оғитсерлар ҳақидаги ҳаволанган мақола, ҳабарларни ўкиш кулгули туюлса-да, мен вакт ўтказиш учун уларга кўз югуртиридим... Энагарлар ҳеч қачон ағфон уруши ҳақидаги ҳақиқатнинг юздан бирини ҳам ёзишмайди... «Байналмилал» бурч деб, оғиз кўпиртиришади, тупурдим сенларнинг «байналмилал»лигингга. Ўзаро ёрдаминг шу бўлса, қирғин-баротинг, босқинчилигинг қандай бўлади? Армияни мақтаб, шон-шавкатга кўмиб ташлашибди. О, буларнинг айтишича, Совет аскари нақадар ҳавас қилгудек, кучли, иродали, ҳар нарсани енгиб ўтади... Мақтая, энагарлар, мақта...

Мен газетни фижимлаб тумба устига ташладим. Этигимни тозалаб, ўрнимда одам ухлаётган каби тўшакни ҳўрпайтиб қўйдим. Юзимга «Розовая вода» суртиб, ўйлакка чиқмоқчи бўлувдим, оппоқ ички кийимда югуриб келаётган Ринатга кўзим тушди. Казарма бурчагида, уч-тўрт аскар ғувур-ғувур килиб гаплашишар, аллақандай саросимали вазият пайдо бўлганди. Мен эътибор бермаслилкка ҳаракат қилсан-да, кўнглим алланечук совук воқеани сезганди.

- Ҳа, нима бунча, арвоҳга ўхшаб гимирлаб қолдинглар, - дедим Ринатга.

- Секинроқ гапир. Иш пачава. Анови, Сайдали бор-ку, Жалолободдан келган. Ўша... ўлиб қолиби.

Баданим музлаб кетди.

- Нега ўлади?

- Секинроқ... Ҳозир ҳеч жойга бормай тур. Навбатчи командир ротани хабардор қилгани кетди. Ахвол чатоқ...

Кутимаган хабар, миямни зирқиратиб ўтди.

- Сенинг бу ишга дахлинг йўғ-а, дедим зўрга.

- Нима деяпсан?? - Ринат орқага тирсалди.

- Нега қўрқаяпсан?

- Бошқаларга жавр бўлди-да.

- Борини кўришади. Аҳ... жонга тегди.

Мен ҳеч нарсани ўйламаслилкка ҳаракат қилсанда, ҳолсизланиб ўрнимга чўзилдим... Казарма ичидаги ўлик сукунатга ваҳм қўриқчилик киларди. Ҳамма нарсадан хабардор ротанинг тенг ярми нафасини ичига ютиб, энди буёғи нима бўлишини кутарди.

Ярим соат ўтар-ўтмас навбатчи ҳамма сержантларни турғизиб, ўйлак охиридаги оғитсерлар хонасига бошлаб кетди. Казармага жимлик чўккан, тунгача гала-ғовур босилмайдиган ётоқ, бу кеча тинчидаги қолганди. Аскарлар ўзини ухлаганга олиб ётишарди.

Казармага замбил кўтартган икки аскар ва зобитлар кириб келишди. Мен бири қисм табобат нуқтасидаги врач зобит эқанига шубҳа қилмадим. Бири рота командири, қолганлари штабдан келишган. Улар бурчакдаги кароватда ётган ўлик тепасида сўзсиз турди. Аскарлар мурдани ортиқча шовқинсиз замбилга солиб олиб кетишиди. Уларнинг изидан худди шундай ҳаракат билан зобитлар чиқдилар. Факат казармадан ташқариди, ўйлакда рота командирининг ялинишга мойил овози эшитилди.

- Ўртоқ майор, ахир эртага жангта чиқамиз. Бунинг йўлини килиш керак. Мен аскарларнинг қайси бирини айблай оламан? Ротага ёмон таъсир килади...

- Ахир одам ўлган-ку. Жангда ўлмаган, - деди дўриллоқ овоз.

- Ўртоқ майор, тушунинг, жанг олдидан мен бу иш билан шуғуллана олмайман. Қолаверса кимни...

- Буни ўзинг ҳал қил.

- Тушундим, ўртоқ майор, бу галги жангда энг кийин жойга менинг ротам боради... Кечаги гапга розиман.

- Бу бошқа гап. Энди ўзингга келдинг. Ҳа, майли, ҳаракат қиласиз. Бүёғига эҳтиёт бўлинглар. Агар Иттифокда бўлганда борми, ҳамманг кетардинг!

Эрталаб карнайнинг совуқ ванғиллаши аскарларни саф майдонига чорлади. Нонуштага ҳали анча бор эди. Тасир-тусур килиб, куролларни елкага осиб казармадан ташқарига отилган аскарлар қандай воеа содир бўлганидан бехабар эдилар. Минамётчилар, танкчилар, артилериячилар аллақачон тизилган. Қисм жанубидаги разведкачи ва сапёрлар ротаси ҳаллослаб югуриб келарди. Ҳар галгидай пиёдалар бошқалардан кейин сафга чиқди. Минбар олдиди қисмнинг барча зобитлари лавозимиға қараб тизилдилар. Қисм саф тортгач, командирлар штаб бошлиғига хисобот беришди.

Офитсерлар юзида саросима пайдо бўлганди. Бу йигин на олдинда рўй берадиган жанг, на ҳарбий тайёргарлик, на эрталабки нонуштага ишора эмаслиги сезилиб турарди.

- Бир фалокат бўлганга ўхшайди, - деди менинг ортимда турган Ринат.

- Агар кечаги иш газак олган бўлса, худо урди, ошна.

- Йўғ-е, Бу иш учун эмасдир.

- Унда яна кимдир кўлга тушган ёки... бирон аскарни сўйиб кетишган.

- Балки жангта чиқармиз.

- Агар жангта борсак, олдиндан хабар келарди. Йўқ, бу ерда бошқа гап бор.

Қисмга «Симирно» таъкиди қайтадан берилди. Минбар томондан полк командири чиқиб келди. У бир оз сукут сақлаб, қаддини ростлагач, овозини авжга чиқариб деди:

- Ўртоқ солдатлар, жангчилар. Кеча полкимизда мудхиш воеа содир бўлди. Одам тилга олишга ҳам уялади. Совет аскарининг шаънини туширадиган бу иш сизу биз учун ҳақоратдир. Кеча разведкачилар командири ўртоқ Гендулин, эшитинг, бу сизга таалтукли, бир солдат қисмимизга яқин манови қишлоққа оралаб савдо-сотик билан шуғулланмоқчи бўлган. У штабдан автомат ўйирлаган ва сотиш учун бачалар билан тил бириктирган. Оқибат мана...

Минбар ортидан замбил кўтарган икки дўхтири аскари ва бир офитсер саф майдонига кириб келишди. Сафнинг сўл қаноти - разведкачилар томонга юришди ва тизилган аскарларга замбилин кўрсатиб кела бошладилар. Улар бизнинг рота аскарлари олдига келишгач, мен замбилга чўзилиб қарадим. Замбильда манглайидан ўқ еган ва ўқ теккан жой ўйилиб кетган, уюққа ўн афгони бурчак қилиб қайтарилган шаклда тиқилиб

кўйилган эди. Аскар аянчли, хор аҳволда ётарди.

Замбил полқдаги ҳамма аскарларга кўрсатилди.

- Энди у ўқига мактаб, яшаган шаҳар ижроқуми, комсомол қўмитасига хат ёзамиз.. Оддий аскар Игнатев тартиб интизомга бўйсунмагани, армия уставини тан олмагани ҳамда ўз командирларининг буйруғига қулоқ тутмагани, жангчи дўстларини қадрламагани учун ҳалок бўлди, деб хабар қиласиз. Агар бу солдат ўз онасини ҳурмат қилганда эди шу ишга қўл урмасди. Ва ниҳоят шўро аскарининг шаънига иснод келтирди, лойиқ ўлим топди. Мен сизларга интизомни бўшаштирмаслик, командирлар буйруғи ва уставга риоя қилишларингизни талаб қиласан...

Қисм командири ваъз ўқиб бўлгач, ҳар бир ротада нонуштага довур ярим соатлик сиёсий дарс ўтилиши белгиланди. Мен замполитнинг ачиган фалсафасини ўлгудай ёмон кўрардим. Сасиган оғиздан ириган гап чиқади, деганларидай у факат ўлим ва фалокатдан сўзларди.

Рота казарма охиридаги Ленин хонасига қамалди. Навбатчидан ташқари ҳамма замполитнинг нутқ ирод қилишига кўзи учеб ўтиради. Мен хонанинг бурчагига Ринат билан ёнма-ён ўтириб олиб уйга хат ёза бошладим. Замполит кириб келгач ҳамма ўрнидан дувуллаб турди. Мен олдимдаги тик турган аскар панасида ўрнимдан қўзғолмай ёзишни давом эттирдим. Рота кимир этмай тик турарди, хонага жимлик чўқди. Устолга бағримни тираб, серрайған аскарлар орасидан замполитга кўз қиrimни ташладим. У мени қиргий қараш қилиб кузатиб турганди. Ҳеч нарса бўлмагани каби ёзавердим, ўрнимдан даст туриб тик қотишга бўйним ёр бермади, замполитнинг ижирғаниб ёмон кўришимни яна бир бор ҳис қилдим. Ҳозир у менга эрмак учун китмир гап айтишини, дакки беришини, устимга зобитга ярашмайдиган юмуш-мағзава ағдариб, хотинона пичинг қилишини билиб турардим.

- Қани тур, ўрнингдан тур, солдат.

Мен эшитмаганга олиб, бошимни янада қуий эгдим. Ёзганларимни жўрттага пичирлаб ўқијвердим. Бошқалар музлаб оёқда тик туришар, ҳеч ким кимир этмас, «Вольно»<sup>29</sup> таъкидини кутишарди. Замполит тутқиб такрорлади.

- Ўрнингдан тур, солдат! Ўртоқ ...в, бу сенга таалтуқли. Етар майнавозчилик.

Мен ўрнимдан турдим. Замполит бошини чайқаб ўзича ранжиган киши бўлди. Юзига қаҳр туси бериб менга тикилиб деди:

- Ҳа, солдат... Мунча шишмасанг. Хизмат охирлади деб, қўйиб қўйиш керак эканда.

- Нимани қўйиб қўйдим...

- Ротанинг офитсерларига, куролдошларинг, қолаверса уставга кўндалангига қўйиб қўйдинг.

- Мен ҳали ҳеч нарсага қўймадим, ўртоқ катта лейтенант.

- Ну чёрт побери, ты уже слишком борзем стал<sup>30</sup>. Ҳозир нима билан шуғулланиб ўтирибсан? Сен учун офитсер сариқ, чақага тенг шундайми?

<sup>29</sup> Вольно - Ҳарбийда юқори лавозимли офитсер олдиди қимир этмай турган солдат ёки офитсерга эркин ҳолатга тушиши учун айтилган сўз.

<sup>30</sup> Сен ҳаддингдан ошиб кетдинг.

- Никак нет, ўртоқ катта лейтенант. Уйга хат ёзиб олайин девдим.
- Менинг кирганимни кўрмадингми?
- Кўрдим, ўртоқ катта лейтенант.
- С этим мне ...й положил да солдат.
- Никак нет! Айтдим-ку, уйга хат ёзаётувдим деб.
- Бўпти, машгулотдан сўнг гаплашамиз, ўрток солдат.

Ринат биқинимдан туртди. Замполит билан жағ уриштиргим келди. Негадир хумордан чиқиб унинг асабига тегишни жуда хоҳлардим.

- Ўртоқ катта лейтенант бу ердагилар учун сиёсий маъруза тинглашдан кўра, бирор фойдали иш билан шуғулланиш яхшироқ. Масалан, курол тозалаш ёки уст-бошини ювиш, уйга хат ёзиш. Бир хонага тиқилиб эснаб ўтиришнинг нима кераги бор?

- Ҳа-а..., шундай денг, философ бўп кетинг, ўртоқ оддий аскар. Демак сизга керак эмас?

- Худди шундай ўртоқ катта лейтенант.

Замполитнинг юзидан кон қочди. Юзига ғазаб тошди.

- Ҳамма ўтирсин... Сен, ..ов, сенга рухсат бермадим. Тур ўрнингдан. Чик хонадан. Бор, йўқол! Мен сени... Мен сени...

- Кетсам кетавераман.

Мен устолдаги яримлаган хат ва ручкани олиб эшикка томон юрдим.

- Тўхта, аскар, - деди замполит устолга чертиб - ҳозир тўғри рота командирининг олдига бориб, мени катта лейтенант Шерстюк машгулотдан чиқазиб юборди, де. Ташиб-интизомни унугиб кўйганман, де.

- Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант. Шундай дейман.

- Катта лейтенант!

- Хўп бўлади, ўртоқ катта лейтенант. Фарки нима?..

Йўлакка чиқиб ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Ринатнинг тумбасидан «Сиси» олиб ичдим-да, бўш қутига сув тўлғазиб жойига кўйдим... Замполит «ока»сининг машгулотидан чанқаб чиқса ичади... Мени роса сўкса керак. Кароватда чўзилиб ётсан, тағин бирортаси мияда ёнғоқ чақмасин, деб ташқарига чиқдим. Навбатчи аскарга мени кўрганинг йўқ, деб уқтиридим.

Ташқарига чиқиб, бетон йўлак бўйлаб бурилгандим ҳамки, зобитлар хонасининг деразаси тақиллади. Бурилиб қарадим - ичкарида рота командири мени имлаяпти.

- Нега бўш юрибсан? - деди у устулда оёғини чалиштириб ўтирган кўйи кулдонга папиросини эзгила.

Мен димиқкан хона ва бўшаган «Столичний», диккайган устол ва газаклар, балиқ қилтаноқларига кўз юргуртдим. Ичкарида кийим-кечак, ҳамма нарса пала-партиш, сочилиб ётарди.

- Ўзим ташқарига чиқаётувдим. Ҳалиги, замполит машгулотидан чиқазиб юборди. Сизга доклад қилмоқчидим, навбатчи ротний хонасидамас деди.

- Ундей бўлса яхши. - У бармоқларини нозик ҳаркат билан бир-бирига теккизиб , тирсагини столга тиради, - Нималар қиласанлар ўзи? Шунчалик жонига тегдики бу интизомсизликларинг.

Тўғри, яхши жангчисанлар... Ҳамманг тушунасан кўп нарсани. Жангда ботирлик киласанлар. Лекин армиядасанлар, аскарсанлар. Қуийшқондан чиқиб кетмаслик керак. Ҳамманг ҳалигидан чекасан, ичасан, офтсерларни менсимай кўйгансанлар. Уруш одамни чарчатади, буни яхши тушунаман. Бирок, ҳар нарсани ўйлаганимиздай амалга ошириш ҳукукини бермайди бу. Атроф билан ҳисоблашишга маъбурмиз. Жангчи ҳар томонлама етук бўлиши керак. Тушундингми?

У лабининг четига сигарет қистириб, олифтагарчилик билан орқага тирсалди. Ўйқусизликдан қизарган кўзларини бир нуктага қадади. Манглайи тиришди, оғир ух тротди. Сигарет тутунини шифтга узун пуфлаб деди:

- Уланганмисан-а?

- Буйдокман.

- Менинг болаларим бор... хотиним қарайти. Умуман, уларни ўйласам афсусланаман, урушда ўзидан бошқа ҳеч кими йўқ одамгина бошқалардан кўра иродалироқ бўлади. Ота-онанг бордир?

Мен рота командирининг тез ўзгариб қолганини, мен билан кўнгилдан сухбатлашиш иштиёқи туғилганига ҳайрон эдим.

- Ота-онам бор. Оиламида ўн жонмиз.

- Ўзбеклар болани яхши кўришади, биламан. Фалати ҳалқ. Сен хафа бўлма, гапимдан, лекин бунчалик ўз жонига жавр қилиш нимага керак?

- Бизда бола-чақаси қанча кўп одам, бадавлат ҳисобланади.

- Ҳа, майли... Менга кара, билдиримай бориб, битта «Столичний» топиб кел. Комбатга кўринма.

У чўнтагидан юз чек чиқариб устолга кўиди. Мен пулни олиб ташқарига чиқдим-да, Ленин хона деразаси олдига келгач, сигарет тутатиб, секин юрдим. Аскарлар қафасга солинган күшлар каби жавдираб маъруза тинглашайти.

Мен «Столичний» олиб келганимда, рота командири деразаларни очиб, каравотда ётиб китоб ўқирди. Ароқни устолга кўйиб, кетишига рухсат сўровдим, у кўли билан ўтиришорасини килди. Устулга чўкиб, идишларни тартибга солдим. Кулдан ва балиқ қолдиқлари уолган ликопчаларни тозаладим. Командир тағин кўиди. Биз тағин очди.

- Шкафни кўр, қадаҳ бор, ол бўёққа.

У менга қадаҳ узатди. Сира кутмагандим. Ичмайман, дейишга ҳожат йўқ эди, командирнинг муносабати самимий эканлигини ҳис қилдим.

- Оддик, қани, уйга соғ-саломат қайтишимиз учун. Оддиндаги жанг талофатсиз ўтсин...

Биз кўтардик. Мен карам салатини газак қилиб, «Сиси» ичдим. Ҳаяжонланганимни сездирмаслик учун, хонанинг у ёқ-бу ёғига аллангладим. Командир тағин кўиди. Биз тағин ичди.

- Эртага жанг қиламизми, дўстим? - деди командир шифтга тикилиб сигарет тутунини пуфларкан.

- Қилаверамиз. Биринчисимас-ку.

- Бу сафаргисининг фарқи шуки, фақат разведкачилар ва бизнинг рота боради... Бир ҳафтадан кейин Пағманга юриш мўлжалланмокда. Бутун армия рейдга чиқади. Бизга вазиятни билиб қайтиш, йўлларни текширилади.

Мен бор-йўғи иккита ротанинг жангта бориши хавфли демоқчи бўлдим, бироқ командир олдида бундай дейишга иймандим.

- Пағмон бўлса, Пағмонда, ўртоқ катта лейтенант. Бораверамиз... ҳеч қандай қўркинчли жойи йўқ.

- Ха. Кечаги ноҳуш воқеалар учун бизга бу оғир топшириқни беришди. Мен ҳозир тартибсизлиги учун аскарни қандай қилиб жанг олдидан жазолай оламан. Менга тўполончи бўлсаям, ботир, отишни биладиган, жасур жангчилар керак.

- Бизнинг ротадаги аскарларга ишонса бўлади, ўртоқ катта лейтенант.

- Одамларни оз оламиз. Ҳар битта машинага уттадан пїёда аскар етади. Ҳамма машина жангта чиқади. Пағмон текис жой. БМП-2 билан жанг қилсан кулай. Операторларга кўп нарса боғлик. Сенинг машинанг қалай? Камчилиги йўқ бўлса керак?

- Худди шундай. Машина зўр. Снарядлар тўлиқ юкланган, отув мили тозаланган, алоқа яхши ишлайди.

- Унда сенинг машинангда бораман. Ринатга айт, ёқилғи ва акамуляторни текшириб кўрсин.

- Қачон жўнаймиз?

- Кечкурун учда. Нонуштадан сўнг. Пиёдалар, механик ва операторлар паркка боришиади. Офитсерлар назорат қилишади. Кун бўйи паркда ишлаймиз... Кани ол, икковимиз бир кемага тушамиз, омон қайтайлик, жангдан сўнг манавининг ярмини ичиш насиб қилсан иккаламизга, - рота командири қадаҳни бир кўтаришда симириб, яримлаган «Столичний»ни шкафга солиб кўйди.

Мен рухсат сўраб ўрнимдан турдим. Ароқ яхшигина кайф берди. Бошим анчагина енгиллашиб қолганди.

- Корнинг тўқми? - сўради рота командири эшик кесакисига кўл чўзганимда.

- Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант. Тушликкача бемалол юрсан бўлади.

- Унда соат ўн биргача дамингни ол. Рота нонуштадан кайтгач паркка кетади. Эсингдан чикмасин, соат аник ўн бирда паркда бўл.

- Хўб бўлади, ўртоқ катта лейтенант. Раҳмат сизга.

- Ҳечқиси йўқ. Бор энди, замполитга ўзим айтиб қўяман.

Казарма йўлагига қафасдаги кушлар каби бетоқат аскарлар Ленин хонасидан чувиллаб чиқдилар. Мен замполитга кўринмаслик учун эшик ортида бекиниб турдим. У мени йўлакка чиқкан заҳотим кўрган шекилли, чийиллаб қичкирди:

- Оддий аскар ...ов! Кани менинг олдимга кел!

Ҳеч нарсани билмаган каби замполитнинг рўпарасида турдим.

- Мурожаат қилишга рухсат беринг, ўртоқ катта лейтенант.

- Айтдинми ротнийга?

- Нима деб?

- Мен сенга нима девдим, солдат! Замполит машғулотдан чиқарип юборди, деб.

- Эй, албатта-да.

- Тўғри тур, нега майнавозчилик қиласан.

- Нимаси майнавозчилик. Ротний дамингни ол деди. Ёқмаган бўлса, майли, машғулотга кирма

деди, умуман ротний сизнинг маърузангизни тангламаганимдан хабардор. Кетаверайми?

- Қаёққа?

- Ухлайман.

- Ахмоқсан?

- Ким ахмок? Мен ротнийнинг буйругини бажараман. Сиз эса уни рад қилаяпсиз.

- Ах, чёрт побери. Ҳозир катта лейтенант Сидировдан сўрайман.

- Ихтиёргиз. Бузизнинг вазифангизга киради, ўртоқ катта лейтенант.

- Ах, ҳақиқатанам калондимоғ бўлиб кетибсанлар, солдат. Тағин сени «Жасорати учун»га ёзиб ўтирибман. Шу хулкинг учун бекор қилишим керак.

- Мен уни жанг қилиб оламан. Бекорга бермайдилар

Замполит кўзларини чакчайтириди, бўйин томирлари бўртиби, юзи қип-қизариб кетди.

- Шунақа де.

- Ҳа, умуман, Мне на... й нужен ваш медаль.

Замполит ғазаб билан менга қараб турди-да, шахдам қадам ташлаб, зобитлар хонаси томон юриб кетди. Бурчакда бизнинг қайтишишимизни кузатиб турган Мўмин, Ринат, Юра хоҳолаб кулди. Ленин хонасидан энди чиқиб келган Нурмаҳон уларга қараб аланглаб турарди. Ротанинг ягона дарди эрталабки нонуштага олдинроқ борища эди. Ҳамма карнайнинг овқатга чорлашини сабрсизлик билан кутяпти.

## XII

Замполитни кўйдирганимдан сўнг, ташқарига димогим чоқ бўлиб чиқдим. Ҳаво тоза, атроф чароғон. Осмон тип-тиник. Қуёш дунёни эрталабки илиқ нурларга фарқ қилган. Сарғиш казармалар бесарҳад океан узра лопиллаётган кемаларга ўштайди.

Лилияни зобитлар ошхонасидан топдим. У шинам емакхонадаги устолларга овқат тақсимлаётганди. Мени кўриши билан қўлидаги патнисни устолга кўйиб, бироз тик турди. Мен бевакт келганимни англасам-да, барibir чиқиб кетишни хаёлимга ҳам келтирмасдим.

- Нега келдинг, тинчликми? - деди у кўзлари пирпираб.

Унинг қўлидан ушладим. Ҳайратланиб қаради.

- Сен билан гаплашаман девдим... Яххиси, ўриндиққа ўтирайлик.

У енгил ҳаракат билан ичкари хонадан шиша кўзачада апелсин шарбати олиб келди.

- Ҳозир... вақти эмас. Полк командири билан катта оғитсерлар овқатланади. Ўн дақиқадан сўнг бу ерда бўлишади. Ол, ич, мазали шарбат. Бунакасини аскарларга беришмайди. Сен аскар эмассан, генералсан. Ич...

Шарбатга тўла сирли куружкани унинг юзига теккиздим.

- Мен кечкурун жангта кетаяпман...

- Нега, ҳали вақт бор-ку, - тикилиб қолди.

- Кечкурун. Разведкачилар билан бирга борамиз.

- Сизларнинг ротани белгилашдими? Пағмон деган жойга-я? Айтишларича, икки ҳафтадан кейин армия йўлга тушаркан.

- Сен дивизия штабида ишлайсан, шекилли, - дедим сочини силаб.
  - Ҳаммасидан хабарим бор. Сен қол! Мен сени олиб қоламан.
  - Қандай қилиб?
  - Санчастьдаги врач офитсер бор-ку, подполковник. Үшанга айтаман. Унинг гапи гап, даволанасан, тамом.
  - Мен соғман.
  - Нима қипти? У сенинг соғ ёки бетоблигингни текширмайди, жангта жүнатмайди, тамом.
  - Йўқ, Лил, бораман. Тушун, ротний билан бирга чиқаман. У менинг машинамда бўлади, колиш мумкин эмас.
  - Причём здесь твой ротный? У бошқалар билан боради.
  - Лил, қўй, керакмас. Хайрлашамиз... қайтиб келгунимча.
  - Жуда хоҳлаяпсанми кетишни? Ахир... ахир... у ерда...
  - Хоҳламасам-да, боришим шарт.
- У бошини кўксимга қўйди. Мен кўлларини сикдим. Кўзлари чиройлидан чиройли эди. Чиройи кўзлар дан чиройли эди.
- Келасан... Сен ... келасан... Ол, яна битта ич. Истасанг врачга...
  - Йўқ.
- Биз оғир хайрлашдик... Ташқари файзсиз ва гариб кўринди. Назаримда бир зумда зулмат чўккандай эди. Штаб томондан қисм командири ва бир тўда зобит тамадди килиш учун келишарди. Рота казарма олдиде эрталабки нонуштага саф тортганди. Билагига кизил латта боғлаган навбатчи сержант, солдатлар ошхонаси эшигини очиб қўйди. Бутун қисм емакхонага кўз тутганди. Мен казармага кириб ухлашни хоҳлардим.

### XIII

Кечаси йўл унумли бўлади. Белгиланган муддатдан хийла барвақт қўзғолган рота тонги гира-ширада Пағманга етиб келди... Қалин дуволли кўргонлар, пастқам ва хароба уйлар, дов-дараҳтлар, адл тераклар узра ёйилган тун чодири қўнғир тусга кира бошлаган эди. Қишлоққа аллақачон хабар етган, ваҳма оралаган кўчалар узра тизилган кулбаларнинг эшиклари очиқ ҳолда ётар, одатдагидай аҳоли тоққа қочиб кетган эди... Атрофи тоғлар билан тўсиған Пағман кимсасиз ва гариб аҳволда кўринарди. Биз қишлоқнинг кўргонлардан холи, бехавотир текис жойида ўрнашдик. Разведкачилар биздан ичкарирок, икки чақирим пастликка тушдилар... Сукунатнинг ваҳмга тўла қўйнида ҳар сония рўпарангда кутилмаган даҳшат содир бўлишидан чўчийсан. Юрагинг сикилиб, асабларинг зўриқади... Қишлоқ бизни эрмак қилиб турган, истаган маҳали ютишга шай аждарҳога ўхшарди.

Тонг ёришунга қадар пиёдалардан тўрт жангчи разведкачилар билан биргаликда кузатишга юборилиши керак эди. БМП-2лар ўт очишга шай килинди. Ҳар бир машинада бор-йўғи иккитадан пиёда, биттадан зобит ва пропоршик тақсимланган, жанг бошланиши билан улар машиналарнинг десант бўлмасига кириб олишади ва маҳсус туйнуклардан ўт очишади. Хали номаълум вазиятда

пиёдаларнинг техникалардан ташқарида туриши мумкин эмас, акс ҳолда улар қирилиб кетишлари мумкин. Душманни оғир артилерия ва самолётларсиз, фақат БМП-2лар билан тўсишга мажбур эдик. Танкчилар баталиони колонна олдида юриш учун фақатгина битта танк берди. Бесарҳад қишлоқ ичкарисида иккита ротанинг тир тўзиши, қириб ташланиши ҳеч гап эмасди... Хуллас, бу тонг, бу жанг олдидан ҳар ким ўз ўлимни бўйнига олиб қўйганди.

Рота бир дақиқага бизнинг машина панасида ийғилди. Командир аскарлар чўккалаб ўтиришга буйруқ берди. Бешовқин, ими-жимида қандай ҳаракат қилишимизни келишиб олдик. Замполит, сержант Юра, тагин икки аскарга қишлоқ ичкарисидаги қўргонларни кузатиб келиш топширилди. Улар хавф туғилса кўкка яшил мушак отишлари керак эди. Кўкда қизил мушак ёниши, биз қайтиб боролмаймиз, деган маънони англатишини беизоҳ тушундик.

Мен Юрани қучоқлашиб кузатдим. У ҳеч нарса демади, фақат елкаларимни сиқиб қўйди.

Атроф ёруғлашиб, бесарҳад қишлоқ манзараси аниқ намоён бўлди. Биздан олдинда хира-ширада кўринмаган, паст-баландлик қабристон экан. Аскарлар машиналарга ўрнашиб, буйруқни кутишаётпти. Кетганлардан дарак йўқ эди.

Мен оператор хонасида кузатув ойнаси орқали қўргонга қарадим... Айланасига ўралган дуволларга снаряд зиён етказолмаса керак, деб ўйладим. Ёнимда рота командири алоқани кулоғига тутиб ўтирибди. Миқ этмайди. Хаяжонланганини яшириш учун менга бош силкиб, кўз қисиб қўяди. Бутун бошли ротанинг, жангта чиккан қирқ инсоннинг қисмати елқасига юкланганини хис қилган зобит учун, кирғин-барот олдидан рўй берадиган жимлик нақадар даҳшатли эканини сезиш қийин эмас. У ўлимдан кўра, рота тақдири, бугунги жанг қандай якун топиши, ҳамда бугуннинг қандай ўтишини ўйлаб қайғуради. Ахён-ахёнда замполитни алоқага чақиради, жавоб бўлавермагач, сўкинар, разведкачиларнинг ҳимояда қолган қисми билан боғланарди...

Мен алоқа орқали ҳозирча тинчлик, ҳеч қандай воқеа содир бўлмаёттанини билиб турардим. Кўргон жим-жит. Қишлоқ қотиб колган, сеҳрлангандай эди. гўё. На-ит хуради, на бошқа бир овоз бор...

Алоқада чўзиқ, қисқа-юлиқ товуш эшитилди. Мен замполитнинг овозини танидим. Рота командири дарҳол ундан вазиятни сўради.

- Размаҳ, Размаҳ, мен Рапира... Нуқтага келдим, нўл, ўттиз етти, - деди замполит.

- Рапира..., тушундим, - деди рота командири ҳовлисиб, - Ўзинг билан битта қаламни олиб нуқтага етмиш уч... ёрдамчи қалам билан тагин бир қалам ташқарида турсин... Агар осойиш бўлса, сендан кейин улар нуқтага етмиш уч...

- Тушундим. Размаҳ, - деди замполит.

Менинг замполитга меҳрим товланди. Ишқилиб омон бўлсин.

- Яшавор, Сергей... ўзингни эҳтиётла, Сергей... Илдамроқ ҳаракат қил, мен билан алоқани узма, - деди рота командири.

Бир маҳал ўтиб қишлоқдан ўқ овози эшитилди. Сўнгра отишма авжга чиқди, гумбуллаш содир бўлди.

Мен кузатув ойнаси орқали қўргон томондан тутун ўрлаганини кўрдим. Бир зумда бошимдан ўклар уча бошлади. Минамёт снарядлари ёғилди. Қўргоннинг баланд деворларига урилган қизил мушак, бурчак шаклида йўналишини ўзгартириб, ҳавога қизил чизик торти. Рота командири ихраб юборди. Техникалардан дуч кёлган жойга ўқ отцик... Мен ён томондаги мачит деворларидан ониб тушаётган куролли одамларни кўрдим.

- От, - деди командир, - тезроқ от... Механик, машинани юргиз! Тўғри мачитга қараб ҳайда, Сен отавер!

Мен мачитга қаратса ўқ отиб, биз томонга эмаклаб келаётганларни тўхтатиб турдим. Ринат манинани уларга қарши юргизди.

- Ҳамма, ҳамма! Мени эшитинг! Факат ҳаракатда бўлинглар, тинимсиз ўқотинглар. Рашира, Рашира мен Размах... Сергей, жавоб бер, Сергей, - командир шошиб қолди.

- Размах, мен-Размах ўн олти. Операторим уч из ўигирма<sup>31</sup>... кутичани сициришиди.

Учинчи взвод командири Анишин қуршовда қолганинги хабар қилди. Мен қалтираб кетдим. Уч юз ўигирма - демак Нурмахонни ўлдиришишибди. Бенхтиёр отув нуктасини куч билан итардим. Пулимётни ишга солдим. Қабр панасига беркинган душман чекина бошлади.

- Размах ўн олти... ўзингни ҳимояла. Механик тирикли.

- Тирик... Машина ишдан чиқди.

- Тушундим. Якин атрофингдаги кутичани ёрдамга чакир. Панарак жойда тур.

Душман ҳар томондан сиқувга олар, разведкачилар томонда эса вазият бундан баттар эди. Биз қуршовда қолдик. Душман билан рўпарама-рўпара олишардик. Машиналар тўхтовсиз ҳаркат қилас, биз бир амаллаб қишлоқ ичкариси - қалъага боришими керак эди. Кузатувга кетгашлар дом дараксиз, биз уларни ташлаб чикини хаёлга ҳам келтирмасдик.

- Ҳамма, ҳамма Размах кутиларга... Мачит томон етмиш уч... қаламлар кетган нуктагача етмиш уч... Буюраман...

Душман орқа томондан зарба берар, биз жин кўча орқали, ўқ ёғирини оралаб қалъа тарафга юрдик. Йўлнинг иккала томонидан душман ўт очар, учта БМП-2ни уриб ташлаши. Бирининг механигиг ўлди, иккита гасининг оператори яралади.

Қўргонга яқинлашишимиз ҳамоно қиёмат кўши. Душман бизни кутиб туарли. Девор устига чиқиб олиб гранатамётдан бизга ҳамла қилди. Уларнинг бақириклари эшитилиб туарди. Қишлоқда душман тўдалари жойлашиб олгани аниқ эди. Сўл тарафдан разведкачилар хужумга ўтили. Қўргонга тинимсиз снаряд тушар, ёнирилиб келаётган техникаларга қаратса душман жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаяти. Бу ердан қайтиб чиқишга кўзим етмади. Мен тезроқ машинага спарял тушиши ёки портлаб кетишимизни, ҳаммасидан кутилишини истардим, ичим куйиб, қалтирай бошладим. Ташамда мадор қолмади...

Ҳавода верталётлар кўринди. Мен йиглаб юбордим... Тимсоҳсифат темир кушлар қишлоқ тенасига келиб тезлик билан пастга шўнгигиб.

<sup>31</sup> Уч юз ўигирма - ҳалок бўлди.

тумшиғидан ўт очар эди. Уларнинг ҳимоясида қўргондагиларни олиб чиқиш учун разведкачилар ичкарига кириши.

Разведкачилар қўргонга тушганда верталётлар атрофни шиддат билан ўққа тутди. БМП-2лар тинимсиз ҳаракат қилас, қўргон теварагини айланар, отув милларидан бесаноқ снарядлар учарди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас разведкачиларнинг қўргонга кирган БМП-2си ўқдай отилиб чиқди... Биз орқага ҳаракат қила бошладик... Ишдан чиқкан тўртта машина портлатиб юборилди. Ярадорлар ва ўликлар машиналарга жайланди. Рота тезлик билан орқага чекинди... Верталётлар қишлоқни ҳамон ўққа тутар, борлиқни гумбурлашлар, даҳшатли портлашлар тутиб кеттаанди. Биз разведкачилар билан қишлоқ четидаги яланг жойда тутаандик.

... Мен Нурмахоннинг мурдаси тепасида йиглай олмадим. Кузатувга кетган замполит, Юра ҳамда икки аскарнинг қонга бўялган бошсиз танасига қараб гангигиб туардим. Мурдалар верталётга чиқарилаётгандагина замбизда ётган Мўминни кучоклаб, ўкириб йигладим. Унинг қонсиз юзи ҳамда оғриқ сизган кўзлари юрак-бағримни тиғлаб юборди...

Ринат шилимафон билан юзини тўсиб олган, елкалари силкинаяти. Машина тепасида турган рота командири, тирик қолган ҳамма аскарларнинг тиришган юзлари ва кўзларига қарав маҳол эди... Ҳеч ким чурк этмасди... Тириклар ҳам ўлган эди ўша кун... ўша кун... Ўша кун... биз жангдан қайтмагандик...

Колонна йўлга тушди... БМП-2 оғир силтанаётги. Рота командири мум тишилагандай миқ этмайди... Кўз олдимлан узун ва кенг кўйлак иштон кийиб, қурол кўтартган одамлар липилаб ўтаяти... Гоҳо Мўмин, Нурмахон, Юра қуюқ туман ичизда гарк бўлиб кетади. Сўнгра... замполит пайдо бўлади...

... Мен чўнтағимдан тутмадай қилиб қотирилган наша олиб командирга кўрсатдим.

- Чекамизми?
- Яхшилаб ўра...

#### XIV

Колонна кечқурун қисмга қайтиб келди. Қисмдошлар бизни ачиниш билан кутиб олиши. Қисм командири ҳар бир аскар билан кучоклашиб кўриши.

Казармада олтига кароват бўш қолди.

Рота командири мени зобитлар хонасига таклиф қилди. Шкафлаги яримлаган «Столичний»ни биз сўзсиз симирдик.

- Мен энди жанита чиқмайман. Ўйга кетишга оз қолди, ўрток катта лейтенант.

- ... Бу менга боғлиқмас-да!
- Санчастга ётаман.

У ўйга ботиб ўтирас, овози анча ҳорғин эди.

- Узинг биласан...

...Ярим кечаси кимнинглир туртқилашибдан уйғониб кетдим... Тепамда навбатчи йигит серрайиб туриди.

- Нима дейсан?..
- Сени казарма олдида бир аёл сўрайати...
- Донг қотиб ухлаётган, алаҳсираётган

казармадан бешовқин ташқарига чиқдим... Казарманинг чироқ нурлари тушмайдиган, коронгу бурчида Лилия деворга сұяниб турибди. У бошига қора рўмол ташлаб олган, уст-боши қора эди... У менинг қора кунимга аталган либосларини бугун кийишга жуरъат этганди.

- Лилия... нега шундай бўлди, Лилия! Нима учун? - Мен овозсиз йиғлардим.

У менга қўлини чўзди. Бошимни бағрига босиб силай бошлади... Кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди.

- Энди нима қиласан? - деди у.

- Билмайман, Лил, ҳеч нарсани билмайман.

- Эртага санчастга ётасанми? Бир марта хўп

де. Бор йўғи бор ойдан сўнг уйинита жавоб беришиди. Оз қолди... - у йиги арапаш ялинар, кўлларимни юзига суртарди. - Ох, худойим, одам ҳам шунча қайсар бўладими?

- Майли, сен айтгандай бўлсин..., - дедим мен.

У бир оз жим турди... ва енгил тин олди... Сўнг оҳиста бурилиб ётоги томон юра бошлади... Мен ўзимни хўрлангандай сезардим, силкиниб-силкиниб йиғлардим. Коронгуда оғир қадамлар билан қора шарпа кетиб бораради. Назаримда менинг ҳаётим мана шу, мен учун қайгуриб яшаётган аёлга боғланиб қолганга ўхшарди. Бу тош қотган дунёда музлаган юрагимни фақатгина у уйфота бошлаган эди...

### СўНГ СЎЗ

Наҳотки шу билан тугади, деб ўйладим. Аслида Лилия ҳам, асаримнинг қаҳрамони, Сиз ўқиб чиқсан воқеаларни ҳикоя қилиб берган яқин дўстим ҳам тақдирнинг қоронгу кўчаларидан тагин олиб ўтишибимни, ўша кунлар ҳақида ёзишибимни исташмагандир. Ким билсин, балки уруши уларнинг юрагида ҳар куни давом этар. Кизик... Муҳаббат ва ҳасрат қамалгган юраклар... Бу ҳақда ёзиши менга осон кечди. Чунки, уруши мусибатлари менга бегона эмас эди.

1996 йилининг кеч кузаги... Таътилга чиқдим. Дўстим уйига тақлиф қилди. У Термизда яшайди. Шоир. Москвадан Лилия келади, деди у.

- Лилиянг ким?

- Келсанг билиб оласан.

Термизда бир ҳафта бўлдим...

Дўстим Лилия билан таништириди... Улар бир-бирини севарди... аярди... эъзозларди... Муҳими, бу нарсани дўстимнинг оиласи ҳам тушинди.

Бу тўс-тўполонли чархи дунда инсонни меҳр-муҳаббат асраб қолишини, унга туйгу мадад бўлишини англадим.

Муаллиф.



Ўқтам ОДИЛОВ

# ЖУЗ ЖЕТАДИР ЖЕЧИКМАС СИРА

\* \* \*

Кечирсам ҳам, кечирмасам ҳам,  
Баҳор ҳар гал кечикаверар.  
Кўнікаркан аслида одам,  
Ё яшабми ўзини аврар.

Илиқ кунлар бари ўтади,  
Ўтгандари энди хотира.  
Фами кўпроқ бўлган учунми,  
Куз негадир кечикмас сира.

\* \* \*

Кечалар тўлғониб чиқаман,  
Уйкумни бузади хавотир.  
Мен энди ўзимдан кечаман  
Тушимга кирма сен фаришта.

Уйкумни ўғирлаб кечиккан  
Шодликни қучасан шодланиб,  
Мен эса минг бора ҳайдалиб  
Тушинта кираман, фаришта.

\* \* \*

Унутаман, юрак оҳиста  
рад этади бор ўйқилигини  
баҳор келса агар кўққисдан.

Кечалари тушлар кўрмадим  
кўзларингни эслагим келар  
унутилган ўша хотира.

Байрон-байрон гапирав тилим  
Содда эмас қурғур башара  
совуқ эмас бу кичкина дил.

Билолмадим ўзимни ўзим  
айттим келди бир бор тўғри сўз  
Хоингина шу қўллар билан.

**ТАСКИН**

Агар мумкин бўлса эди,  
сукунатим ўпто, эркараб  
бошига бир уриб ўлдириб,  
бўлса эди, ҳеч бўлмагандан  
ҳеч нарса ҳақида ҳеч нарса  
ўйламасдан бўлса эди -  
шунда  
шалпангқулоқ күён  
тингламасди сукунатим шарпасин.

Бу сатрларга кўз ташлаб, бир лаҳзадаёқ руҳланмоғни кўзласангиз сизда ҳам, шеърда ҳам ҳеч бир таъсиричанликни топиш амри маҳал ва шундайлигича айтилган тароисиз туйгулардан бироз умидсизлик сизга ҳамла қилиши ҳам мумкин. Лекин бу таассурот дарров ҳаёлдан бадарга бўлган ҳолда умринг қолипсиз чизгиларини сезмоқ, кузатмоқ учун бу шеърларни қайта овоз чиқармасдан ўқиб, дилингиз ёришиса ажаб эмас. Чунки шоир таҳдим қылган лавҳалар чин ва тозалиги билан ўз қадрини кўрсатиб турса, камсуким ва ўзига хослиги билан шууримизни рангинаштиришига интилади.

*Шеърият бўлими***УМР**

Лаҳзалар чўчийди ўзидан  
синиб кетищдан кўрқиб  
вазмингина боқар  
идрок этолмайин  
улар ўзини  
ва бирдан сочилиб кетади -  
лаҳзалар...

\* \* \*

Эсимда  
бокира гулларнинг ифори  
бир эпкин куйланган қўшиқлар  
болалик овозим эсимда.  
Оппоқ-пок туйгулар, хаваслар  
ифорли гулларни хуснига бокишлиар  
ўйланиб қолишлиар эсимда  
ишонмай гулларга  
лайлаклар қошига боришлиар  
кушларла айтилган қўшиқлар.  
Ўрик шохидаги гул  
Эсимда...

\* \* \*

Ёлғизлиқда  
кувониб,  
соғинмай аёлни  
дентизни кўриши орзуида  
яшасанг мудом.

**АЙРИЛИҚ**

Кузнинг кечасида кўнгил қақшатиб  
кетдинг-ку ҳайр энди, умрим бир нола  
ийғлар, ийғлаверар кўнглини бўшатиб  
даражатнинг бўйнига осилиб лола  
армонли кунларим куз ҳам ўтадир,  
бағримда бўй етар қайфу ва шодлик.  
Ҳайратли остона ҳатлаган кўйи,  
маҳкам қучиб олар бизни жудолик.

\* \* \*

Мен ўлсан,  
саҳрга кўмининг  
қабротошга ёзib кўйинг,  
гуноҳларимни  
кашқирлар ўқиб ийгласинлар.



Омиркелди НОРБЕК



## КЕНЖАТОЙ ТУФИЛГАН КУНГА БОРАДИ

Хикоя

— Ёлалари хам качон нул сўрашни билб олишибди. Алватта буни хотини ургатган.

Ишлан кеч келган Холбўта ака ёлғиз ўзи шўрва ичин, ластурга фотиха ўқили. Хотини ва унга кўшилиб кенжатои Сардор хам омин килганидан мамнун бўлди. Ўғлига чап кўзини кисиб қўйди. Бўғинлари бўшаштганча, ёстиқка ёнбошлаш, «телевизорда нима бўлаяни ўзи», леб лиққатини жамлашта чоғланган маҳал (агар яна бир-икки лақиқа кечикканила «о, халакит берма, бор ларсингни қил», лерли) ўғли ютуриб ёнига келди. Кафтини икки-уч кунлан бери соколи олинмаган отасининг юзига қўйиб, юзига каратди.

— Ота, нул беринг.

Холбўта аканинг кулоғига ўғлиният факат «ота» дегани эшитилди ва майдек ёқди.

— Ха, нима лейсанг, отажоним, — лели у меҳри янала ийиб, хали гўлаклик нукси кетмаган, иккинчилада ўқиётган коракўз ўғлини бағрига юсли.

— Ота, — лели ўғли тиканак соколларга юзни текизмасликка интилиб. — Пул беринг. Зойилнинг туғилган кунига бораман.

— Кимнинг? — леб сўрали Холбўта ака.

— Зойилни, — лели Сардор исмни айтишга кийналиб.

— Зоҳил, ле, Сардоржон, Зоҳил, — лели нонтахтанинг нариги тарафила ўтириб, ластурхонлаги ушокларни кафтита тераётган Кунлуз она.

— Зойил дейимману э, — лели Сардор онасилан андек аччиқланиб, сўнг тағин отасига қарали. — Пул беринг.

— Зоҳилинг кимнинг боласи, памиласи нима? — леб сўрали Холбўта ака, ўғлиният «бilmasam» деганлай елка кистганини кўриб, хотинига қарали: — Сен танийсанми? Кимнинг ўғли?

— Зоҳил, Зоҳил... — леб исмни такрорлаганча ўтига толли Кунлуз она. Сўнг ўғлилан сўрай бошлали.

— «Самаркан» кўча томонла туралими? Кизил курткаси борми? Жемперида йўлбарснинг расми бор-а? Оёғига крассовка кийтан-а? — ўғли барча саволларга таслик биллириб, юш иргағач, — Ха, анов бор-ку! — лели, лекин тилининг учгинасила турган исмни тополмай колди. — Хах, анов бор-ку, «Самаркан» кўчалаги, ўтган йили бешта сигирини йўкотиб тоған киши-чи?

— Колирави аками?

— Ха, ўшанинг рўнара кўшниси-да, хотини насон бўлиб кийиниб юраги. Учта тилла тинни бор,

тилла сирға тақиб юрди. Хах оти нимайли?

— Кимни айтаяпсиз? — леб сўрали ўн биринчилада ўқийлитган Юлдуз хонага кириб ластурхонни ластурхонни йигинширишлан бир паста тўхташ.

— Анов тикувчи хотиннинг кариндоши бор-ку, «Самаркан» кўчасилаги...

— Шахзода онами?

— Ха, ўша, ўша, — леб тоғанилан қувониб кетди Кунлуз она ва эрита қараб суюнчилади. — Шахзоданинг ўғлила.

— Ким у Шахзоданг, эри ким? — лели Холбўта ака, бир-иккила хотинларнинг исмни билб юрибмилим дегандай норози охангла.

Юлдуз:

— Катта, тупрок ташийлигидан трактор миниб юраги-ю, ўша кишила, — леяр-лемаслан, Холбўта ака ларров тоғди.

— Э, бўлли, бўлли, Рустам ака-ла. Сариклан кеган, лумалоккина олами? Доим шапка кийиб юраги. Ха, уми, ўша кишининг ўғли билан бирга ўқиёсанми? Ха, яхши. У киши яхши олам. Тракторни тортиверинг, лесант, хеч атказ қимайли. Бўлмаса «қасемсот»ни буриб олишини айт.

— Ота, хозир нул беринг, — лели Сардор, боялан бери ота-онасию катта опачаси нималарни гаплаштанига тушунмаслан. — Эрталаб ишта кетиб қоласиз.

Холбўта ака бугун Самал хисобчининг аўшилайгина томорқасига жўяқ тортиб 50 сўм ишлаганди. Ўнг оёғини чўзин, шимининг чўнтағидац битта беш сўмлик олди. Ҳаммасини чиқаришга хотинилан хайқали. Ўнга-бунга леб чўнтағини бир зумла коклайди. Чўнтақла бештўрт сўм турмаса эркак кишига тўғри келмас экан. Ҳулли чўнтағинг хуштак чалаётганини бошқалар хам эшитаётгандай, гап-сўзингла, юришингда лалиллик йўқоларкан.

Эрининг кўлилаги беш сўмликни кўриб, аёли астойлил аччиғланди.

— Бунингиз нима бўлали? Битта сакич икки сўм бўлиб турибди. Кўпроқ беринг-те. Болларнинг оллида уялиб колмасин.

— Номига нул берса бўллила. Сен оз олиб келисан, леб ўтига киритмайлим? Болларга бир хавас-ла. Бўлмаса муштлай бошилан туғилган кунга нима бор?

— Уларнинг хам сизу бизга ўхшаб орзу-хаваси бор-ла. Сардоржоннинг туғилган кунида жўраларини чакириб, бехи, зира солиб налов киб берганлик. Жўралари хали хам гапиришармин:

Сардорларни кида мана бундай ош еганимиз» деб. Ха, шундайми, Сардор?

Сардор отасининг кўлидаги пулдан кўз узмасдан тағин боши иргади.

- Сардор марта туғилган кунини қилганди. Ўшанда сағичлар бир сўм эди. Ҳозир икки сўмга чикибди. Ҳеч бўлмаса 20 сўм беринг. Жўраси: «Во, Сардор 20 сўм олиб келибди» деб мактайди.

- Шу хеч ҳоваликишинг қолмали-да, ўсен айтган замонлар ўтиб кетди. Бир йилдан бери ойлик веришмаса. Энди кўрпангта қараб оёқ узатишинг керак.

- Нима, кўрпангиз қалтариб қолами: Тракторингиз тирилла, топиб турибисиз-ку. Ҳудога шукр, ҳозир ҳам хеч кимдан кам жойимиз йўқ, - дели Кундуз опа қўлидаги узукни у ёқдан бу ёкка айлантирганча, - ўғлингиз ҳам жўраларининг ўртасида сиздай далил бўлиб юрсин дейман-да.

Бу гапдан сўнг Холбўта ака яна ўнг оёғини узатиб, тағин беш сўм олди. Хотинининг чимирилганини кўриб, ўғлидан сўради:

- Бу анов. Зоҳид леганинг сенинг туғилган кунингга келганми ўзи?

Сардор ютам қачон пулни бераркан», деб иккита беш сўмликка кўз тикканидан саволга жавоб бермади. Олай деб қўл чўзганди, отаси қўйив юформади. Ўғлининг ўрнига Кундуз опа жавоб қайтарди:

- Кеган, эсимда, ўнта жўраси кеган.

- Хўп, кеган бўласа у нима олиб келган. Ўшанга қараб жавоб қайтариш керак-да. - Ҳаёлига келган бу ўйдан, топқиригидан Холбўта ака кувонди. - Буям бир тўёна мисол-да.

- У бола нима олиб келгани эсимда йўқ, Нима олиб келганди, Сардор? Бир жўранг линейка билан ўчиригич олиб келди. Латофатнинг ўғли иккита дафтар. Карим аканинг ўғли пул берди левдинг. Зокир иккита шар олиб кеган экан, дарров шишириб, роса ўйнагандинглар. Башка жўрадаринг.. - Кундуз опа эслашга ҳаракат килиб пешонасини укалай бошлади.

- Ўзи силар бир нарсани хато киласилар, - дели Холбўта ака чўккалааб ўтириб, нонтахтага тирсакларини тирали. - Тўй килгандла тўёна дафтар бўлади-ку, ўшандай дафтар тутиш керак. Болаларнинг туғилган кунларига ким нима олиб келганини ёзис бориш керак. Ана шунга қараб туғилган кунларига совгами, пулми олиб бориш керак. Ҳозир шундай пайт келди. Ҳисоб-китоб килмасанг бўлмайли? Тўғрими?

- Ҳа, ха, тўғри - деса-да, Кундуз опа бир нарсани охиригача етказмаса кўймасди. - Жўраларинг нима олиб келгани эсимдайди. Бир жўранг пайпок олиб келганди. Сенга катталик қилиб, аканг кийганди. Оти нимайди, узун бўйли болайди, жемпери кўлда тўқилянди..

- Мана шу-да, исмини билмай қиласац, - дели Холбўта ака ҳам ўзининг гапини маъқулла. - Бор, Сардор, битта янги дафтар олиб кел. Уни тўёна дафтар қилиб бераман.

- Ота, пул беринг. Туғилган кунга борамиз, - Сардор ўғил ббола бўласа ҳам қайсалик, ўжарлигу, ўзининг гапини ўтказиши билан онасига тортганди. Холбўта ака ўнг оёғини нонтахта остига узатиб, чўнтак ковлади.

- Мунча тутамлалингиз. Қанча ўзи? Менгаям пул беринг, битта супурги олайлик. Кунимиз

чўлтоқ супургига қолган, - дели Кундуз опа.

- Ўзи пул оз, битта лезва олмоқчиман. Соқолни қара, ўсиб, жорж-морж бўлай деяпман.

- Неча марта айтдам. Битта қўйни сотинг, харажатингизга исплатинг деб. Бир қўра қўйни нимага ушлас турибисиз ахир?

- Бокилмаган қўйни бирор оладими ҳозир. Сотсагам бокиб кейин сотамиз-да, - дели Холбўта ака ва гап чувалашмасин деб тағин чўнтағидан беш сўм чикарди. - Ма, Сардоржон, чўнтағингга яхшилас сол. Тағин тушириб қўйма.

Нихоят пул кўлига текканидан кейин Сардор иргис ўрнидан туриб онасининг ёнига ўтди.

- Олиб ке, менда турсин. Мактабдан кеъ, туғилган кунга бораётганингда ўзим бераман, - дели Кундуз опа.

Сардор ҳам тезда пулни онасига узатди. 15 сўм пул бир зумла ўз чўнтағидан аёлнинг нимаси чўнтағига ўтганига Холбўта ака бирор асабийлашибди. Ҳудди она-бала тил биринтириб уни чув туширгандек. Ҳакиқатан ҳам Зоҳид леганинг туғилган кунимикан? Ё хотини чакки, курт сотиб, савлогарлардан у-бу нарса олиб, пули етмай қолганмикан? Бу иккапашларини у сиртига чикармали. Хотинининг феъли маълум-ку. Бир гапига ўнни қайтаради. Чўнтақка солган пулни қайтариб чикармайди. Қўй, тинчлик керак.

- Бор, дафтар билан ручка олиб кел, - дели Холбўта ака ўғлининг тезда ёнидан кетиб қолганига бирор хафа бўлиб. - Шу гапирган гап эсингдан чиқиб кетавермасин-да.

- Бор, чопиб бориб олиб кел, - дели Кундуз опа «нима кила» деб қараб турган ўғлининг соchlарини силаш.

Шундан сўнгина Сардор югуриб, янги дафтар билан ручка олиб келди.

Холбўта ака кафти билан нонтахта устини нам эмасмикан, леган ўйда артган бўлиб, дафтарни қўйди.

- Хўп, аввал устига «Тўёна дафтар» деб ёзамиш. Пастига «Сардор Нурбоев, 1996 йил» деймиз. Энди манов биринчи бетига жўраларингни отини, памиласини ёзасан. Э, линейка керак экан-ку.

- Бор, ўғлим, линейкани олиб кел. Юлдуз опангдан сўра, берали.

Сардор тезда онасининг айттганини қилди.

- Ҳа, мана бундай қилиб чизиб, иккига бўламиз. Бир томонига туғилган кунингга олиб кеган нарсани ёзасан, бир томонига ўзинг берган нарсани.

- Холбўта ака хотинига қаради. - Шуни ўзинг тушунтири. Бунинг ҳали отиниям зўрга ёзса керак.

- Ёзиши яхши. Факат хисобда алашади-да.

- Ўрган-да. У кўшниникига бир чиқиб, бу кўшниникига юргургилагунча ўргат-да. - дели Холбўта ака ҳам аёлнинг нозик жойини топиб. - Силарга эрталабдан кечгача гап бўлса!

- Салтанат қудаларини чакирган экан, шунга ўтганлик, - дели Кундуз опа тезда гапни бурди. - Дафтарни беринг, бир учига иш ўтказиб, михга осиб кўяшимиз. Бўлмаса бир ерларда колиб кетади.

- Ҳа, шундай кил, - дели Холбўта ака, баъзи баъзида у хотинининг топқирилиги, ишнинг кўзини билишига тан берарди.

У тағин ёнбошлас телевизор кўришга чоғланди.

Шу пайт дарсхона томондан кичик кизининг ийғламсираб бақиргани эштилди:

- Дафтарим кани? Қани деяпман?

Холбута ака болалари сал шовкин қилиши, нима бўлдийкин деган хавотирада улар одлига шошиларди. Ҳозир ҳам дарсхонага ҳовликиб кириди.

- Ҳа, ҳа, нима бўлди, қизим? - деб сўради у стол устидаги китоб-дафтарларни титкилаётган Саодатдан.

- Холлор, сен олдингми? - деди Саодат отасининг саволи кулогига кирмасдан укасига ўкрайди.

- Мен нима қиласан дафтарингни, - деди вепинчилда ўқийдиган Холлор кўрпачага узала тушганча дарс тайёрларкан.

- Сардор бир дафтарни олиб кетли-ку, - деди Юлдуз стол устига кўз юргутириб. - Менинг линейкамни ҳам одди.

Телевизорли хонага Саодат отилиб кириди.

- Хей, Сардор, мени дафтарим қани?

Сардор онасига қаради.

- Мана дафтар. Ҳа, нима қиласан, қизим? - деб сўради Кундуз опа.

- Нега олдиларингиз. Эртага иншо ёзамиз, - деди Саодат бироз ҳовридан тушис. Аммо дафтар устига ёзилганини кўриб авзойи тағин ўзгарди. Дафтар билан Сардорнинг елкасига урди. - Ажабужи килиб нега ёзиз ташладинг!

Саодатда ҳам онасининг ўжарлиги, қайсарлигидан бор-да. Шарт этказиб ҳали япянига дафтарни иккига бўлиб, нонтахта устига иргитис юборса бўладими?

- Менми? Отам ёзди-ку, - деди Сардор инжиклигидан дарров йигламсира.

- Ота, нега ёздингиз? Ўзи битта дафтар қолган экан. Эртага нимани мактабга олиб вораман.

- Э, қизим сенинг дафтарингмиди, мен билмай қолман-да, - деди Холбута ака бир зумла бақирчакир бўлиб кетганидан хижолат бўлиб, кўзларига дарров ёш калккан кизини тўхтатиш учун чўнтақ ковлади. - Ма, эртага эрталас комерчески магазиндан битта дафтар оласан.

Саодат отасининг беш сўм берадиганини кўриб яна йигламсиради.

- Турсуной опада дафтар етти сўм. Икки сўмни қаердан оламан?

- Битта дафтар етти сўмми? Икки тийинлик дафтар-а?! Вон-хў! Ҳа, бўпти, ма, тағин беш сўм... - Холбута ака «уч сўмини қайтиб олиб ке» деб юборишига сал колди. Хотини қараб турганини кўриб иккиланди. Ўғиллари тугул кизларининг ҳам сакич сакич чайнашини ёмон кўради. Ҳозир эса ноилож... - Ма, қолганига сакич оласан, - деди.

Хайриятки, хонадонга тезда осойиштилик қайти.

Холбута ака телевизорга ўтирилди. Кўзойнек таққан бир киши насиҳатомуз оҳангда гапиравди:

- Ота-бобомиздан қолган «Отанг бозор, онанг бозор» деган гап бор. Бугунги кунда тижорат билан шуғулланувчи бозор иштиёқмандлари қўпайиб кетди. Бирок шуни унутмаслик керакки, тижорат ҳам бир хунар. Савдогарлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Кўпларнинг синис қолиши ҳам тижорат йўли билан тезда бойиб кетаман деб хато Фикр юритишпидадир. «Хисобини билмаган ҳамёнидан айрилар», деган нақл бежизга айтилмаган. Хисоб-китобга пухта бўлишини биз фарзандларимизга болалигиданоқ ўтгатишмиз зарур...

Холбута аканинг нигоҳи нонтахта устидаги иккига бўлинган дафтарга тушди. Бу ердан иш 116 километр наридаги Тошкентдай шахри азимдаги бу олим ҳозир унинг уйила бўлган машмашани худди кўриб тургандай гапирайти-я «Хисобини билмаган ҳамёнидан айрилар».

Холбута ака шошиб чўнтағига қўл солди. Йўқ, пули ёнида экан. Ўзи қанча колди? Сардорга 15, Саодатга 10 берди. Йигирма беши кетди. Йигирма беши колди. Индамай, тўёна-пўёна дафтар демасдан 10 сўм берганила чўнтағига 40 сўм коларди. Ҳе йўқ, бе йўқ 10 сўм пул зояга чиқди-я. Анов нима деди, «ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди», дедими?

Энди Холбута аканинг телевизор кўришга иштиёки қолмади. Хотинига қараб, «тўшак сол» деди. Кундуза опа ёнбошлиганича ухлаш қолган кенжатойини кучоқлаш ётарди.

- Юлдуз, - деди у ўғлини уйғотиб юбормаслика интилиб паст овозда. - Отангга тўшак сол.

Тўнгичи илдам келиб нонтахта устидаги йиртилган дафтарни олиб тахлади.

- Ҳа, ота, кино кўрмайсизми? Бугун «Тунгу ёғлу» бўлади. «Шаҳаншоҳ» деган хинача кино. Тўшагингизни солиб қўйганиман? Чарчалингизми?

- Сардорни ҳам олиб кетинг, - деди Кундуз опа ўғлини ўйни устида қолган қўлини олиб, уюшган билагини укалай бошлади.

Холбута ака Сардорни бағрига босиб, тўшакка олиб бориб ётқизди. Костюмини ечаётib, Мелибай бригаднинг «жўяқ олиб беринг» деб қолганини эслади. Эртага уям эллик берса... Лезва билан супургига ўша етар...

- Юлдуз, - у кизини аста чакириб, чўнтағидан пулларини олди.

- Ҳа, ота, нима лейсиз? - деди кизи бу сафар ҳам тезда келиб эшикдан бўйларкан. - Чирокни ўчирдими?

- Ма, - Холбута ака беш сўмликни кизига узатди. Ажабланганини кўриб тушунтириди. - Анов сочга тақалигидан оламан леятувлинг...

- Рахмат, - деди кизи ва тортинибгина пулни олди, чирокни ўчирб ҳонадан чиқди.

Бу йил мактабни тамомлайдиган кизининг хатти-харакатларидан Холбута аканинг кўнгли тўлди. Каранг-га, вакт ўтиб кетаверар экан-да. Ҳадемай совчилар ҳам кела бошлашади. Йўқ, узатишга шошилмайди, ўқитади.

Холбута ака «чиниб, кўрпага чўзилди. Пишшлаб ухлаётган кенжатойининг устига кўрпача тортиб юзидан ўтиб қўйди. Сардор отасининг ўсинкираган мўйловидан безовтаданиб, бурнини ишқаф, нариги томонга ўтирилаб олди.

Холбута ака ўғлиниң килигидан жилмайди. «Одамсиз колибди. Ҳалитдан туғилган кун деган нарсаларни билиб олибди. Бўлмасам кечагина бошбармоғини сўриб юрганди...» Ўғил-қизларини ўйлаб танашига илиқлиқ юргурган Холбута ака тезда ухлаш қолди.

Тезда ухлагани эса яхши бўлди. Эртага эрта туриши керак. Ахир Дониёр қўшниси ишга эрта кетиб қолса, тракторни бошқага тортизис юргизаман дегунча анча пайт сарсон бўлиши борда.

Эртага кенжатой ҳам иш марта туғилган кунга боради.

Носир ФОЗИЛОВ

# АБДУЛЛА КАҲҲОР

Рус адабиётининг сарвари Александр Пушкин бир маҳаллар «ўтган эса ҳамиши тотли» деган холосага келган эди. Ўзбек адабиётининг бундан 30-40 аввалги қудратию савлатини Абдулла Каҳҳор, Faфур Fулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемирларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Таникли адабиётчи Носир Фозилов юқорида номлари зикр этилган устоз ёзувчиларимиз билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат бўлган, баъзиларига шогирд ҳам тушган. Носир ака устозлар ҳаётидан қизиқарли ҳангомалардан иборат «Мунаввар лаҳзалар» деган китоб битди.

Кўшида биз сиз азиз журналхонлар учун асаддаги Абдулла Каҳҳор домла хусусидаги ҳангомаларни эълон қилаётгирмиз. Насиб бўлса, кейинги сонларда Faфур Fулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир домлалар ҳаётидан ҳам лавҳалар ўқийсиз.

## ТАҲРИРИЯТ

## ЧОЛЛАРДАН БЎЛМАСА БЎЛМАЙДИ ШЕКИЛЛИ

Аниқ биламан: 1958 йилнинг август ойи эди. Ўзбекистон ёзувчиларининг тўртингчи курултойи ҳозирги «Баҳор» концерт залида бўлди. Биз энди ўқишини тутатган пайтларимиз. Курултойда бўлаётган бирорта гапни ҳам назаримдан четда қолдирмасликка ҳаракат қиласардик. Энг қизиги раис сайлаш пайтида бўлди. У вақтларда ҳозиргидек демократия қаёқда дейсиз? Юқоридагилар нима деса шу бўларди, кимни деса ўша сайланарди. Бир маҳал минбарга Абдулла ака чиқди. Ҳамманинг кулоги динг.

- Ўртоқлар, - деб аста гап бошлади Абдулла ака вазминлик билан, - биз ҳаммамиз раис бўлиб кўрдик. Энди навбатни ўшларга берайлик. Шукрким, кадрларимиз бор. Мана, Ҳамид Фуломдан тортиб то Шотурсун Фуломгача раисликка сайланса бўлаверади. Чоллардан нима чиқади? Биттаси Яшинми? У ҳам дўпписини кетмон дастага илди-кетди. Ойбек ҳам бўлиб кўрди. Бироқ жўялироқ «иш қилолгани йўқ. Мана, Ўйғунни раис қилдиқ Оқибатда нима бўлди? Дарвоқе, Ўйғун бамисоли туюкушга ўхшайди. Туюкушга: «Учсанг-чи», дейишса, «мен туюман», дер экан. «Туя бўлсанг, юқ ортайлик», дейишса, «йўқ, мен күшман», деб жавоб қиласар экан. Агар борди-ю, сиз унга: «Нега шеър ёзмайсан?» десангиз, у сизга: «мен раисман», деб жавоб қиласди. «Раис бўлсанг раҳбарлик қил», десангиз, у: «мен шоирман», дейди. Шундай бўлгандан кейин...

Албатта бу гапдан ҳамма кулди. Энг қизиги шуки, танаффус вақтида ўша пайтдаги марказкўмнинг саркобити Собир Камолов Абдулла акани яхшилаб бир бураган шекилли, тушдан кейинги мажлисда раисликка номзодни Абдулла аканинг ўзлари кўрсатдилар:

- Энди ўртоқлар... - деб чайналиб гап бошладилар, - шу, бир чол раис бўлмаса бўлмайди шекилли... Яшин бўлаколсин.

Ҳамма кулиб юборди. Одамлар раис Яшин ака бўлгани учун эмас, шундай тўғрисўз Абдулла аканинг саркотиб тазиқидан сўнг бояги гапини қайтиб олгани учун кулишди.

## ЧУМЧУҚ ОВИ

Абдулла Каҳҳор!

Дарвоқе, Абдулла ака кўлида ҳаво босими билан отиладиган ихчам милтиқ, боғида эрмак учун энди шира кира бошлаган узум ғужумларини чўқилаётган чумчукларни отиб юради. Биз бир тўда ёшлар ёзувчилар боғидаги ғужум тагида ҳангомалашиб ўтирадик. Бир маҳал Мавлон ака Абдулла аканинг ов қилиб юрганини кўриб, у кишининг олдиларига келди. Салом бергани биз ҳам кўзғалдик. Мавлон ака Абдулла акага салом берди-ю:

- Ие, оқсоқол, теккизолмаяпсиз-ку, - деди. Сўнг кўзйнагини яхшилаб артиб, кўзига тақди. - Менга беринг, бир отганда тушираман.

Абдулла ака Мавлон аканинг шаштини кўриб, мийифида илжайди.

- Мана, шоир. Қани, туширинг-чи.

Мавлон ака битта чумчукни узоқ нишонга олиб, пақ этказиб отди. Чумчук учиб кетди. Мавлон ака «и» деди. Кўзйнагини қайтадан артиб, тагин мўлжалга олди. Тағин теккиза олмади. Яна «и» деди. Учинчи ҳаракатдан сўнг ҳам чумчук пир-р этиб учиб кетди.

Абдулла ака мийифида кулиб:

- Қани, шоир, милтиқни бўёққа олинг, - деди ғалати караш қилиб. - Мана шунисига тегди.

Бизлар Мавлон аканинг барча ҳаракатини кузатиб турган эдик.

- Э, теккани йўқ, - деб чувиллашдик. - тегса йиқилиб тушмасмиди?

Абдулла ака ўзининг аввалги гапига изоҳ берди:

- Айтдим-ку, кейингисига тегди деб. Йиқилгани юмшоқ жой қидириб кетди!

Абдулла ака бу гапни Мавлон акани ҳижолаттазликтан кутқариш учун айтганини билиб турсак ҳам кулдик. Устознинг ўзлари ҳам оғизларини очмай, коринларини силкитиб кулдилар.

## КЕЛАВЕРИНГЛАР, ТИШЛАМАЙДИ

Мен устоз Абдулла Қаҳҳорни уста мерганга менгзайман. Мерган шунинг учун мерганки, отган ўқи бекор кетмайди. Абдулла ака шунинг учун мерганга ўхшайдики, айтган гапи мўлжалга тегмай қолмайди.

Бир куни ёзувчилар бодига машҳур липа тагидаги каравотда оёқларимизни пастга осилтириб дам олиб ўтирадик. Ёнгинамда Матёқуб ака Кўшижонов. Бир маҳал Матёқуб ака биқинимга аста туртди.

- Юриңг, Абдулла акага салом бериб келамиз.

Ўрнимдан туриб, у кишига эргашдим. Ҳовлисига кирсак, Абдулла ака ариқда турибди. Шимининг почалари тиззалирагача шимарилган. Бир оёги сувда, бир оёги ариқ бўйида. Кўлида қайши. Иккинчи қўли Мулла Дазориддин Дўрмоний деган итининг бўйинбодига. Важохати чатоқ: вангиллатиб итини қайши билан саваларди. Биз аста яқинлашиб қолган эдик. Матёқуб ака минг истиҳола билан сўради:

- Э, Абдулла ака, нима қиляпсиз?

Абдулла ака бизларга кўзи тушиб қолиб, сал жаҳлдан тушгандай бўлди.

- Қизиталоқ айтганимни қилмайди, - деди сал ҳансираф. - Шунга жиндеқ жисмоний танқид қиляпман. Ҳа, қани, келинглар.

Матёқуб ака итдан қўрқар экан. Сал тайсаллаб:

- Итингиз... - деди.

- Э, қўрқманглар, келаверинглар, - деди Абдулла ака негадир кулиб. - Танқидидан ёмон эмас, тишламайди.

Абдулла ака Дазорнинг кетига қайши билан енгилгина урди, ит думини қисганча гаражнинг ортига ўтиб кетди.

## КГБНИНГ ИТИ

Кибриё опанинг касалхонадан чиққанини эишитиб, Абдулла Орипов иккаламиз бокқа қараб йўл олдик. Опа бундан ўн кунлар олдин касалхонага тушиб колиб, ўт пуфагини олдирган эди: кўргани кетяпмиз. Борсак, опанинг ранги бироз синиққанини ҳисобга олмасак, туппа-тузуккина ўтирибдилар. Эгниларида атлас кўйлак, тагларида кресло, тоҷикча гаплари бурро.

- Энди хотинни бир капиталний ремонтдан чиқариб олдик-да, - деб Абдулла ака мийифида кулади.

Чойдан кейин бир маҳал овқат келди: Абдулла ака, Абдулла жон, мен бир лаганни ўртага олдик. Қовурма макарон палов! Кибриё опа бизларга қўшилмай тўрда ўтиради. Энди санчклиларни ишга туширганимизда Абдулла ака Кибриё опага қараб гапириб қолдилар:

- Бу овқатнинг гўшти қани?

Тўғрисини айтиш керак, лаганда макарон билан тенгма-тенг гўшт эди. Абдулла аканинг гапидан бизлар ҳам ҳайрон қолдик. Кибриё опа аввалига: «Овқатга мен аралашмадим. Аний қилувчи, - деб ўзини авайлаб ўрнидан туриб, лаганимизга қаради-ю, кулди, - Ҳа, туриби-ку, тенгма-тенг гўшт-ку, азбарой худо!»

Абдулла ака ҳам бўш келмади ё бизнинг олдимизда хотинга бўш келишни истамади.

- Қани! КГБнинг итини олиб келиб ҳидлатиб ҳам топиб бўлмайди-ку!

Кейин билсак, устоз шу гапни айтиш учунгина бошлаган экан бу «тергов»ни. Бўлмаса овқат жуда ширин бўлган эди. Пок-покиза туширдик.

## Ё ТОВБА!

Олтмишинчи йиллар. Никита Сергеевичнинг турилаб турган пайти. Адабиёт ва санъат ҳодимларини йигиб гап сотган, унинг маъруzasидан рус зиёлилар жумбушга келиб, тоҳуқиб ўхшаган битта-яримта истеъодли рассому ҳайкалтарошлар, тоҳуқиб ўхшаган ёзувчилар, тоҳуқиб Растроповичга ўхшаган артистлар гарбга куён бўлиб турган кунлари эди. Ойноманинг иши билан Абдулла аканинг олдиларига ўтган эдим, кўлларида ўша маъруза босилган рўзнома, ниҳоятда жаҳл устида ўтирган эканлар.

- Бу қизиталоқ, - деб газетадаги Хрущевнинг суратига ишора қилдилар, - нима қилар экан адабиётга, санъатга аралашиб? Аралашмаса хотинчалари талоқ бўларканми, а? Ҳудди тилла магазинга кириб қолган филнинг ўзгинасига ўхшайди-я! У ёққа айлансаным бир қимматбаҳо чиннини синдирипти, бўёққа айланса ҳам. Ё товбандан кетай... диван қўйилган бўлиб, унда кўпинчча катта ёзувчилар сухбат қилиб ўтиришарди. Бир куни Абдулла ака билан Файратий домла гаплашиб ўтиришса, фоз юриш қилиб драматург Туйғун ўтиб қолибди. Ўша пайтда у кишининг «Муҳаббат» деган драмаси саҳнага қўйилган, ўзи эса, уюшма фирмасига котиб... Ҳуллас, ишлари юришиб турган кезлар. Унча-бунчай одамни эламайди. Жиндеқ ҳаво пайдо қилган, тарвуздеккина қорнини олдинга чиқариб, домлаларга ҳўжакўрсингагина бош эгид салом берган бўлибди-да, зипиллаб ўтиб кетибди.

Абдулла акани ўзингиз биласиз, сассиккина, Файратий домла ҳам илжайибгина жим тургани билан бу борада Абдулла акадан қолишимасди.

- Туйғун қорин қўйибдими? - дебди Файратий домла ғалати илжайиб.

- Бэ-э, - эътироз билдирибди Абдулла ака, - салидний кўринаман деб бир ҳафтадирки, холижойга бормайди.

## ТАҒИН НИМА ҚИЛИБ БЕРАЙ?

Абдулла аканинг қизиқ одатлари бўларди. Ёзувчида! Ёзувчи доим изланишда, гап қидиришда юради. Баъзан кўнглига бирон қизиқ, гап келиб қолса, ўша гапни исботлаш учун атайлаб воқеани ташкил ҳам қиларди. Масалан, Дўрмонда устознинг Мулла Дазориддин Дўрмоний деган ити казо қилиб қолган пайтлари - Кибриё опа Соҳида дам олаётган экан. Шунда устоз эринмай итининг жасадини атайлаб судраб келиб, бошини остонаяга тўғрилаб қўйибди-да, суратга туширибди. Сўнг опага: «Мулла Дазориддин Дўрмоний умрининг сўнгти дамигача Сизни йўқлаб, остонаяга бош қўйганича жон таслим қилдилар...» - деб хат ёзгани, хатта кўшиб суратни ҳам жўнаттани ҳаммамизнинг эсимизда.

Ҳудди шунга ўхшаш воқеа рўй берганида камина ҳам бор эди. Устоз кўнглида туғилган гапни воқеага айлантириди. Бунинг учун бир гап айтиб, опанинг жаҳлини чиқариш керак. Ўзингиз биласиз, бунақа пайтда хотин кишига айтилган ҳар қандай сўз жавобсиз қолмайди. Воқеа меъерига етганида, устоз бояги кўнглига келган гапни

кулмай, бу гап ҳозиргина пайдо бўлгандай қилиб айтади. Худди шундай бўлди. Гўё чинакамига жаҳли чиққандай деди:

- Хўш, нима дейсан? Қаерга борсам белимда носковоқдай олиб юрсам, она тилим қолиб, хотин тилида гапирсам... Тағин нима килай?..

Бунақа пайтда жаҳл эмас, ҳозиргина айтилган қизик гап устунлик килади. Бу гал шундай бўлди: опа ҳам, мен ҳам кулишдик. Абдулла ака кулмади: котирдимми, дегандай ўзини кулгидан аранг босиб, тескари айланаб кетди.

## ҒАЗАЛ ТИЛИДА СЎКИБ БЎЛМАЙДИ

Аксари пайтларда Абдулла ака Кириё опа билан тожикчалаб гаплашар, назаримда бу муомалалири ўзларига ярашиб ҳам турар эди. Бир куни борсам, опа билан устоз худди тарновига кўнган мусичалардай бир-бирларининг пинжига кириб олишиб, форс тилида ёзилган кандайдир китобчани мутолаа қилиб ўтиришган экан: Кириё опа қироатни жойига кўйиб ўқияпти, Абдулла ака ахён-ахёnda бир жуфтгина гап кўшиб (албатта тожикчалаб), тинглаб ўтирас эди. Мен ҳеч билога тушунмасам ҳам индамай тинглаб ўтирадим. Кириё опа наубатдаги байтни ўқиб бўлиб, уни ҳижжалаб тушунтира бошларди. Опанинг бу услуби устозга малол келди шекилли, бирдан ўзбекчалаб юборди:

- Бўлди, бўлди. Мунчаям оғзимизга чайнаб солмасангиз.

- Носирвой ҳам тушунсин деялман-да, - деб опа ўзини оқлаган бўлди.

Орага мен ҳам кўшилганимдан кейин устозни ҷалғитиш учун:

- Абдулла ака, - дедим жиндек ийманиб, - нега опа билан гаплашганингизда тожикчалаб гапирасиз-у, уришгингиз келса, бирдан ўзбекчалаб юборасиз?

Абдулла аканинг чаккаларидаги култичлари ўйнай бошлади.

- Чунки хотин кишини ғазал тилида сўкиб бўлмайди, - дедилар менга кувлик билан кўзларини қисиб. - Киройи сўкканингдан кейин ўзбекчалаб сўкканга нима етсин.

## АЗБАРОЙИ ХУДО

Абдулла аканинг қанд касали бор эди. Шу туфайли устоз кўп азият чекарди. Машинасининг кутичасида ҳамиша укол қипадиган асбоблари юрар, баъзан тиқилинч қелиб қолганида ўзига ўзи шимининг сиртидан нина санчиб муолажа қилиб кетаверар эди.

Кунлардан бир кун доктор келиб устозни кўриб, манави-манави дориларни ичасиз, деб қофоз ёзib берибди. Сўнг Кириё опа ўша қофоз бўйича аптекадан айтилган дориларни олиб келибди.

- Мана, айтилган дориларни олиб келдим, - дебди Кириё опа, - ичиб оласизми?

- Шунда Абдулла ака опага қараб туриб дебди:

- Аввал ўзингиз ичиб кўринг-чи, бирон нарса бўлмаса кейин мен ичарман.

- Азбаройи худо... - деб кулиб юборибди Кириё опа.

## БУЛАРНИНГ «ИДЕЯ»СИНИ ЯХШИ ТУШУНМАДИМ

Корақалпоқ адабиёти ўнкунлиги бўлишидан бир йил аввал Тошкентга ёзувчи оғамиз Турдимурод Нажимов

вакил бўлиб келди. У кишининг вазифаси - нашриётларда, ойномаларда, рўзномаларда ўнкунликка тайёргарликнинг боришини кузатиш, қайси муаллифларнинг китобларини алоҳида китоб шаклида чоп этиш лозим-у, қайси муаллифларнинг асарларини ойномалару рўзномаларда босса ҳам бўлаверишини бу ергагиларга айтиб туриш учун вакил қилинган эди.

Иш қизгин кетарди. Ана шундай кунлардан бирида Турдимурод оға менга беш-олтига ҳикоясини ташлаб кетди. Мен улар билан танишиб, эпақага келадиганроқ биттасини ён дафтаримда асраб юрган ғалати гапларим билан бойитиб, таржима қилдим-да, «Ёш ленинчи», ойномасига олиб бориб бердим. У ерда Анвар Бўрибоев деган шоир ўрготимиз ишларди. Олиб қолди.

Мен «Гулхан»да ишлардим. Бир куни бош мухарриримиз Эркин ака Жабборов қўлида «Ёш ленинчи», илжайиб кириб келди.

- Хов, қозоқвой, - деди кулиб. - Бу нима қилганинг?

- Нима қилибман, - дедим ҳайрон бўлиб.

- Мана бу ҳикояни қачон таржима қилган эдик?

Рўзномани олиб кўрсам, Турдимурод оғанинг ўзим таржима қилган ҳикояси. «Йўлда» деган ном билан чоп этилибди. Ҳикоянинг тагига қарасам, ҳақиқатан ҳам: «Корақалпоқчадан Носир Фозилов ва Эркин Жабборов таржимаси» деб ёзилибди. Буни қарангки, Анваржон: «Нима учун энди эркин таржима бўларкан? Ойномада Эркин ака билан бирга ишладими, демак Эркин Жабборов билан бирга таржима қилишган», деган тахмин билан таржимонларни иккита қилиб юборибди. Қойил-э!

Котиб-котиб кулдик. Эркин ака ҳазил аралаш деди:

- Энди бу таржиманинг қалам ҳақидан фирмә бадали хисоблашади. Ўзинг тўлайсан, қозоқвой!

Ўша куни овқатдан сўнг Турдимурод оғанинг ўзи келиб қолди. Эгнида сур пальто, бошида генераллар киядиган энсаси баланд сур телпак, жуда башант. Бунинг устига димог осмонда.

Мен салом-алиқдан сўнг:

- Оға, бугун ҳикоянгиз чиқибди. Кўзингиз тушдими?

- дедим ундан суюнчи сўрагандай. - Қалай бўпти? Кўнглингиз тўлдими?

У киши баланддан келиб жавоб қилди:

- Дуруст, менинг идеямни яхши тушунибсан!

Бу жавоб нафсониятимга тегди. Буни қаранг-а, ҳикояни қарийб ўзим ёзив берган бўлсам-да, раҳмат айтиш ўрнига нописандлик билан: «Дуруст, менинг идеямни яхши тушунибсан», деса, нафсониятинг тегмайдими!

Мен тортмамда турган оғанинг бошқа ҳикояларини дастаси билан олиб кўлиға тутқаздим.

- Ха, ағдармайсанми? - деди оғамиз.

- Йўқ, - дедим ўжарлигим тутиб. - Буларнинг «идея»сини яхши тушунмадим.

## БАМИСОЛИ ВИНО

Корақалпоқ муаллифларининг насрый асарлари мұҳкамасидан табиати тирриқ чиқиб, бир чеккада хомуш турган Абдулла акани олдига Наби Раҳимов деган бир айнийшунос олим кўндаланг бўлди.

- Абдулла ака, уюшмага аъзо бўлиш учун ариза берганинг ўч-тўрт йил бўлди. Ҳалиям қабул қилишмаяпти. Илтимос...

Биз ўша пайтларда уюшмада қабул комиссиясининг раиси бўлган Абдулла аканинг оғзини пойлаб, нима

жавоб қиларкин, деб чеккароқда турардик. Ўзи мухокамадан чарчаб чиқкан бўлса, бунинг устига ҳалиги Нажимов билан Суннатулла ака можароси... Бир нима деб силтаб ташлаши ҳам мумкин эди-да!

- Ариза ҳам бамисоли вино, тақсир. Қанча кўп турса, шунча кучли бўлади. Уч-тўрт йил кутган бўлсангиз, ҳали ҳеч қанча вақт ўтмабди. Тағин бироз кутинг.

Наби ака бу жавобни әшитиб, худди Абдулла акани энди кўраётгандай тикилганча котди-колди.

## ГЎШТ ДЕБ ОЛИБ ЮБОРМАНГЛАР

Бир гурух ёзувчилар Абдулла аканинг Дўрмондаги боғига ҳашарга чиққанмиз. Асқад ака, Одил ака, Вахоб ака, Саид Аҳмад ака, улар орасида бастакор Сайфи Жалил, машхур дикторимиз Қодир Махсум... камина ҳам бор. Абдулла ака бизларни ўчоқ қурдириш учун таклиф қилинган. Ўчоқ қуришни Кибриё опанинг ўзлари ҳам боплаб ташлайдилар-у, аммо, ўчоқ баҳона дийдорлашиб, бироз ҳордик чиқариш, гуруғлашиш эди. Аслида ҳашарга эмас, ошарга чиқардик. Бу гал ҳам шундоқ бўлди. Қодир ака раҳматлик палов пиширишни әшиб ташлар экан. У енгини шимариб олган, кўлида қапгир, қозон билан овора-ю, барчамиз унинг атрофини ўраб олиб, гап сотамиз, киттак-қиттак қиласиз. Шу тахлит ош лаганга сузилмай туриб, баъзилар чулдираб қолишиди. Қодир ака ҳам сергап бўлиб қолган эди. Бир маҳал амалтакал килиб ош сузилиб, дастурхонга тортилди. Ҳаммамиз айланга ўтириб олиб, баъзилар икки лукмадан, баъзилар эса бир лукмадан олишганда, Абдулла ака тўсатдан:

- Ўртоклар! - деб қолдилар. Ҳаммамиз беихтиёр Абдулла акага қарадик. У кишининг ҳам анчагина қайфи ошиб қолган шекили, кўзлари сузилиб турарди. - Мана бу лаганнинг устида турган Қодир Махсумнинг оёғи бўлади. Тағин гўшт деб олиб юборманглар...

Не кўз билан кўрайлики, ҳақиқатдан ҳам шундай. Қодир ака анчагина пишиб қолган, қориндор одам эмасми - дастурхонга баҳузур эгила олмас, ўнг оёғи лаганда турар, ниманидир тушунтирмоқчи бўларди-ю, тили гапга келмас эди.

Йигитлар Қодир акани авайлаб бир чеккага ётқизиб қўйишиди-ю, у лаган қолиб, бу лаганга ўтиб кетишиди...

## КОРИ ИШКАНБАЛИК

Устоз Абдулла Қаҳҳор баъзан нашриётга келганида у ерда зерикиб ўтирган кекса мухаррирлар гапга соларди. Устоз раҳматлик кичкина бир оддий воқеани ҳам тўн кийдириб, қаҳҳорона безаб, ошириб, атрофдагиларни кулдириб гапиради.

Бизлар бу пайтда ҳали ёш эдик, ўша атрофда ўралашиб юрганимиз учун айтган ҳангомаларни тўғри туриб әшитишга ботинолмай, бирор кекса мухаррирнинг пинжида туриб әшитардик. Куладиган гап бўлса товушимиизни чиқармай, оғзимизни беркитиб кулардик. Баралла кулишга устоздан ҳайикардик.

Эллигинчи йилларда нашриётда Маҳамат ака Исломов, Малик Раҳмон, Тўхтасин Жалолов, Йўқсил домла каби қатор кексалар ишлар эдилар. Уларнинг гапларини әшитсангиз, худди бир жонли тарих дейсиз. Эшитган сайин әшиттингиз келаверади, әшиттингиз

келаверади. Улар айтган гапларнинг биронтаси ҳам адабиёт тарихига кирмаган гирт хотиралар бўларди-да!

Бир куни Абдулла ака келиб, гап асносида шу ерда ишлатгандар ҳакидаги хотираларни айтиб, ҳаммани кулдириди. Хотира қаҳрамонларининг ўзлари ҳам мириқиб кулишиди.

Йигирманчи, ўттизинчи йиллари бу чоллар ҳам худди бизларга ўхшаб ҳар қаёқдан Тошкентга келишган. Шу жумладан Абдулла Қаҳҳор билан Маҳамат ака Исломов ҳам. Улар ҳам бизларга ўхшаб ижара ҳаки тўлашиб, у уйдан-бу уйга тоза кўчишган экан. Бир куни Абдулла ака Маҳамат акани бир кўриб келай деб, у киши яшаб турган уйга борибди. Ҳордик куни бўлгани учун Маҳамат ака уйда экан. Улар ҳамиорт-да, кўқонлик. Маҳамат ака хурсанд бўлиб кетиб, чой дамлабди, пешонасида бор ноз-неъмати - бир пиёлагина қаймоғини Абдулла аканинг олдига олиб келиб қўйибди. Студентнинг қорни қачон тўқ юрган. Абдулла ака қаймоққа суви қочган нонни ботириб ея бошлабди. Маҳамат ака эса, қаймоқдан кўз узмай, меҳмоннинг теппасида қаққайиб турганмиш. Абдулла ака аҳамият ҳам бермабди... Бир маҳал Маҳамат ака тапир-тупур килиб юргурганча кўчага чиқиб кетиби. Абдулла ака ҳеч нарсага тушунмай, бироз аграйиб турибида, келганда биларман нима гаплигини деб, қаймоқхўрликни давом эттиравериби. Орадан ярим соатларча вақт ўтиби. Қаймоқни еб, пиёланинг тагини ялаб, чой ичиб ўтирганида Малик ака ҳарс-хурс килиб кириб келиби.

- Қаёқка кетиб қолдингиз? - деб сўрабди Абдулла ака ҳайрон бўлиб.

- Э, сиз билмадингиз, оғайни, - дебди Маҳамат ака ўпкасини босолмай, - Боя сиз истеъмол қилаётган қаймоққа бир каттакон пашша қўниб, оёқларига талайгина қаймоқ юқини илаштириб учеб кетувди. Ўшани кувлаб дент... Нак вакзалга етганида тутиб, оёқларига, канотларига илашган қаймоқни шимиб олиб... келаётганим, дент. Ух, чойдан қуйинг, оғайни.

- Кори ишканбаликку бу, - деб Малик Раҳмон мазза килиб кулди.

- Ўқ, Кори ишканба бундан дарс олган, - деди Абдулла ака. Ўзи кулмасди. Маҳамат ака ҳам товушини чиқармай, негадир юзлари қип-қизарип, кўзларидан ёш оқиб, маза қилиб кулар эди.

## ЁМФИРДА ХОТИН ТУФМАЙДИ

Абдулла ака баъзан зерикӣ, ҳангоматалаб бўлиб қолганида Дўрмондаги чорбоғига ўзига яқин кишиларни таклиф қиласидилар. Бунинг оти ҳашар! Аслини олганда таклиф қилингандар ҳашарга эмас, ошарга чиқар, шу баҳона ҳордик чиқариб, ўйнаб, яйраб қайтиб келишарди шаҳарга.

Ана шундай чакирикларнинг бири. Боғда Ҳайдарали ака, Вахоб ақалар ҳам бор. Аллақачон майхўрлик бошланган. Майхўрлик деётганимиз бу - Абдулла аканинг кўлбола мусалласи. Чорбоғ ертўласидаги ёғоч бўчқадан олиб чиқиб қуяяпти, ичишайпти. Ўзиям бир писмик мусаллас экан, гўё ҳеч нарса бўлмагандай туюлади-ю, етмиш икки томирингни бўшаштириб, кўзғатмай кўя қоларкан.

Бир маҳал ҳамма чулдираб қолган пайтда Ҳайдар ака ўрнидан базўр турди-ю, гандираклаб бориб, пойгакда турган туфлисини қўллантаёқ кия бошлади. Гавдали одам

эмасми, эгилолмас, кайфнинг зўридан оёқларини туфлига тўгрилолмай инқилларди...

Ташқарида эса боягина бошланган ёмғир зўрайса зўрайган эдик, асло пайсаймаган, унинг шатир-шутири хона ичидаги ҳам эшитилиб турар эди.

Бир маҳал бўсағада йиғрисиб юрган Ҳайдарали акага Абдулла аканинг кўзи тушиб қолди. У ҳамон туфлисини киёлмасди.

- Ҳа, шоир, нима харакат?

Ҳайдарали ака қараса, тепасида Абдулла ака турибди. У кишининг ҳам кўзлари сузилган. Бир туфлисини кўлантаёқ кийган, иккинчиси қўлида, Ҳайдарали ака деворга сунниб, қаддини ростлади.

- Келинингиз оғир оёқ эди... - деди Ҳайдарали ака хижолатомуз. - Шунга... кетмасам бўлмайди, Абдулла ака.

Қараса бўлмайдиган. Ёмғир эса ҳеч пасаядиган эмасди. Шу ахволда, шу ёмғирда уни кўчага чиқарив бўларканми?

- Қўйсангиз-чи, шоир, - деди Абдулла ака мантик, кучи билан ишонтиришга харакат килиб. - Шу ёмғирда ҳам хотин туғадими?

Ҳайдар ака сал бўшаши.

- Тумайдими?!

- Тумайди, - деди ишонч билан Абдулла ака.

- Майли ундоқ бўлса... - деб Ҳайдар ака ярим соат овора бўлиб зўрға кийган туфлисини еча бошлади.

## ОҚАРСАЯМ БЎЛСИН-ЧИ

Олтмишинчи йилларда «Кизил Ўзбекистон» (хозирги «Ўзбекистон овози»)дан ҳам улуғроқ газета йўқ эди. Шу газетанинг саҳифаларида чикиш ҳар қандай адаб учун жуда шарафли эди. Шунинг учун бўлса керак, бу газетанинг адабиёт ва маданият бўлими шоиру ёзувчилар билан гавжум бўларди.

Ўша йиллари бу бўлимнинг мудири бўлиб, ёзувчи Йўлдош Шамшаров ишларди. Бу анчагина катта амал хисоблангани учун Йўлдош акамиизда жиндек ҳаво пайдо бўлган, шунинг учун бўлса ажаб эмас, таҳририятга кирганларга у каттами-кичикми барibir, сенсираб мумала қиласди.

Кунлардан бирида бўлимга ёзувчи Абдулла Қаҳҳор кириб келди. Йўлдош ака одати бўйича, худди Абдулла аканинг бешигини тебратгандай:

- Ие, Абдулажон, соchlаринг оппоқ оқариб кетибди, - деди.

Бу унинг Абдулла ака билан сўрашганимиди ё таҳриriятда ўтирганларга ўзини ким эканлигини кўрсатиб кўйиншиди, билиб бўлмасди. Бунақа пайтда Абдулла ака ҳам қараб турадиганлардан эмасди. У оппоқ қордай соchlарини силаб жавоб берди:

- Оқарсаям бўлсин-чи!

Йўлдош ака жавоб қайтаролмай, дилгирликдан чип-чип терлаган силлик бошини силаркан, хонадагиларга кўшилиб кулди.

Ўзининг бошида биттаям туки йўқ одам шунақа дейдими?

## «ИЕ, ЁМОН ШЕЪР ЁЗГАНМИДИНГИЗ?»

Бир куни Абдулла аканинг борғандим, ўёқ-буёқдан гаплашиб ўтириб:

- Ҳай, дунёда нима гаплар? - деб сўраб қолдилар.

- Кеча Уйғун аканинг туғилган куни бўлди... - дедим.

- Ҳа, айтгандай, кеча телефонда муборакбод килган эдик, - дедилар. - Одам кўп бўлдими?

- Анчагина... Назир ака янгам билан, Мирмуҳсин ака, Зоҳиджон акалар янгалар билан...

- Тузук бўпти.

- Бироқ... Шу, Зоҳиджон аканинг қўли сал...

- Ие, нима бўлди?! - дедилар Абдулла ака ҳайрон бўлиб.

- Синди...

- Ие, қандай қилиб?!

- Чой охирилаб қолган эди. Зоҳиджон аканинг қарта ўйнагиси келиб қолиб, бир қўлида пиёла, кўлтиқтаёқсиз диконглаб балконга чиқиб кетаётib, мувозанатини йўқотиб қўйса бўладими? Йиқилди-ю, вой-войлади қолди, шўрлик. Ўнг қўли синиби.

- Хозир уйидамикан? - дедилар Абдулла ака астойдил ачиниб. - Телефонини билсангиз теринг-чи, бир кўнгил сўраб қўяйлик.

Мен телефонини териб, дарров гўшакни Абдулла акага узатдим. Абдулла ака салом-алиқдан сўнг:

- Ҳа, шоир, нима бўлди? - деб сўрадилар.

Гўшакдан Зоҳиджон аканинг овози бемалол шанғиллаб эшитилиб турарди.

- Шу, қўл синиби...

- Э, чаток бўпти-ку, а? - дедилар Абдулла ака афус билдириб, сўнг негадир кулгичлари ўйнай бошлади. - Нима бало, ёмон шеър ёзгандингиз?

Бирдан гўшакдан Зоҳиджон аканинг «а-ғ-ғ-...» деган кулгуси жаранглаб эшитилди.

- Қаранг энди, шу ҳам кўнгил сўраш бўлди-ю, азбаройи худо, - деди кулги аралаш норози бўлиб Кибриё опа. Опага қўшилиб мен ҳам кулдим.

## ХОТИРИНГИЗ ЖАМ БЎЛСИН

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг чорбоғидамиз. Шундоккина гаражи устидаги шинамгина оромгоҳда сухбатлашиб ўтирибмиз. Қиттак-қиттак бўлган. Бу оромгоҳдан теварак-атроф кафтда тургандай кўриниб турардики, одамнинг баҳри-дили очилиб кетарди. Устознинг кўзлари хумор-хумор, нималарнидир айтгиси бор. Бир маҳал сухбат асносида сўраб қолдилар:

- Йигитлар, об-ҳаво нима дейди. Радиога қулоқ солдиларингми?

Кимлар жавоб қилди:

- Эрталаб... сўнгти ахборотда, тушдан кейин ёмғир ёғади, деган эди. Осмонда бир парча ҳам булат йўқ. Ҳайронман...

Абдулла аканинг кулгичлари ўйнади.

- Ҳайрон бўлманг, шоир, - дедилар жилмайиб. - Шўро хукумати айтганини килдирмай қўймайди. Хотирингиз жам бўлсин, ёғади, дедим, ёғдирмай қўймайди.

Хамма бир-бирига сирли қарашиб, шўро хукуматининг кароматию салобатидан кулишиди. Абдулла аканинг ўзи миқ этмай ўтиради.



Илҳом ҲАФИЗОВ



## ҚҰЗЛАРИНГ НҰРЫДА РАҚС ТҰШАР ҰЛИМ...

### ОҚ ШЕР

Борлық сим сиёх,  
Юрдим пайпаслаб.  
Этиб бошимни  
тимирскіләндім.  
Юз-күзим ўпар  
Юввош сарин ел...  
Севинганимдан  
азот турдым мен.  
Буни каранг-ки,  
Уриб олибман  
ярғық бошимни  
Дилбар Кавкабга.

\* \* \*

Сен мени ўлдирмок эсанг, бұлақол,  
Сабру қаноатим қолмади менинг.  
Иродам, тоқатим қолмади менинг,  
Танимни қиймала, бўл, жонимни ол.

Токи Сени ҳеч ким тұхтатолмасин,  
Иккитанма асло, туширма құлинг.  
Күзларинг нурида ракс тушар ұлим,  
Армон ва афсусга ҳожат қолмасин.

Бошласанг-чи тезрок, қани бўл, жалюд,  
Бамисли қассобдай тилкалаб ташла.  
Үтінчим - бўғзимдан бўридай тишила,  
Токи жон чиқмасин бир зумда, тезоб.

Токи сезигіларим сұнгуни қадар,  
Үлим лаззатига сен мени қондир.  
Бу лаззат әхтимол буюк әхсондир,  
Бу қисмат әхтимол энг буюк қадар.

Чириган дараҳтни йиқітмоқ лозим,  
Хаёнидан ахир зиёни бисёр,  
«Бандам, - дер Яраттан, - билмайди меъёр»,  
Тўзим берсин Ерга, Заминга тўзим.

\* \* \*

Эмран, йурак, йонсин муҳаббат,  
Айлансын у олвон йаловга.  
Бир йонған дил булгай чут албат,  
Какнусдайин тушсин оловга.

Хаволангил, борликларни күч,  
Вағолилар бўлсин баҳтиёр.  
Үн саккиз минг оламларга уч,  
Ушшоқ диллар бўлсин файзиёб.

Эврил, йурак, топсин бошпана,  
Багириңдан севги, садоқат.  
Сұнгак кафас Сенга бошпана,  
Мұхаббатсиз дунйо ҳамоқат.

Үйғон, йурак, босмасин ғафлат,  
Сен севгининг ҳассос ҳомиіси.  
Санобар - бу сен очган тальят,  
Сен севгининг мангу жомеси.

Күйла, йурак, баралла күйла,  
Қўшикка сол, вафо, севгини.  
Келажакдан пайғомлар сўйла,  
Менгзагайлар оташга сени.

Эҳтирослар булоғи - йурак,  
Уравергил бонгингни тинмай.  
Мужда келтир, келтир хуш дарап,  
Ва азобга бўлиб турғин шай.

\* \* \*

Кўлларим қадоқмас, оқбилак кўллар,  
Мушт бўлиб туғилмас, бармоклар нозик.  
Илкимда ўроқмас, терғаним гуллар,  
Оғуми - ичганим, ўтмишим - ёзиқ?!

Билдиму, ва лекин босдим тиканни,  
Чақири санчилди ўтсиз юракка.  
Ўлдиму ва лекин яширдим жонни,  
Бардошим етурми сўнгти сўрока?!?

Билмоқчи бўлганим - оламнинг сири,  
Барҳаёт навога кўп ташна ўтдим.  
Боғлай ҳам олмадим белбоғни сириб,  
Хулёни кўрибон эшакда йуртдим.

Фурурим ўтқирмас, пажмурда фурур,  
Алифбоп қадимга доллик қисмати.  
Дилга беролмагай лаҳзалик сурур,  
Шеърда деб билғаним ҳаёт ҳикматин.

Адабиётнинг  
ҳабиби оқдарёлик  
Илҳом Ҳафизов  
Самарқанд университети рус  
филологиясини тугаллаб,  
кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилди. Бу даврда яхши шеърлар ёзган бўлса-да, камтариниги боис ularни кўпам матбуотда эълон қилишга шошилмади. Бироқ анча-мунча сўз муҳабблари Илҳом Ҳафиз шеърларини билишади ва бу шеърлардаги самимият, ўзига хос интилишларни қадрлашади.

Чархи кажрафторнинг ўйин ва жағофолари талай. Мана бир неча йиллардан бўён кенгликлар маҳбуби дарё қалбли Илҳом Ҳафиз хасталик боис бепоёндалаларда баҳор гунчасини кўришу, кузак bogларида поиниёда кезишига йўл тополмай қийналади... Небахткі шунда ҳам Илҳом Мирзонинг рузи тетик. Буни унинг тинимиз из шеър ёзётганишедан, гўзал асарларни зукколик ила фидойиллик билан ҳ а с л а н и б таржималар қилаётганишидан дарров сезизи мумкин. Бу умид чироги қалбинизда ҳеч қачон ўчмасин, тузалиб кетинг Илҳом ака!

НУРИЛЛОХ



ОТАУЛИ

## АФАНДИ ҮЛМАЙДИГАН БҮЛДИ

Достон\*



Бошингга агар қўнса бу кун шарнаи иқбол,  
Пойингга, элим, бош уриб қуръон ёзажакман.

Абдулла ОРИПОВ

Хўжа Насриддин афандини фақатгина ўзбек халқи эмас, барча туркӣ халқлар биргаликда жаҳон аҳлига ўйллаган энг бирламчи фавқулодда ва муҳтор элчи деса бўлади. Биз - туркйларнинг, ҳатто тили бошқачароқ бўлса-да, дили бир, жондош-қондош тоҷик халқининг ҳам энг севимли миллӣ қаҳрамони ҳисобланувчи бу сиймонинг донолиги, топқирлиги, толмас кураишчилиги, енгилмаслиги, ўлмаслиги, бошқа фазилатларини жаҳон аҳли жуда яхши билади. Афандининг латифалари ҳам, ўзи ҳам тилларда достон! Менимча, Отаули ана ўша тилларда достон қаҳрамонимизнинг жонли қиёфасини бир замондошимиз, эшлинос олим Носир (Насриддин) ЛатифиддиновиХўжаназаров мисолида ҳаққоний акс эттиришга муваффақ бўлган.

«Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» ва «Туркистан - умумий уйимиз» шоирларини қон-қонига сингдириб, қадими ўзлигини англаб этишига интилиб яшаётган бу эшлинос олим бутун Туркистан Элининг умрибоқий руҳини ифодалаб тургандек. Носир Хўжаназаров, менимча, кейинги йилларда туркӣ халқлар адабиётида яратилган жозибали характерлардан биро бўлиб, унда туркӣ халқларга хос муштарак хусусиятлар: оққўнгиллик, соддалилик, яшовчанлик, шонувчанлик, тинчликсеварлик, меҳнатсеварлик, донолик... қўйингчи, бир сўз билан айтганде, афандиларча феъл-атвор таъсирчан акс эттирилган. Шу боисдан мен бу афандитабиат қаҳрамонни, худди халқ оғзаки ижодида яратилган Хўжа Насриддин афандининг ўзидек, «туркйларнинг улли ёлчиси» деб таърифлагам келади.

«Афанди ўлмайдиган бўлди» достонида қаламга олинган Элишнослик институти, «Эл» нашириети, «Эл сўзи», «Эл юзи» нашрлари... булар, менинг тушунишишмча, ижодий ҳаёлот маҳсули ва маъжозий ифодагина эмас, «яхши ният - ярим давлат» қабилидаги тотли орзулар ҳамдир. Дейлик, туркӣ элимиз тарихи ва маданиятини тадқиқ этувчи элишнослик, яъни, туркишнослик (туркология) институти яқин йилларда ташкил топиб, бу эзгу орзулардан биро ушалса ажаб эмас.

Хозирга қадар яратилган «Афандининг ўн иккى қабри» ва бошқа санъат асарлари аён кўрсатиб турнибди, тарихда афандини ўлдиришига уринишлар жуда кўп бўлган. Лекин у ҳар қандай қалтис вазиятлардан ҳамиша омон чиқаверган. Шунинг учун ҳам ўлмас қаҳрамонда у! Айниқса, мустақиллик даврида бу ўлмас, яшовчан, ҳурфикр, доно қаҳрамон ҳар қачонгидан кўпроқ яшашга ҳақлидир. Бинобарин, унинг инсоний қиёфаси ҳаққоний кўрсатилган мазкур асар ҳам яшашга ҳақли!

Тўлепберген КАИПБЕРГЕНОВ

Бундан ўттиз йил аввали «халқ тимсоли, ўзбек тимсоли» леса легудек халқниа ғалибимиз Гафур Гуломнинг «Афанди ўлмайдиган бўлди» ҳикоясини қайта-қайта мутолаа килтанимла халқномизнинг шу гир ўлмас миллӣ қаҳрамони - Хўжа Насриддин афанди ҳақида качонларни таърих кўрсатиб турнибди.

Маълумки, Афандининг ёши нўк. Яъни, етти яшар болакай афандининг ҳам, етмиш яшар чол афандининг ҳам ўз латифалари бор. Ҳар қалай, аксарият латифалар уни эллик ёшлар миёнасилалиги ўрта яшар олам сифатида тақдим қилади. Нега? Бу саволга ўзимча жавоб тоғлам: чунки эллик ёш инсон умрининг ҳоснлорлик, пишиқчилик, экканини ўрши, ғалвирии сувлан кўтариши фаслиғ ўғил-қизлари бир-бирларига гасма-ғас ўсиб-улағанин, ҳар биро ёйман, ичман, кияман, оламга ўхшаб яшайман» лейли, Унисини ўйлантириши керак, бунисини узатиш, яна бирини ўқитиш, хулас, «иш-иш-иш» «Яхшиям их» эмас,

«иш» леган экан, - лутғ қилали бунлай пайтда бош кашиншга фурсати нўк болажон ўзбек. Бунинг устига бозор тизими келли.

Қаҳрамонининг элишноси олим, яъни, зиёлилангини ҳам тўғри тушунасиз леган умилдаман.

Бугунги кунимизнинг Афандинига хос илоҳий ёзув ва инсоний киёфани ёритишла ошириб ё тушириб юборилган ўринлар бўлса, мени маъзур тутасиз.

Асарнинг журнал нусхасида қаҳрамониниг пуштиналаги-ю кирқ тўккиз ўнлар кисметини ёритишга қаратилган «Афандининг отаси», «Афандининг биринчи ва иккинчи мухаббати», «Афанди Туркистонла», «Афанди тоғ нўлида», «Афандининг шиконаси», «Афандининг собиқ поччаси» кали бобларни кўя турис, асосий лиқкатни унинг бир неча тил аввалгиҳавол-рухиясига қараталмаки, буни ҳам тўғри тушунасиз леб ўйлайман.

Муаллиф

\* Асарнинг журналга мўлжаллаб ихчамлаширилган нусхаси.

## «АФАНДИ ОВГА ЧИҚДИ...»

Носир шаҳар марказидаги асосий ишхонасининг залворли қопқасини очиб, ташқарига йўналар экан, юраги ўртанди. «Энди бу жамоани наинки ўзи, бутунги куннинг Мирёқуб эпақаси, ҳатто Искандар Зулқарнайнинг устозининг устози - Сукрот ҳам эпақага келтиролмас! - хуноби ошиб ўйлади ўзича. - Кейинги йилларда пулшунослик институтими, кулшунослик институтими, нима бўлса бўлди, факат Элшунослик институти бўлмай қолди бу кутлуғ даргоҳ! Шу кетишида тағин элфуруушлик институтига айлантиришадими анови... фурушлар!..»

У олтмиш уч йил муқаддам ташкил топиб, шу кечакундузда пайғамбар ёшида турган институт тарихини беш кўлдек бўлмаса-да, ҳар қалай, бир элшунос олимчалик билди. Неча йиллардан бўён шу мақаддас даргоҳнинг тупроғини ялаб ётиби, ахир. Бир кам эллик йиллик умрининг қаймоғини сидириб, шу даргоҳга топшириди. Уволи-не керак, қатордан кам бўлмади. Айни шу кутлуғ илм масканинг шарофати билан Тошкентдек шахри азимнинг қоқ марказида уйли-жойли, кўрли-кутли бўлди. Аввал фан номзоди, кейин фан доктори бўлди. Буёгини сўрасангиз, айни шу даргоҳда сочлари оқариб, кўзлари хиралашди. Лекин бир пайтлар не-не элсеварларни бағрига сифидирган бу дарёи азим... бутунга келиб, ҳар қадамда бўғила-бўғила, Оролга етмай ҳолдан тойған асов Жайхундек, мана, бир неча йилдан бўён жон таъласасида - жони кирди-чиқдироқ бўлиб турибди. Яшаб яшаётмайди, ўлиб ўломмайди. Ҳеч ким унга иккинчи нафас бахш этолмайди. Тўғри, «Элшунослик фани ўладими?», «Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида элшунос яшай олади-ми?» қабилидаги саволлар ўқтин-ўқтин ўртага кўйилиб, шу атрофда мажлис машваратлар тез-тез ўтказилиб турибди. Кўндаланг саволлару гуррос машваратлардан мақсад ўлдиришми-жонлантириш, бунисини ҳам худо билади. Носирнинг билгани шуки, «Онадан туғилганда ўтгиз эдик, ўла-ўла тўққиз қолдик» деганларидек, бир пайтлар не-не элшунослар нашъунамо топган бу кўрли-кутли даргоҳда энди бор-йўғи тўққиз нафар илмий ходим амал-тақал жон саклаб туришибди: институт директори Ҳалим Тўраев, директор ўринбосари, лакаби билан айтадиган бўлсак, «подҳалим» Жўракул Кўлдошев, илмий котиб, турфа таърифлари билан айтганда, «мирзабоши», «коровубеги», «Носир Хўжа», «Хўжа Носир», «Хўжа Насриддин», хуллас, норасмий мумомалада - «Носир - Афанди», расмийсида - «Насриддин Латифиддинович Хўжаназаров». Ва ниҳоят, элшунослик фанининг олти асосий йўналиши бўйича бўлим бошлиқлари, тўғрироғи, ҳам мутасадди, ҳам ижрочи (яъни, «Ҳам бошчи, ҳам қўшчи») бўлмиш одти нафар илмий ходим! Бутун бошли илмгоҳда қолган-кутган «кенг ўйнинг келинчаклари» мана шулар, халос. У ёқда - «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган оташин даъват, бу ёқда - ёниш тугул туташга ҳам ҳоли ўйқ олти нафар элшунос! Бош устида бўлса, ҳали айтганимиздек, Ҳалим билан «подҳалим». Улар орасидаги оралиқ манзилда кунига-кунора олти таёқ бошига келиб тушадиган орачи, иторчи, энг ашаддий элшунос, элакчи, элчи, кўйинг-чи, тағин ўша биргина сўз билан айтганда - «Афанди» - бизнинг қаҳрамонимиз...

Хуллас, Носир асосий ишхонасидан ҳафсаласи пир бўлиб ташқарига чиқди.

Тўғри, тонг-саҳарда уйдан ишга отланар экан, кайфияти аъло бўлмаса-да, ҳар қалай, ёмон эмас эди. Даставвал қўлига саккиз сўм бериб ёлғиз ўғли

Хўжамуродни маҳсус мактабга ўқишга жўнатди. Йўл-йўлакай беш қизидан учтасини - мактабга, биттасини - боғчага кўйиб, катта қизи Диlobарни - бир ёнига, хотини Санобарни - бир ёнига, Ола Хуржуннинг икки кўзидек каттакон икки тўрвани эса, икки қўлига олиб, тўппатўғри Олой бозорига йўл тортиди. Хотини билан катта кизининг бозорига барор тилаб, ўзи қўшимча ишхонаси - «каптархона»га кирди. Почтахонадаги бир жуфт учирма каптарнинг «фут-фут»ини раиятнинг тилига апил-тапил ўтириб, учинчи каптарнинг бўйнига осди-да, нарёғига асосий ишхонаси - элшунослик институтига ўтди. Одатдагидек ишхонага ўзи биринчи бўлиб қадам босди. Бутун бошли илмгоҳда на котиба, на олим, хуллас, коровулдан бошқа ҳеч бир зоф йўқлигини кўриб, юраги сиқилди. Бекордан худо бузор, аввал «Ғалвир», сўнг «Элак»ка сим қоқди. «Ғалвир» тағин сувдан кўтарилимай қолди. «Элак» журналининг бош муҳаррири, ҳайрият, ишда экан, гарчи куни кеча «талабларга мувоғиқ» ўз қўли билан топширган икки энликкина «Элчи» мақоласининг тақдирি мужмаллигича колса-да, ҳар қалай, қизикдан-қизик гаплар эшитди: «Эл сўзи»нинг бутунги сонини ўқидингизми? Тез топиб ўқинг! Гап бор! Ҳаммаси элак-элак қилиниди, мен сизга айтсан!..» Бирор соат шаҳар кезиниб, ахийри рўзномани топди. Апил-тапил кўз югуртириди. Қараса, «Эл кучлами ёки пул?» деган бир саҳифалик улкан савол! Не кўз билан кўрсинки, савол ўзи ишлаб турган элшунослик институтининг директори Ҳалим Тўраевнинг олдига кўндалант кўйилган эди! Мақолани ўқиб яна бир карра амин бўлдики, элдан ҳам, пулдан ҳам, элакдан ҳам, ғалвирдан ҳам - ҳамма-ҳаммасидан кучлироқ нарса - тил. Унинг она тили! Шундай ўтқир тилки, ичидан пишган ёрилмас тошларни ҳам оддийтина босводи ковундек тилим-тилим қилиб ташлайди, худо ҳаққи! Ёриттошга қиёслаганд... Оғизда «Элимга баҳшида битта жоним бор» деб, амалда шу элни ҳар боб билан лакиллатиб юрган анови лўттибознинг жони... нима бўлибди?.. Майли, Ҳалим билан «подҳалим»-ку, қилмиш-қидирмиш деганларидек, қилмишларига ярашунини эртадир-кечдири олишлари муқаррар эди-я. Бироқ энди ўзларининг ҳоли не кечар экан? Институт-чи? Нима бўлар экан? Кирди-чиқдироқ, жони бирйула чиқиб кетмайдими?..

Олти илмий ходим билан илмий котиб - жами етти жон - «етти оға-ини ботирлар» ўтирадиган каттакон хонага кайтиб кўрдики, ҳамон ўша-ӯша манзара: ҳайҳотдек хонада ўзидан бошқа ҳеч бир зоф йўқ! Тушлик пайти бўлай деяпти-ю, қаерда юришибди экан анови олабула олтловлон? Ўларидча мақоланинг мағзини чақиб ётишибдими ё?.. Ҳалим Тўраевга кўшилиб ётпасига норозилик баёниoti эълон қилмоқдами? Уларсиз ҳам бутун институт баёнетга тўлиб кетди-ку! Ё бу ерда бошқа бирон гап борми?.. Қабулхонага кирса, «тўққиз бошчига - бир қўшчи» котиба қиз келиб, алланечук бўлиб ўтирибди. Тусмол қилганидек, Ҳалим Тўраев ишга келмабди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлди. Қай юз билан келсин! Бир-икки кун мақоланинг мағзини чақиб, тилнинг Эл билан пулга чоғиштирма оғирлигини салмоклаб кўриши керак-ку! «Подҳалим»нинг олдига кирса, куттанидек, у очик саҳифага мук тушиб мутолаа билан машгул экан. Сир бой бермаслик учун атайн анқовсираб сўради:

- Ходимларимизга сиз жавоб бердингизми? Нимагадир эрталабдан бўён ҳеч ким йўқ!..

Жўракул ҳам сир бой бермади хисоб:

- Ўзларидан сўраймиз, акам? Интизом масалаларига масхул ўзлари-ку!..

Қабулхонадан чиқа турибок ҳафсаласи пир бўлиб бошлади. Падарига минг лаънат бунақанги интизом, бунақанги мастьулликнинг! Чўкайтган кемага ўхшаб, институтдан ҳам путур кетди! «Кўзим чиқсун сени кўргунча мундок». Ҳаммасига кўл силтаб, чорак асрлик тоат-ибодатини куйдириб, ўзини бозорга урай деса, бургага аччиққилиб кўрпага ўт қўйиб бўлмаса! Қолаверса, бозор ўз номи билан бозор. Қирғоқсиз уммондек, гап. Шунақанги улкан наҳанглари борки, умрини китоб вараклаб-қоғоз қоралаб ўтказган элшунос олим эмас, ўша энг олис тарихларда яшаб ўтган энг бирламчи Афандидан каттароқларни ҳам икки ямлаб бир ютиб юборади. Бозордаги савдо-сотикни уччига чиқсан «furush-furush»лар уддаламаса, элшуносми-элакчими-элчи эплаёлармиди! Лекин элчи-чи? У ҳам яшаши керак-ку! Нафақат яшаши керак, каттаси - ўн олти, кичиги - олти яшар олти зурёдини ҳозирги иқтисодий тантлиқдан омон-эсон олиб чиқиши керак! «Тирриқчилик»нинг қақшатгич зарбаларига чидаб, уларга дам чап бериб, дам зарб бериб яшашга мажбур! Хар қандай табиий ва сунний тўсиқларни енгиги ўтиши шарт! Демак, энди, ақалли тушлик пайтида ишхонасини қўя туриб, кориннинг қайусидан ҳам аввалроқ хотин-бала-чақасининг ташвишини қилгани маъқул!..

Олой бозорига кириб, одатдаги манзилга етиб келса, не кўз билан кўрсинки, хотини билан катта қизининг бозори касод! Тонг қоронгусида ўз қўли билан дамлаган бир қозон қўлбola паловдан ақалли бир косаси сотилмабди! Буёғи неччи пулдан тушди?! Куни кечада ўелининг йўл кирасига саккиси сўмни чегириб, қолганини бутунисича шу ошнинг масаллиғига харжлаган! ..Энди нима қилсан?.. Афандидек билганини қилишдан ўзга не чораси бор?! Билгани шу бўлдики, хотинининг даҳанаки ҳужумларига абржирлик билан чап бериб, бир кўлига - бир тўрва (тогоғра тўла ош)ни, бир кўлига - яна бир тўрва (чой-нон, аччик-чучук, коса-товор, қошик-қапкир)ни олиб, тағин уйга йўргалади. Бозордаги дехқон аҳлининг ош ейишга холи, олибсотарнинг хуши йўқ экан, «мен ўз кўлим билан пиширган шу ошни есанг ҳам ейсан, емасанг ҳам ейсан» дейа уриб едиролмайди-ку, ахир! Аҳвол шундай - бозори касод экан, бўладиган ишни қилгани маъқул! «Пули кўйган аюни қалампир чайнайди» дегандар. Бир тоғора лиқ тўла аччиқдан-аччик қалампир эмас, шириндан-ширин думбали палов-ку бу, ахир! Демак, иссик кунда эскириб ултурмасидан тезрок уйга обориб, ўзлари мазза қилиб пакқос туширишлари керак! Қолганини, омон бўлсалар, таҳсилу тарбиядан қайтажак ўғил-қизлари текислаб ташлайдилар.

Носир қадамларини жадаллатди. Бири кам эллик ёшдаги одам, аравага қўшилган қирчанғидек судралмади, гижинглаган салт отдек енгил йўргалади. Зил-замбиль юқдан икки қўли узилиб тушгудек бўлганидагина бир муддат тўхтаб нафас ростлади. Ўглини ўқишига юборганидан афсусланди. Тириқчилик тошдан қаттиқлашаётган шу кечада кундузда ишонган ёлғиз ўғли бир кун ўқишини қўя турса осмон узилиб ерга тушмас эди! Эрталаб унчалик сезилмаган экан, икки тўрва нақ икки эшаклик юқ бўлибди! Ўғли ёнида юқ ортилган ўсмиirlар велосипедини етаклаб юрганида-ку, жоннинг хузури эди. Уч-тўрт соат аввал бутун «мол»ни ёлғиз ўзи ўша «замонавий этак»ка юклаб чиқишига, очиги, қўшниларидан уялди. Бу «замонавий эшак»ни дала ҳовлига миниш мумкин, албатта. Бироқ шаҳарнинг қоқ марказида бозорга миниш... куюшқондан чиқишдек гап! Кўни-кўшниларию ҳамкасларининг қисқартма оти - «Носир»ни ҳам айтмай, «Ха, Афанди, йўл бўлсин!» дейа

калака-масҳара қилишлари учун бошқа асослар ҳам етарли. Юқ ортилган велосипедни ўғли етакласа, ўзи ёнида қўлини орқасига қилиб минг кўйлик бойдек савлат тўкиб юрса, бошқа гап эди. Начора, ёлғиз ўғлини ўзидан беш баттар ўқимиш бўладиган сиёқи бор. Ўн олти яшар ўспирин, ҳалитдан китоб билан ётиб, китоб билан туради. «Кўй, энди, қўймижоз ўғлим! Тағин зиёлиниг ҳолига маймунлар йиғлайдиган бўлиб кетяпти. Бир ўқимиш меними? Энди кироатхонликни қўя туриб, ўзингни бозорга урсанг-чи! Ақалли бирон пулдан пул чиқарар ҳунарнинг бошини тутсанг-чи!..» Бундай панд-насиҳатларини қулогига олмайди. Махсус мактабга эрталаб кетиб, уйга кечкурун келганиям майли, ярим кечага қадар китобга муқтушиб ўтирганига нима дейсиз! Шунинг касофатидан ўзи-ку, ҳар қалай, қирқ бешдан ошгач - яқиндағина кўзойнак тақди. Ёлғиз ўғли бўлса, эндиғина ўн олтидан ўн еттига ўтятти, ҳалитдан кўзида - кўзойнак! Шу кетишида, ким билади, эргага нима бўладинима қўяди?..

Носир бир муддат ҳаёлдан чалғиб, ортига қараса, хотини «бостириб» келипти. Икки тўрвани тағин икки қўлига олиб, уйга қараб зипиллади. Майли, қўли толса - толсин, ақалли қулоги тинч бўлсин! Йўқса хотинидан одатдаги ҳазил-хузуллари (масалан, «Бошқалардек машина минолмадингизми, энди хих, эшагим, хих!»)дан беш баттарини эшитиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Уйдаги гаплар кўчага чиқмай, уйга боргани маъқул!

Оилавий машмашаларнинг кўчага кўчишидан кўркқани шунчаликки, бир қараса, хотини билан қизини тагин чангиди қолдириб кетибди. Йўлнинг ҳам кўпи кетиб ози қолибди. Гавжум чойхона олдидан ўтиб, муюлишдан бурилдию яна бир муддат нафас ростлашга журъат қилди. Мушаклари тортишиб колаёзган қўлларини уқалади. Атрофга «бамайлихотир» кўз югуртириди. Қараса, нақ йўлбарсдек келадиган бир ит... унга ҳамла қилгудек ҳўрпайиб турибди! Беихтиёр энгашиб йўлак чеккасида ётган бир тошни жон-жаҳди билан чанглалади. Шу асно жон ҳалтида ҳайкирди: «Кет, йўқол! Хой, ким бор!..» Энгашиб кўйи нажот истаб атрофга жовдиради. Қўрдики, беш-олти қадам нарида, афтидан, итнинг эгаси, «қалайсан энди?» дегандек, ҳолини томоша қилиб турибди! Қўлидаги тошни итга эмас, эгасига отгудек важоҳатда тағин ҳайкирди: «Уберите свою собаку, ато!..» Худди шу таҳдид - тааддисини кутиб тургандек, ит, эгаси чақириб ултурмасдан, ортига бурилди. Носир тағин бир муддат фазабу қўркувдан дағ-дағ титраб турди. Ит қувлаган девонанинг аҳволига тушганидан дам ийелагиси, дам кулгиси келди. Тўғрироги, ичи ийелаб, таши кулди. Айни чоғда, кўнглида кейинги йилларда бутун борлигини ишғол қилиб олган машъум туйғу - шубҳа, гумон, ҳадик, кулик... - тағин ғаләён кўтарди: ит итлигини қилиб копмоқчи бўлдими ё... эгаси олқишлидами? Уни итдек кутуртириш иштиёқида юрганлардан биттаси эмасми мабодо?!

Нима бўлғанда ҳам ит эгаси билан пачакилашиш яхшиликка олиб келмаслити аник. Итга қўшилиб ит бўлгунча ўз ташвишини қилгани маъқул! Тағин тўрваларини азот кўтариб зинифлади. Уйга яқинлашаётеб қўрдики, тағин ўша «эски қадрдонлари» - қаймоқранг «Жигули» ичидаги бир жуфт укки кўзлар унӣ зимдан тарьқиб этмокда! Кейинги бирор йилдан бўён кунинг кунора шу аҳвол! Нима истайди ўзи бу укки кўзлар?! Унинг қадамини пойлашдан бошқа иши ўйқми падарқусурларнинг? Қандай айғоқчи, кимнинг айғоқчиси? Одийгина элшунос олим, борингки, ўтакеттан Афандига бундай дикқат-эътибор нимага керак?! У давлат

жиноятчисимилики, хар муюлишида бир айғоқчи кузатиб турса!..

Кейинги пайтларда одатланганидек, тағин ўзини сезиб-сезмаганга олди: машина ёнидан бамайлихотир ўтар экан, ўғлига тенгдош бир гурух болалар атрофини куршадилар. Қараса, левор-дариён қўшинисининг шумгина ўғли нақ бурнининг тагида қўлини чўзиб туриди:

- Ассалому алайкум, ака!

Беихтиёр тўрваларни ерга қўйиб, узатилган қўлни олди. Шу асно ҳанг-манг бўлиб ўйлади: «Буниси қандок бўлди? Бир афандига эътиборни-ку, тушуниш мумкиндири, бироқ намунча илтифот?! Офтоб қаёқдан чиқа қолди? Нега ҳеч қачон салом бермай, ёнидан безрайиб ўтадиган болакайларнинг унга ҳурмати кутилмаганди ошиб-тошиб кетди? Изҳори ихлосми бу ё... қалаками?» Болалар билан бир сидра қўл олишиб, «куюқ» кўришар экан, сир бой бермади. Лекин тили ўзига бўйсингади. Ич-ичидан тошиб чиқкан зардоб-заҳарханда тилига кўчди: «Ҳа-а, баракалла! Отангта раҳмат! - деди «бошловчи саломчи»га синовчан тикилиб. - Отанг тенги одамнинг ёнидан безрайиб ўтиб кетавермай, мана шунақа салом бериб ўтади-да, одобли бола! Яшаларинг! Барака топларинг! Омон бўлларинг!» «Салом»ни бошлаган болакай, муомала бундай бўлишини кутмаган, шекилли, нимагадир кўзларини ундан олиб қочиб, аниқ-тиник, пўнғиллади: «Ҳе-е, онангни...» Бу болакайларнинг онгини ким заҳарлади? Оталарими, оналарими, бошқа бирорларми? Ким унга қарши кайраб солиб, конини қайнатниш усулларини ўргатди?! Масаланинг бу томони Носирга хозирча Коронгу - алоҳида тадқиқотни талаб қиласди. Хозирча аниғи шуки, айни лаҳзаларда нимагадир заҳарни заҳар кесмаяти: унинг заҳархандаси шум болани инсофга келтириш ўрнига, аксинча, аламини келтиряпти, Алами щунчаликки, очиқ-ошкор сўқинияти! «Мана, сўқиши манавинака бўлади» деб бир шапалок тортиб, шу тиранча билан пачакилашсими энди? Кўй, ўз ҳаддини билгани маъқул! Худди сўқиши эшитмагандек, болакайларга яна бир карра омонлик тилаб, «бамайлихотир» ўз ўйлига равона бўлаверди. Уйга кириб, кўлларицаги тўрваларни ошхонага қўйди-да, бир қадар енгил тортди. Ҳонаи хосига кириб, ёзув столининг кошига ўтириди. Бошини кўллари орасига олди. Наинки ишхонаси, умуман, яшашдан ҳафсаласи пири бўлди. Кирк тўккиз йил аввали онадан туғилганига, айни лаҳзаларда яшаб турганига, яшаганда ҳам, айнан Афанди бўлиб яшаётганига пушаймон чекди. Ҳалигина шумбона сўккан онасини эслаб, хўрлиги келди. «Онагинам! Одам бўлдимми мен ҳам!..» Одам бўлиб кун кўрганидан ит бўлиб, мушук бўлиб, сичқон бўлиб яшагани яхшироқ эди-ёв! Минг афсуски, юз минг армонки, одамликдан ҳам, Афандиликдан ҳам тонолмайди. Энди орқага чекинолмайди ҳам! Ортидан ҳар қандай favfo чиқса - чиқсан, токи тирик экан, кўзлаган мурод-мақсад манзилига бора олтунича бораверишдан ўзга чораси йўқ! Йиқилса ҳам олдинга караб йиқиласди. Том маънодаги Афанди-да у! Том маънодаги Афанди бўлиш эса, чидаганга чиқарилган! Демак, ҳаммасига чидаши керак! Наинки чидаши, Худога шукур килиши керак! Ҳар қалай, шу кеча-кундузининг ўзидаёт отасидан тўрт йил кўп яшади, ахир! Яна бирор йил яшаб, ақалли ёлғиз ўғлини қаторга кўшиб улгурса экан, ана ундан кейин...

Носир азбаройи ўзини ноҳуш ўйлардан алаҳситиш умидида ёзув столининг бир чеккасида очиқ турган - куни кечада ўқиб бошлаган китобчани кўлига олди: Чўлпон «Адабиёт надур?..» Бир сидра вараклади. Нигохи

мақолалардан бирининг сарлавҳасида тўхтади: «Афандистон». Ҳалигина, умуман, яшашдан ҳафсаласи пири бўлиб турган одам, дафъатан енгил тортди. Ҳа, ўйлаб каралса, ўёлғиз эмас! Афандистонда ким кўп - афанди кўп-да! Демак, кўп қатори... Кунлардан бир куни ана ўша афандилардан бири ўзига тасалли-таскин берибми, хотинини овутибми, бола-чакаларини ношукурлик ўйлидан қайтарибми, айтган эканки: «Бош бутундир - бу давлатни кам дема, дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема». Шундай экан, ношукурлик кимга керак? Худога шукр, бош бутун-ку, ахир!..

У эшик кўнгирорининг бўғик жиринглашидан ўзига келди. Очиш учун енгил одимлар экан, дарров тушунди: Санобар очиқ эшикдан киришни истамай, «биз келдик, кутиб олинг, Афанди ака!» - демоқчи! Эшикни ланг очиб кўрдик, тахмини тўғри. Ҳатто Санобар билан катта кизининг ёнида мактабдан қайттан уч кизи ҳам ишга тизилган мусичалардек қаторлашиб туришибди! Ҳалигина чўккан кўнгли тօғдек юксалиб, ўзини бу оламдаги энг бегам-беташвиш одам ҳис қиласди. Афандининг ишончли чораси, сўнгти манзили - ҳазилга зўр берди:

- Келсинлар, Дијорому Дијорому Дијосо қизларим! Бўйларингдан айланайин, она қизларим! Қани, тўрга ўтинглар! Адаларинг ошни ҳам, чойни ҳам дамлаб, йўлларингта кўз тикиб ўтириби!

Кичкина қизларини эркалаб-суяр экан, Санобарга зимдан кўз югуртириди. Гўё оғир юқни базур кўтариб тургандек қаттиқ чимирилган хотини, кутганидек, уйга беихтиёр илжайиб кирди. Ҳатто иситилган ошни жукурлашиб тановул килаётib иккинчи синфда ўқийдиган қизининг бир қизиқ килиғини завқланиб хикоя қиласди: эмишки, Дијобарлари мактаб ҳовлисига кирса, икки синглиси бору учинчиси йўқ. Кидириб синфига кирса, ўқитувчисининг олдида ёлғиз ўзи ўтирганиши. «Ҳа, опачаларингнинг олдиға чиқмай, битта ўзинг нима қилиб ўтирибсан?» деб сўрабди. Сабабини ўқитувчиси айтгиди: «Сингилчанг опасини кутиб ўтириби». «Нега?» деб сўрабди Дијобар. «Билмасам, - дебди ўқитувчиси, - опаси эрталаб шантоли қоқи опкеламан деганишимий». Сабаби - эрталаб қизалоклари мактабга кираётib танаффус пайтида синфдошлари билан тамадди килишга беш-ён сўм пул сўраб ҳархаша қилган экан, Санобар аччик устида «Ҳали сенга шантоли қоқи опкеб бераман» деб жеркибди...

Хотининг гапларини эшитиб ўтириб, Носирнинг оғиздаги - лғизда, бўғиздаги - бўғизда қолди. Кулишни ҳам, йиглашни ҳам билмади. Бечора афандининг бечора кизи! Мунча содда, ишонувчан, беғараз бўлмасанг! Бечора афандининг ношукур хотини! Аввал-бошда ёмон ният қилиб, энди мунча ея туриб маърамасанг!.. Гўё ҳазилининг зил замирини англамаганцек, зоҳирян енглигина кулиб, кизалоғини яна бир карра эркалаб-сўйди. Тушлик тугаб, таомга фотиҳа ўқилгач, ишга отланган Носирни кузатар экан, хотини, кутганидек, ўта жиддийлашди:

- Қоринни-ку, тўйидирдик, энди бүёғини нима қиласиз, хўжам?..

Кўндаланг саволининг заптига тоб беролмай, беихтиёр анқовсиради:

- Нимани нима қиласиз? «Хўжам»нimi? Ёқмаса, «хўжайин» де, «отаси» де, бор, ана, «афандим» де!

- Ўзингиз кўндингиз, бозорга ошчиям сифмайди, чойчиям! Ҳар бири «сейман, ичаман, кияман» деб турган олти болани эртага нима қиласиз демокчиман?

Носир хотинини овутди:

- Ке, кўй, кўп кисинаверма. Санобар! Эртага ҳам худонинг бергани бўлар. Ҳозир сен ишинита қечикма.

Мен ҳам ишга борай. Катталар қичкинамизни боғчадан вақтида опкириб, уйга қараб ўтиришин. Қолганини кечқурун гаплашамиз!

Хотинининг фифони фалакка ўрлади:

- Кечқурун нимани гаплашамиз? Тағин куруқ гапми ё пул топиб келасизми? Уйда нон йўқ, масаллик йўқ, унисининг ёғида, бунисининг эгнида йўқ. Қачон қарасанг: «йўқ-йўқ-йўқ!» Куриб-кетсин бундай йўқчилик ҳам!..

Носир тағин хотинини овутйшга уринди:

- Кўй, Санобар, кўп куйинаверма! Худога шукур, корни тўқ - қайғу йўқ. Эртагача бир гап бўлар. Нима қиласан ўзингнинг ҳам, менинг ҳам асабимизни бузиб?! Хали ярим кун ишлашимиз керак!

«Инсофга чақиришлар» Санобарга чивин чақанчалик таъсир қилмади. Таъсир қилса ҳам, акс таъсир қилди:

- Бу гапларни кўп эшитганмиз! Энди гап шу, Афанди ака, кечқурун ақалли нонга пул топиб келмасангиз, айтиб кўй, уйга киритмайман!

«Ультиматум»дан тепа сочи тик бўлиб, ҳарчанд шайтонга ҳай бермасин, асаби қақшади:

- Кўра-била юрагимга ўт ёқасан-а, Санобар! У ёқда ҳам, бўёқда ҳам ойликкача беш кун бор. Карз сўрайвериб юзимда юз қолмади. Энди нима қилай: ўғрилик қилайми, ўйлутсаарлик қилайми ё мардикор бозорига чикайми?!

Хотини бир қадар шаштидан тушди, лекин, барибир, совуққина деди:

- Нима қилсангиз қилинг, бироқ эрқакмисиз, отамисиз, анови олти боланинг ақалли қорнини тўйғазинг! Гап шу!..

У ўзини ўтакетган боқибегамдек тутиб, аввал уйдан, сўнг бинодан ташқарига чиқди. Хотинининг юз карра, минг карра ҳақлигига ич-иҷдан икror бўлди. Нима қилсин, бечора, куйинганидан гапиради-да! Болалари деб кўйиб-ёниб юриди-да! Анчадан буён давлатнинг ишидан бўш пайтида ош-чой сотиб, тузуккина топибтутиб турган эди, бунисини ҳам худо кўп кўрди. Россиями-Эронга катнаб, каттарок тижоратни йўлга кўйиш учун дурустроқ сармоя керак бўлса. Буёғи синалмаган отга синчининг укуви, камиди Майсарапининг тадбиркорлиги ҳам керак!.. Хўш, ўзи-чи? Энди нима қилса бўлади? Икки жойда ишлаб топган-тутгани рўзгорнинг горига юқ бўлмаяпти. Мана, тўрт йилдирки, китоб чиқариб, мўмайрок қалам ҳаки олишдан умиди тобора узилиб боряпти. Ойномалару рўзномалар, ҳатто радиодан ҳам ёруғлик чиқмай кўйди. Бирор йилдан буён аллақайси «Элак»да тил тарихини элак-элак қилиб тургани сабаб, ҳар қалай, ой сайин томчилар эди. Икки ойдан буён ундан ҳам томмай кўйди. Олтмиш чақирим олисдаги дала ҳовлисидан топган-тутгани даштаки поездда бориб-келишига етмай қоляпти. Ҳолбуки, ўша дала ҳовлини дала ҳовли қилгунича она сути оғзидан келувди. Сотиб юборай деса, беш-олти йиллик меҳнатини арzon-гаров пуллаш... увол. Қолаверса, бугунги кундаги қарийб ягона разқ-рўз, мева-чева манбанинг баҳридан ўтиш ақлдан эмас! Осмонга учеб чиқиб кетганда ҳам, одам боласини ер боқади. Шундайликка шундай, лекин... нега шунча тиришиб-тирмашгани, игна билан қудук қазиб, ер тимдалаб ишлагани сайин ишлари чаппасига кетаапти? Асосий ишхонасига азбарой әрмак учун зув қатнайдиган тақасалтган ака-ю укахонларининг асқия пайровларини-ку, асти кўяверасиз! «Ҳа, Носир афанди, қалайсиз? Иш қалай!..», «Тағин қарз сўрамоқчимисиз, бой ота?..», «Мен сизни афанди деб юрсам, туппа-тузук пахсакаш экансиз-ку, а! Сайдносирбой! Менинг дала ҳавлимниям пахса билан ўраб бермайсизми?..», «Замонавий эшагингиз

ҳалиям юриб турибдими, Насридинхўжа, ишқилиб, синиб-нетиб қолмадими?», «Дам бу ишхонага, дам у ишхонага, яна бир қарасам, Олой бозорию Дархону Бўстонлиққа юргургилайсиз. Мабодо пойгода катнашсангиз, эфиопиялик кроссчини чангингизда қолдириб кетсангиз керак дейман-а, Носир афанди?» Шу ва шунга ўхаша гаплар, қочириллар, учироқлар!.. Куни кеча ўзига шогирд катори ёшгина олимнинг бир оғиз «ҳазили», айтиш мумкини, ҳаммасидан ошиб тушди. «Дала ҳовлингизни кўриб ўзимча ўйладимки, Носир ака, агар элшунос олим бўлмаганингизда, сиздан жуда зўр мардикор чиқар эди». Ўшанда шу гапни айтган «Бўта Кўзиев» деган фан номзодига кўшилиб кулиб, ўзича маъқуллаган бўлди: «Тўғри айтасиз, ука, фалакнинг гардиши билан мана шунака элшунос бўлиб қолғақимни кўрмайсизми! Начора, қисмат экан, энди ҳаммасини кайта бошдан бошлаётмасанг!..» Ўша укахони-ку, ким билсин, ўз ташаббусими ё аллақимнинг кўрсатмасига биноан шу истеҳзоси билан нафакат очик-ошкор қалака киради. Айни чоғда, нафсониятига тегмокчӣ бўлди. «Коче! Йўлимни тўсма-е!» кабилда пўписами-дағдага қилди. Унинг чўка-чўка тупрок бўлган кўнглини бағтар чўқтириш иштиёқида ўзича кўйиб-пишиди. Лекин, барибир, мурод-мақсадига етолмай доғда колди. Чунки Носир бу таги зил ҳазилдан мутлако ҳафа бўлмади. Зотан, ўша Бўта Кўзиев билмайдики, Носирнинг кирқ тўккиз йиллик умридан накд кирқ икки йили, ростдан ҳам, мардикорлик билан ўтган! Шу кечакундузда ҳам том мъянодаги МАРДИ КОР У! Элшунослик фанининг мардикори, Элнинг мардикори, Элакнинг мардикори, Оила ўчоғиу пушти палакнинг мардикори!.. Отаси ҳам мардикор эди, бобоси ҳам, бобокалони ҳам! Бўёғини сўрасангиз, отаси ҳам Афанди эди, бобоси ҳам, бобокалони ҳам!..

## АФАНДИННИГ ТОПГАНИ

Носир йкки чақиримча пои-пиёда йўл юриб, асосий ишхонасига етиб келганида жазирама ёз күёши авж нуктага кўтарилиган эди. «Етказганига шукр» деб ўзини советтичи бор ҳонага урди. Хайрият, олти нафар илмий ходимнинг кок ярми пайдо бўлиб қолибди. Учаласи билан бир сидра кўришиб, жойига ўтириди. Аввал ёши кичик бўлса-да, ҳар қалай, йўли улуғ ҳамхонасига синовчан тикилиб ҳол сўради:

- Қалай, Саша дўстим, янги қўшиклар борми, ё ҳамон эски ашулами?

Маълум бўлдик, у, кутилганидек, «Эл сўзи»даги мақоладан мутлако бехабар экан. Эрталаб аллақайси қавмдошлар жамоаси билан учрашиб, ёқимли овозиу созланган гитарасида уларни хушнуд эттани кетган экан. Айтиб қўйи деса, уйида телефони ишламагани сабабли... Қавмдошларининг ахвол-руҳиясига келсак, умуман олганда, ёмон эмас экан.

«Саша дўстидан хотири жам бўлгач, ўзини бардам тутишга уринган ҳолда Фотима-Зуҳрадек эгизак - «киндиги бир»» опажонларидан ҳол сўрашга ўтди:

- Сизлар давлатимизнинг соясида яшиаб-яшариб, чопиб-чопқизлаб юрибсизларми, опажонларим? Аёллар салтанатида нима гаплар бор?..

Опажонлари, гарчи қизалоклардек чопқизлаб бўлмаса-да, ҳар қалай, яхши юришган эканлар. Иккалаларининг ҳам ўз ташвишлари ўзларига етарли экан. Масалан, Фотимаси тонг-саҳарда ишлаб турган нафакахўрларининг нафакаларидан кок ярмини чегириб колиш хусусидаги фармонни эшитибдую ишлашдан хафсаласи совибди. Нафакасининг ярми ойлик маошидан

кўпроқ экан-да! Бас шундай бўлгач, бу замонда ўзининг зарарига ишлайдиган ахмок борми! Шунда ҳам «бирор хийлаи шательй топиларми экан» деган илинжда чиқмаган жондан умид деб пешиндан кейин бирров келибди. Бойвучча опаси Зухрахонимга, лақаби билан айтадиган бўлсақ, «Мама Чули»га келсак, у киши учун элшунослик (табиийми, иқтиносидими, руҳийми - қатъи назар), эҳтиёж эмас, шунчаки овунчок экан. Шунинг учун шахсан ўзларига ҳар қандай чегиришлар чикора экан. Факат пешинга қадар Элнинг қариб ярмини ташкил этувчи болаларга радио орқали ваъз ўкиш тарафдудида юрибди. («Алдагани бола яхши» деганлар!) Элшунослик фанининг бошқа уч соҳасига мутасаддилик килаётган уч акахони бўлса, бирининг отаси кечкаурун қазо қилиб, зудлик билан қишлоғига жўнаб кетибди (Отасини худо раҳмат килиб). Иккincinnи ҳали ҳам маҳсус сафардан қайтмабди (Ишқилиб, сафари бехатар бўлсин!). Учинчисини худо билади - қаерларда юрибди экан (Наҳот шугинани бандалар орасида ҳеч ким билмаса?)...

Буни қарангки, ҳар икки опаси ўз ташвишлари билан бўлиб, антиқа мақоладан мутлақо бехабар қолишибди. Кўлларига рўзномани тутқазиб, завқли муғолаа тилади-да, қабулхонага кириб борди. Котиба қиздан Ҳалим Тўраевнинг ишга келиб, хонасида ўзи ёлғиз ўтирганини билди. Воажаб! Бўёги қандок бўлди? Қабулига кирсамми-кирмасамми деб бир муддат тарафдудланди. Аввалига ўринбосардан авзойини билишини маъкул кўрди. Керагидан ортиқ даражада билди ҳам! Гап шундаки, бир саҳифалик улкан мақола «бошдан-оёқ ўйдирма» экан. Бинобарин, на Ҳалим Тўраев, на Жўракул Кўлдошев пинакларини бузмас эканлар. Тўғри, аввалига катта бир машварат уюштириб, бўхтонни фош қилмоқчи бўлишибди. Кейин жиҳдийроқ, ўйлаб, «оворагарчилик кимга керак!» деган фикрга келишибди. Носирга ўринбосардан яна бир антиқа ҳол маълум бўлди, кўшни давлатлардан бирида худди шундай элшунослик институтининг директорини катта раҳбар хузурига чакирибди-да, қаттиқ тайинлабди: «Агар мансабингдан умид узмай десанг, институтда уч одамнинг бошини қўшиб мажлис ўтказмайсан! Олиммисанлар, мажлисбозликин қўйиб, ҳаммаларинг уй-уиларингда илмий иш билан шугулланинглар!..» Шунга такқослаганда, машварат ўтказиш бўёқда турсин, тўққиз олимдан олти нафарининг бир ишхонада ёнма-ён ўтириши... яхшими?

Туппа-тузук маълум бўлди, Ҳалим Тўраевга корасини кўрсатиши ортиқча. Ҳатто ишхонада қимматли вақтини бехуда ўтказиш ҳам ортиқча!

- Хонамизда тўрттамиз ўтирибмиз... Нима қилайлик? Тарқалишаверайликми?

- Майли...

Носир темирни қизигида босди:

- Дарвоқе, эртага зарур ишим чиқиб турувди... Бир куни ишга келмасам майлими?

- Майли, ака, шу ҳафтанинг охирига қадар тағин икки кун бўшсиз!

Озодликка чиқкан маҳбусдек кўнгли ёришиб хонага кирса, опахонлари эгарланган отдек юлкиниб туришибди - рўзномани уйларида бамайлихотир ўкиб, мағзини чакиш учун! Улар билан хайрлашатуриб, хотинининг «ультиматум»ини эслади: «Дарвоқе, нон пули...» Аввалига бойвучча опахонидан навбатдаги қарзни сўрашга чоғланди. Лекин ҳадеб тиланаверишга андиша қилди. Хонада ўзлари ҳоли қолишгач, «Саша дўсти»га юзини солишини маъкул кўрди:

- Гитарангнинг бугунги даромадидан душанбагача

пул қарз бериб турсанг-чи, дўстим! Ҳали мен ҳам сурнай чалсам, бойиб қоларман. Ҳадеб карнайчи билан барабанчи чалавермас, ахир! Нима дединг?..

Мўлжалдаги пулни ола туриб, қизиқ устида хайрлашиб:

- Душанбагача... бир гап бўлар!..

Ташқарига чиқар экан, кўнгли яна-да равшан тортиди. Худога шукр, олдидан тоғ чиқса кемириб, сув чиқса симириб туриби! «Камбағалга палов ҳам овқат» экан, уйда болалари ошхўрлик қилиб ётишгандир. Мана, икки кунлик нон пули ҳам топилди. Ўша икки куннинг ўзи ҳам фойдага қолиб туриби! Уларни нимага бағнишласа экан? Дала ҳовписида кетмон чопсинми? Йўқ, бориб келиш учун анча пул керак! Фуқаролик шаҳодатномасини янгилаш билан шуғуллансимми? Оббо! Бу замонда чиқимсиз иш йўқми?.. Энг маъкули - илмий иш, албатта, икки йилча аввал Элнинг Тили ҳақидаги докторлик ишини амал-тақал ҳимоя қилди-ю ўшандан бўён каттароқ бир нима ёзишга вақт тополмай, вақт топса ҳафсала тополмай ҳуноб! Куруқ судралиб, дам кун санаб, дам тийин санаб умр ўтказяпти! Анчадан бери Элнинг Ули ҳақида каттароқ бир рисола ёзиш ниятида юрибди-ку! Ана ўшани бугун ёзиг башласа-чи? Қани энди бунинг иложи бўлса! Афанди айтганидек, «афуски, иложи йўқ!» (Бир инжик унисини ўпок - бунисини сўпокка чиқариб, уйланмай юра-юра ахийри Афандига ёлвориби: «Майли, ким бўлса бўлсин, ишқилиб, бир хотин топиб берсангиз-чи!» Афанди уни бир таскарага учраштириби. Ҳалиги инжиқ «ўзим-ку, баҳтли бўлолмайдиганга ўхшайман, ақалли шу таскарани баҳтли қиласай-чи, деган экан, маъшуқадан ахволни билган Афанди ўша гапни айтиби: «Афуски, иложи йўқ, чунки сиз уни ёқтирганинг билан у сизни ёқтирамади!»). Кўпчилик ўзига ўхшаб кундаклик ташвишларига ўралашиб юрган бир пайтда... Элнинг ули ҳақидаги рисола кимга керак?! Бўёгини сўрасангиз, бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак! Ўзи-ку, ошини ошаб, ёшини яшаб бўлаэди. Лекин суги қотиб - илиги куч йиғаётган даҳага кирган куртдек болалари... қачонгача куруқ нон кашпалайди? Бугунлари-ку, ёмон бўлмади, албатта. Лекин эрталаричи?

Олти боласининг эртасини ўйлай туриб, ҳали уйдан чиқаётганида аччик устида хотинининг олдига кўндаланг кўйган саволи энди ўзининг олдида кўндаланг бўлди: «...мардикор бозорига чиқайми?»

Ўйлай-Ўйлай, айни лаҳзаларда пул ишлайнинг бундан тезкоррок, бундан тўғрирок, бундан ҳалолроқ йўлини тополмади. Ҳа, нима қилибди. Яқиндагина уйни енгил таъмирлаш учун дала ҳовлидан олиб келган андавасини қўлига олиб, ўғли Хўжамуродни бошлаб... чиқаверади-да! Қарабсизки, ҳам ўғли икковининг корни - тўқ, бир куни - обод бўлади, ҳам иккаласи тобора бўшашиб кетаётган жисмини меҳнатда терлатиб-пишишиб чиниқтиради. Муҳими - одамовироқ бўлиб ўсаётган якка-ёлғиз ўғлига элни танитади. Икковининг топган-тутгани эса, соғ фойда - кунбай даромад! Лекин... китобга термилиб умр ўтказаётган ўғли бир кунлик ўқишидан воз кечадими?..

У ерга кўз тиккан кўйи ўйлар уммонида оқиб келар экан, антиқа манзарани кўриб беихтиёр сергак тортиди: нақ рўпарасида ўзидан салгина ўшроқ - ўрта яшар бир одам йўлакка этилиб, сувқогозга ўралган бир даста пулни оляпти! Ораларида нафакат йирик сўмлар, ҳаттоқи долларлар ҳам бор! Кўзлари ўтдек ёниб хитоб қилди:

- О-о, топилдингиз зўр-ку! Бўёги қандок бўлади? Баҳам кўрамизми энди?

Нотаниш одам пулни қўйнинг яширап экан, атрофга олазарак қараб шивирлади:

- Юринг... ҳолироқ жойга ўттайлик!

Қадамлари чакқонлашиб, нотаниш одамнинг ортидан йўргалаб-йўртар экан, ич-ичдан орзиди. Худонинг курдатига қойил колди. Эллинг қадимий мақолларидан бирини беихтиёр эслади: «Бераман деган қулига - чиқариб қўяр йўлига, оламан деган кулидан - тортиб олар кўлидан». Шу топда унинг муҳтоҷлигини кўриб-билиб, йўлига пул чиқариб қўйган Худонинг курдатига қойил қолмай бўладими, ахир! Худо «бераман» деса, шу-да! Анови топалоқ бир даста топилдиқнинг ярмини эмас, чорагини химмат қилганида ҳам, камида бирор ойлик йиртиғига - ямок, газагига - дори бўлар-ов!

Сабри чидамай, нотаниш ҳамроҳини мақсадга яқин келишига ундали:

- Кўчанинг нариги тарафига ўтмаймизми, ука, харна, тинчроқ?..

Ўта туриб кўрдиларки, кўча юзида энди бузиб бошланган икки қаватли уй бор экан, ўзларини тўппатуғри шу уйнинг очик эшигига урдилар. Ичкарига киргач, ҳамроҳи нимагадир тайсаллаб-талмовсиради. Носирнинг тоқати ток бўлди:

- Қани, нима бўлди, атаганингизни чиқармайсизми?

Ҳамроҳи эшиқдан ташқарига мўралай туриб уни сабр-қаноатта ундали:

- Ҳозир, ака, биттаси келяпти, шу ўтиб кетсин!

Бетоқатланиб кутдилар. Кутилмагандана ана ўша одам ичкарига ўқдек отилиб кирди-да, арзи ҳол айтишига тушди:

- Ҳалигина йўлакда пулимни тушириб қўйибман. Қидириб юрсан, биттаси «шулар олди-ёв» деб узодан сизларни кўрсатди. Пулим қай бирингизда, акалар?

Икковлон туппа-тузук «ролга кириб», ажабтовор анковсирадилар:

- Қанақа пул?!

- Бизда пул нима қиссин!

Лекин пул йўқотган бўш келадиганга ўхшамасди:

- Мени кечирасизлар-у, акалар, ҳар қалай, чўнтакларинингизни бир сира қараб чиқишга мажбурман!..

Носир чўнтакларини ташқарига чиқариб кўз-кўз килди:

- Мана, ука, шу яхлит юз сўмликдан бошқа бир тийиним йўқ! Буниям қарз олиб келяпман!..

Пул эгаси унинг чўнтағи кўк-куруклигига кўнгли тўлди, шекилли, «шериги»га юзланди:

- Қани, сизники-чи?..

Топалоқ пулни чўнтағидан чиқариб, лом-мим демай эгасининг кўлига тутқазди-да, ўзини эшикка урди. Колган икковлон ҳам кўчага чиққач, пул эгаси юргурилиб кетаётган топалоқнинг ортидан қичқириди:

- Шуни аввал-бошда бера қолсанг ўлармидинг, ҳой, нокас!..

Аҳволга қараб, кулишини ҳам йиғлашини ҳам билмади. Бечора афандилар! Унисиям афанди, бунисиям афанди, ўзиям... Афанди бўлмаса, бир чангаль пулни эгасига қайтара туриб, худди ўғирлаб олгандек, тили кисик, ҳолда қочиб қоладими! «Нима қиласамиз энди, топган топалоқникими, учга бўламизми, ё икковимизга атаганингиз борми?» - деса бўлади-ку! Буниси-чи! Афанди бўлмаса, пулни қайтариб берганига раҳмат айтишининг ўрнига ортидан сўкинадими? Ўзи-чи, ўзи? «Нима, сен менинг чўнтакларимга хўжайинмисан?» - дейа осмондан келиш ўрнига, шамол ҳувиллаган чўнтакларини кўз-кўзлашга тушиб, юз сўмни қаёқдан олганини айтадими!.. Ўзи ҳам пулдорнинг ортидан «Атаганингиз

йўқми?..» дейа қичқиргиси келди. Топалоққа билса ҳазил тариқасида айтилган гапларини пул эгасига айтиш тиланчиликдек туюлиб, фикридан қайтди.

Йўлига кетар экан, ўзининг ночор аҳволидан хўрлиги келди. Ҳамиша «ҳаромдан ҳазар» деб яшаган отабоболари шундай қиласмидилар? «Қани, ким нима берар экан?» - деб, кўлга оёқ остига кўз тикиб яшармидилар! Қаёқда! Ногаҳоний топилдиққа дуч келганларида аввало унинг эгасини қидирадилар. Топсалар, ҳеч иккиланмай қайтарардилар, тополмасалар, хайр-садака қиласдилар, бирор зинҳор ўз эҳтиёжларига ишлатмасдилар! Уларчи? Иримига бўлсан «Манови пул кимни?» деб сўраш тутул, эгаси ялиниб-ёлвориб сўраганида ҳам, иложи бўлса, бермасдилар, аксинча, олардилар...

Носир кўзлари билан ер чизиб, ўзича хаёл суреб кетар экан, ҳалигина кўнглидан кечган мақолни яна эслади: «Бераман деган қулига - чиқариб қўяр йўлига, оламан деган кулидан - тортиб олар кўлидан». Ҳали мақолни мутлақо нотўтри - бутунлай тесқари тушунганига ич-ичидан икрор бўлди. Шу бир хикматли гапдаги «бераман» у «оламан»ни ким айтган? Яратганни ё бандасими? Ҳом сут эиган банда, албатта. Ҳа, худонинг курдати шу қадар чексизки, «бераман» деган қулига, аксинча, ўзи беради, «оламан» деган кулидан, аксинча, ўзи олади! Мана, у ҳам бир амаллаб ОЛИШ иштиёқида роса кўйиб-пишган эди, кўзларига бир кўрсатди-да, қайтариб ОЛДИ-ку! Афандининг тангасига ўхшаб, ҳар «ҳа»сига бир «жиринг»ни берди-да, ўзи эгасининг чўнтағида кетди-ку ўша пуллар! Демак, хомтама бўлмаслик керак. Аллоҳ «Ма, ол!» деб яратган бу оламда «ол»ни билмайдиган зиқнага ўхшаб, ҳамиша «бер!» деб эмас, аксинча, отасига ўхшаб, «Ол!» деб яшashi керак. Ҳиммат-марҳамат қилиб, хайр-саҳоват кўрсатиб, раҳм-шафқат улашиб яшashi керак! Бас шундай экан, бу кенита - кенг, торга - тор дунёга кенглик билан қараб, борига барака тилаб, шириндан ширин болаларига нонга қўшиб шакар улашса-чи шу бугун?!

Йўл-йўлакай жавдар нон билан бир қадоқ шакар ҳарид қилди-да, дадил юриб ўйга кириб борди. Табиийки, қизларни нонга эмас, шакарга ёпирилдилар:

- Вой, шакар!

- Қани, қани?

- Қоғозини йиртасан!..

Ошхона эшигига бўй кўрсатган хотини унга маъноли қараш қилиб, қизларига танбех берди:

- Умрларингда шакар кўрмаганимиснапар, нима бало! Ёғлиққина паловдан кейин кўнгилларингни айнитади-ку бу! Эрталаб чой билан ичасанлар! - Санобар шундай деб шакарни ҳойнаҳой кулф-калитли сандиқчага яширгани ичкари ўйга олиб кириб кетди. Қизлари ярим соатча аввалиг ўзининг аҳвол-руҳиясига тушганини ҳис қилиб, уларга ҳам раҳми келди. Бечора афандининг бечора қизлари! Онаси-ку, улардан ҳам бечораро! Шу бир қадоқ шакарни, худо билади, нечи кунга чўзгилайди энди!..

Кийимларини алмаштиради экан, кўнгли баттар юмшаб, болаларига меҳри товланди. Айни чоғда, худонинг курдатига яна бир карра қойил қолиб, худонинг кўрсатганига яна минг қатла шукур қилди. Эллинг «Нимани хор қиласанг, ўшанга зор бўласан» дегани ҳақрост экан, деб ўйлади ўзича. Беш-олти йил аввал боллари пиёлаларига тўлдириб-тўлдириб шакар солишарди-да, ичганларича ичиб, қолганини сувга оқизишарди. Оппоққина нонни, андак суви қочса бас, егилари келмасди. Ҳатто бир гал бир кути ҳолва олиб келганида совутгичда жойни банд қилиб турса-турла,

ахири ярмидан кўпі эскириб қолгач ташлаб юборишга• мажбур бўлишувди. Қачонлардир ота-онасидан эшитгани «Насибани увол қилманлар!», «Ношукур бўлманлар!» қабилидаги панд-насиҳатларни болаларига ҳам уктиришга уринганида гапларини эшиттилари ҳам келмасди. Мана энди... эрталаб бир қошиқдан шакар тегишини орзикаб кутишиди! ...Ҳа, дарҳакикат, худонинг кудрати чексиз!..

Нима бўлганда ҳам, энди ўзини ҳар қанча хор қилса қилсин, бироқ болаларини зориқтирумаслиги керак. Энди сяғи қотиб, илиги куч йигаёттанида томоқдан қисиши яхши эмас. Боя хотинининг айтган гапларида жон бор! Майли, ҳозирги замонда отасига ўхшаб етим бокиб уйлантирумасин, ақалли ўз болаларини зориқтирумай ўстириб-ундириши керак-да! Бунинг учун нима қилса тўғри бўлади?..

Бир муддат хотирини жамлаб нафас ростлаш умидида ёзув столига кўз тикиб ўтирап экан, кейинги пайтларда ўзини ўқтин-ўқтин безовта қилювчи бир савол кўнглида тагин бош кўтардид: «Наҳот энди шу уйни сотищдан ўзга чораси бўлмаса?!»

Беш-олти ой аввал собиқ қўшниси, ишхонасига серқатнов укахонларидан бири, ким билсин, азбаройи жони ачиганиданми ё бирорларнинг кўрсатмасига биноанми, тушлик пайти уни азза-базза ресторонга бошлаб бориб, хотамтойлик билан сийлар экан, биринчи бўлиб шунга якинрок саволни олдига кўндаланг қўйди: «Мабодо ўйингизни сотмайсизми, ака?» Аввалига саволдан кўзда тутилган пировард максадни тушунмади, албатта, шу боис ажабланиб сўради: «Ўзимиз-чи? Каерда яшаймиз?» Укахони батафсил тушунтириш берди: «Мана, мен икки хонали уйимни ўн уч минг долларга сотдим, ака. Шунинг уч минтига шаҳар чеккасидан тўрт хонали уй, уч минтига анови ўзингиз кўрганингиз койилмаком хорижий машинани олдим. Беш минтига уйни боплаб таъмиратиб, бола-чақанинг корнини - тўқ, устини - бут қилдим. Қолгани билан бемалол ўйнаб-кулиб юшайпмиз. Кўлимни қаерга узатсан етади! Шу тогда агар истасам, янги уйимни йигирма мингта сотиб, шаҳар марказидан зўр уй олишим мумкин!.. «Ўшанда укахони тагин бир кўрган-билганини ҳикоя қилди: «Мен сизга айтсан, ака, уйимни бир этак пулга сотиб олган армани йигит «Сиз ўзбеклар яшашни билмайсизлар! - деди. - Мана мен икки йилча аввал шаҳар чеккасидан икки минг долларга икки хонали уйни сотиб олиб, икки минта таъмиратиб, ўн минтига сотдим-да, пулига тўртта уч хонали уй олдим. Ҳозир шулардан бирида ўзим яшаб турибман, қолган учтасига хорижий меҳмонларни доллар хисобида ижарага кўйдим... Шу кетишида, агар истасам, эрта бир кун шаҳарнинг қоқ ярмини сотиб олишим мумкин!..» Ўшанда укахонига «Майли, мен жиддийроқ бир ўйлаб кўрай» деди-да, ваъдага биноан роса ўйлади. Ўша уйсотар чайқовчининг сўнгти гапи уни қаттиқ хушёр тортириди: «...агар истасам, эрта бир кун шаҳарнинг қоқ ярмини сотиб олишим мумкин!» Бугалинг магзини ўзича чакиб, шу Афанди Эллининг тилида битилган Латифадек пурмайно бир Сатрни ич-ичдан такрорлади: «Тузокларни танийдирган тулқидирман мен!» Узок-узок ўйлай-ўйлай хуносага келди: Йўқ! Афанди эмас, ўтакеттан лакма бўлса борди, бироқ ўз уйини сотадиган даражада ахмоқ эмас у! Аввало ўша укахони билмайдики, унинг шаҳар чеккасидаги тўрт хонали уйини йигирма минг долларга оладиган ахмоқ йўқ. Демак, билмайдики, у энди шаҳар марказига қайтиб келолмайди! Дейлик, Токио шаҳрининг марказидаги бир парча қоқ-куруқ ер чеккароқдаги осмонупар бинодан қиммат туради, ахир! Қолаверса, у уйини сотиб, ўрнига шаҳар чеккасидан тўртта уй олди-

да, учтасига ижара қўйди дейлик. Эрта бир кун ўзи ўтирган уйни «конуний ўйлаб мусодара» қилмаслигига ким кафолат беради?! Буёгини сўрасантиз, тўғри, унинг касб-кори кўп, бироқ уйми, бошқа бисотми, нима биландир чайқовчиник қилиш... касби-кори эмас! Нихоят, энг муҳими шуки, шаҳар марказидаги олиймаком уйи Яраттанинг инояти, элшунослик илмининг ҳосияти ва олти зурёдининг шарофати билан пешонасига битган бир Ватан бўлгач, нега у ўз Ватанини сотиши керак?! Ватанфурӯш эмас, майли, ашаддий ватанпарвар ҳам демайлик, ҳар қалай, элшунос-ку! «Ватанини севмок иймондан» экан, ватанини сотиши... нимадан?..

Ўша-ўша маслаҳатгўй укахонидан ўзини олиб кочадиган бўлди. «Нима гап, ака, ўйлаб кўрдингизми?» дебир ўсмоқчилаганида жавобни мужмалроқ қилди: «Ҳозирча болаларим ўргантан жойда яшаб турайлик-чи, майлими? Кунимиз ўтмай қолса, ўзим айтаман...»

Ўшандан бўён қўшиларию ҳамкаслари оғиздан бу саволни кўп марта эшитди. Уларга жавобан дам чап берди, дам гапни айлантириди, дам ҳазил қилди, ҳатто «Ёлғиз ўғлимга атаб шаҳар марказидан тагин шундай бир уй олмокчиман!» дебир «осмондан келди». Айни чоғда қаттиқ боши котди: нега ҳаммаси бу қадар меҳрибон маслаҳатгўй бўлиб қолиши? Ўз кунини ўзи кўриб ўрганининг ҳеч кимга оғир тушмаяпти, шекилли? У уйини сотишига роли бўлса, буларга мукофот беришадими, нима бало?!!

Кунлардан бир куни шаҳарнинг Ал Хоразмий мавзесида яшайдиган ўз укаси уйига ҳовликиб келиб, ўша лаънати саволни такрорласа бўладими! «Ўйингизни сотмайсизми, ака? Ишхонауда бир пулдор эвазига бизнинг ёнимиздан бешта беш хонали уй, битга машина бераман деяпти, ишонасизми?..» Ўшанда аввалига анковсиради: «Буларга қўшимча пул ҳам бермасмикан?» Укаси талмовсиради: «Бунисини билмадим. Балки берар, сўраб кўрайми?» Носир саволни жавобсиз қолдириб баттар анковсиради: «Ҳисобга зўрсан, ука, Новосибирскдай жойларда роса ўқиб келгансан! Менга айт-чи, бешта беш хонали уй билан битта машина... пулга чакилса, қанча бўлар экан-а?..» Укаси унинг максадини тушунмади, тушунса ҳам юзаки тушунди, ишқилиб, соддациллик билан жавоб қилди: «Ўзимизнинг пулга... тахминан... миллиондан ошса керак?..» Носир ўтирган жойида минг қўйлик бойдек талтайди: «Бундан чиқди мен шу ўтиришимда миллионер эканман-да, а?..» Ахири бўлмаци: портлади! Хотини, ёлғиз ўғлию қизларининг олдида Ийсонинг аламини Мусодан олди: «Каллангиштайдими сенинг, хой, Афанди?! - бўйилгудек бўлиб уктириди укасига. - Бурнингдан сал нарироқни кўрасаними ўзи?! Майли, мен бутун ўз Ватанини миллионга сотай, бироқ эртага... билмайсанми Ўзбекистоннинг нархи қанча туради? Бутун Туркистон заминини неччи долларга баҳоласа бўлади? Жаҳон бозорида Иймоннинг нархи қанча? «Инсоф» неччи доллар дейди ўша компьютерларин?..» Укасининг ахвол-руҳиясига қараб туриб, ошириброк юборганини сезди-да, андак шаштидан тушди: «Қўй, иним, мени бундай савдога тортунча, қўлингудан келса, холис ёрдам бер! Ҳудога шукр, она тилим билан рус тилида ёзиш бобида ўттиз йиллик тажрибам бор. сен ақалли биридан иккинчисига ағдариб, экиб, тараб, ўстириб яшашим учун бирон каттароқ, иш топиб бер! Кейин... эпидан чиксанг, ўзинг ҳам шаҳарнинг марказига - ёнимга кел! Лекин бундай енгил-елни гапларни гап деб кўтариб юрма!..»

Ўша гапларини укаси тўғри тушунди - хижолат бўлиб, узр сўради. Санобар ҳам тўғри тушунди. Қизлари

бирини тушуниб, бирини тушунмади. Лекин ўқимиш ўғли, ишонган якка-ёлғиз арзандаси... тўғри тушундими экан? Укасини кузатиб, иккевлон ҳоли қолганларида ичига сифмай кетаётган гапларининг давомини ўғлига айтди: «Худога шукр, мана, бўйинг-бўйимдан, ўйинг-ўйимдан баланд, ўғлим! Энди оқ-корани танийдиган пайтинг бўлди. Мен сени олиб кела олган жойимгача олиб келдим. Шу уй-жой, анови дала ховли, билиб кўйки, сеники! Эрта бир кун сингилларинг жойларини топиб кетгач, биз ҳам борадиган жойимизга борсак, табиийки, ўзингта қолади. Фақат сендан бир ўтичим шуки, манави бошпанамизни ҳеч қачон сотмайсан. Шу Ватанда уста Латифнинг пушти-палагини ўстириб-ундирасан! Шу манзилдан олдинга қараб юра олсанг юр, лекин бир қадам ҳам ортга чекинма! Марказдан қочувчи эмас, марказга интилувчи куч бўл! Уқдингми, улим?...»

Ўшанда ўғли унинг қизишиб айтган гапларини дикқат билан тинглаб жимгина ўтири-ўтири-да, «уқдим» деган маънода бош кимирлатди.

Носир ўша кунги сухбатни эслаб, энди фақат Яратганинг паноҳига, отасининг арвоҳига ва ўзининг куч-куватигагина эмас, ўғлининг мададига ҳам суюнишга аҳд қилди, Мактабдан келибок мутолаага мук тушган ўғлини чакириб ёнига ўтқазди. Ўзини имкон қадар совукқон тутиб сўради:

- Ахволим шу қадар ночорлашдики, эртага ўқишга боришинга саккиз сўм пулим қолмади... Энди нима қиламиш, ўғлим? Манови уйни сотамизми ё... атиги бир кун ўқиш-ёзиши қўя туриб, икковимиз пул ишлаймизми?

Хўжамурод анча ўйланиб, ниҳоят, тилга кирди:

- Майли, ишлаймиз? Бироқ қаерда, Хўjakентдами?

- Йўқ.

- Бозордами?

- Йўқ!.. Тўғри, умуман олганда, «бозорда» десаям бўлади. Фақат у... «мардикор бозори» деб аталади.

- У бозорда нима қилинади, ада?

- Дала ҳовлимизда нимаики қилган бўлсаек, ўшанақа ишлар-да!

- Қаерда ийлашмиз, ада, ўша бозорнинг ўзидами?

Миясига қон тепди. Ўн етти яшар йигит шу-уни сўраб ўтираса! Нима дейсан энди! Ҳаёт мактабидан ўтмаган сояпарвар тантикларнинг гўлларча саволи-ку бу! Ё меҳнатдан бўйин товлаш учун билиб турса-да, атайин анқосирияптими? Ўғлининг авзойига синовчан тикилиб кўрдик, билмаганидан сўрайти. Ётиги билан тушунтириди:

- Мардикор бозорининг ўзида иш нима қилсин, ўғлим! Иш бирорларнинг уйида, томорқасида, даласида бўлади-да! Кунбай меҳнатингни пулга чақиб бориб ишлайсан-да, кечкурун ҳақингни олиб қайтаверасан. Ота-боболаримиз бундай одамни фақат мардикор эмас, ишининг турига қараб, «хаммол», «қарол», «чорикор», «қўщчи», «югурдак», «гумашта», «ёлланма ишчи» ва ҳоказо дейишган. Бўёгини боргандা ўз кўзинг билан кўраверасан. Хозирча шуни айт-чи, ўша бозорга бор-йиги бир кун борамизми, ё.. уйни сотамизми?

Ўғли гапни қисқа қилди:

- Борамиз.

- У ҳолда синглингта айт: овқатни иситсин! Эртароқ ётиб, эртароқ туришимиз керак бўлади...

Иситилган паловни пиёзга қўшиб пок-покиза туширас эканлар «хушхабар»ни ўғли аллақачон етказиб улгурган шекилли, Санобар эрига синовчан тикилиб сўради:

- Ишингиз нима бўлади, хўжам?

- Ишдан жавоб олдим!

- Қўшимчча ишингиз-чи?

Носир асабий қўл силтади:

- Нари борса ўша чойчақаларини бермай қўя қолишар! Бир ой қулдек ишлатиб, берганлари ҳемири!..

- Ҳар қалай, таржима - озода иш-да, хўжам!

Хотинининг гапидан энсаси қотди. «Ҳа, озода иш! Икки жумлани таржима килиб кўрсанг билардинг - қанчалик озода экан! Игна билан қудук қазишдан ҳам оғиррок қора иш-ку бу!»

Чўқим ошни қўлида куппалай туриб, кулди:

- Майли, бир тап бўлар, хотин. Бир кунга хўқиз ўлмайди, икки кунга эгаси бермайди.

Санобар беихтиёр илжайиб, қочиримга яраша қочирим қилди:

- Кичкина хўқизга бунинг фойдаси борку-я, бирок... катта хўқиз чидаёлмас дейман?

«Йўқ, чидайман! Нималарга чидамаган бу бош... бир кунлик меҳнатта чидаёлмайдими! Кудук қаздирсаям игна билан қаздирмас, ахир!..»

Ўйлари тилига бошқачароқ қўчди:

- Бир амалларман, онаси. Оғир ишларни энди кўрибманми!

- Оғир ишларда... оғришларнинг йўқ эди-да, Хўжам! Тағин белингиз оғриб... Қўйинг, ойликкacha яна қарзахавола килармиз!

Юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турар экан, янок, мушаклари ўйнади:

- Тиланчилик қилавериб юзимда юз қолмади-ку! Бугунти қарзиям душанбада беришим керак! - Гапларининг давомини ичига ютди: «Ўлиб ҳам кўриш керак деган Исок отлиқ бир олим! Мардикор бозорида ишлаш... ўлим эмасдир, ҳар қалай!..»

## АФАНДИННИНГ ЧОРАСИ

Носир бундан ўттиз йилча аввал мардикор бозорини кўрган. Тарих институтида ишлаётган кезлари-ку, ўқиш билан ёзишга муккасидан шўнғиди. Бунинг устига, пулдан кисилмади ҳисоб. Бироқ дастлаб Тошкентда яшаб, кундузлари курилишда ишлаб, кечалари дорилфунунда ўкий бошлаган кезларида қўшимча даромадга жуда-жуда муҳтоҷ эди; ҳам Туркистонга тез-тез бориб, ойиси билан укаларига қарашиши керак, ҳам кундузги ўқишини битираётган акасига кўмаклашиши керак, ҳам ўзи Тошкентдек шаҳри азимда киши ўялмайдиган даражада яшаб кийиниши керак...

Тўғри, курилишда иш бошлаган дастлабки ойларида пулни қаёққа қўйишини билмай қолгудек бўлди. Болалигидан бир маҳал, шунда ҳам кўпинча оби ёвғон ичиб, асосан нон каппалаб улгайган эмасми, аввалига каттиқ ажабланди: шаҳарда одамлар кунига камида икки маҳал овқатланар, тағин денг, биринчи-иккинчи-учинчисини еб-ичар эканлар! Бундай исрофгарчилик кимга керак? Ахир, тушлик пайтида ўн икки тийинга гўштлик мастава, уч тийинга уч бўлак нон олсангиз, шу билан ҳам қорин тўяди-ку! Ўн олти тийинга битта нон олса, карабсизки, эрталаби билан кечкуруни ҳам обод! Икки юз сўмдан ошириб ойлик олаётган одам кунига ўттиз бир тийин сарфлаб яшаса! ... Эҳ-хе, қолганини нима қиласди??

Саккизинчи синфи битирган, наққошликка ишқибоз Носирни ўқитиши ниятида бир муддат Тошкентга олиб келиб-олиб кетган отаси уста Латиф қишлоққа қайтиб боргач, аллақайси ҳамюрти ҳақида ажабланиб айтган гаплари ҳақ-ростга ўхшайди-ку! «Бу Муташ билан келин пулни қаёққа қўяверар экан-а, хотин? - деган эди отаси ўшанда. - Бола чақалари йўқ бир жуфт сувай

салтанд бўлса. Тағин икковиям катта олим! Унисига тўрт юз сўм, бунисига тўрт юз сўм ойлик! Ҳа, ана, бир кунда униси бир сўм, буниси бир сўмни еб-ичсин. Қолганини нима қилар экан-а, ота-боболаримиздек мачит курдирмаса, мадраса курдирмаса...»

Тошкентда уч-тўрт ой яшаб-яшамай яхшигина тушундики, шу гапларни айтган отаси, дарҳақиқат, ўтакетган афанди экан! Ўзи ҳам дастлаб афандиларча ўйлаган экан! Аввало, шаҳар иклими кунинга камиди икки маҳал иссик овқат еб-ичини талаб қиласа экан. Қолаверса, шаҳарда шунақсанги кийим-кечаклар, томошахоналар, оромижон гўшалар бор эканки, ойлигингиз бирига етса, иккинчисига етмай, «қани, ҳаракатингни қил!» дей кўзингни ўйнатиб - ичингни қиздириб тураверар экан. Буёғи қўлида гулдек касбкори, бир эмас, бир нечта ҳунари бўлса, ишлатмаслик увол-ку! Шунинг учун гоҳида қурувчи ёткошлари, гоҳида талаба курдошлари билан, гоҳида ёлгиз ўзи ёлланниб ишлашга кўп марта чиқди. Бозорнинг ҳавосини, олди. Паст-баландини пухта ўрганди. Ўшанда бир билиб олгани шуки, манзилга қанчалик эрта борсантиз, бозорнинг шунча чаққон бўлади.

Ўшанда-ку, Носир манови ёлгиз ўғли Хўжамуроддан нари борса бир-икки ёш катта эди. Бозорнинг паст-баландини билгани билан, бу шаҳри азимнинг паст-баландини, қолаверса, Элнинг феъл-авторини ҳали яхши билмас эди. Ҳозирга келиб шуни яхши биладики, кирк тўккиз яшар олимнинг ўз ўғли билан мардикор бозорида қоккан қозикдек қаққаниб туриши... катта жасорат эмас, оддийгина уят! Лекин, начора, яшаш керак! Яшаганда ҳам, ота-боболаридек ҳалол яшаб, болачақани ҳалол ризқ-рўз билан бокиши керак! Қолаверса, ҳар ким ўзида бори, топган-тутганини бозорга олиб чиқади-да!..

Ота-бала етиб келганида бозор авжида, майдонда одам тирбанд, лекин мардикор кўп, харидор кам эди. Айнакса, усталар, ана, ипга тизилган күшчалардек, тизитиб, асбоб-ускуналарини кўз-кўзлаб туришибди. Бирок, уста ишлатувчининг кораси кўринмайди. Бунинг асосий сабабини ҳам Носир жуда яхши билади: уй қураётган одам ноилжоқ колтандагина бозорга уста қидириб чиқади. Кўпинча синашта устани ишлатишни хуш кўради. Чунки ҳамма ҳам ўзича «зўр устаман» деб ўйлайверади. Шунга қараб тўн бичаверади. Обориб ишлатгач кўрасизки, уй курмок тугул, ҳом гишт қуйини эплаёлмайди!

Қанчалик чукур билмасин, шуниси ҳам Носирга беш кўлдек аёнки, бозор деганларида нархнаво кунига-кунора ўзгариб, тарозининг шайинидек ўйноклаб туради. Ҳолбуки унинг бозорга охирги марта қадам кўйганинг бир-икки кун эмас, накд ўттиз ўйил бўлди! Бинобарин, аввалига сир бой бермай, бугунги бозорнинг ҳавосини олиши керак! Шу ниятда қўлида андава ушлаган бир одамнинг кўнгил кўчаларини билмоқчи бўлди:

- Кунбай нечи пулга ишлайсиз?
- Беш юзга.
- Беш юзга?! Камрокка бормайсизми?
- Ҳа, ана, сизга тўрт юз элликдан борганим бўлсин.
- Бундан тушмайсизми?

- Йўқ! Энди сиз айтинг! Розимисиз? Кетдикми? -

Шундай деб уста бетоқатланди. Носир очинини тан олди:

- Мен ҳам устачилик қилмоқчи эдим, нарх-навони билай деб...

Кутилмаганда устанинг қаттиқ жаҳли чиқди:

- Мен сизни бойивачча дечас, ҳали сиз... кип-қизил афанди экансиз-ку! Бошимни қотирмаган сиз қолувдингиз...

Ўғлини эргаштирган кўйи ўзига етгулик викор билан бозор оралар экан, йўл-йўлакай кумқолипни тик кўйиб устида ўтирган йигитнинг қулоғига энгашиб шивирлади:

- Донасини нечидан қуясиз?

- Ўттиз тийиндан... - Йигит алланечук жонланиб, ўрнидан енгил кўзголди. Бир карра панд егани сабаб, бошқа лом-мим демай жадал илгарилади. Демак, устачиликдан умид кам! Пул топиш учун ҳар қандай ишга рози бўлишдан ўзга чораси йўқ! Караса, бир эшикли автобус олдиша кирк ёшлардаги хабашдек қоратапни бир йигит уришқоқ кўчкордек кўкрак кериб турибди. Устига устак, овозини дол кўйиб сўраяпти:

- Ҳом гишт қуядиган мард борми?

Ёнига бориб оҳиста шивирлади:

- Бор. Нечи пулдан?

- Ўн беш тийиндан!

- Майли фақат... қолиппингиз борми?

«Қўчкор» унга иккитаниб қаради:

- Борликка борку-я, ака, бироқ сиз ишламасангиз керак?

- Нега энди. Ишлайман. Мана ўғлим икковимиз... - «Қўчкор» бир Носирга, бир Хўжамуродга қараб, ахийи катыйи буюрди:

- Автобусга чиқинг!

Носир устидан тоғ ағдарилгандек енгил тин олди. Ўглига «юр» деган маънода имлади-да, автобусга чиқди. Яна беш-олти йигит ҳам чиққач, замоннинг араваси ўрнидан кўзғолди. Бирор соат йўл юриб, Кўктеракка етиб бордилар. «Қўчкор» оддийгина кўчкор эмас, яхшигина тадбиркор экан, бекор кетмади - бора-боргунча чапақай кира қилиб кетди. Ўзиям бир қатновда унинг икки ишхонадаги ойлик маошини топди-ёв! Кўктеракка боргач, маълум бўлди, «Қўчкор» тадбиркор ҳам эмас, «мана мен» деган замонавий бойлардан, яъни, «янги ўзбек»лардан экан: автобус - хусусий мулки, дангиллама уй-жойи, бокувдаги уч-тўрт оти, ижарага олинган ўн гектар ери, куриб бошлаган икки қаватли ошхонаси ва ҳоказолари бор экан! Мақсадга яқинроқ келсак, лой - ётқизилган, сув-мўл, қолип етарли, майдон - тайёр экан. Ўғли иккови беш юзтacha гиштнинг лойини бир йўла қориб, энди қуйини бошлаган эдилар, даласи билан шаҳарни яна бир карра айлануб чиқишга ултурган шекилди, «Қўчкор» гижинглаб ёнига келди:

- Бунака эмас-да, ака! Айтдим-ку «ишилаёлмайсиз» деб! Гиштни бундай қуяди! - У қолипни кумга белаб, ичига лойни ўриб-уринб, сўнг ажирлик билан ерга ағдариб ташлади-да, қолини оҳиста кўтарди: - Кўрдингизми, ака! Гишт қуйиш сизга бўёқчининг нили эмас!

Гарчи ич-ичидан «ўргатмаган сен қолувдинг!» деган аламли исён бош кўтарган бўлса-да, ўзини босди. Чунки «хўжайн» юз карра, минг карра ҳақ эди. Зоро, Носир кумқолипда ишлатши билмас эди. Шу пайтга қадар қачон қанча гишт қуйган бўлса, факаттина сувқолипда қуйган эди. Сир бой бермай, кумқолипни ишлатиш ўйлени кўриб-билиб олгач босиклик билан сўради:

- Исмингиз нима, ука?

- Қўчкор?..

Носир кулиб юборишдан ўзини базўр тўхтатиб, катыйи утириди:

- Ишлатши бир кўрсатдингиз, раҳмат! Энди гап шу, Қўчкорбек: кечқурун келиб, битта-битта санаб олаеиз. Ўзингизга ёқмаган гиштларнинг ҳақини бермайсиз. Келишдикми?

Қўчкор фаросатликкина экан, бошқа ақл ўргатмади. Бир келиб, «Ҳа, яхши!» бир келиб, «Хорманг, ака!» деб

кетди. Учинчи келишида тушликка чакирди. Тұртнчи келишида «Бир пиёла чой ичіб, нафас ростланғ ақа! Ўғылчаниям қыйнаб қўйманг!» деге илтифот қилди. Бешинчи келишида очиқ-ошкор икрор бўлди: «Сизнинг ишланингизга қараб туриб мен чарчаб кетяпман, ақа! Бу дунёнинг ишлари бўлаверар-э! Бироз дам олсангиз-чи!» Ўзи ҳам ёнига ўтириб, бир пиёла иссиқ чой узатди-да, йигирма қадамча наридаги чала иморатга ишора қилди:

- Болахона қалай? Зўрми?

Носир фикрни очиқ, айтди:

- Зўрликка зўр, бирок деворлари иочоррок экан!

Менинг кўлбала дала ҳовлим бунингиздан пишикроқ. Болахона деворини ҳам ярим ғиштдан тердирадими! Қаттикроқ иттарсангиз йиқилади-ку, энди томни қандай кўтаради? Тағин хом ғишт бўлса!..

Кўчкор унга таажжуб аралаш безовталаниб қаради:

- Сизнингча, энди нима қилиш керак?

- Болохонангизни зўр сувоқчи кутқариши мумкин, ука! «мендан кеттунча - эгасига еттунча» деб эмас, ҳалол ишлайдиган сувоқчи!..

- Шуни ўзингиз суваб бера оласизми?

- Майли, кўрайлик-чи!

Болохонага кўтарилиб кўрдики, ичи, агар лой билан дастёрлар етарли бўлса, бир кунлик иш!

Носир шартини айтди, Кўчкор бажонидил кўнди: ўғли иккови бир кун уннаб қўйган бир ярим минг ғиштнинг нархидан икки баравар кўпроққа суватишга рози бўлди. Ҳатто ўзи шаҳарга олиб тушиб, йўл-йўлакай навбатдаги кирасини қилиб, эргага боришига ҳамма таҳт туришини айтди-да, қизғин хайрлашди.

Уйга қайтарканлар, Носир ўғлига синовчан тикилиб, ҳол сўради:

- Мардикор бозори қалай экан?

Хўжамурод истехзоли қулди:

- Чидаса бўлади.

- Роса чарчадинг-а?

- Унчалик эмас.

Носир ҳалигина Кўчкор берган пулларни ўғлининг чўнтағига солиб қўйди:

- Биринчи топганинг! Ярмини ойинига ўз кўлинг билан бер, ярмини ўзинг ишлат! Эртага бир кун ўқишига бор-да, шанбага рухсат олиб, келишимга шай бўп тур! Ота-бала икки кунга Хўжакентга бориб келамиз. Ўзинг биласан, у ёқда ҳам ҳамма ишларимиз ўлда-жўлда...

Эртасига ўғли - ўқишига, ўзи - Кўктеракка кетди. Одатдагидек, йўл-йўлакай иккинчи ишхонаси - «каптархона»га бирров кириб ўтди. Бутун почтахона аҳли ёзги таътилга учирма бўла бошлаганинг шарофати билан таржимага зарурат кечак ҳам бўлмапти, бутун ҳам йўқ! Бу ишхонадан ҳам кўнгли тинчиб, Кўктеракка етиб борса, лой тайёр, дастёрлар етарли, Кўчкорнинг ўзи ҳам «умумий раҳбарлик»ка шай экан, енг шимириб ишга тушиб. Ўзим олти-етти йил аввалида ҳовлини кургацдан бўён сувоқ ишини қаттиқ соғинган экан, хузурланиб ишлади. Кечкурун ҳам ўз ишини кўриб, ҳам Кўчкорнинг хурсандлигини кўриб, бир хузурига ўн хузур қўшилди. Икковлон ошхўрлик оғдидан яримтани майдалаб бошлар эканлар. Кўчкор унга маъноли қараб сўради:

- Қаерда ким бўлиб ишлайсиз, Носир ақа?

Носир гапни айлантириди:

- Ишқилиб, ўз кунини кўриб юрган бир одамман-да, ука!

Кўчкор энди унга алланечук шубҳаланиб қаради:

- Давлат сирими ё?..

Очигини айтиб, унинг кўнглини хотиржам қилишга мажбур бўлди:

- Афандида сир нима қилсин, ука! - Сўнг алланечук маҳзун тортиб, «масала»ни узил-кесил ойдинлаштириди:

- Элшунос олимман, институтда домламан...

- Домла?! - Кўчкор астойдил ҳайратта тушди. - Кўлингизда гулдек ҳунарингиз бўла туриб, шу кунларда нега олимлик қилиб, бунинг устига ғишт қуйиб юрибсиз, ака?!

Носир саволга жавобан аччик қулди. «Дилда дардинг бўлмаса, сардағтаримни кавлама». Икки ўртага Щоҳ Машрабни тикиштириб бўладими! Оворагарчилик кимга керак! Умуман, жавобга не ҳожат?!

Тадбиркор Кўчкор у ўйлагандан ҳам этчилик, борингти, Мирёқуб эпақадан ҳам этчилик чиқиб қолди. Шакаргуфтот ошхўрлик асносида Носирга, ўз таъбири билан айтганда, «Операци Й»ни таклиф қилди. Мазмуни шундайки, «Кўрдингиз, ақа, йўл бўйи ким кўп - янги уй қурдираётган пулдор кўп! Ораларида шунақанти бойваччалари борки, пулини нима қилишни билмайди. Битта уйни икковлон шартлашиб бош-бутун олсак, мен дастёрларни етказиб, ишни ташкил қилиб турсам, сиз устачаликни ботласангиз, икковимиз ҳам пулга кўмилиб қоламиш, ақа, мен сизга айтсан». Носир таклиф замиридаги пировард мақсадни дарров тушунди. «Э, қойил! Кўчкор деб юрса, ўтакетган тулки экан-ку бу! Энди менга «умумий раҳбарлик» қилиб, сиқиб сувимни ичмаган фақатгина сен қолувдинг!» Фикрини суваб битирган деворидек силлиқкина баён қилишини маъқул кўрди:

- Кўйинг, ука, овора бўлманг! Мен бу шаҳри азимда бирорларга уй кураман деб юрганим йўқ. Фақат пулга ўта мухтоҳ пайтларимда шундай сал-пал... Ёлғон тапирмайман-у, чинакамита ишлаб кўяман.

Кўчкор тирик ҳазинага дуч келдим деб ҳадидан ошганини сезди, шекилли, уволи не керак, зийрак - кулоги дини Мирёқуб эпақадан ҳам зийракроқ - экан, аслига қайтиди:

- У ҳолда... ақалли бошлаган ишингизни охирига етказиб, шу болохонанинг сиртини ҳам суваб бермайсизми?

Носир Кўчкорга синовчан қараб, гапни айлантириди:

- Майлию бу иш... хавфлироқ экан-да!

- Нега?

Тагдор ишорасини бир қадар андавалашга мажбур бўлди:

- Қарасам, ҳовлингизда ишончли ҳавоза йўқ экан. Ҳавога осилиб туриб суваблайман-ку, ахир!

- Ишончли ҳавоза топсан-чи?

- Агар ишончли бўлса майли! Фақат иш ҳақи бутунгисидан икки баравар кўп бўлади-да! Ҳар қалай, қалтии иш - сизнинг ишларингиздан қалтисроқ! Шундай эмасми?..

«Пухтароқ ўйлаб кўриб, сўраб-суршишириб, маъқул келса айтарсиз, - деге ҳар эҳтимолга қарши уйининг телефон ракамларини ёзиб қолдирди. - Муҳими, болохонангизнинг ичи пишик-пухта бўлди. Энди сиртини истаган пайтингизда кўнглингиз тусагандек ятиратаверасиз!»

Кўчкор билан хайрлашиб, уйга етиб келса, нафакат ўғли, балки Санобар билан қизлари ҳам «сафар-саёҳат»га астойдил шайланишмокда! Орзулар-у орзишишларинг чеки-чегараси йўқ: тоғ ҳавоси, равоч сайри, дарёда чўмилиш, қозон-қозон шинни, қиём, мурабболар қайнатиш, ўйни, кулгу, мазза, хузурижон!..

Хотинига ётиғи билан тушунтиришга уринди:

- Хўжамурод икковимиз дам олишига эмас, ишлагани бормоқчимиш! Колаверса, кечадан бўён топган-туттанимиз ҳаммамизнинг бориб келишимизга етмайди-ку! Бўғини ўйлайсанми ҳеч? Кўнглингнинг кўчалари мунча кўп?!

Санобар бир ишга жаҳд қилдими - тамом, тўхтатиши кийин! Афандининг хотини-да!

- Кўяверинг, хўjam, бир гап бўлар! Қиз бечоралар ҳам бир яйраб келишин-да! Кичикларининг таътилга чиққанига икки ҳафтадан ошди, ҳалигача шу диккинафас шаҳарнинг қоқ ўртасида димикиб ўтиришибди! Ҳаммамиз ёпирилиб бориб, дунёнинг ишини битириб қайтамиз! У ёқда тут ҳам аллақачон гарқ пишиб ётибди, ахир...

Носир яна бир карра худога шўкур қилди. Дарвоке, тут. Ота-боболари «Тут пишиғига етиб олдик, энди ўлмаймиз» дей шукроналар айтганлар. Ўзлари ҳам шу кунларга омон-эсон етиб келганинни нишонлаб далада байрам қилсалар, нима, арзимидими? Ҳа, ўйлаб қараса, хотини ҳак: бориш-келиш бир гап бўлар! Нари борса бирор йилдан бўён туппа-тузук иш бораётган «ҳайлаи шаърий» усулни яна бир карра - бу гал бутун оиласига нисбатан қўллаб кўрар!..

Ўтган йили кузда Носир антика бир кашфиёт қилди. Тўғрироғи, шундай бир кашфиётни яратишга мажбур бўлди. Қараса, бола-чақаси шаҳарда ҳўл мевага зор. Беш-олти йил йўқни йўндириб яратган боби бўлса, олтмиш чақирим олисда гарқ пишиб ётибди. Худди кўшиқдагидек: «Сен унда зор, мен бунда зор». Ўйлай-ўйлай, чўнгагида саккиз сўмгина пул билан ўғли иккови йўлга чиқдилар. «Бахташ таваккал» деб атиги уч бекаттга чипта олди. Буни қарангки, назоратчи чиптани йиртиб кўлига бердию «Қаергача борасан?» деб сўраб-суриштирмади ҳам! Шундай қилиб, ўғли ҳар куни ўқишига метрода бир марта бориб-келадиган пул билан икковлон олтмиш чақирим жойга бориб олдилар. Қўйни-қўнжи тўлиб қайтар экан, табиийки, иримига олинадиган хўжакўрсин чиптага ҳам пули йўқ! Текширувчи келганида очигини тан олди: нима қилай, ука, пулим йўқ. Буёқда нок ириб-чириб кетяпти, ўёқда болаларим мева-чевага зор. Йўл ҳақига манови қопдаги нокдан ола қолинг! Жуда зўр тош нок - уч-тўрт кунда юмшаб, асал бўлиб кетади!..» Текширувчига тош нок ёқмас эканми, қайдам, қопга ижирғаниб қараганча лом-мим демай ўтди-кетди! Ўшанда аввалига атрофдагилардан ҳижолат бўлди. Ночор аҳволидан хўрлиги келди. Кейин виждонининг олдида ўзини оклади: ҳа, нима қипти! Ўғрилик, порахўрлик ё алдамчилик қилаётгани йўқ-ку!..

Шундай бир усулни қўлласа бўлади, албатта. Лекин сакказ жоннинг бориб келиши учун йўл кира муаммосини ечишининг ўзигина етмайди-да! Нон-чой, масаллик, устбош... Маълум бўлдики, қарийб ҳамма шаймон шай! Ўғли икковининг кеча ишлаб топганини икки кунлик гўшт билан нондан бошқа ҳаммасига етиби. Бугун ишлаб топганига эрталаб шулар олиб кирилса, колгани - йўл кирага етса, қарабсизки, ҳаммалари икки кун бориб, бемалол-баҳузур ўйнаб-кулиб келсалар бўлади!

Демак, масала ҳал! Болалари таътил пайти одатланиб қолганларидек, кеч ётиб - кеч турмай, аксинча, эрта ётиб, эрта тура олсалар бас!..

Ўғил-қизлари ҳам, ҳатто Санобар ҳам дарров ухлаб қолишиди. Лекин Носир алламаҳалгача ухлаёлмади. Эрта баҳорда уч-тўрт марта зув бориб, зув келганини айтмаса, кейинги ҳафтадарда дала ҳовлида ишлаб котирмади. Ўтган йилнинг кеч кузидан бўён асосан ўқиши-ёзиш билан машғул бўлиб, жисми анча бўшашиб қолган эканми, икки кунлик оғир меҳнат қаттиқ ҷарчватди. Чарчокдан ухлаёлмаяптими, нима бало?.. Йўқ! Бунақасини кечабугун кўриб тургани йўқ! Факат ўтакетган инжик табиати шунака: ҳамиша бирон сафарга чиқиш олдидан ўйкуси ўчади. Бўлажак сафар-у борар манзилини ўзича тасаввур қиласди. Дала ҳовлисига келсан, уни тасаввур

қилишнинг ҳам ҳожати йўқ! Эслаш кифоя. Эсласа эслагулик ишлари эса, озмунча эмас!

Бундан етти йилча аввал - қайта куриш мавсуми авж нуктага кўтаришган кезларда - «Бўйтонликни кутқаринг!» деган шиор ўртага ташланди-ю, кимдир «Ана, кутқарсанг кутқар!» дедими, қайдам, бир гуруҳ элшуносга Бўйтонликдан дала ҳовли учун ер ажратиб берилиди. Ўзи уч-тўрт йил аввал номзодликни ҳимоя қилиб, аччиқ ичакдек чўзилиб ётган докторлигини тезроқ тугатишга хуши келмай, олимликдан ҳам безиб-безиллаб юрган эди, «чекига чиққан» бир парча ер айни муддао бўлди. Тағин қаердан дент, Нак Ҳўжакент қишлоғининг ўрнидан берилиди! Носир элшунос сифатида яхши билади: «Кутглуғ кон» романидаги Йўлчи айни шу қишлоқда туғилиб ўсиб, бир парча ерини сотишга мажбур бўлган-да, Тошкентта тушиб, тогаси Мирзакаримбойнинг ҳовлисида, буни қарантки, собиқ пахта зовутининг қошида, демакки, айнан улар яшаб турган уйнинг ўрнида... тўнка қўпориб - Гулнор билан топишган! Энди худонинг қудрати билан ўзи учун Тошкентдан Ҳўжакентта бориб, эҳтимолки, ўша Йўлчи сотишга мажбур бўлган бир парча ерда тўнка қўпоришдан иш бошлиш имконияти туғилиб турибди. Бундай имкониятни қўлдан бой бериш яхшими? Тўгри, сал олисроқ. Лекин «тоққа чиқмай дўлона қайда» деганлар. Қолаверса, таппа-тайёр электричка бўлса. Унинг бир боши - ўйларининг, бир боши - дала ҳовлиларининг олдида бўлса. Катталар атиги эллик беш тийиннинг, кичиклар учун эса, ўн тўрт тийиннинг баҳридан ўтиб, икки соат вақтдан ҳам кечилса, қарабсизки, ўзингизни дам тоғ ичкарисида, дам шаҳри азимнинг қоқ марказида кўриб турибсиз-да! Буёгини сўрасангиз, кассоб қассоблигини қилмай қўйганида қонга ташна бўлиб юрганидек, устанинг боласи - уста, илмий ишлар билан бўлиб, кейинги йилларда устачилик ишларини шунақанти соғинган - шунақанти соғинган!.. Модомики хуморини истаганча ёзиш имконияти туғилган экан, уни қўлдан бой бериш нафакат ношукрлик, ҳатто аклдан эмас!

Хуллас, Носир ўша ёз чиласи тўққиз яшар ўғлини ёнига олиб, қарийб яланғочланиб иш бошлиди. «Бор экансиз-ку, қадрдонларим - офтоб, ҳаво, сув, тупрок!..» Аввало даласини ёвойи дараҳатлар билан ажриқтошлардан тозалашга киришиди. Ўзларига насиб қилган бир туп тош нок билан бир туп жайдари кора туттагина тегмади: меваси - емиш, сояси - пана! Қўпорилган тўнка - бир хирмон, терилган тош - бир хирмон бўлганида дастлабки хулюсани чиқарди: «Шаҳар билан тоғ ўртасида ҳар куни бўзчининг мокисидек зўй қатнайвериш... куруқ оворагарчиликдан бошқа нарса эмас экан! Ҳайф вақт, ҳайф пул!..» Энг муҳими - бир ишни ишлагандан кейин, бутун вужудинг, жон-жаҳдинг билан берилиб, ЁТИБ ишласанг-да! Қолаверса, тош уюмини-ку, жин урмайди (Бу замонда тоғдан тош орқалайдиган анои йўқ!), лекин бир уюм тўнка билан шоҳ-шабба... таппа-тайёр ўтин-ку! Қандай қилиб ҳам уни асраб қолиш, ҳам ётиб ишлаш мумкин?!

Ўғли иккови туман маркази - Фазалкентга тушиб қарасалар, дўконда таппа-тайёр курама сўри турибди. Нархи атиги юз сўм! Ёнида нақ саккиз кулоч келадиган темир кувур ҳам кепак баҳосида кутиб ётганини айтмайсизми! Дўконда яна бир элшунос қўшниси «сўрини сотиб олсан, қандай олиб кетаман» деб тараддуланиб турган экан, икковлон ўртада бир юк машинасини савдолашиб, унга биттадан сўрини юкладилар. Саккиз кулочлик ингичкагина икки кувурни ҳам сўрининг устига икки буклаб ташлади. «Бунисини нима қиласиз?» - ажабланиб сўради қўшниси. «сиз ҳам олаверинг, гап

бор, кейин хурсанд бўласиз, ака!» - маъноли кулди Носир. Кўшниси «Шунча узунини нима қиласан?» деб ўйладими, хийла қиска қувурлардан иккита олди.

«Даласига келиб, сўрини тўнкалар хирмони устига кураштири-да, қувурларни чамалаб туриб икки жойидан бўклиди. Тўрт оёғига уларнинг тўрт учини тикиди. Карабсизки, нафақат таги - омборхона, усти - ётоқхона, бирйўла бошпана ҳам қарийб битди-кўиди! Кўшниси ҳам унинг ишини такрорлади. Бироқ беш-олти кулочли қувур қисқалик килди - ундан қулай бошпана чиқмади. «Сизга айтдим-ку, узунроғини олавермадингиз-да!» - афсусланди Носир.

Ўша куниёқ шаҳарга қайтиб, Санобар билан бирга дўкон оралади. Ҳали пул қадрсизланмаган пайтлар. Битта олти кишилик қойилмақом ҷодир, битта ўсмирлар велосипеди, булардан ташқари, битта самовар, қозонтовок, чўмич-қапкир, кўйинг-чи, янги рўзгор учун нимаини зарур бўлса, барчасини ҳарид қилдилар. Эргасига бутун оиласи билан етти жон (ўшанда супракоқди қизлари ҳали туғилмаган эди!) тўпган-тутганинни велосипедга юклаб, электричкага велосипедни ҳам кўшиб юклаб, омон-эсон Хўжакентга етиб келдилар. Ҷодир сўрига маҳкамланган «бошпана»га лоп-лойиқ келди. Чилланинг кунида бир ҳафтадаёқ роса қуриб-қовжираган шох-шаббалар самовардаги булоқ сувини бир зумда қайнатди. Ўли иккиси тошлардан кўлбола ўчоқ қурдилар. Санобар қизлари билан овқатга уннади. Карабсизки, Носир - Афандининг Хўжакентдаги оилавий ҳаёти бошланди-кетди! Болаларининг кундузлари, кўлларию оғизлари қоп-кора бўлганига парвойи палак, мириқиб тутхўрлик, кечалари сўрида юлдуз санаб ўйинқароқлик қилишларини-ку, кўяверасиз!.. Ҳа, ўйлаб қарасантиз, одам боласининг, айниқса, афандининг ўзини баҳти хис қилиши учун жудаям кўн нарсалар керак, эмас!

Ўша ёз чилласида Носир икки ойча бутун оиласи билан наинки ўзини бу элдаги энг баҳти ота, баҳти эр деб хис қилди, айни чоғда, атиги тўрт юз сўмга бутун бошли уйни қуриб битирди ҳам! Ҳозир ақли бовар қилмайди: бошқалар беш-олти йил - неча минг сўмнинг бошига сув қуйиб тиклаёлмаган уйни атиги икки ойда тўрт юз сўм билан қуриб битириш ҳам мумкин экан-да! Мен сизга айтсан, мумкинликка мумкин! Факат бунинг учун, дейлиқ, анови Кўчкорнинг беш кўлини баравар оғизга тикиши, Мирёқиб эпақанинг абжирлиги ва ё Кодир укасининг учарлиги зинҳор шарт эмас. Носирнинг Афандилиги, аниқроги, унинг Собир укасига ухшаб, ишининг кўзини билиш керак бўлди, ҳолос» Ҳа, «Ишнинг ўзини билгунча кўзини бил!» деганлари тўғри!

«Атиги тўрт юз сўмга бутун бошли бир уй?! Лоғ ҳам эви билан-да! деб ажаблансангиз эҳтимол, Носирнинг айрим ҳамкасларига ухшаб, ўзингизча «Росмана уй эмас, Том тоганинг кулбасидир-да!» қабилидаги истеҳзоли ўйларга борарсиз балким? Бўёги - ихтиёргиз! Тўғри, Туркистондаги отчопин ўйларга таққослаганда, Носирнинг кургани кулба бўлса бордир. Леқин манови шаҳри азимдаги ўйларга қиёслаганда, майли, карвонсарой демайлик, ҳар қалай, уймисан уй! Тасаввурингизни бир нави равшан тортириш умидидаги айтиб ўтамиш: у аввалига бўйи - етти кулоч, эни - уч ярим кулочлик ул ўйди. Чуқурлиги тиззадан келадиган бу улга тош қалаб, устига тошни тағин тиззадан бўйи кўтарди. Тоғда нима кўп - тош кўп-да! Атиги уч юз қадамча наридаги бетон заводидан қирқ сўмга бир машина тайёр қоришмани олиб келиб, устидан кўиди. Карабсизки, тош-метин тайёр-бўлди-кўиди! Деворларни тиклаш учун эса, ўзингиздан қолар гап йўқ, ер-сув билан пахсакашнинг кўли, бундан

ташқари, ўғли Хўжамуроддек оёқ-қўли чаққон дастёр бўлса бас!

Айтиб кўяйлик, Носирнинг пахсакашлиги хусусида айрим қитмилар бичиб-тўқиган гаплар қип-қизил ёлғон! Эмишки, у пахса уришга қаттиқ берилди кетганидан деворга эшик-дераза кўйишини унугиб, ёлиз ўғли ичкарида колганмиш!.. Одам боласи ҳам шунчалик қитмир бўладими!

Аслида воеа бошқачарок. Носир энди лойни тобига келтириб, пахса уриб бошлайман деб турганида, ҳойнаҳой ўша чўпчакни бичиб-тўқиган қитмир олдига келиб «мехрибонлик» килди: «Пахса уриш ёлғиз ўзингизга оғир. Ўғилчаним қийнайсиз. Ундан кўра, бир жойда маҳсус таҳталар бор, шуни олиб келиб қураштирангиз, ичига худди фундамент кўйгандек лойни узокдан қуракда отаверасиз!..» Носир - Афанди «Шу одам менга жони ачиб ҳайриҳоҳлик қиляпти-ку!» деб у билан ҳалиги таҳталарни аллақаёқлардан машинага юклаб, йўлкирасини тўлаб олиб келишди. Анча қураштириди. Кечгача терлаб-пишиб бир деворини ҳалиги усулда кўтарди. Эргалаб туриб қараса, девори қингир-кйшик! «Кўй, ўз билганимдан қолмай» деб таҳталарни олиб ташлаб, деворини тўғрилаб-текислаб, давомидан пахсасини уриб бошлади. Ўшанда ҳалиги одам келиб тағин «мехрибонлик» килди: «Ҳа, нима бўлди, Носир, таҳталар сизга керак бўлмаяптими, уларни олаверайми?..» Маълум бўлди, ўша одам ўз уйига пойдевор кўймокчи экан, факат таҳталарини ўз ҳисобидан олиб келиб берадиган аҳмокни тополмай турган экан!.. Ўшанда ўзича «Э, қойил! - деди. Одам боласи ҳам шу қадар устомон бўладими?!» Устомон эса, табиийки, устани жинидан баттар ёмон кўради. уни масҳаралаб, у ҳакда турфа чўпчакларни бичиб-тўкиб ҳузурланади...

Устомоннинг юзи қурсин, устага юз бурайлик! Хулас, Носир икки пахса айлантиргач, ўғли иккови велосипедга мингашиб Коронқўлга тушдилар. Курилиш моллари дўқонидан юз сўмга - битта эшик, олтмиш сўмга - битта дераза ҳарид қилдилар. Иккаласини велосипедга юклаб, ортларига қайтдилар. Ўша куниёқ уларни жойига маҳкамлаб ўрнатдилар. Яна бир пахса кўтардилар. Энди бинонинг томини ёпишгина қолди. Мана шу ерда Носир икки ишини бир қилди: томни одатдигидек икки қават эмас, бир қават қилиб ёпди-кўиди. Лекин у, тан олиб айтиш керак, икки қаватли томдан пухтарок, кулайрок, шинамроқ чиқди.

Нима қилди? Аввалига Хўжамурод билан Бараждаги омборхонага бориб, донасини бир сўму олтмиш тийиндан жами ўттиз бешта шифер, донасини икки сўмдан ҳар бири беш кулочли ўнта ёғоч, ўнбеш сўмга бир уюм икки кулочли таҳтачаларни сотиб олди-да, ўн беш сўмга юк машинасини кира қилиб, Хўжакентга қайтди. Шу билан томни боғлаб ёпди-олди.

«Қандай ёпди?» дейсизми? Бири иккинчисидан ярим пахса баландроқ, деворларга ёғоч ошириди. Қиялама ёғочнинг бошини қисди. Дарё бўйида чувалашиб ётган ташландик симларни тўғрилаб, ёғочларнинг тагидан кўндалангига ўраб-қоқди. Устига жарликдан қамиш ўриб чиқиб, бир сидра босди. Унинг устидан лой босди. Куригач, остидан ҳам лой билан панжакаш қилди. Сўнг оралиқдаги қувурларга ёғочга тенглаштириб тағин қамиш босди-да, устидан таҳтачаларни, уларнинг устидан эса, шиферларни қоқиб чиқди. Тамом-вассалом! Карабсизки, ёзда - салқин, қишида - иссиқ уй таппа-тайёр!

Келгуси йил ёзда уйнинг шиши билан ичи-сиртини аввал лойсувок, кейин кумсувоқ қилиб, оқлаб-кўклаб, бўяб-бежади. Бир деворига бошдан оёқ таҳмон-у

токчаларни тузади. Санобар билан қизлари таҳмонга кўрпа-тӯшакни тахлаб, токчаларга идиш-тавокни терди. Ана энди бу уйни неча минг йиллардан бўён отабоболаримиз яшаб ўтган чинакам туркона уйлардан фарқлаб кўринг-чи! Бир камчилиги - сандалнинг йўклиги! Уни ҳам чиким харажатсиз кўрса бўлади, албатта. Лекин дала ҳовли ўз номи билан дала ҳовли; қишида эмас, ёзда яшашга мўлжалланган! Башарти қишидаям яшамоқчи бўлсангиз, марҳамат, бемалол! «Сандал» деганларининг яраси енгил: уйнинг ўртасини тизза бўйи ўйиб, устига хонтахта кўйиб, уйнинг устига кўрпа буркайсиз. Тамом, сандал тайёр! Ўйикка бир челак чўғни кўясиз-да, оёкни иссиқка тоблайверасиз! Айтиб кўяйлик, мазза қиласиз. Сандалнинг хузурини кўрмабсиз - дунёга келмабсиз. Бундай хузуржонни билмабсиз, демак, сиз на қадим туркий Элга мансубсиз, на Афандисиз!

Ўйлаб қарасак, биз ҳам афандилик қилибмиз: Носирнинг бошпанаси, уйи, уйнинг курилиши, ҳатто йўқ, сандалига маҳлиё бўлиб, худди ўша сандалда яйраб ўтиргандек ёзилиб гап-гаштакка тушиб кетибмиз. Тағин дастлабки манзилга кайтиб, Носирдек жиддийрой ўйлаб-карайлик: «дала ҳовли» деганлари нима ўзи? Росмана ҳовлими? Йўқ! Бизнингча, чучвара ейишдан мурод - гўшт ейиш бўлганидек, дала ҳовлидан мурод - ҳовли эмас, даладир. Ҳамма гап ана ўша дала қандай тобига келтирилиб, нима экилиб, қанака ҳосил олинаётганида! Шундай эмасми?

Носир бир ҳолдан қаттиқ ажабланади: унинг дала ҳовлисига кимки қадам кўйса, даставвал ҳавасми-ҳасад билан сўрайди: «Ие, сизнинг ерингиз мунча кенг? Кўшнининг еридан кўшиб олганмисиз дейман?.. Носир гоҳ суюниб, гоҳ куйиниб тушунтиради: «Ахир, мен сизларга ўхшаб даламнинг қок ўртасига данғиллама уйжой қуриб, еримнинг тўртдан уч қисмини ироф қилганим йўқ-да! Бир чеккасига иҳчамигина ёзлик бошпана тиклаб, шу даламга «Ё Ҳақ!» деб термулиб ўтирибман, билсангиз!..» Унинг қитик патига тегишдан хузурланадиган айрим қитмирлар тегажоқликни баттар авжига чиқаришади: «Сизнинг чекингизга зўр жой тушибдими, а, Носир афанди, далангиз кафтдек тептекис-а?..» Бундай пайтда кўпинча бирон иш билан машғул Носир эрмакталаб бекорхўжага энсаси котиб карайди: «Текислагандан кейин... текис бўлади-да! Аввали бошда сизникидан беш баттар ўйдум-чукур эди, ака!..» Энг ашаддий қитмирлари унинг новча бўйига ишора килиб, ўзича асқия айтади: «Шунча теракни нима қиласиз, хой Афанди, бир ҳовлига бир мирзатерак ҳам етарди-да!» Бундай пайтда Носир атайин мумсикланиб қитмирни қаттиқ «чакиб олади»: «Нима қилай, ака, нукул бақатеракларнинг орасида мен бечора ҳам... кундан-кунга яккаланиб қоляпман. Эртага ҳимоячилирим кўпайсин деб...» Айни чоғда, ўзича ўйлади: «Омон бўлсак, эрта бир кун дала ҳовли қуриб бошлаганингда шу мирзатеракларимни отнинг калласидек пулга ўзинг ялиниб-ёлвориб сотиб оласан!».

Хазилкашларини, айникса, бир ҳол қаттиқ таажжублантиради. «Ҳе-еч замонда ҳам уйни тоғ ёнбағрида баланддан пастга қаратиб эмас, пастдан баландга қаратиб қурадими, хой Афанди? Минг килганда ҳам, даштакилигинизга борасиз-да, а?..» - тепарокдан келиб, унга паст назар билан қарамоқчи бўлади ўзича. Лекин Носир кутимаганда ундан баландрок келади: «Тағин «чаламулла» десам хафа бўласиз! Ҳайф-е сизга шунча унвон-у мукофотлар! Хой, ўқимаган, ахир, ўзбек уйни шундай қурадики, қуёш чиққанидан ботганича унинг нури деразадан уй ичига тушиб туради! Колаверса, пастга

сизга ўхшаган назари паствар қарагани маъқул. Мен баландмани, энг баланд токка тик қарайман!»

Нима бўлганда ҳам, «Ҳар кимни кўзига - ой кўринар кўзига» деганларидек, Носирнинг ўзи ўз қўли билан курган уйи, такирда ўстирган бир туп дарахт эмас, бутун бошли боги, бояни куршаган мирзатераклари ўзига ойдек кўринади. Уларга талпинади. Уларни қўмсайди, соғинади... Ҳа, одам боласининг, айникса, афандининг табиити шунақа: ҳамиша ЯРАТГАНИГа талпиниб, ЯРАТГАНИИ кўмсаб-соғиниб яшайди. Гарчи охирги марта икки ҳафтача аввал бориб келган бўлсада, шу топда ҳам ўтган йилдан бўён қадам босмаган хотини билан қизларидан кам соғинмади. Акс ҳолда улар қатори аллақачон ухлаб қолган бўлар эди. Бундай уйкуси ўчиб, дала ҳовлисини ўйлаб, мижжа қокмай ётавермас эди.

Энди ухлаш керак! Худо хоҳласа, кўз юмиб очгунча тонг отади, кўз очиб юмгунча эса, ўзини тоғ тепасида кўради...

## АФАНДИННИГ ОИЛАСИ

Беш қизи мазаҳўрак қушчалардек чугурлашиб шифил пишган жайдари кора тутга ёпирилдилар. Ўғли тутдан бир муддат тотинган бўлди-да, одатдагицек самоворга сув кўйиб, чой қайнатишига уннади. Хотини ишком тагидаги сўрига кўрпача тўшиб, дастурхон тузашга тутинди. Носирнинг ўзи «етказганинга шукр!» дей «жонини чакириб» ҳордик чиқариш учун тўрга тўшалган кўрпача устида ёстиққа ёнбошлади. Бутун жисми-жонида ажиб бир фарофат, хузур-ҳаловат туйди. Богига бир сидра кўз югуртириди. Кўздек боянинг теграсидаги киприкдек мирзатеракларининг енгил шабадада ажиб бир викор билан солланишини завқланиб томоша қилди. Терак япроқларининг сирли шивиридан маст бўлди гўё. Оромижон гўша, тоза ҳаво, хузуржон салқин, хуш манзара, энг муҳими - камбагалнинг жон қушидек кўш кафтида тутгани - бутун оиласи - шундоқкина кўз олдида ўйнаб-кувнамоқда! Бор экансан-ку, хўжалар кенти! Бор экансан-ку, баҳт! Шу оиласини-ю унинг шу баҳтини йўқдан бор килдингми, демак, бор экансан-ку, Бирор Борим!..

Ўйлаб қараса, «Қарздан кутуларсан - хотин ёнга қолар» деганлари ҳақ-рост экан! Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Мана шу хотини Санобар, шу олти зурёднинг онаси. ҳакиқатан ҳам, бир пайтлар бошдан оёғигача қарз эди: ўн саккиз йил аввал бир ҳамкасбидан қарз олиб, Туркистонга борди. Бош дўстидан қарз олиб, Санобар иккови Тошкентга келишди. Тоғаваччасидан қарз кўтариб, тўй қилди... Атиги бирор йилда бу кетма-кет қарзлардан кутулди ҳам! Хотини эса, дарҳакиқат, ёнга қолди! Ҳали-ҳануз Санобарнинг ўзи-ю болалари-ю бошқа дилтортарларига ҳалиги маколга қўшиб янга бир гапни ўқтин-ўқтин такрорлайди: «Қарзга олган битта-ю битта хотиним!»

«Қарзга олган битта-ю битта хотини» киройи умр ўйлдошигина эмас, нақтирик ҳазина экан, нафақат ёнга қолди, балки, худога шукр, ўзидан кўпайди. У билан ҳар қанча хор бўлса ҳам, зор бўлса ҳам, ҳар қалай, кам бўлмади. Аввали қарздан кутулар-кутулмас анови ёлғиз ўғли Хўжамурод туғилди. Ўзи - ота, бири - икки бўлгач, мусулмончилик - астачилик экан, уй-жой, козон-товок, том-таом, киз-кирқин... бирин-кетин бўлаверди.

Тўғри, буларнинг ҳеч бири осонликча бўлмади. Носир ўз ҳаётида нимагаки эришса, барчасига минг машаққат билан, тенгдошларига нисбатан жуда-жуда

кечикиб эришди. Ҳамиша ҳар бир ишда, Элнинг қадимий ибораларидан бири билан айтганда, «эр туғилиб - кеч қолди»: Ота бўлишда ҳам, бу шаҳри азимда пешонасига бир ватан битишида ҳам, номзодлигу докторлик ҳимояларида ҳам... Айникса, Санобарни олий маълумотли тарихчи-ўқитувчи қилиб, ўғил-қизларини оёққа кўйгунча чеккан заҳмат-машакқатлари!.. Ҳозир ҳар эслаганида уларни қандай енгиб ўтганига, ҳаммасига қўшимча, шунча мақола-ю рисола-ю китоблар ёзганига ақли бовар қилмайди. Дарҳақиқат, астойдил қимирлаган қир эмас, тоғ ошар экан, чорбог ошар экан!..

Эсида, тўйдан кейин Луначарский марказидаги ижара уйда Санобар билан бирга яшаб бошлар эканлар, аввалига мактабдаги дарсларини икки баравар кўпайтирди. Бунинг устига, тибиёт институтининг кечки тайёрлов бўлимидан кўшимча дарс олди. Уззукун мактабдаги икки жабҳада - ўн икки соат, институтда - икки жуфтлик, яъни, тўрт соат, жами ўн олти соат дарс ўтади. Уйдан тонг-саҳарда чиқиб кетиб, ярим кечаси қайтиб келади. «Битта-ю битта хотини» билан дийдорлашиб, уни ухлатгач, тагин бирор соат қоғоз коралайди. Эртасидан яна шу ахвол!.. Ҳозир эслаб ақли бовар қилмайди: чарчамагани-чи!

Санобар ҳам қараб турмайди, албатта. Аввалига «Қизил тонг» фабрикасига чойшаб тикувчи бўлиб ишга жойлашди. Кейин университетнинг тарих бўлимига кечки ўқишга кирмоқчи эди, Носир базур шаштидан қайтарди: «Тўхта, азизим, саҳнадасан! - деди хотини билан ҳазиллашиб. - Шу кеча-кундузда ўқишдан зарурроқ ишлар чиқиб турибди. Модомики мен элнинг тарихини ёзувчи элшунос эканман, сен аввалига ёзув-чизувни пухтароқ ўрганганинг маъқул!» Эр-хотин маслаҳатлашиб, ижара уйга яқинроқ Академия кошидаги олти ойлик оқка кўчирувчилар курсини маъқул кўришди. Пешингача - фабрикада ишлаб, пешиндан кейин - курсда ўқиб, хужжатни кўлга олгач, кўп ўтмай Ўзбекистон радиоси кошидаги тургукхонага ётди. Кунлардан бир куни Хўжамуродлари ана ўша тургукхонанинг учинчи қаватида Чўлпон юлдузи билан баравар туғилди! Санобар - учинчи қаватда, Носир - ерда ярим кундуз-ярим кеча қаттиқ тўлғондилар. Ниҳоят, хушхабарга суюнчини айрибош килган кампир эртасига Носирнинг қўлига бир парча қоғоз тутқазди. «Отаси! - деб ёзилган эди унда. - Ўғлимиз қаттиқ қийналиб туғилди. Ўз киндигига бўғилиб ўлар ҳолида, ҳайтовор, тирик қолди. Кўрсангиз паҳлавон дейсиз, отаси, буни қаранг!..»

Мактаб директорининг машинасида она-болани тургукхонадан ижара уйга олиб келиб қаради. Буни қаранг-а! Дарҳақиқат, ўғилмисан-ўғил! Ой деса ойдек, кун деса кундек! Алномиши билан Гўрўғли ҳам чақалоклиғида шундай бўлғандир-ов!.. Ўша ой, ўша кундан эътиборан «отаси» ҳам, «онаси» ҳам, табиийки, ўғилчанинг гиргиттони бўлдилар.

Улар гиргиттон бўлгани сайин «паҳлавон» кунораси нима десак экан, ичини ўтказолмай қийналади-да. Амалтақал ўтказиб енгили тортганида қарайдиларки, тошдек! Худди эмгани тошга айланиб чиқаётгандек! Санобар сурги дори беради. Носир барра савзини қиргичдан ўтказиб, сиқиб сувини ичиради. Бундай амаллардан кейин чақалоқ бир муддат енгил торгади, лекин эртасидан тагин ўша қийноқлар!.. Устига устак, қорни ўтдек қизиб, иситмаси кўтарилиб, шайтонлашларини айтмайсизми! Ёпирай, туғилишигина эмас, яшаши, ҳатто ичини ўтказиши мунча қийин бу паҳлавоннинг?!

Беш-олти ойни шу зайлда ўтказдилар.

Кунлардан бир куни етти хуфтонда институтдан чиқиб, ижара уйга келса, на Санобар бор, на Хўжамурод, қараса, хонтахта устида хат турибди. «Адаси! - деб ёзибди Санобар. - Хўжамуродимиз тагин қаттиқ шайтонлади. Иситмаси ҳам баланд. Биз касалхонага кетдик...» Ярим кечаси пойи-пиёда қидира-қидира касалхонани топиб борди. Навбатчидан «онаси» ҳам, ўғли ҳам мирикиб ухлаётганини билгач, кўнгли бир нави таскин топиб, ижара уйга кайтди. Эртасига гап нимадалиги яхшигина маълум бўлди. Шифокор аёл Санобар билан Носирни афандидан олиб-афандига солиб роса койиди: «Бола бечора Қозогистоннинг чўлида олти ой сувсиз юрган түядек чанқабди-ку! Туғилганидан бўён сув бердиларингми ўзи? «Мамма»га қўшиб «умма» дея оладиган тил-забони йўқ гўдак бўлса! Ота-оналиқ ҳайфе, афандилар! Соддалик ҳам эви билан-да!..»

Буни қаранг-а! Ростдан ҳам, ўттиз икки яшар отаю йигирма тўрт яшар она гўдак парваришининг жўнгина алифбосини билмай, ўзларини ҳам, бечора болани ҳам шунча қайнасалар! Шифокорнинг койишлари бир шахсий кузатишга уланиб кетди: эмишки, руслар бирон жойи оғриган заҳоти дарров шифокорга кўринар эканлар. Жуҳутлар бир йил аввал кўриниб, «бир йилдан кейин фалон жойим оғриди, шекилли» деб, олдини олиб кўяр эканлар. Ўзбеклар бўлса, бир йилни ўтказиб келарканда, қачон қандай оғриб бошлаганинг эслаёлмас экан!.. Носир шифокорнинг ҳазиломуз қочиримига жавобан ноилож кулди: «Ҳар қалай, олга силжиш бор-ку, опа! Биз бир йилда эмас, олти ойда келибмиз-ку!» Шифокор ота-онани хушёрликка чақириб анча насиҳат қилди: «Одам боласи тупроқдан яралган, бироқ унинг турган-битгани сув! Ўзи ҳам бир томчи сув (нутфа)дан бино бўлган. Тупроқни тупроқ тортганидек, сув сувга интилади...»

Лекин ўша аёл ҳам ўзбек экан, бу оламда сувдан бошқа шамол ҳам борлигини назардан қочирибди. Отанаолар сувнинг хоссалари ҳақидаги бошлангич билимга эга бўлгунга қадар елвизак хонада эмизикли она қаттиқ шамоллаб колса бўладими! Носир кўркқанидек, шамоллаш тез орада онадан болага ҳам ўтди. Она-бала бу балодан кутулгунга қадар, водариф, иккаласи касалхонада аллақандай юқумли ҳасталикни илаштирилар. Юқумли касаллик ўз номи билан «юқумли» экан, улар маҳсус шифохонадан чикқунларича Носирга ҳам юқиб улгурди... Хуллас, йўқ жойдан бошларига ғалва орттириб, уч ойча касалхонама-касалхона овора-сарсон бўлдилар. «Шу кўргиликларимиз бизга сабоқ бўлсин, Санобар, - деди Носир йигламоқдан бери бўлиб. - Энди биз ҳам қаердан қандай бало келиши мумкинлигини олдиндан кўриб-билиб турадиган даражада хушёр - чинакам сақ бўлайлик, токи ўғлимиз ҳам сак бўлсин!»

Лекин сақ бўлиш ҳам, ўғил қизларни сақ қилиб тарбиялаш ҳам жуда-жуда оғир иш - турган-битгани мashaққат!

Носир ўн етти йиллик турмуш мобайнида оила бошқариш, хотин-бόла-чақанинг таълим-тарбияси бобида тўплаган камтарин тажрибасига таяниб шундай хулюсага аллақачон келганки, одам боласи табиатан тұфма танбал экан. Худди Faғур Ғуломнинг «Тирилган мурда»сидаги Мамажон ялқовга ўхшаб, «олма пиш-оғзимга туш», «берсанг ейман, урсанг ўламан» деб ётаверишга, иложи бўлса, ётиб ейишга мойил экан. Уни

ўчоқдаги оловдек ўқтн-ўқтн кўзғаб, ҳаракатга ундан, қонини қайнатиб турмасангиз, тутаб-бурқсиб, ҳатто ўчиб қолиши мумкин экан! Кимсан Алпомищдек баҳодир тўқсон алпнинг каттаси Кўкалдош билан кирқ кечаю кирқ кундуз курашиб енголмаганида Барчинойнинг «бир сўзи»и - «чиқ майдондан, сенинг ўрнингта ўзим курашаман!» қабилидаги сиёсатидан ҳамияти кўзиб, қони қайнаб, рақибини чирпирак қилиб осмонга отмаганми, ахир! Ҳакимбекки, шундай даъватга муҳтож бўлгач, Носир, унинг хотини Санобар, ўғли Хўжамурод, «Дилорому Дилорою Дилосо» кизлари бундай ундовларсиз қаёққа ҳам бора оларди!

«Хотин - бошдан, бола - ёшдан» дейдилар. Носир одатдагидек бу борада ҳам олти ойга бўлса-да кечикди. Лекин ҳечдан кўра кечи яхши! Санобар бола парвариши билан машғул экан, «бекордан худо безор» деб, унга оқка кўчириш сирларини пухтароқ ўргатишдан ташкари университеттага ўқишга тайёрлади. Бу машгулотлари иш бердими, ўзининг ҳам билими яхши эканми, собик домлалар Носирнинг юз-хотирини килдими, ҳуллас, хотинининг омади чопиб, сиртқи ўқишига кириб олди ҳам! Хўжамурод боғчага чикиб бошлагач, республика радиосининг «Ватандош» бўлимидаги таниш элшунос билан гаплашиб, уни оқка кўчирувчи сифатида ишга жойлади-да, уқтириди: «Ана, истаганча ўқиб, чарчаганча ёзавер энди, онаси!»

Лекин ойлар ўтиши билан шунга икрор бўлди, ортиқча ҳимоялашлар-у папалашлар одам боласини бокиманда, ҳатто тайёр ошга баковул қилиб кўйиши мумкин экан! Санобар гоҳида ишхонадан келиб ўзича орзиқади: «Бирорларнинг ёзган енгил-елпи гапларини оқка кўчириб ўтравераманни, ўзим ҳам бир нималар ёзсан экан! Бошламасига мен учун ҳам бир нарса коралаб берсангиз-чи, хўжам!..»

Баъзан сиртқи ўқишидан келиб қисталанг қилади: «Шу мавзуда курс иши олдим! Энди уни ўзингиз ёзиб бера қолинг! Мен овқатингизни қилиб, кирингизни ювиб, хизматингизни қиляпман-ку!..» Караса, кўнгилчанликнинг охиривой! «Тўхта паровоз, айланма, тегирмontoш, - хотини билан ҳазиллашиб, уни инсофга чақириди Носир. - Сенинг ўрнингта ўқиб-ёзолмайман, ахир. Одатда тоққа ҳар ким ўзи юриб чиқади. Бу йўлда бир-бирилизга ҳаммол эмас, мададкормиз, азизим! Ўқиши ёзиш эрки ҳар кимнинг ўзида!»

Кўп ўтмай кўрдики, хотини бир кутбдан иккинчи кутбга оғмокда: бир вақтнинг ўзида ҳам овқат пишириб, ҳам кир ювиб, ҳам болага қараб, ҳам ўқиб, ҳам ёзиб, ҳуллас саккиз ишни бараварига ишлаб бошлайди, десангиз! «Тўхта, ҳой, меҳнаткаш! - тағин хотинига йўналиш беришга мажбур бўлди Носир. - Бу дунёнинг ишлари њеч қачон биттан эмас, азизим! Зарурлар ичида энг зарурини ажратиб, навбати билан ишлаш керак бўлади. Эр керакми - эрга қара, бола керакми - болага қара, давлатнинг иши керакми - ишла, ўқиши керакми - ўки! Қолгани ултуришингга қараб аста-секин... Мусулмончилик - астачилик, азизим!»

Санобардек тушунган хотинни йўлга солиб, йўриққа юргизиш қийин эмас, албатта. Лекин ўғил-қизни кўнгилдагидек тарбиялаш бугунги кунда, ўзингиздан қолар гап йўқ, жуда оғир иш экан. Айниқса, улкан шаҳар шароитида бу иш игна билан кудук қазишдан ҳам кийинроқ! Гоҳида шу бор-йўғи етти жонни тўғри бошқаролмай хуноб бўлган оила бошлиги Носир ўзича йўлайди: «Йигирма уч миллион нуфузли улкан бир

мамлакат, буюк бир Элни тўғри йўлга йўналтириб турган одамнинг укувига балли-еий!..»

Эсида, Хўжамуроднинг тили чиқиб, катта қизи туғилиш арафасида Луначарский марказидаги ижара уйни бўшатишга мажбур бўлдилар. Ўғил - боғчада, эр хотин бутун шаҳар бўйлаб ижарабоп уй қидирдилар. Ниҳоят, Соғбон кўчасидаги Олча ўткалида каталакдеккина бир ҳужра топдилар. Уволи не керак, ўша бўйрадеккина ер ўзича бир очил - дастурхон экан! Очилдастурхон эканки, беш-олти йил ичида бири бешта бўлди!. Уй эгаси - ёлғизигина кампир, эрининг домдаги иккинчи хотинини қарғай-қарғай, ҳайҳотдек хонада юраги сиқилтани боис, кечкунлари ҳужрадеразасидан ичкарига мўралайди. Азбаройи ким биландир гаплашиб, борингки, ади-бади айтишиб юрак чигилини ёзиш умидида уларга билса - ҳазил, билмаса - чин қабилида пичинг қиласи: «Бу ер жа-а Ачаобод бўп кетдию, а! Келганларнингда нечта эдинг, ҳозир нечта бўлдинг?..» Бу хилдаги кундошларча қиликлардан Санобарнинг жигибийрони чиқади. Носир кампир билан Санобарни муросага келтириш умидида ҳазилга муносиб ҳазил қилишга уринади: «Ҳудо бераридан қисмасин, хола! - дейди шўх кулиб. - Уйингиз кут-баракали экан, мана, худо бериб ўзимиздан кўпайяпмиз! Шояд қизларимиз ҳам вақти келиб сизнинг қизларингиздек уйли-жойли, ували-жували бўлишса!..» Кейин кўнгли туппа-тузук юмшаган кампирни «бошқа кўчалар»га етаклайди: «Кўчамизнинг нега «Сағбон» деб аталишини биласизми, хола? Менинг аниклашимча, бир пайтлар бу кўчада сакмончилар яшаган экан. «Сакмоннинг тошидек» деймиз-ку! Бу «замбарак», «палаҳмон», «тўй қопи» дегани экан. «Ўқчи» кўчасида сакмоннинг ўки, бу кўчада ўзи ясалганмиш. Сакмон бўлса, «сақлар яратган тошотар ускуна» деган сўз... Шундай сўзларда жон борми экан, хола, сиз нима дейсиз?..» Қарабсизки, кампирнинг айни шу «кўча»да гап ҳалтаси очилиб, кўчдек кўчиб бошлайди. Носирдан айланиб-ўргилишга тушади: айланайин ўзимнинг олим боламдан! «Кумлок» бундай «Чакар» ундан, «Коратош» фалондай... «Хўжааламбардор», «Хастимом», «Шайховандтоҳир»ларни-ку, кўяверасан - ҳар бири бир достон!.. Бу орада эшиқдан кампирнинг эри - Амаки кириб келади. Сатта қизалоқлар орасида торгина ҳужрага базур сифиб ўтирган Хўжамурод «Амак!» деба кичкирганича сарпойчан ичкаридан отилиб чиқиб, чолга пешвоз югурди. Амаки уни кучок очиб кутиб олади-да, суйиб-эркалаган кўйи ҳайҳотдек ҳувиллаган хонага йўл олади. Ортидан кампипи эргашади. Ҳужрада Санобар Носирни қистовга олади: «Ёлғизигина ўғлимизга кўз тегмаса майли эди ишқилиб! Бу хотинидан - тўрт қиз, у хотинидан - беш қизнинг орасида биттаю битта ўғилга ичикиб умрини ўтказган чолнинг кўзи ёмон, отаси, сиз билмайсиз! Тез олиб киринг Хўжамуродимизни» Носир Санобарни инсофга чақиради: «Қўявер, хотин, ўғлинг ейилиб қолмайди! Ҳали меҳрига қонгач, ухлашига яқин чолнинг ўзи кўтариб олиб киради!» Айни чогда, чол-кампир, ота-она, айниқса, ўғилнинг ночор ахволига каттиқ, ачинади. Бу ночорликдан қандай йўл топиб чиқиши мумкин?! Ўйлаб-ўйлаб, ота-она кенгашиб, ёлғиз ўғил учун шундай вақтнингчалик чора қўллашни маъқул кўришади: кузда ўқиши бошлангунга қадар уч ой ёз Туркистанда амакиваччаларининг ёнида, кенгликда бир яйраб-кувнасин бола бечора!..

(Давоми келгуси сонда.)

Даврон СУЛТОН

# СҮНГАЙИМНИ НАЙДАЙ ЧАЛДИ ШАМОЛЛАР...

АИРИЛИК

Күнинг маңшат өрнини ғойын сабобина,  
Сөбдим десам, майлы деған жағобина.

Мажнүнитолдағы сөбин әйніб оромижеңін,  
Бошин юбағи тоғайымниң зағдебина.

Хизеронда мен қон ютиб, қылмағ ылди  
Әр тоғайин солиб ишкениң үгіубина.

Сүнганимни олиб жұнағ бүр афоба,  
Пойынб-тоқынб құз ёштарым халқебина.

Бебағо әр ишкіда қон әнделаб дилім,  
Құшдағы үзін үрағ севін иғдебина.

Алғаш кабы атжолымдан құлағ, әнді,  
Ой шаралып әкшом бүргем никебина.

Әмінф әмас, құз ёш іюніб құйлаптамни,  
Қандок ындағы алғылыхиниң азебина.

Бу Даврондағы ұласас қылманы, мұраннисілар,  
Ошиқлағынин әнделаб ылдан ғубебина.

В И Д О

Көп-қорға құміриға айланды дилім,  
Үзін шарғ әттімай қианаңады тилім,  
Құлпидан бүр құтпум май ютаң, ұлым,  
Хаёт зағробина тәжірдім, қаридім.

Хайр, дағын дүн.

Жонимда тағалло қылағ тағығи ғүз,  
Юракты миңшилар бүр тиіғе андух,  
Ұмғымни фалакқа соғуғди сабұх,  
Шамси-моң өзінде үзін бүр, қоним.  
Зағролуғ жоним.

Қабозшат қониғини сірді, қоним ыңғ,  
Жонимни жағбобия бердім, жоним ыңғ,  
Құзым ұлқ әмбейдін құрғап оним ыңғ,  
Қағон ғашимнің жаннатағ ғүхсөғін құрғағ,  
Бүр Аллоғ ғылар.

Дилта шоғылік шүрға этиди ҳаёллағ,  
Дек тегірамда қаптал шакту-ағмоллағ,  
Сүнганимни найдағы ылдан шамоллағ,  
Сағиғ дүнә сескәнмади бағыттош -  
Күнга Қабртош.

Ишкі ҳам ғұндағы ёттоң бу фано,  
Ахырғы, менің ҳам қылмады бағо,  
Мендан ҳам ордона қолдини, әй, дүнә,  
Кетедім этак сиқиб ғы мөжәсіға,  
Дорғынбақса.

\* \* \*

Інде кета-кептүнің ылғыттош,  
Сен мениң қарғама, ғұксима.  
Ғаманнан қарғынің тұраға ёш,  
Мінкін ишкі зағрінің құксима.



Шым қысметтің мендай шір манылайдан  
Бүр қоюғы ғалттани ҳам қыздынағ.  
Ай, құнит дағданинин аңғалайман,  
Бағымда ишкі деған сүз ёнағ.

Дилхүнман тақдирға құрікмай,  
Айғылых қалбимни тиісілаб.  
Құз қомаң соғымдағы қиынкелдай  
Хүркіпап сояниң қулоқлаб.

Інде кета-кептүнің ылғыттош...

Кадын





Шарль БОДЛЕР



# МУСИБАТ КҮЗЛАРИ

Шарль Бодлер (1821-1867)нинг 46 йиллик умри ҳайратланарли мўъжизаларга ва фожиаларга тўла. «Ёвузлик гуллари», «Ялангоч юрак», «Кўнгил жаннати», «Насрдаги шеърлар» тўпламларидағи юксак бадиий жозиба, теран ақлий мўъжиза Бодлерни француз адабиёти, гарб шеърияти, жаҳон шеъриятининг олий мақом салафлари қаторига олиб чиқди. XIX аср Оврупа шеъриятига хос бўлган шаклий ва маънавий изланишиларни, нафрат ва муҳаббатни, некбинлик ва тушкунликни инсонга ва оламга муносабатни Верлен, Рембо билан бир қаторда, Бодлер шеъриятидаги ҳам аниқ кўрамиз: Бодлер ҳақли равишида Оврупа авангард шеъриятининг отаси ҳисобланади. Шоирнинг XIX аср ўрталарида ёзилган санъатга доир мақола ва бадиаларида шеъриятнинг янги йўналишилари ўз аксини топган. Унинг шеъриятидаги бузгун кайфият, тушкунлик, нафрат ва галаённи ана шу нарсада излаш керак. Нафрат, ёлгизлик, узлатга мойиллик, дунёнинг ёлгон жилвалардан иборат эканлиги, софлик ва гўзаллик топталганини инсоннинг бир маҳлуқ сифатида ҳаёт кечиргани, барча нарса таназзул ва охирзамон даракчиси эканлиги унинг шеърларига сингиб кетди. Бир қарашда «мальъунлик»дан иборат бу шеърлар кишида бадбин кайфият тугдирини табиий, бироқ бу шеърият инсонни ўрганиши ва каиш қилишининг янги йўналишини - уни тубанлик, ожизлик, ёвузлик, зулмат, умидсизлик, маънисизлик, мавхумлик қоришишига ўрганиши йўлини берди. Санъатдаги зулмат - тонгга, умидсизлик - умидга, нафрат - муҳаббатга даъватдор. Тушкун кайфиятдаги шеър - шу тушкунликдан чиқишига йўл ахтараётган шеърдир. Бу барча санъат турларига хос жихат. Кафка маҳлуқка айланган одамни («одам маҳлуқ» Бодлер шеърларида кўплаб учрайди. Н.Э.) тасвирлаш билан одамни маҳлуқка айлантиришини ўйламаган аксинча, бизни маҳлуқона онгдан халос бўлишига ундалган. Бу тубан жиҳатдаги тубан ахлоқ - тубан муносабатларга гарқ бўлган инсон ҳаётини Маънодан маҳрум қилиб, уни Сизеф каби тош юмалатиб юрувчига айланирган ахлоққа - қарамакарши ўлароқ инсонни чинакам гўзаллик билан ёнмá-ён кўришдек Исён (А. Камю «Исёнкор одам» китобида бу масалани батафсил таҳлил қилган) Бодлер шеъриятидан бошланган. Яна бошқа жиҳати шундаки, қарийб 25 асрлик Оврупа адабиёти Бодлер ижодига келибгина инстинкт асосида эмас, онгли равишида ўз ички «мен»ини излашга киришиди; шу туфайли ҳам адабиётдаги табақаланиши Бодлердан бошланганинги эътироф этмоқ керак. Санъат тушунчасидан «оммабон» деган баҳо олиб ташланди. Бодлер ўз ижоди билан «омма»га эмас, балки бадиий мушоҳаданинг гултожи бўлган бадиий тафаккурга хизмат қилажагини билдириди. Шу сабабли ҳам XX аср Оврупа шоирлари-ю мутафаккирлари Бодлерга қайта-қайта мурожаат қиласидар. Зоро, бадбинлигу худбинлик, тушкунлигу умидсизлик, зулмат ва ёвузлик, фаҳш ва мунофиқлик тасвирлари тўлибтошган Бодлер шеърияти ботқогини кечиб ўтолсангиз, сизни нариги қиргоқда Инсонга бўлган буюк муҳаббат кутиб олиши тайин.

Назар ЭШОНҚУЛ

## ЁЗИФ

Сўрарсан: «Бунчалар эзғилайди жон  
Рұҳим қоясига урилган озор?»  
- Бир кун кўнглимизда кўтарсак хирмон  
Хаёт бор-йўғи ғам! Яна не даркор?

Ёник нигоҳингдай ботирар ханжар  
Чап бермогинг қийин жайдари гусса.  
Хавотирни бас қил, шафақлаб дилбар,  
Тинса-да тотли тилинг, индама, чида.

Соддадилдай яш! Шавқ-ла кўкка уч,  
Хар лаҳза тирикликин қаттиқ-қаттиқ куч,  
Токи йўлимизни тўстунча қазо.

Юрагинги бергин ёлғонга, сархуш,  
Бехуш-бехуш юриб, кўргин ширин туш,  
Мусибат кўзларини боғласин рўё.

## ХУНХЎР

Найза каби саними, ай,  
юракка санчдинг ғурбат.  
Даволайсан, оғунг-май,  
Қора куюп, сиёҳ байт.

Қалбимни кимдан олдинг,  
Этибсан яғир тўшак.  
Кишанли дилим толди,  
Пиёнга қадаҳ эрмак.

Мангу маҳбус мисоли,  
Мисоли мозор курти, -  
Кун-тун сангисам ҳориб,  
Ожиз руҳингни туртиб.

Даминта қилгум сажда,  
Маҳв эт аввал зулмни!  
Сўнг заҳарни ҳозирла,  
Бир пул кўрқок ўлими!

Эссиз! кўрганим нафрат.  
Афюн, тиф уради дўқ:  
«Ҳурликка арзимайсан,  
Лаҳзада этамиз ўйк.

Ҳали ором, баҳт дерсан?  
Ўзинг дўзах ўти - Гўл:  
Битта кир муччи берсанг  
Тирилар ўлиқ хунхўр!»

\* \* \*

Бу сурат, ўйк хира, ул бир нур чехра  
Хаёлни кутқуга солмас бўёғи.  
Қараашлар, аврашлар ўҳшамас сира,  
Асрлар ўтса-да сочишлар оғу.

Майли ҳар банданинг дили ардоғи,  
Майли, силми, сариқ ҳуррами бўлсин.  
Лекин булар унинг арзимас доги,  
Хаёл осмонимда чайқалган гунчам.

Эсхил юрагида лойи пишган хўб -  
Ҳатто Макбет хоним тош юрак ғуруб,  
Гулим маъни юксак тубсиз гирдобдан.

О, тун сенми яна мени лол этган,  
Микеланжело қизи - маймунга кетган,  
Чўғли кўзи ўчли оний саробда.

## ҲОБИЛ ВА ҚОБИЛ

### I

Ҳобил қавми, мудранг, сб-ичинг,  
Худо сизга кулиб қараган.

Қобил қавми, судралиб кечинг,  
Парварлигор ҳадсиз қарғаган.

Ҳобил қавми, барингиз малак,  
Кўкка учинг, тикка ва дадил.

Қобил қавми, мозий - келажак,  
Фам-аламми ёқсан муттасил?

Ҳобил қавми, бари олдан ҳал,  
Далангизда битгай мўл-хосил.

Қобил қавми, очсиз ҳар маҳал,  
Баракадан мосуво аҳил.

Ҳобил қавми, кулбангиз қаср,  
Кипп кечали ҳузурбахш тушдак.

Қобил қавми, аёзга асир,  
Кори-қатрон бўлажак тўшак.

Ҳобил қавми, севинг, севилинг,  
Қолдирингиз муносиб ворис.

Қобил қавми, ишқдан тийилинг,  
Етарли-да ўзингиз борсиз.

Ҳобил қавми, ҳаммаси сизга,  
Барчасини бўлмайди санаб!

Қобил қавми, ҳамиша изза,  
Ҳали қапча қон ютар бўзлаб!

### II

Ҳобил қавми, эҳ, яқин, яқин!  
Хокларингиз зўрлар далани!

Қобил қавми, чақнади чақин!  
Эрк сизники, кўминиг нолани!

Ҳобил қавми, ҳаққингиз тинди,  
Сўнти жангни интизор кутинг.

Қобил қавми! Галингиз энди!  
Ноҳак Ҳақни кўқдан иргитинг!

## ҚУЛМАГАН БАХТ

О, Сизиф, руҳинг бало,  
Бўлсайди-ей менини,  
Кўкка берардим лакки!  
Куй мангу, машшоқ фано.

Қайғули, дўст-ёрсиз, боз  
Жойга тобут чопади,  
Мотам авжин қопади  
Арвоҳим берган овоз.

Шом чоғи, яҳдай тана,  
Чўкич, белкурак олис  
Кўкракда ғайб ҳазина.

Увиллар ўрмон ёлғиз,

Бечораи пушаймон,  
Асрордай тортали жон.

### АЗОЗИЛГА ИЛТИЖО

Малойинклар хўби, руҳи бенгилат,  
Азал ўйинчоғи ва лекин факат,  
Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Кочкинглар даҳоси, ноҳақ филюси,  
Голиб, ғолиблукдан баланд ғависи.

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Ер катъри салтанатин мутлак ҳокони,  
Хўрлаганилар учун қасос макони,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Ҳаёт ишқ таъмини тортириса бир бор,  
Кувонч шарнасидан бўлажак бемор,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Гўё кўхла қўёп, Ажалга йўлдиши,  
Умид бузруквори, ғаройиб бебони.

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Саланглаган дорга тик боққап нигоҳ,  
Ўлдирмай ўлдиртирган шармисор наноҳ.

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Обло пеъматлари этилган ниҳони,  
Ҳасадўйлар дарди қамалган зиндион,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Ғашалар тенасида мудроқ бенарво,  
Ситникланган тошдай вакт берган оро.

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Соғу телбаларча изғиган ахтар,  
Тани жар беркитган, беминнат, бозар,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Майхўр, бепаноҳга ҳамиша ғамхўр,  
Ғиздирак остидан-да кутқарган куфр,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Дея: - Кайғуларни харчанд унтуниш,  
Бандуларга асал, ҳам заҳар тутдинг,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Кару кўипилсизсан янпроқ сўроққа,  
Масхарабоз ҳамдарл нечундир окка,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Дилдорлар маҳлиёси, сирли жазава,  
Ёвузликка эзгу тўккан мағзава,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Хўрланганилар дўсти, саждаға исён,  
Шахс ва шиҷоатга қалқон ва қўпикон,  
Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

Ҳақ - падар, одамзот жашнатдан қувни,  
Жазо таҳт, ҳеч кимса чиқаролмас ун,

Фамдан ўзинг асра мени, Азозил!

### Ибодат

Мартабанг янада юксак бўлсин ҳеч бенак,  
Кўклидамас жаҳашнамда фуқоронг лак-лак,  
Мутлак сукунатда шарафга боттин.

Қалбимни англов они қайта ўйютиш,  
Устинита данғиллатиб солгум Саждагоҳ -  
Недан оғоҳ ўттуниг, нимадан гумроҳ.

### ОЛИС-ОЛИСЛАРДА

Тилсим бунида сен-ла ҳаловат,  
Кўлиниг тунгани кўқсинг аломат,  
На-да йўзал айни балогат.

Сийшанита боши қўяди сафсар,  
Тилсиз йиелар бошинанида жар,  
Тингласанг-чи кокиглари тар.

Эзин манзил ғарив бопшана,  
Шамол увлар, сой шарқираиди,  
Сени маккор аврапи истайди,  
Гур-турлатиб қадимий алла.

Ер-дўстларининг бари меҳрибон,  
Қаҳрлан-да тараалар ифор.  
Бир чеккала ҳолсиз, бемадор  
Гуллар тулиар, оғизлари кон...

### ТИЛЛАСОЧ ТИЛАНЧИ

Орази моҳитоб, заркокил,  
Алағфа ўранган раъногул,  
Устига илса-да йиртиқ шол  
Соҳибжамол.

Гордаги баҳорлай сийм тани,  
Кўнглини бузади маҳзани,  
Бор ўғи бедаво ишқка дор,  
Ҳам асрор.

Чўн болмоқ адо-хор пойининг  
Сатаплар арзимас лойига,  
Ужмоҳдан чиққап хур, пайваста -  
Наврастা.

Копкийди, чалинса васли жом,  
Кирк ямок куйлаганинг бўлса дом,



Кўмса чанг, осилса забоним,  
Ай, сенинг товонинг:

Кошкийди, олифта бир гала,  
Бод ўйнар пайпоқчанг жункалла  
Бағрини безаса кини жар -  
Зар ханжар;  
Кошкийди, тенг бўлмай, мунг бўлмай,  
Гуноҳлар олдида гунг бўлмай,  
Чакнаса бир марта кўш юлдуз,  
Тўн - кундуз.

Кошкийди, авф этсанг. наф қилса,  
Ким сени сил қилган даф бўлса,  
Қолсалар дилдираб, шалвираб  
Шўх гарлар;

Беллодан<sup>1</sup> бир даста тушса нур,  
Ёнида таги йўқ, жавоҳир,  
Тутсалар сенга бу недаркор,  
Қалб ахор;

Қайнаса шеърбознинг илҳоми,  
Кўпчиган зинада пайғоми,  
Ҳирсларга терс, мағрур солар чанг  
Бошмоқчанг;

Сабийлар, сенёрлар зич йўлак,  
Ронсарлар<sup>2</sup> оқизган сук, сўлак,  
Оч руҳи талпинар сен томон  
Роҳатижон!

Афсунлар кўмилган ложада  
Гулдан кўп бўсалар мавжланар.  
Валуани сўрмассан сенгина  
Силгинам!

1. Белло - 1528-1577 ишлар яшаган фаранг шоюри, сонет устаси.

2. Пьер Ронсар (1524-1585) 16 асрнинг таникли лириги.

Хозирча тентира, пул сўра,  
Мағзава дунёга рўпара,  
Кўчада қалтираб кор нони  
Хаёли мўлтони;

Олдингдан ўтган тўп кўп беор,  
Қаарсан чақага беҳад зор,  
Менинг ҳам чўнтағим бўш ва кир -  
Таъмагир!

Сен учун ҳеч нима, жимжима,  
Йўқ атр, йўқ сурма, йўқ упа,  
Ингичка оёғи сарв, анбар  
О, дилбар!

## ЙЎҚСИЛЛАР ҚАЗОСИ

Фақат Рихлат майи бизга тасалли,  
Ҳаёт эса тутиб уйғотар қайта.  
Фақат Рихлат тутган умид мазали,  
Ордона қолсин юзга отилган чақа.

Аёз кун бермаса, қор бўрон урса,  
Зулмат водийсида зиёсан бешак,  
Үлим-мехмонхона тўрт томон юрсак,  
Хоргин дайдилар зор тушлик ва тўшак!

Сен - Малак: мўл-кўл ҳайрат, ўйноки ишва,  
Сен бир туш, сирли даста аршда зар терар,  
Сен гадо учун мушфик, саҳоватпеша.

Сен азим рисқ омбори, ҳаммага етар,  
Сен гўша кўҳна, валий, наврўз сарҳади,  
Фақирлар сурар даврон эрк салтанати!

## ФАНОИЙ ЗОРИ

Тушкун рух асир этса, сен, мардни қачон,  
Шафакда порламаса бирон-бир Умид!  
Судралсанг, ҳурмокқада ҳолсиз қари ит,  
Синган сўнгагингда қотса жон-жаҳон.

Ўзни унут ва тут! Такдирга ишон.

Эй, менинг эркчи руҳим, нега ҳолинг кул,  
Ёдиндан ўчиб кетган тонг хотироти,  
Гўзал севги, ўйин, жанжаллар тоти...  
«Алвидо», дерсан қайда чорласа булбул.

Баҳорий инжа дунё ногирон, думбул.

Даврлар парвозида сингандай сози,  
Бок, ухлайди қорда муз қотган лаҳза.  
Менга фарқсиз энди баҳтлими, баҳтсиз  
Такдирларни ўйнар кўғирчоқ қози.

Мени бундан ҳайда Үлим овози!

Русчадан  
Вафо ФАЙЗУЛЛО таржималари



## ИККИ МИНГ ТУМАН КЕПАКИЙ МОЖАРОСИ

### НАВОЙ СУРГУН ҚИЛИНГАНМИ?

Алишер Навоийнинг Астроболга жўнатилишига навоийшунослик сургун сифатида қарайди. Ўздаврила рус шарқшуноси А.А.Семёнов Астробол Султон Ҳусайн Бойқаронинг энг бой ва мухим вилояти бўлиб, унла, асосан, шахзодалар ёки султоннинг ўта ишончли кишилари хокимлик килиб келганликлари ҳамда Амир Алишернинг Астроболга хоким этиб тайинланишини «узок, вилоятга», «фаҳрий сургун» сифатида тушуниш мумкин эмаслигини исботлашга уринган эли. Бирок Семёновнинг фикрлари иногатта олинмали. Тўғри, Е.Э.Бертельс «Навоий» монографиясида Семёновнинг сўзларини эслайди-ю, лекин барисири бу масалала мафкура манфаатига мос келувчи «гоявий синфи кураш» нуктаси назарини саклаш қолали. Ўзбек навоийшунослари хам В.В.Бартолъя ва Е.Э.Бертельс туттган йўлдан бориб, «синфи кураш» талкинини янала чукурлаштириб юборганиклари сир эмас. Тадқиқотларда урғу, асосан, «айш-ишратга верилган султоннинг хазинаси бўшаб қолгани», Мажлиддин Мухаммаднинг уни тўлдиришлаги жонбозлиги натижасида султон кўнглида Мажлиддинни олий мансабга кўтариш фикри туғилиши ва бу ниятни амалга ошириш максадила Алишерни Астроболга, ўзидан узокрокка кетказиши, бошқача килиб айтганла, сургун килиши «каби нукталарга каратилган.

Албатта, айтиб ўтиш жоизки, бу масалани юмшокрок ёки холисрок ёритган навоийшунослар хам йўқ эмас. Жумладан, С.Айний Навоийнинг жўнатилишини хазинани тўлдириш воқеаси билан боғламаган ва манбаларга холис муносабатла бўлган. Шунлай бўлса-ла, у Навоийни кетказиши ва Мажлиддинни юкори лавозимга кўтариш Ҳусайнга ўзининг айш-ишрати учун шароит яратишлан иборат бўлган леган фикри ўтказишга харакат қиласи. Холислик И. Султоннинг «Навоийнинг калъя дафтари» китобида хам кўзга ташланали.

Аммо Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни сургун киласи леган ибора ҳеч истисносиз барча мавжуд талқиқотларга тааллукли эканлигини тан олмок керак. Навоий лаври манбалари қайта кўриб чиқилганла эса, мазкур масала юзасидан баъзи мулоҳазалар пайдо бўллики, уларни сиз билан баҳам кўрмокчимиз.

«Равзат ус-сафо» тарихий асарида қўйилагича маълумот мавжуд: «Хижрий 892 йилнинг кишила (1486-1487) олиймакон хокон Марви шохижонла кишилав турганила, Журжон волийси бўлган Амир

Мўгулни ул мамлакатдан икболовшён остона хизматига чакириб олди ва мунаввар кўнглига амир Алишерни лор ул-фатҳ Астробол хукумати билан сарфароз этиш қарори келди». Тарихчи Хонламир шунлай маълумот келтирили: «Ҳазрати Султоннинг якин кишиси (Навоий) хокон муловзаматидан узоклашиб... Астроболга юзлангандан сўнг (ﷺ) бандапарвар хоконнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) мунаввар хотири кайталан Ҳожа Мажлиддинни баланд мартаба ва олий мансаб билан сарфароз этишта қарор қиласи. Бу фикр хаёлга келишидан илгари, иттифоко, Ҳожа Мажлиддин таҳт поясида турган пайтла хокон ҳазратлари Ҳожа Низомулмулк ва Ҳожа Афзалга: «Ҳаражатлар учун икки минг туман кепакий тайёрлаш керак», леб колли. Вазирлар бу гапга кутилганилек жавоб бермалилар. Улар шоҳ ҳузуридан чиқиштаги, Ҳожа Мажлиддин Мухаммал подшоҳ қарисига тиз чўкиб, леди: «Агар олий ҳазратларига икки минг туман зарурат бўлса, ҳар бири девоннинг ҳаражатларидаги барча мавлағларни тасарруфига ўтказиб юрган икки ҳожа бир зумла мухайё этишлари лозим эли. Икки минг туман нима леган гап?» Бу гап хокони мансурга таъсир этиб, бор химматини ул улуғлик осмонинг куёшига (Мажлиддинга) қаратди».

Ушбу парчаларланок аниқ сезилиб турғилики, амир Алишер Астроболга жўнаబ кетганидан сўнг маълум вакт ўтгач «икки минг туман кепакий» можароси рўй берган. Шундан кейингина Султоннинг ҳаёлига Ҳожа Мажлиддинни қайта олий мансабга ўтказиш фикри келган. Маълумки, Алишер Навоий мухим вазифа билан Астроболга юорилган (Бу ҳакла қарант: Ш. Сирожиддинов. Алишер Навоий Астроболга нега жўнатилган? «Мулокот», 1997. 1-сон, 39-40-б.) Шу жиҳатдан Навоийнинг Астроболга кетишини сургун сифатида талкин этиш ва мазкур можарога боғлаш нотўриди. Албатта, Хонламирнинг ёзишича, Султон олдинлан Ҳожа Мажлиддинни мансабда юкорилатмоқчи бўлиб юрган-у, Навоийнинг эътирози бу ишнинг амалга ошишига тўсқинлик килиб келган. Тахмин килиш мумкинки, Навоийлек маслаҳаттўй ва талбиркор кипи ёнила бўлганила Султоннинг Мажлиддинга эҳтиёжи сезилмаган. Амир Алишер кетгандан сўнгина Султон зуккофахм ва талбиркор Ҳожа Мажлиддинни ўзига якин тутали. Ундан ташкари, Султоннинг воқеа солир бўлган пайтла Марвла қишилав турган-литини хисобга олалиган бўлсан, унга бирор лавлат

эхтиёжи учун маблағ зарур бўлиб колганлиги тушунарли хол. Шунлай бўлгач, Маждиллининг вазирларга нисбатан айтган танқилий фикри тўғри ва мабодо, Навоий шу сухбатда бўлганила ўша маблагни ўз ёнилан тўлаш юборар эли, лесак като килмаган бўлар элик.

Шу тахлитлаги бир воқеа «Макорим ул-ахлок»нинг тўққизинчи мақсалида хикоя килинади. Унда айтилишича, Амир Алишер зарур харажат учун жамланиши керак бўлган юз минг динор кепакийни ўз ёнилан тўлаш юборган. Умуман, манбаларда Амир Алишернинг Астроболга жўнатилишида Маждилдининг улуши бўлганлиги хусусида ҳеч канака сўз ва маълумот йўқ. Демак, биз бу масалага Султон Хусайн Маждилдинни ўзига якинлаштириш учун Алишерни «фаҳрий сургун» килди, леб эмас, балки Амир Алишер Астроболга давлат амнияти нуктаи назаридан жўнатилгач, давлат учун кайгурадиган содик киши сифатида Маждилдин Мухаммални олий мансабга кўтарли, леб фикр билдирилсақ, ҳакиқатта якинроқ бўлса керак. Кези келганла айтиб ўтиш керакки, бирор бир уша лавр тарихчиси Хожа Маждилдинга салбий муносабат билдирилмаган. Албатта, Навоий ва Маждилдин ўртасила ракобат бўлган. Шу жихатлан ҳам Хонламир ўз асарларида Маждилдиннинг салбий хислатларини кентрок очиши мантikan тўғри бўлар эли. Бирок у ҳам Хожанинг баъзи одатларини ёмонласа-ла, умуман, уни донишманда давлат арбоби сифатида таърифлаган. Ракобат масаласи эса алоҳида мавзу.

Олимларимизнинг талқиқотларида келтирилган карашларга келсак, улар бир-бирларига суюниб фикр юритишлари оқибатида тарихий воқеликлан четта чиқиб кетишган. Илк навоийшунослар Навоийни реал ҳаётлан юлиб олиб, уни «ҳакиқатни айтишлан кўрмаган шоир» бўлган ва Султон Хусайн унинг «захарли сўзлардан кутилиш» учун «баларга килди» каби совет тузуми манфаатига мос келса-ла, бирок тарихий воқеликка тўғри келмайдиган хulosалар билан навоийшунослик тараққиётини ҳам, маълум маънолда, нотўғри изга буриб юбориларки, хозирги кунларла ҳам баъзи талқиқотларла бу услув хукмронлик қилмоқла.

Бундан сўнг яратилажак илмий-балийи асарларда, назаримизда куйилаги нукталарга эътибор бериш лозимлигини кўрсатиб ўтмоқчимиз. Биринчидан, Алишер Навоий Султонга тобе киши сифатида ҳакиқатни барадла айта олган киши эмас, балки мавриди билан тушунтиришта уринган (Зайнилдин Восифийнинг «Бадоеъ ул-воқеъ» асарлаги Навоий ва ётимъевошлар воқеасини эслант). Иккинчидан, Навоий Хусайн Бойкарога «захарли сўз», айтиш у ёкла турсин, полшохнинг катъий қарорига қарши кескин мулоҳаза билдиришта журъят эта олмаган (у факат тўққиз мартагача полшога ўша қарор ёки масала юзасидан мурожаат этиш хукукига эга бўлган - ШС). Бу сифат фақатгина унга ва ўша лаврга нисбатан эмас, балки полшохлар ва тобеинлар ўртасидаги муносабатлар мезонини ўзгилайтидан коидалир.

## ОЛИС-ЯКИН ОВОЗЛАР

Маҳфузा УБАЙДУЛЛАЕВА

# ОРЗУЛАРИМ БИР ОХУ

Орзуларим бир оху  
юксакларда ўйнайди.  
Хаёлларим гоҳ-гоҳи  
Не қиласин билмайди.  
Сайёдларга ҳамиша  
шикор этмоқ хуморму?  
Узлатда юрган оху  
Фаддорларга дучорму?  
Сайд айлабон сайёдим  
сайёрани тутибсиз!  
Мендек кўнгли шикаста  
бечорани тутибсиз!  
Термултириб кўзларин  
кўнглига озор этманг  
Буйнига дорлар солиб

Даҳри-дунни тор этманг!  
Иккимиз ҳам охужон  
гўзалликнинг шайдоси  
Руҳимизда оғу он  
муҳаббатнинг савдоси.  
Дунё иши бир ришва  
сайёрами, сайёдми?  
Ошиқ кўнгул ҳамиша  
вайронами, ободми?  
Орзуларим сегохи  
юксакларда ўйнайдит.  
Хаёлларим бир оху  
олисларга бўйладиди.

Иштихон





ШОХ САНАМ



## ШАБЖАМТА ЧАЙИЛГАҲ ДАЛАЛАР

\* \* \*

Ёниб-ёниб очилади гул,  
Юрак каби ёнар беадад.  
О, Куйош, О, сабухий анвор  
Оlam ичра ажиб нурсават.

Шабнамга чайилган далалар,  
Софинч нурларидан сут эмган.  
Дунйо азал-охир эзгудир,  
Дунйо яшил либосин кийган.

Чексиз мавво, куббадор гумбаз,  
Пештокида азон титроғи.  
Сенинг ёдинг билан тириқдур  
Дараҳтларнинг ҳар бир йапроғи.

Бу ёнишлар кўйинида ёниб,  
Қақнус каби оловдан қил тахт.  
Ёниб-ёниб севгинг келади,  
Ёниб-ёниб ўлиш - саодат.

\* \* \*

Кўз очар дунйолар,  
кўз юмар рўйолар



Бу кун рўйоларни қатл қилгаймиз.  
Дилим,

найсонлар уйотган, оҳ дилим !

Нуриоб чайилган қалбим тиyrаси

Куйошнинг пуштидан қилган гумона

Фарзандлар туғилар: ЭЗГУлик исмли;

тилла кош;

тилла соч;

тоза туйгули...

Замин бир мўъжиза кутиб юмалар,  
Одамлар дарахтга қолар айланиб  
Лайллатул-қадрдан дуолар олар.  
Кушлар чугурлашар мастона  
Тоғларда жадийда юрадилар хур  
Хурликнинг шавқидан руҳим маст, она.  
Саҳролар,

дарйолар,

дунйолар...

Дунйолар кўз очар;

Дарйолар сув сочар;

Саҳролар чекинар;

Рўйолар кўз юмар

Бу кун рўйоларни қатл қилгаймиз

Бу кун дунйоларни адл билгаймиз.

Шоҳ САНАМ Фаргонадан. Ҳозир Фаргона Давлат Дорилфунунида ўқийди. «Ёшлик»да илк бор чиқши.



\*\*\*\*\*

Бурхон ШЕРМУҲАММАД

## ҚҰНГЛІМ ГҮЛГА КИРДИ...

БУЛОҚ



Энг баланд қояда қайнаган булоқ  
Пойингда хавас-ла термулиб бокдим,  
Жиссимда жўш уриб ҳаяжон, титроқ  
Зилол ўланингта қўшилиб окдим.

Сен кетдингу кулади фалак  
Жовдиради ортингдан олам.  
Қайтгин, қайтгин, бўлмайин эрмак  
Юрагимда очилган лолам.

\* \* \*

Оллоҳнинг ёзиги - кисматим тахир,  
Чорасизлик тортар мудхиш комига.  
Руҳимнинг ватани ўртанаар бағир  
Мен эса шеър ёзгум баҳтнинг номига.

Найлай, азобларни енгиб яшайман,  
Кўнглим гулга кирди, хаёлим ёргу.  
Умримни ҳар куни қайта бошлайман  
Кўркмам, кафас бўлса ҳар куни борлик.

Қанчалар йўлингда говлар бўлмасин  
Дардларни емириб, чопдинг мардона.  
Тепангда қанчалар тошлар кулмасин  
Энг баланд қояда кўз очдинг, мана.

Кудратинг - қалбимга узатди журъат  
Қалбларни оралаб борар умидим.  
Тиник кўз ёшимда қораладим хат  
Сендей қалб кўкида кўз очсан эдим...

Зомин

## ҮРДАБЕКЛИ

## ҚУЛДАН ЧИКҚАН ШОҲ ҚИСМАТИ

«Тарихи Мунажжимбоши» асаридан қорахонийлар сулоласига  
багишланган парча  
(В.В.Григорьевнинг 1874 йил С.Петербург нашири бўйича;  
«Туркистанский сборник»нинг 403-жилдидан олинди)

## ТУРКИСТОН ХОКОНЛАРИ ЗАКРИНДАДИР

...Бунлар Афросиёб наслиндин ўлмаларин иддио қитуллар. Йигирма нафар ўлуб дорулмулклари авоъилда Балосогун шаҳри сўнгра Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ўлмишидир. Моварауннаҳра истилолари 383 да ва инқизорлари 609 дадир. Асл мамлакатлари бунлардир: Балосогун дорулмулклари ўлан шаҳар ўлуб иқлим сабеъ ўланда, тавли 102, аързи 48 даражада. Қашгара қариб вагскидин Туркистан сарҳадидур...

Ул тошғадин Бухоро мулкинда истило эдуб аҳволи маълум ўлан Шаҳобуддавла болода зикр ўландиги узра аъзим аскар ила келуб Моварауннаҳр ўлкасини амир Нуҳ Сомонийнинг алинидин ахазу (?) бир муддат иқомат айлади. Лекин кендуйа хасталик аърз ўлуб шаҳари вахомат ҳавосиндин ўтмоқ мулоҳазасина душди ва кўчуб кейру дийорина аъзимат қилди ва аснои тариқда вафот айлади. Дини ислома инқизод арза эди ва халифа исмини хутба ўқудурди. Ерина Шамсууддавла илакхон жо нишин ўлди ва қадимдин дорулмулклари ўлан Балосогун шаҳринда қоим ўлуб падаринг эски мулкина ҳукм ёдарди. Зеро, Шаҳобуддавла фавтидин сўнгра амир Нуҳ келуб кейру Моварауннаҳри забт қўлмиси эди. 389 да самонийя давлатина ихтиил тасори ўломгана илакхон аскар чекуб келди ва Бухорий тасхир ва булдуги сомонийлари ожиз ва ҳибс айлади ва муътамад одамлариндин навобоном кимсайи вали нисба эдуб кендуси кейру вилоятини кетди. Бу аснода И smoil bin Нуҳ фараҳ (а) бўлуб ҳибсдин ҳалос ва бошина бир миқдор аскар жамъ айлайуб илакхон аскарини бузди. Бухоройи забт айлади. 390 да Илакхон кейру аъзим аскар ила келуб. И smoили бир тарафа фарор этмакла шаҳри забт айлади. Сўнгра яна И smoil келуб Илакхонни қўгди. Андиг сўнгра илак бир-икки дафъа келуб муҳказам ўлди. Оқибат вилоятини воруб аъзим тадорик кўрди ва келуб бу дафъа И smoили қочурди ва билжумла Моварауннаҳри олуб Аму ерина истеҳком верди ва Хуросон ҳокими Яминуддавла Маҳмуд ила дахи мусоҳарат айлайуб андин дахи амин ўлди. Бир муддат мувофақат узра кўчнуб сўнгра асҳоби ниғоҳ таҳлили ила оралари бузулди. Илак адоватни катам ва ахфо айлайуб Маҳмуд Мултон сафарина кетдикча сараскари - субоши Текин ила кенду биродари Жайфар текинни 396да ирсол айлади. Воруб Хуросон баладининг аскарини тасхир айлади. Сўнгра Яминуддавла Ҳиндан дўнуб кейра Хуросонни истихлос қилди. Пас илакхон гайратга келуб Ҳўтон подшоҳи Буграхондин истимдод айлади. Оқоси Туркистандин бепоён аскар жамъ айлайуб икиси бирдин Жайхунни уббур ва Хуросон узарина ҳужум этдилар. Яминуддавла қаршу келуб 397 санасинда ики кун пайопайи маҳкам жанг этдилар.

Оқибат Маҳмуд голиб келуб онлари бузди ва то Жайхун Наҳрини кечинжа таъқиб айлади. Бир муддат сурурунча тақрор Маҳмуддан ахаз ичун тадорик кўраркан 403да фавт ўлуб, ерина биродари Тўғон жо нишин ўлди. ва Яминуддавлайа элчи гўндаруб: «Алҳамдуиллоҳу икимиз дахи аҳли исломиз, аввалан, бир-бirimizла мусолаҳа ўлуб, сен куфор Ҳинд ва бен куфор турк ила газо ва жиҳода машгул ўловуз», - деди.

Яминуддавла дахи ижобат айлайуб ал монвол узорина ҳаракат айладилар. 408 да Тўғонхона бир мараз асобат айлади. Ул аснода Хитой мамоликиндин қути бениҳоя куфор чиқуб ўградуклари болода исол музрат илорак Балосогун шаҳрина уч қўноқ миқдори яқин эришидилар. Тўғон даргоҳи Ҳаққа тазарру айлайуб: «Ё Рабб, бенга бир неча кун оғоқат вер, токи бу куфорнинг шерларини аҳли ислом узариндин маън ва дафъ эдайим. Баъда ҳукм сенинг», - деди. Ҳақ таоло дуосини қабул қўлуб анга кейру сиҳат эҳсон буйурди ва нағир ом айлайуб юз ўигирми бинг миқдори аскар жамъ этди. Зеро келан куфор дахи уч юз бинг ҳайма эдилар. Аҳли исломнинг тажмалари масмұйалари ўлдуқда дўнуб кетдилар. Тўғонхон онлари уч ой қўгуб оқибат олий гафлата эришиди. Ва юз бинг қадар одам қатол ва бир ул қадарин асири айлади ва Балосогуна съвбот айладикда бо амри Оллоҳ ул мараз яна кендуйа аърз ўлуб 309 да фавт ўлди. Оқил ва аҳли адл ва инсоф ва маҳаб илм подиоҳ эди. Ерина қариндоши Шарафуддавла абул Музаффар Арслонхон жо нишин ўлди ва Ҳўтанд подшоҳи Қадиз хон ила баёнларинда ҳуруб ва фатан ҳар ён этмишибидир

Сўнгра икиси мусолаҳа ўлуб Яминуддавла узарина келдилар. Яминуддавла бу дафъа дахи галаба айлайуб турк аскарини бузди ва аксарини Жайхуна гарқ айлади. Бу аснода Хоразм подшоҳиндин табрик фатҳи машъяр элчи ва нома келди. Ҳануз ул тарафа хабар эришажак қадар вақт кечмамиши эди. Яминуддавла онлар: «Бизим голиб ўлдугимизи недин билдингиз?» - дейдукинда, «Жайхун ила диёrimиза оқуб келан тотор эканлариндин билдүк» - дейу жавоб верди. Бу воқадин сўнгра Арслон хонлигини тарк айлайуб, узлат ихтиёр қилди ва ерина Қадиз жо нишин ўлди. Бунинг замонинда Яминуддавла Туркистан узарина сафар айламак дошийасина ўлди. Зеро, кендунинг қати чўқ филлари ўлуб онларинг салват ва қути сабабила

душманларина голиб келурди. Икки дафъя Туркистон аскарина дахи филлар қути ила голиб келмии эди. Қадизхон масмуни ўлайжиқ дафъани бир тадбир булди. Халқ ичина бир сўз ишиоғ айладики: «Он шоҳ Оллоҳу Яминуддавла узарина келурса, бир неча бек арбайа ўтун тўлдирдайим ва гоят жуссали ўкузлар қўшуబ аскаримнинг ўнгинча йурудайим. Филлар олойи яқин эришдукда, ўтунлара оташ урдурайим. Оташининг хуланидин ўкузлар илару тўғри қочуб отashi филларнинг орасина суқар ва филлар зарурий уркуб кейру хурросонилар узарина дўнар ва ҳоллари табоҳ ўлур».

Бу сўз оғиздин оғиза душуб Маҳмуднинг масмуни ўлайжақ бу тадбир фаъала чиқарса, судманд ўлажагинда шитибоҳ айламайуб зарурий сулҳа майл кўстарди ва масолаҳа аъҳд ўлунуб, ҳатто икиси қоришдилар ва кўрушуబ бир сагарда таом едилар ва бир-бирлари ила мувофақат ва масоқадат айтмак узра аҳд ва паймон биркитдилар. Маҳмуд Ҳурросона альват айлайуб Қадаз Ҳовароуннаҳрда қолди. Ғазо ва жиҳода машгул ўлдилар. Машор (?) ила Ҳўтган вилоятини дахл фатҳ ва тасахир айламиши. Дар одил ва ҳасанассира подиоҳ эди. Доимо гоз қилар ва илм фазла ила чўқ сұхбат эдарди. 423 да фавт ўлуб, ерина Балосогун ва Ҳўтон ва Кошгар мулкинда Шарафуддавла Абу Шужъо Арслонхон мустақир ўлди. Зеро, Қадаз фавтиндин мақдам алинда ўлан мамоликни биродарлари ва аъумужалари бинларина тавзийиа ва тақсим айлайуб муни алаиҳининг ҳиссасина ул вилоятлар душмии эди. Кендуси багоят обид ва зоҳид одам ўлуб умринда шароб, хамр этмамиши эди. Уламоҳа ёзоз ва икром узра ўлмогла атроф ва акноғдин аниг шамъина жамъ ўлдилар.

Сўнгра биродари Буграхонки, Тароз ва Аспижоб вилоятларина ҳукм эдарди, аскар чекуб келди ва Арслонни асир ва ҳибс эдуб, кендуси ерина кечти. Буграхон билжумла Туркистон вилоятини молик ўлди. Аврот, валиаҳди тасмим ва маҳбус ўлан Арслонни дахи бўғдуруб, кендуниг ўғли Иброҳими паради сар ерина ихлос этдурди. Лекин биродарлари ила ораларина шафаҳа хултул айлайуб давлатларина истилол тарийан (этмакин) Самарқанд ҳокими Имомуддавла Абул Музаффар Тамғоч 440 да келуб ул мамолики истилол қилди. 460 да фавт ўлуб ерина ўғли Шамсул Мулк Наср жо нишин ўлди. Гўзал ҳаракатлар айлайуб 472 да фавт ўлуб, ерина биродари Ҳизрхон кечди. Муддати ясирада ул дахи фавт ўлуб, ерина ўғли Аҳмадхон ўлди. Лекин золим ва бадсийрат одам ўлмогла ҳалқ кендудин нафрат айлайуб Султон Маликшоҳ ва вазири аъзами Низомулмулк даргоҳина вордилар ва ҳоллариндин тошки айлаб айлайуб кендуларин бу балодин таҳлис этмасин рико этдилар. Пас Маликшоҳ аскарин жамъ айлайуб 482 да наҳри Жайхуни аъбур ва аъзим муҳосара ва қатол ила Сумарқанди фатҳ айлади ва хонни асир айлайуб гардан баста ҳузурина кетурдилар. Итлоқ ва икром ва Исфаҳона арсол ва анда тавқиф этдирди. Ва Самарқандда итбояндин бирисини вали насаб этди. Лекин аҳоли вилоят ва ул вилоядта ўлан хонзодалар итоат этмайуб, фитнадин холи ўлмамалари ила билзарура ҳон муми алаиҳи кейру ҳибедин итлоқ ва муҳолафат этмамак узра аҳд ва мисоҳ айлайуб мамлакатни ирсол қилди. Оқибат фавт ўлуб, ерина Маҳмудхон жо нишин ўлди. Чўқ кечмайуб ул дахи фавт ва ерина Муҳаммадхон кечди.

495да Санжар иши алинда мақтуп ўлуб, ерина Санжар таъйини ила ул вилоята Арслонхон ҳоким ўлуб, бир муддатдин сўнгра ул дахи вафот эдуб, ерина ўғли Султон Санжар наасби ила Маҳмудхон жо нишин ўлди. Бунинг замонинда 531 да Чин подиоҳи гурхон Ла Йад (?) ва Ла Йахси (?) аскар ила чиқуб Туркистон узарина ҳужум айлади. Маҳмудхон қаршу воруб муҳораба айладилар. Маҳмуд мунҳазам ўлуб Самарқандга фароз айлади ва аҳволи паришион ўлуб Султон Санжар даргоҳина фарёднома ирсол ва истимод қилди. Санжар дахи кенёдия ҳаводор ўлан мулука номалар пароканда айлайуб, юз бингдин зиёда аскар жамъ айлайуб имдода келди. 536 да тақобил сафин вуқуғ бўлуб бениҳоя аскар қирилди ва неча бинг дахи асир душди. Санжар турмади, андин Балха зор айлади. Бу вақта келанча Санжарнинг аскари бузулмиши дегил эди. Пас Туркистон аскари келуб Моварауннаҳри истилол айладилар ва 612 тарихинда Султон Муҳаммад Ҳоразмшоҳ истихлос ёдинжака ул мамолик хитойилар алинда қолди. Маҳмудхон эса Султон Санжар Ҳурсон дийорина кедуб. Санжар мастиғи хослар таъйини ила икром айлади.

Сўнгра Султон Санжар асир ўлдиги вақт Маҳмуд фиржа (фурсат) булуб Ҳурросон диёринг аксарини истилол айлади. Баъди Санжар фавт ўлмогла Маҳмуд билжумла Ҳурросона молик ўлди. Муқаддам Санжари асир айлайон гуз тоифаси бунук вақтида итоат айламак истидилар. Лекин Маҳмуд сўзларина вужуд вермайуб аскар чекди ва неча айломи лайло ва наҳора жанг ва ошуб ўлуб оқибат Маҳмуд бузулди. Гуз тоифаси воруб Марв шаҳрини истилол этдилар. Лекин маслак зулм ва аътсафи (?) солик ўлмайиб аҳоли шаҳари хуш тутдилар ва тақрор Маҳмуд тарафина одам гўндариб: «Кел, сени узаримиза подиоҳ эдалим», - дедилар. Маҳмуд яна ёътимод айламади. «Бори ўлгунчи гўндарки, анга итоат эдалим, бўйла бесару по кизмакдин безор ўлдуқ» - дедилар. Валҳосил неча аҳд ва мавосиқ ила ёътимод ҳоил ўлуб Маҳмуд ўғли Жалолиддин Маҳмуди гўндарди. Вусулинда филҳақиқа истиқбол ва камол тўқир ила ўлуб шаҳари айладилар ва андин байъат қилдилар. Пас Жалолиддин онларла воруб бир қач пора шаҳар дахи тасхир айлади. Сўнгра бобо ила ўғли орасинда элчилар воруб келдилар. Оқибат Жалолуддавла билжумла гуз тоифасила Маҳмуднинг итоатинда ўлмалари узра низом веради. Оқибат Маҳмуд ва ўғли Жалолиддин мутаъқба фавт ўлуб, ерина Тайғочхон кечди. 550 да хито турклари алинда мақтуп ўлуб ерина Жалолуддин Ҳурхон жо нишин ўлди. Бир муддат ҳонлиқ суруб ул дахи фавт ўлдуқда Усмонхон жо нишин ўлди.

Бунинг замонинда Султон Муҳаммад ҳоразмшоҳ келуб ул мамолики фатҳ ва тасхир ва Усмонни аҳаз ва Ҳоразма альват айлади. Сўнгра ҳибсдин итлоқ айлайуб қизини анга тазвиж ва ани кейру Самарқандга ирсол қилди. Бир муддат магасдин сўнгра Усмон ҳоразмийларинг таҳқиминдин безор ўлди ва бир кун Самарқандда на қадар ҳоразмий вор эса тутуб ишишар пора қишли. Хотуни қалъада ўлурди. Келдиги они дахи ҳалок айлайа. Аврот қалъа қапуларин қапайуб, йанинда булунан аъвани ила мудофааиа қийом гўстарди. Ва: «Бен бир авратам ва сенинг хотунингам. Беним бу аролиқда журмим надурки, қатлима қасд эдарсан, падарим ила не ҳолак вор эрса кўр» - дейу хабар гўндаруб. Ҳоло Усмон бу шидин фарогат қилди. Бу тарафда Ҳоразмшоҳ вақаъдин хабардор ўлдуқда бошина қиёмат қўйуб, ул дахи Ҳоразмда булунан хитойилари қирмоқ истиди. Волидаси: «Бунларинг не журми вордир», - дейу манъ этди. Дар аъб аскарин жамъ айлайуб келди ва Самарқанди маҳосара ва маҳкам жанг ва ҳарб ила аҳаз ва горат ва Усмонни аҳаз ва қатл айлади. Бу важҳла мунқироз ўлдилар.

## И З О Х:

и́ддио - даво  
ўлуб - бўлиб  
аво́йил - аввал  
са́бель - етти  
ҳариб - якин  
дахи (даги) - яна; ҳам  
бала(да) - юқори(да)  
тоиъфа - сулола; қабила  
зудуб - этиб  
ўландиги - бўлганидай  
али, алинди - қўли, қўлидан  
иқомат - истиқомат, яшаш  
кенду - ўзи  
ваҳомат - ёқимсиз  
кеи́ру - қайта, кетига  
асон тарикда - шу зайлда; шу ҳолатда  
инқийад - ихлосли  
йэрина - ўрнига  
жо нишин - таҳтни эгаллади, таҳртга ўтириди  
иҳтилол - эгаллаш  
аскар чекуб - қўшин тортиб  
булдуги - топган, қўлиги тушган  
мұтадамат - ўзига якин, тобеъ  
фараҳ - озод  
иляхон - Корахонийларнинг олий мартабаларидан.  
Умуман, Корахонийлар подшолари ҳам иляхонлар  
дейтилади.

қўғди - қувди  
истеҳком верди - истеҳком қурди  
Яминуддова Маҳмуд - дунёга машҳур саркарда,  
подшоҳ, илм ҳомийси, қурувчи шоҳ - Маҳмуд Фазнавий

масалҳа - сулҳга  
сагар - идиш  
аъват айлайуб - қайтиб  
Машар (жой номи) - Хўтанг якин жой номи  
Фаз - ғазот  
бинларина - болаларига  
кучук - кичик  
насирада - якин, қисқа  
рижо эт - илтимос қил  
Пас - кейин  
Насаби - бу ерда хоҳиши, танлаши маъносида  
гурухон - Корахонийлар давлати емирилишида муҳим  
рол ўйнаган, тарихда қорахитойлар деб номланган тангус  
- мўғул қабилалари иттифоқи бошчиси. маъжусийлар.  
Бу манбада хитойилар шундай деб номланади.

ҳавадор ўлан - қарашли, боғлиқ бўлган  
бузулмиш дегил - енгилган эмас.  
эдинча - эткунча  
бунук - алғов-далғов, қийин  
кўндариб, гўндаруб - юбориб, жўнатиб, йўнатиб  
кизмак - яширинмоқ  
бир қач - бир қанча  
мутавқба - кетма-кет  
мақтул - ўлдирилиб  
штоқ - эркин, озод  
тазвикжи - завжалик, хотинлик  
иқкишар - иккинчи, икки бўлак  
қапайуб - беркитиб, ёниб  
қапуг - эшик, дарвоза

\* \* \* \*

Муаллиф - дарвиш Аҳмад афанди (1040-1113 ҳижрий, 1630-1701 мелодий й.) усмонли сulton Мұхаммад IV саройида бош мунажжимлик лавозимини ўтаган. Ўша пайтларда ислом мамлакатлари ўтмишини акс эттирувчи «Тарихи Мунажжимбоши» асарини араб тилида яратади. Бу асарни 1132-1142 йилларда (1719-1729) Нодим афанди турк тилига таржима қилган. Бу таржима 1868-69 йилларда Истамбулда уч жилдлик асар ҳолида нашр этилади. Машҳур тарихчи В.В.Григорьев мана шу асардан - Нодим афанди таржимасидан фақат қораҳонийларга таалуқли қисмини ажратиб олиб 1874 йили Санкт-Петербургда араб ёзувидағи матни ва русчага таржимасини изоҳлари билан «Караҳониди в Мавераннагре по тарихи Мунажжим Баши» номи билан нашр қилади. Григорьев буни шундай изоҳлайди: «V ва VI ҳижрий юзийилликларда (мелодий XI-XII) Мовароуннахрда ҳукмронлик қилган бу туркий сулоланинг тарихи мусулмон Шарқида ҳам Оврупада ҳам энг қоронғу ва ниҳоятда кам ўрганилган тарихий даврdir». Биз ҳам ушбу асардан парчани «Туркестанский сборник» мажмуасининг 403-жилцидан оддик ва араб ёзувидан кирил ёзувиға ўтиридик. Зоро бу бизнинг тарихимиз ёдгорлиғи бўлиш билан бирга XVIII аср бошлари туркий адабий тил ва унинг вариантилари ҳақида қимматли фактик манба ҳам бўлиб хизмат қилади.

Ушбу кичик матн тарихимизнинг ўрганилиши зарур бўлигандарига - қораҳонийлар, ғазнавийлар ва қорахитойлар замони ҳодисаларини ойдинлаштириш эмас, балки бу сулолалар ўртасидаги дипломатик ва ҳарбий муносабатларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айнисса, икки машҳур туркий сулола қораҳонийлар ва ғазнавийлар орасидаги сиёсий ва дипломатик муносабатларни аниқлашга ёрдам беради. Хоразмшоҳлар сулоласининг оз бўлса ҳам, мазкур туркий сулолалар билан алоқаси ёритилади. Кичкина матнда тўрт туркий сулола: қораҳонийлар, ғазнавийлар, салжуҳийлар, хоразмшоҳлар ҳамда икки бошқа сулола - сомонийлар, қораҳитойлар ҳақида гап кетади. Бизнинг тарихий асарларимизда қораҳонийлар ва ғазнавийлар бир-бирига ашаддий душман сулола: мусулмон дунёсининг кўпроқ қисмидаги ҳукмронлик қилиш учун ўзаро келиша олмаган, таъбир жоиз бўлса, ярим ваҳший сулола сифатида ҳавола қилиниб келади.

Бирок юқоридаги манба кўрсатадики, биз узоқ ўтмишдаги ўзимизни - ота-боболаримизни бесабаб қоралаб келган эканмиз. Бу «Яrim ваҳший» ота-боболаримиз анча муддат бир-бири билан иттифоқда яшаб келган эканлар ва ўз қиличи тифини гайридинларга қаратган эканлар. Байридин душманлар - босқинчилар босиб келганида (қораҳитойлар) улар биргаликда унга қарши кураш олиб боришган экан. Дикқатни жалб қиласиган бир ўрин бор: қораҳонийлар сомонийлар ёки ғазнавийларга ҳужум қиласар экан, ёки ғазнавийлар қораҳонийларга, хоразмшоҳлар

мазкур ҳар икки сулолага ҳужум уюштирап экан, уларнинг бирортаси босқинчи сифатида талқин қилинмайди. Чунки бу ички жанглар бўлиб ҳокимият ва мавке учун кураш хисобланарди. Аммо матнга дикқат қиласангиз қорахитойлар босқинчи гайридин душман сифатида баҳоланади. Лекин улар ҳам Туркистоннинг бир қисмини қўлга киритганидан кейин бир оз муддат ўтгач, Туркистон - «турк аскари»га айланади. Бу ушбу сулолалар мафкурасида муштараклик борлигига далил бўлади. Ана шу муштарак мафкура - ислом дини ва уни кенг тарқатиш foяси мазкур сулолалар орасидаги ўзаро урушларни баъзан тўхтатиб қолиш кудратига эга эканлигини ҳам матндан илғаб олиш мумкин. Демак, биз тарихчилигимизга янгидан баҳо бериш ниятида иш бошлаган эканмиз, ўтмишишимиздаги ҳар бир даврга ва ўша давр қаҳрамонларига объектив ва ҳалол ёндошиш билан бирга улар - биз - бизнинг ота-боболаримиз эканлигини ҳам бир дақиқа ёддан чиқармаслигимиз керак.

Халқ, айниқса унинг етакчи кисми билан зиёлилар, ўз ота-боболари фикрлаш тарзи, ҳаёт туруми, дини, урфидан мутлақо юз ўйрса, у муқаррар ҳалокатга учрайди. Кўшинидан олган нарсалар ҳисобига ҳеч ким бой бўлмаган!

Аввал ўз тарихини мукаммал ўрганиб, сўнг дунё тарихига ўтмоқ жоиз. Буюк Амир Темур ҳинд ҳарбий филларига қарши қўллаган тадбир бизга соҳибқироннинг даҳо салоҳияти бўлиб кўринади, аммо юқоридаги матнни мутолаа этсак, бу тадбир бир неча кўринишига эга бўлиб, Амир Темур ўша тадбирлар билан аввалдан таниш бўлган деган асосли фикрга борамиз. Бу ўз навбатида Амир Темур жиддий ўқиб-ўрганган; ўтмиш боболар ҳарбий стратегия ва тактикасидан жуда яхши маълумотга эга деган хуносага ҳам олиб келади.

Ҳарбий саркарда, соҳибқирон сифатида Амир Темур ёлғиз бўлиши мумкин эмасди, у ўз салафларига эга бўлиши кўпроқ табиийдир. Ана шундай муносиб ўтмишдошлидан бири - Султон Маҳмуд Сабук тегин ўғли - Фазнавийдир. Абу Наср ал Утбий «Тарихи Йаминий» асарида келтиришича, сомоний Нух давридаёқ отаси Сабуктегин Насируд-дин (дин ҳимоячиси) ва ўзи (Маҳмуд Фазнавий) Сайфуддавла (давлат киличи) унвонларига сазовар бўлади. Кейинроқ эса Йамин уд давла ва амин ал Милла (давлат таянчи ва миллият кўриқчиси) унвонларига мушарраф бўлади. Яна ўша муаллифнинг келтиришича, Маҳмуд Султон ҳам бир жанг олдидан аскарларини кўрикдан ўтказган. Ўнг ва чап қанотларни белгилаб, илғорга ҳарбий филларни жойлаштирган ва ўзи доим кўшин марказидан ўрин олган.

Султон Маҳмуд Фазнавий Захириддин Муҳаммад Бобур таърифида: «Сабук тегин бирла Султон Маҳмуднинг ва авлодининг пойтахти Фазни экандур... Султон Маҳмуднинг қабри Фазнининг маҳаллотидадурким, Султон қабри анда учун Равза дерлар... Асрุ муҳакқар ердур. Подшоҳларким,

Хиндистон ва Хурросон аларнинг забтида экандур, Бовужуди Хурросонот нечук мундок муҳакқар ерни пойтахт қилдилар экан, ҳамиша таажжуб күлурлар. Султон Маҳмуд замонида уч-тўрт банд бор экандур, бир банд ушбу Фазни суйида. Фазнидан шимол сари уч йигоч сув юқкори Султон улуғ бир банда солибтур, бу банданинг баландлиги кирк-эллик қари бўлгай, узунлиги тахминан юз қари бўлгай, сувни анда заҳира килиб, бақадри эҳтиёж экинга сув очарлар экандур».

Н. Павлов (XIX аср) «История Туркистана»да Маҳмуд Фазнавий ҳакида бундай фикрда: «Осиёнинг буюк кишиларидан, темир иродали, душманига шафқатсиз... Хиндистонда мусулмон империясига асос еолган, отаси ҳам, ўзи ҳам илм ва санъат ҳомийси бўлган, ўз саройини фанлар академияси даражасига етказган: Ал Беруний, тарихчи Абу Наср, Ибн Сино ва Фирдавсийларни қаноти остига олган».

Умуман, то XX аср биринчи чорагигача кўпчилик, яъни ҳалқ ва зиёлиларнинг катта кисми Султон Маҳмудни ўтмишишимиздаги даҳолардан бири сифатида эслаб келган. Жуда кўп ҳалқ ҳикоятларида номи тилга олиниши билан бирга, ҳалқимиз оғзидан ҳамон «Фили Маҳмуд бўлсанг ҳам» ибораси тушгани йўқ. Хўш, нима учун шундай улуғ зот бизнинг замонамизга келиб, «синифий душман» бўлиб қолди? Бизнингча, бунинг сабабларидан бири «кўпга келган тўй» бўлиб, мустамлака шароитида ҳар қандай ҳарбий улуғларимиздан воз кечиш зарурати бўлса, иккинчисига буюк Фирдавсийга бўлган муҳаббатимиз. Буни сал кейинроқ изоҳласак, ҳозир қисқача Маҳмуд Фазнавий ҳакида:

Асли Тошкент туркларидан бўлиб, шу ерда кул сифатида сотилиб, сомонийлар салтанатида зийраклиги, довюраклиги, софдиллиги, вафодорлиги ва ҳарбий қобилияти туфайли кул-аскардан йирик лашкарбоши даражасига кўтарилиган. Нуҳ Сомонийдек подшоҳ салтанат ишларида кўмагига муҳтоҷ бўлган Сабук тегиннинг ўғли эди. Сабук тегин вафотидан сўнг Маҳмудга ўртacha мустақил беклик мерос қолади ва мана шу беклик замонасининг йирик империясига айланади. Султон Маҳмуднинг ҳарбий маҳорати, ташкилотчилиги ва одиллиги ҳакида жуда кўп тарихий манбалар гувоҳлик беради. Ҳатто биз ҳавола қилган ушбу кичик матндан ҳам буни илғаб олиш мумкин. У илм-фан ҳомийси, ашаддий курувчи, адабиёт шайдоси эканлигини ҳикоятлар, ривоятлар тасдиқлади.

Аммо Маҳмуд Фазнавийга, унинг ҳарбий истеъоди, давлатчиликдаги қобилияти, қурувчиликдаги ютуқлари, илм-фанга муҳаббати, ободончиликка рағбатидан келиб чиқиб эмас, балки унинг Фирдавсий «Шоҳнома»сига муносабатидан келиб чиқиб баҳо бериш ҳамон ўз кучини сақлаб келмокда.

Деди: «Сомга ўхшар бу ёш паҳлавон  
Жаҳон ичра пайдо бўлуб ногаҳон

*Бу озодалардан ва олий насаб  
Қачон келди Турон ерига ажаб...*

\*

*Яна бир сўзим бор, эшит бобма-боб  
Хабар топмасин бундан Афросиёб  
У Рустамга душман, абад ёв эрур  
Турон иши ундан дод, ингров эрур.*

\*

*Үлди от зарбидан уч киши  
Бароридан келмай туркларнинг иши.*

\*

*...Битта от берсинглар ва оғир гурзи  
Келсин туркдан мингта бошлиқнинг ўзи  
Қолса ўша жангда мингдан битта сог  
Атамагин мени ботир деб у чоқ.*

\*

*Туронийлар ичра ким келса қарши  
Шу ханжарим билан кесилар боши.*

\*

*Юртимииздан ўтар Турон сарҳади  
Уларнинг дастидан тоқат қолмади.*

\*

*Шоҳ тожи қуёшга етиб олди жой  
Турондан йўқолди тожу таҳт, сарой*

\*

*Бадният турк танин айлайман бежон  
Қонидан тошларни айлайман маржон.*

\*

*Кейин шаҳдам юриб шунда шоҳ томон  
Қасос-чун Туронга бўлардим равон.*

\*

*Чину Мочин аро қолмас сувори  
Қаҳримга ийлиқар жанггоҳда бари.*

\*

*Ҳатттоки қушлару сувда булбуллар  
Афросиёбга ўч билан тўлиқлар.*

\*

*Жаҳонда ботир йўқ Сиёвушсимон...  
Туркларга уйланмас эди ҳеч қачон.*

\*

*Турон сарлашкари сенга аёндир.  
Гуноҳга ботганодир - ҳоли ёмондир.*

\*

*Гумроҳ турк устидан голиблиқ қиласай  
Сенинг зафарингни илтижо қиласай*

\*

*Зог каби қопқора туркзода нечун  
Тогда лашкар ийлин тўсади букун.*

\*

*Ёвуз турк бу сўзни эшитган замон  
Қалтираб, қўшинга қичқирди чунон.*

Ушбу мисралар барчаси Эронга муҳаббат руҳи билан сугорилган. Эронга муҳаббат, «Кутлуг» заминига ва элига севги туйғуларини ифодалаш - бу миллатсеварлик ва ватанпарварликдир. Фирдавсийнинг буюклиги ҳам шунда.

Яратувчига шукрки, Султон Маҳмуд Фазнавий

халқни ота-боболар, замондошлари ва ўзи ҳамда келажак авлодлар жамъидан иборат деб тушунадиганлар тоифасидан экан. Ўша уч узвий бўғиннинг ҳеч бири манфаатига хилоф иш тутмаслик ҳақиқий миллатсеварлик, асл инсон кисмати эканлигини тушуниб етган. Туркни, туркликни унинг тупроғи Туронни, Туркистонни, Эроннинг душмани - демак, яхшиликнинг душмани деб ўқувчига тушунтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган аллома қанча улуғ бўлмасин, унга мукофот бериш, уни мақташ фақат Маҳмуд Фазнавийдек улуғ зот учунгина эмас, балки оддий турк аскари учун ҳам ҳалқи, уруғи олдида кечирилмас хоинлик ҳисобланарди. Афсус ва яна афсус, биз ўша турклар авлоди бўлишимизга қарамай, Маҳмуд Фазнавийдек маданият учун борини аямаган зотга фақат ўз ўлчовимиз - бизда кейинги пайтда ҳукмрон бўлган нафс нуқтаи назаридан ёндошдик. Агар у «Шоҳнома»ни ўқиб укмай Фирдавсийни олтинга кўмганида Фазнавийни «адабиёт ҳомийси» деб кўкларга кўтаратармидик!

Ха, тарихимиздаги маънавий кураш жараёнини ўрганишдан анча четда қолдик, шекилли. Биз ўз-ўзимиизга беписандлик билан қарашимиз натижасида, ота-боболаримиздаги маънавият, фууруга ҳам эътиборсизлик билан ёндошдик. Султон Маҳмуд Фазнавийнинг вафоти ҳам ўзига хос бўлган. Оғир касалланган ва ўлими яқинлигини ҳис қилган Маҳмуд Фазнавий ўз жанговор қўшини билан видолашибни истайди. Оғир хаста Султонни саройнинг очиқ деразаси олдига суюб ўтқизиб қўядилар. Мана шу дераза олдидан унинг севимли қўшини оҳиста қадамлар билан бирма-бир ўта бошлайди. Ёстиққа ёнбошлаганча Султон Маҳмуд ўз сафдошлари дийдорига охириги марта тўйиш ниятида бўлади (дераза олдидан 100 минг пиёда, 50 минг отлик аскарлар ва 1300 жанг филлари ўтади). Ана шу манзара охирида ёстиққа ёнбошлаганча жон беради (1030 йил). У - қулдан чиккан шоҳ: ўз аскарларини сафдош деб билади ва рози-ризоликнинг сўнгини ҳам улар билан қиласади.

Хуллас, ўтмишимизда гап кўп, лекин биз ўтмишимизда билан мақтанишни эмас, ўтмишимизни ҳозиримиздан ажратмай тушуна олсан, уни таржимаи ҳолимизнинг бир узвий кисми деб билиб, унга фақат фахрланиш манбаи сифатидагина ёндошмай, яхши-ёмонини бирдай қабул қиласаккина, келажагимизга бемалол тикилардик.

Ушбу мақолани «туркистон пири» Яссавий шоҳ Маҳмуд Фазнавий тилга олган тўртликни келтириш билан яқунлашни истардик:

*Фариблиқда юз ишл турса эрур меҳмон,  
Тахту баҳту бўстонлари эрур зиндан.  
Фариблиқда қул бўлди ул Маҳмуд Султон,  
Эй ёронлар, гурбат ичра куйдим мано.*



# МАНГУ ЯРАТГУВЧИГА ЭХТИРОМ

**Кодировнинг «Олмос камар» романида  
табиат ва инсон муносабатлари**

Табиат - яратгувчимиз. Шу сабабли ҳам биз уни суйиб «Она» дея атаймиз. Инчунин, табиатта эхтиром, меҳр-муҳабbat бизнинг фарзандлик бурчимиз эмасми?

Инсон тафаккури, руҳиятининг энг олий маҳсул - бўлган бадиий ижодда табиатнинг улуглиги, бетакорлиги, ягоналиги ўзининг тўлик ињикосини топади. Зеро, асл ижодкор табиатни тасвирлаётгіб калб туйгуларига да эрк беради; гўё куюқ бўёклар воситасида хаёт гўзаллигини яна бир бор мадҳ этмоққа, эътироф килишга чоглангандек.

Тўғри, табиат ижодкор учун илҳом манбаи, бирор табиатнинг ўзини кўйлаш, унинг саҳоватидан баҳраманд бўлишга чорланӣ, энг муҳими - гузалликни асраршга чакирув барча қалам аҳлида ҳам бир хилда кечавермайди. Шу жиҳатдан олиб қаранганд, ёзувчи Пиримкул Кодировнинг «Олмос камар» романида табиатга муносабат масаласи ўзига хос тарзда кўйилганини алоҳида кайд этиб ўтиш жоиз. Аввало, бундан чорак аср бурун яратилган бўлса-да, ундаги муаммолар, мураккаб образлар силсиласи ҳали-ҳамон алабиёт муhibларини ўзига жалб килиб келаётганининг ўзиёқ романнинг умрузоклигидан далолат бериб турмаётими...

«Олмос камар»да Тошкентдек шаҳри азимимизнинг кайта курилаётган пайтидаги муаммолар, курилишларда шарқона миллий гузалликларни замонавий унсурлар билан уйгунлаштириш, умуман, табиат ва инсон муносабатлари муаммоси кенг таҳлил этилган.

Фалакнинг гардишини қаранг, камина ушбу мақола ёзилиши арафасида «Минг бир кеча» зартакларидай киска фурсат ичиде бениҳоя гузаллашиб кетган, шу билан бир каторда миллий ўзига хослигини саклаб колган, асл шарқона Тошкент кўчаларини, хиёбонларини пиёда кезарканман, кўнгилдан бир фикр ўтдики, пойтахтимизнинг бундок обод ва кўркам бўлишида отахон ёзувчимиз суйиб тасвирлаган Аброр сингари фидойи миллиятдошларимиз, юргашларимизнинг улкан ҳиссаси бор эмасми? Асар ахир фактат ер ости эмас, аксинча, кўпроқ ер усти муаммолари, аниқроғи табиат гўзаллигини асрар қолишга интилган жонкуяр мейморлар, курувчилар ҳакида тулиб-тошиб битилган-ку!

Ёдингизда бордир, асар муқаддимасида ёк табиатнинг ёрқин бўёкларда акс этган тасвири берилган. Назаримда, бу ерда ёзувчи маҳорати билан бир каторда чукур рамзийлик ҳам бордек. Шунингдек, учинчи қават айвонида туриб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олаётган бош қаҳрамон Аброр урбанизация шароитида Тошкентни табиат кучогида асрар қолиш, табиат гўзалликларига заҳа етказмаслик, хусусан, минг йиллик чинорларга озор бермаслик ҳакида мушоҳадаларга толади. Фикри ожизимча, асарнинг дастлабки саҳифаларида ёк куёш нури билан бир каторда Аброрнинг фарзандлик меҳри, она-табиатга муҳаббати ҳам шаҳар узра тараляётгандек...

Зеро, табиат нақадар қудратли ва айни пайтда нозик гул янглиғ нақадар парваришга, меҳрга муҳтож! Шу ўринда меъмор Аброрнинг «табиатни муҳофаза килиш... одамни ҳимоя қилиш билан баробар» деган чукур мулоҳазаси асар тоғисининг қизил ипи бўлиб ўтганини яна бир бор таъкидлаб ўтиш даркор.

Аброр ўз Ватанини, ҳалкини, тарихини севадиган зиёли йигит Муҳими, бўндан туйгулар қаҳрамонимиз қалбига ёшлигидан, табибур жоиз бўлса, она сути билан кирган. Демак, Ватанга, она-табиатта муҳаббат инсонга қанчалик ёшлигидан сингдирилса, шунчалик кўпроқ ижобий самара бераркан. Демак, ўз-ўзидан келиб чиқадиган хулоса шуки, бугунги ёшларимизга ҳам табиатга муҳаббат руҳини сингдиришга ҳаракат қилмоғимиз жоиз. Илло, бозор иқтисодига ўтиш даврининг баъзи бир кийинчилклари тез орада бартараф бўлиб кетади, табиат эса биз билан мангу!

Хусусан, Тошкентнинг табиий гузаллигини саклаб қолиш, уни шарқона гўзап пойтахтта айлантириш айнан табиат шайдоларининг, Ватанпарвар ижодкорларининг эзгу сайд-ҳаракатлари туфайли содир бўлди-ку. Назаримда, чорак аср бурун ёзилган «Олмос камар» романидан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан бири ҳам шу.

Албатта, мўжазигина мақола доирасида каттагина бир роман доирасида тилга олинган муаммоларни ёритишининг асло иложи йўқ. Шунинг учун ҳам юқоридаги кайслар ушбу уринишнинг бир кирраси сифатидагина қабул килингани тўғрироқ бўларди.

**Замира ЖАЛМАТОВА, Жиззах**